

ФАРРУХБЕК ОЛИМ

АЛИШЕР НАВОИЙ
МАНОҚИБ-ҲОЛОТЛАРИДА
БАДИИЙ-ПУБЛИЦИСТИК
МАҲОРАТ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

ФАРРУХБЕК ОЛИМ

**АЛИШЕР НАВОИЙ МАНОҚИБ-ҲОЛОТЛАРИДА
БАДИИЙ-ПУБЛИЦИСТИК МАҲОРАТ**

**ТОШКЕНТ
«ТАМADDUN»
2022**

УЎК 821.512.133

КБК 83.02 (У)

О 54

Фаррухбек Олим, Алишер Навоий маноқиб-ҳолотларида бадий-публицистик маҳорат. Монография, [матн]. – Т.: «TAMADDUN», 2022. – 280 б.

Комил инсон ғояси мусулмон Шарқи мумтоз адабиётининг бош ғояси ҳисобланади. Мукамал шахс бўлиш мартабаси эса бутунлай эришиб бўлмайдиган мақом эмас.

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Мир Алишер Навоий реал ҳаётда ҳам комил инсонларни учратди. Унинг назарида пири ва устози Абдураҳмон Жомий, замондошларидан Саййид Ҳасан Ардашер ҳамда Паҳлавон Муҳаммад ана шундай олий даражага етган зотлардан эди. Шунинг учун у ана шу уч буюк шахсият ҳаёти ва фаолиятини ёритишга бағишланган “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” маноқиб-ҳолотларини битиб, улар эришган юксак мартабани, аввало, ўз замонаси ўқувчилари, қолаверса, келажак авлод китобхонлари учун намуна қилиб кўрсатди.

Бу асарлар кўп-кўп хусусиятлари билан Шарқ сўз санъатидаги анъанавий маноқиб-ҳолотлардан фарқ қилади. Буларда ҳам мамдуҳнинг инсоний-ирфоний сифатлари акс эттирилса-да, муаллифнинг таърифланаётган зотга шахсий муносабати, берган баҳоси, нуқтаи назари етакчилик қилади.

Ушбу монографияда бу уч маноқиб-ҳолотга Навоий насрининг етук намунаси сифатида қаралиб, уларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлилга тортилади, табиийки, буюк қалам соҳибининг бадий-публицистик маҳорати ҳам ёритилади.

Китоб олий таълим муассасалари профессор ва ўқитувчилари, мактаб, лицей ва техникумлар муаллимлари, талабалар, шунингдек, кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ,
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

Гулноз ХАЛЛИЕВА,
филология фанлари доктори, профессор

Латофат ТОШМУҲАМЕДОВА,
филология фанлари номзоди, доцент

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Илмий кенгашнинг 2022 йил 30 майдаги № 9/6-8-2 сонли йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-8417-6-5

© Фаррухбек Олим, 2022.

© «TAMADDUN», 2022.

Жаҳон сўз санъатида буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Низомиддин Мир Алишер Навоий шу қадар бой мерос қолдирдики, ҳозирги замон унинг серқирра ижодини, адабиётшунослик, тилшунослик, фалсафашунослик, тарихшунослик каби ўнлаб фаннинг турли тармоқлари қатори, публицистик нуқтаи назардан ҳам ўрганишни талаб қилмоқда. Улуғ қалам соҳибининг деярли ҳар бир асариди ўз замонаси ва замондошлари, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, адабий-маданий муҳитга муносабати яққол акс этиб туради. Навоий бадий асарларидаги қаҳрамонлар образи орқали комилликни тарғиб қилган бўлса, ўзи билан ҳамнафас яшаган реал инсонлар сиймосини маноқиб-ҳолотларда тавсиф этди. Буюк шоир наздида комил инсон рутбаси эришиб бўлмас даража эмас, балки бу мартабага қайсидир маънода етган шахслар – ҳаётда мавжуд. Адибнинг назарида Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад сиймоларида комил инсон ўз инъикосини топган.

Дунё адабий меросида Навоий ижоди алоҳида, ўзига хос, такрорланмас саҳифани ташкил этади. Бу улуғ сўз санъаткори асарларини ўрганишга қизиқиш халқаро миқёсда тобора ортиб бораётгани ва асарларини турли тилларга таржима қилиш кучаяётгани ҳам бежиз эмас. Тадқиқотимиз объекти ҳисобланган маноқиб-ҳолотларга ҳам Озарбойжон, Россия, Тожикистон, Туркия ва бошқа мамлакатлар олимлари томонидан мурожаатлар бўлган. Зеро улкан ижодкорлар маънавий меросини тадқиқ этиш, асарлари туб мазмун-моҳиятига етиш учун, аввало, уни ўраб турган адабий муҳит билан яқиндан танишиш талаб қилинади. Бу эса буюк қалам соҳибига таъсир ўтказган, у билан ҳамнафас бўлган шахслар фаолиятини ҳам ўрганишни тақозо этади. Чунки ҳар бир шахснинг камолга етишида унга йўл-йўриқ кўрсатган, таълим-тарбия берган, бевосита таъсир ўтказган инсонларнинг алоҳида ўрни бўлади. Шу нуқтаи назардан Навоийнинг устозлари, ёру биродарлари, яқинлари ҳамда замондошлари ҳақида ўзи ёзиб қолдирган маълумотлар энг муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бунини ўрганиш

эса қатор масалаларга ойдинлик киритиш учун асос бўлади.

Мамлакатимизда маноқиб-қолотлар мазмун-моҳияти, бадиий хусусиятлари, унда устоз-шогирдлик, пир-муридлик, таълим-тарбиянинг ўзига хос жиҳатларини илмий тадқиқ этиш фақат адабиётшунослик ва публицистика нуқтаи назаридан аҳамиятли бўлган вазифагина эмас. Бу асар орқали биз миллий тарихимизнинг икки буюк зот ва улар атрофидаги воқеа-ҳодисалар, ижтимоий муносабатлар, XV аср иккинчи ярмидаги сиёсий, ижтимоий, маънавий, диний-тасаввуфий, адабий-маданий муҳит, ўша даврда улуғланган миллий ва умуминсоний қадриятлар билан яқиндан танишамиз. Темурийлар даври тамаддуни тараққиётига асос бўлиб хизмат қилган инсон омили, яъни шахс камолоти билан боғлиқ тамойиллардан хабар топамиз. Ҳозирги даврда ҳам буюк шахсларнинг вояга етишида илм-маърифат, таълим-тарбия, устоз-шогирдликнинг нақадар катта аҳамияти борлигини теран англаймиз. Маноқиб-қолотларда комил инсонлар портрети кўз олдимизда яққол гавдаланади ва бунга айнан яна бир комил инсон, яъни Навоий қалами яратган. Маноқиб-қолотлар тасаввуф, хусусан, унинг нақшбандия тариқати вакиллари ҳаёти ва фаолиятини ёритиш учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Маноқиб-қолотларда комил инсон портретини яратишда Навоийнинг бадиий-публицистик маҳоратини илмий асосда тадқиқ этиш фанимиз олдидаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Алишер Навоийнинг насрий асарлари дунёнинг етакчи олий таълим муассасалари, илмий марказлари томонидан ўрганилмоқда. Хусусан, Ғарб тадиқиқотчилари томонидан Навоий асарларини Европа тилларига таржима қилиш, улуғ қаламкаш асарлари мазмун-моҳиятини Ғарб афкор оммасига етказиш бўйича The University of California (АҚШ), University of Chicago (АҚШ), Indiana University (АҚШ), University of Cambridge (Буюк Британия) каби таълим даргоҳларида талай илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Қардош давлатлар олимлари томонидан эса Навоий маноқиб-қолотлари транслитерацияси, шунингдек, насрий асарлари бадиияти бўйича İstanbul Universitesi (Туркия) Azərbaycan Milli

Elmlar Akademiyasi Nizami Gʻancavi adina Adabiyot Institutu (Ozarboijon), *Еуразия Ұлттық Университети (Қозоғистон) каби университет ва марказларда илмий тадқиқотлар изчил амалға оширилмоқда.*

Тадқиқотимиз объектларидан бири ҳисобланган “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” ўзида ҳам Жомий, ҳам Навоий ҳаёти ва ижодини акс эттиргани сабабли бу маноқибга Тожикистонда ҳам ноёб манба сифатида ёндашиш шаклланган. Шу туфайли маноқиб бир неча бор тожик тилига таржима қилинган. Шунингдек, маноқибни ўрганиш бўйича қатор илмий даргоҳлар, жумладан, Хужанд давлат университети (Донишгоҳи давлатии Хучанд) да илмий изланишлар давом эттирилмоқда.

Жаҳон навоийшунослигида Навоийнинг насрий, бадий-публицистик маҳорати, комил инсон ҳамда тасаввуфий ғояларни тарғиб этиш масалалари бўйича қуйидаги йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: мутафаккир комил инсон ҳақидаги қарашларининг тўқима ва реал шахслар сиймосида акс эттирилиши; диний-ирфоний ғояларнинг шеърӣ ва насрий асарларидаги инъикоси; улуғ шоир замондошлари фаолияти билан яқиндан танишиб, ўша даврдаги адабий-маданий муҳитни тадқиқ этиш орқали қаламкашнинг замондош шахс образини яратиш маҳоратини ўрганиш.

Навоий маноқиб-ҳолотларига ҳам адабиётшунослик, ҳам публицистик нуқтаи назардан тадқиқотчилар томонидан мурожаатлар қилинган. Жумладан, С. Айний, Е. Бертельс, П. Шамсиев, А. Афсаҳзод, А. Мирзоев, Ш. Шомуҳаммедов, И. Султонов, А. Қаюмов, А. Ҳайитметов, Н. Комилов, С. Ғаниева, Р. Воҳидов, И. Ҳаққулов, Э. Шодиев, Э. Очилов ва бошқа қатор олим ва тадқиқотчилар ишларида асарнинг Навоий ижодида тутган ўрни ёритилган¹. Ё. Исҳоқов, Қ. Эргашев мақолаларида эса бу адабий

1. Айний С. Танланган илмий асарлар. – Тошкент: Фан, 1978; Бертельс Е. Э. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965; Шамсиев П. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий. – Тошкент: Фан, 1966; Афсаҳзод А. Лирика Абд ар-Раҳмана Джами. Проблемы текста и поэтики. – Москва: Наука, 1988; Мирзоев А. Сездах мақола. – Душанбе: Ирфон, 1977; Шомуҳаммедов Ш. Форс-тожик адабиёти классикари. – Тошкент: Уздавнашр, 1963; Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2010; Қаюмов А. Назм ва тафаккур кўеши. – Тошкент: Фан, 1992; Яна ўша / Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. –

ёдгорликнинг жанрий хусусиятлари ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилган². Ш. Ҳайитовнинг докторлик диссертациясида Навоий насрида комил инсон образи масаласи маноқиб-ҳолотлар ва бошқа насрий асарлар асосида очиб берилган ҳамда ушбу сатрлар муаллифининг филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияда “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” бадийяти махсус тадқиқ этилган³.

О. Тоғаев, М. Худойкулов, Б. Дўстқораев, Ю. Ҳамдамов ва бошқалар ўз илмий изланишларида Навоий маноқиб-ҳолотлари, шунингдек, хатлари публицистик манба эканини қайд этишган⁴. Шунингдек, Навоийнинг бу типдаги асарларини публицистик нуқтаи назардан чуқурроқ таҳлил этиш таклифини ўртага ташлашган.

Ўзбек адабиёти ва публицистика тарихи ўрганилган турли тадқиқотларда Навоий маноқиб-ҳолотларига мурожаатлар учрайди, бироқ ҳозиргача бу қалам соҳибининг ўзбек публицистикаси тарихида тутган ўрни очиб берилмаган, бадий-публицистик маҳорати ҳам монографик асосда махсус тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади – Навоий асарларида замондош инсонлар тимсолини яратишга асос бўлган омилларни таҳлил этиш орқали маноқиб-ҳолотларда муаллифнинг замондош шахслар портретини Тошкент: Мумтоз сўз, 2011; Ҳайитметов А. Навоийхонлик сўхбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннахр – Ўзбекистон, 2009; Ғаниева С. Яна “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” ҳақида / Жомий ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Мовароуннахр, 2005; Воҳидов Р. Шарқнинг буёқ алломаси. – Тошкент: Фан. 1989; Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998; Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989; Очилов Э. Жомий – Навоий идеалидаги комил инсон / Жомий ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Мовароуннахр, 2005.

2. Исҳоқов Ё. Икки жаҳон халқига ҳайрат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2001 йил. 9 февраль; Эргашев Қ. Навоийнинг мемуар-биографик асарларининг жанрий-услубий хусусиятларига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009, 4-сон.

3. Ҳайитов Ш. Алишер Навоий насрида комил инсон образи. Филология фаълари доктори диссертацияси (DSc) – Фарғона: 2020. Олимов Ф. Алишер Навоийнинг “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” асари бадийяти. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси (PhD) – Тошкент: 2018.

4. Тоғаев О. Публицистика жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976; Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Тошкент: Tafakkur, 2011; Дўстқораев Б. Журналистика. V жилд. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019; Ҳамдамов Ю. Замон ва мезон. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991.

яратишдаги бадий-публицистик маҳоратини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Навоий асарларида замондошлар тимсолини яратишга асос бўлган омилларни аниқлаш;

адабий наср ва бадий публицистика синтезини таҳлил этиш; маноқиб-ҳолотларнинг яратилиш тарихи, муаллиф ижодидаги ўзига хос ўрнини кўрсатиб бериш;

маноқиб-ҳолотларнинг жанрий хусусиятларини белгилаш;

маноқиб-ҳолотларда муаллифнинг тарихий шахс тимсолида комил инсонни тасвирлаш маҳоратини очиб бериш;

маноқиб-ҳолотларнинг бадий-публицистик хусусиятлари, композицион қурилишини ёритиш;

маноқиб-ҳолотлар тили, муаллифнинг воқеликни тасвирлаш ва фикрни ифодалашда бадий-публицистик маҳорати, асарлардаги зуллисонайлик ва кўптиллиликнинг ўзига хосликларини тадқиқ этиш.

Навоий маноқиб-ҳолотларининг кирилл ва латин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосида чоп этилган барча нашрлари, улардаги изоҳ ва шарҳлар тадқиқотга манба вазифасини ўтади.

Навоий асарларида замондош шахслар тимсолини яратишга асос бўлган омиллар, унинг қаламига мансуб маноқиб-ҳолотларнинг ёзилиш тарихи, сабаблари, муаллиф ижодидаги ўрни, бадий-публицистик хусусиятлари, композицияси, Жомийнинг устозлик ва пирлик жиҳатлари, Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммадларнинг инсоний ва ирфоний фазилатларини кўрсатиб бериш, муаллифнинг бадий-публицистик, воқеанавислик (эпик), ифода, тасвир ва баён маҳорати, шунингдек, асардаги зуллисонайлик ва кўптиллиликни илман ёритиш тадқиқотнинг предметини ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги – қуйидагилардан иборат:

маноқиб-ҳолотларнинг жанр хусусиятлари, уларнинг анъанавий маноқиблардан фарқ қилувчи ўзига хосликлари, маноқиб-ҳолотнинг бош хусусияти идеал ҳисобланган реал шахс қахрамон қилиб олиниши билан белгиланиши, комил инсон ғояси ҳаётий асосга эга экани ўз исботини топган;

адабий наср ва бадий публицистика синтези атрофлича очиб берилган;

Навоий маноқиб-ҳолотларида бугунги адабий эссе ва портрет очерк хусусиятлари борлиги илк бор илмий асосланган;

манақиб-ҳолотларга манба бўлган шахсларнинг маънавий фазилатлари, инсоний ва ирфоний сифатлари мисоллар ёрдамида далилланган;

Навоий асарларидаги Жомийга бағишланган амалда барча таърифу тавсифлар “Хамсат ул-мутаҳаййирин”га қиёсланган ҳолда жамланиб, бу маноқибда Жомий сиймоси яхлит тарзда, ҳар тарафлама гавдалантирилгани, бошқа асарларида эса унга муайян бир масала юзасидангина муносабатда бўлингани илмий исботланган;

манақиб-ҳолотларнинг бадий -эстетик хусусиятлари, айниқса, композицияси, муаллифнинг воқеанавислик (эпик), ифода, тасвир ва баён, бадий публицистик маҳорати кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ундан чиқарилган илмий хулосалар миллий журналистикамиз, адабиётимиз, навоийшунослигимизнинг ютуғи ҳисобланади. Улуғ шоир ва мутафаккирнинг замондошлари тўғрисида ёзган маноқиб-ҳолотлари ҳақидаги тадқиқот бадий публицистика тарихи, назарияси, мумтоз насримиз жанрлари, бадий маҳорат, умуман, навоийшунослигимиз учун алоҳида аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан бевосита бадий публицистика тарихи, ўзбек мумтоз насри, сўз санъатининг тасаввуф билан алоқадорлиги масалалари тадқиқида, шу йўналишдаги дарслик ва ўқув қўлланмалари, ўқув луғатлари тузишда, публицистика фан сифатида ўқитиладиган олий таълим муассасалари учун бадий публицистика назарияси, жанрлар поэтикаси, навоийшунослик йўналишларидаги махсус курслар ўтказишда фойдаланиш мумкин.

Биринчи боб

НАВОЙИ АСАРЛАРИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ТАСВИРИ

1.1. ЗАМОНДОШЛАР ТИМСОЛИНИ ЯРАТИШГА АСОС БЎЛГАН ОМИЛЛАР

Ҳар қандай даҳо, аввало, ўзини ўраб турган муҳитда тарбияланиб камолга етади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Навоийни ҳам Навоий даражасига олиб чиққан унсурлардан бири, шубҳасиз, у яшаган адабий муҳит эди. Буюк шоир ва мутафаккир шахсиятининг шаклланишини, аввало, темурийлар давлатчилигининг ҳосили сифатида қараш керак.

Навоийнинг болалиги темурий Абулқосим Бобур (1422 – 1457) ҳомийлигида ўтди. Султон Абусаид (1424 – 1469) даврида шоир бир қатор қийинчиликларни бошдан кечирди. Бироқ 1469 йили унинг дўсти Ҳусайн Бойқаронинг Хуросонни эгаллашидан сўнг шоир ҳаёти бир маромга тушди, ижоди гуллаб яшнади. Албатта, Ҳусайн Бойқаро даврида ҳам муаммолар кўп бўлди, аммо Навоийнинг ўзи бу сиёсий вазиятларни барқарорлаштиришга, шу давлатнинг мустақкамлигини сақлаб қолишга бор кучи билан интилди. Ҳам сиёсий арбоб сифатида амалий ишлари, ҳам қаламкаш сифатида бадий асарлари билан инсонлар, хусусан, давлат арбобларининг дунёқарашларини ўзгартиришга ҳаракат қилди.

Юксак инсоний фазилатларга эга Фарҳод, Мажнун, Ширин, Лайли каби ўнлаб бадий образларни яратди. Ўзи ҳаётда кўрган-билган комил инсонлар ҳақида тазкираларида, маноқиб-ҳолотларида ҳикоя қилди. Буларни яратишдан асосий мақсад эса, жамиятнинг турли табақаларига тегишли инсонларга бу дунёда тўғри ҳаёт кечириш намунасини кўрсатиб бериш эди, десак хато бўлмаса керак.

“Навоий ўз адабий ва илмий асарларида тасаввуфий қарашлардан, эстетик идеалидан келиб чиқиб, комил инсон назариясини олға сурар экан, бу мавжуд ҳаётдан узилган, қуруқ гаплар эмас эди. Бунинг илдизлари XV асрдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда бор эди. Яъни улуг шоир ўз асарларида инсон ва унинг фаолияти

билан боғлиқ, амалга ошиши мумкин бўлган орзуларни куйлаган ва шу йўналишдаги ғояларни илгари сурган эди. Навоий ва унинг замондошлари ижоди ва фаолиятини тўғри англаб етиш учун бу даврни янада чуқурроқ ва кенгроқ илмий тадқиқ этишимиз зарур⁵.

Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даври (1469 – 1506) ни идеал деб айта олмасак ҳам, ҳар ҳолда XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳирот энг йирик маданият марказларидан бирига айланди. Адабиёт, санъатнинг мусиқа, миниатюра, китобат, хаттотлик каби кўплаб турлари ва бошқа соҳалар ривож топди. Айнан шу давр бизга Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби буюк қаламкашларни етиштириб берди. Аммо бу икки тенгсиз қалам соҳиблари ўз-ўзидан пайдо бўлмади. Уларни ўраб турган бой адабий муҳит, уларга таъсир ўтказган кўплаб замондош шахслар, ўнлаб шоирлар бор эди. Жумладан, Лутфий, Шайхим Суҳайлий, Мавлоно Сайфий, Осафий, Биноий, Ҳилолий, Ҳотифий, Беҳиштий, Гадоий, Паҳлавон Муҳаммад кўзга кўринган қалам соҳиблари ҳисобланган. Уларнинг кўпчилиги шоирнинг яқини, замондош дўстлари, ҳамфикрлари бўлган. Навоийнинг биринчи ўқувчилари – аввало, шу шахслар бўлгани, табиий.

Шуҳрат Сирожиддинов шундай ёзади: *“Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ўз асарларида маънавий поклик, халқпарварлик ва маърифатпарварликни куйлаб, ўз авлодларига катта адабий-фалсафий ва илмий мерос қолдирди. Навоийнинг жамият тараққиёти, шахс камолоти билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалари қадим файласуфлар ғоялари билан ҳамоҳангдир. Навоий ижодининг бош хусусиятларидан бири, сўзсиз, кишилар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва эзуликнинг марказий ўринга қўйилишидир”*⁶.

Адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов ўзининг “Навоий замондошлари ва маънавият” мақоласида улуғ шоирни ўраб турган маънавий муҳит ҳақида сўз юритади⁷. Шунингдек, мақолада буюк қаламкашга устоз сифатида бевосита таъсир ўтказган

5. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 83.

6. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий ақидалари. – Тошкент: Navoiy universiteti NMU, 2018. – Б. 3.

7. Қаранг: Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 74 – 83.

шахслар, даврнинг етук инсонлари, Навоийнинг ўзи юқори баҳо берган ижодкорлар ҳақида маълумотлар берилади. Ҳусайн Бойқаро, Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Хожа Юсуф Бурҳон, Ҳусайн Воиз Кошифий, Мавлоно Риёзий, Мир Камолиддин Ҳусайн, Хожа Абдуллоҳ Садр, Мир Атоуллоҳ, Паҳлавон Муҳаммадларнинг юксак маънавий олами қаламга олинади.

Шоирнинг замондошларини билиб олиш унчалик ҳам қийин эмас. Чунки Навоий ўзининг тазкиралари ва бошқа кўпгина асарларида улар ҳақида маълумотлар бериб ўтган. Жумладан, “Ҳазойинул-маоний” даги “Фавойидул-кибар” девонига киритилган “Соқийнома” асарида муаллиф ўз устозлари Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммадларга алоҳида бандлар бағишлаган. Кейинги бандларда эса дўстлари, яқинлари бўлган қалам соҳибларини бирма-бир санаб, уларга қисқача таърифлар келтиради. Ушбу асарнинг XXX бандида марҳум шоирлар Муаммой, Хожа Камол, Мир Садр, Бадеъий, Ёр Танбал, Сабзаворий тилга олинган бўлса, XXXI бандида асар ёзилганда тирик бўлган қалам эгалари Мир Атоий, Фаноий, Осафий, Сулаймон, Биноий, Машҳадий, Котибий кабилар саналади. Шу ўринда шоир ижодкорларнинг ҳаммасини тилга олмаганини, чунки уларнинг аксариятига “Мажолис ун-нафоис” асарида тўхталганини уқтириб, ўқувчини шу тазкирани мутолаа қилишга йўналтирган:

*Ўзгасин қилмадим андин мазкур, –
Ки “Мажолис”да зрурлар мастур⁸.*

Навоийни ўраб турган замондошлари билан танишиш, уларни ўрганиш бу буюк қалам соҳибининг биографиясидан яхшироқ хабардор бўлиш, шунингдек, унинг асарлари мазмун-моҳиятига чуқурроқ англаб етишимизга кўмак бериши – шубҳасиз. Яна бир муҳим жиҳат шуки, атрофидаги бу шахсларнинг шоир ижодига бевосита таъсири бор.

“XV асрнинг истеъдодли форс шоирлари Хожа Масъуд Кумий, Амир Шайхим Суҳайлий, Мавлоно Нодирий, Камолиддин Биноий,

8. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т.6. Ҳазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 506.

Бадриддин Ҳилолий, Осафий, Соғарий, Мавлоно Субҳий, Саййид Ҳасан Ардашер, Мавлоно Юсуфшоҳ, Ҳофиз Ёрий, Паҳлавон Муҳаммад каби бир қатор илм ва санъат аҳллари Алишер Навоийнинг суҳбатдоши, яқин кишилари эдилар. Навоий ўз асарларида, айниқса, “Мажолис”да юқоридаги шоирлар тўғрисида маълумот бериш билан бирга, улар билан қаерда, қандай қилиб учрашгани, кимнинг воситаси билан танишгани, уларнинг қайсилари доимий суҳбатдош бўлиб қолганини ҳам таъкидлаб ўтади”⁹.

Навоийнинг икки тазкираси – “Насойим ул-муҳаббат мин шамойил ул-футувват” ҳамда “Мажолис ун-нафоис” тарихий шахслар ҳақида маълумот етказувчи энг бой манба ҳисобланади. Қалам соҳибининг ўз замондошлари, хусусан, ўша давр қаламкашлари ҳақида бизга қимматли маълумот берувчи асарлардан энг йириги бу – “Мажолис ун-нафоис”. Буни, юқорида кўрганимиздек, шоирнинг ўзи ҳам кўп таъкидлайди. Асар 8 бўлимдан иборат. Муаллиф уларни “мажлис” деб атайди. Тазкирада Навоий замон подшоҳи бўлмиш Ҳусайн Бойқаро туғилгани (1438 йил)дан то шу асар битилган 1490/91 йилгача ўтган шоирлар ижоди ҳақида маълумот берилади. Уларни муаллиф қуйидаги уч тоифага бўлади: 1) эшитган, лекин кўрмаган; 2) кўришган, лекин ҳозир ҳаёт эмас; 3) ҳозир ҳам ҳаёт шоирлар. Биринчи ва иккинчи тоифага мансуб шоирлар ҳақида тазкирасининг биринчи (46 нафар) ва иккинчи (92 нафар) мажлисларида таърифлаб кетади. Аммо асар ёзилган пайтда ҳаёт бўлган шоирларни кейинги беш мажлисга тақсимлайди: 3-мажлис – етук шоирлар (171 нафар); 4-мажлис – шоирликда машҳур эмас-у, лекин шеър ёзадиганлар (73 нафар); 5-мажлис Хуросон ва бошқа ерларнинг баъзи шеър ёзиб турадиган мирзозодалари (21 нафар); 6-мажлис – Хуросондан бошқа мамлакатларнинг шоирлари (31 шоир); 7-мажлис – темурийлардан чиққан шоирлар (22 шоир) ва 8-мажлис Ҳусайний (Ҳусайн Бойқаро) ҳақида. Тазкира Навоийда реал шахслар ҳақида битиш бўйича ўзининг маноқиб-ҳолотларини ёзгунига қадар ҳам катта тажриба мавжудлигидан далолат беради.

Навоийнинг бу асарни ёзишдан кўзлаган асосий мақсадларидан **бири ўз замонидаги ижодкорлар номини тарихга муҳрлаб кетиш**

9. Шодисв Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адаблари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – Б. 21 – 22.

эди. Буни муаллиф шундай ифодалайди: "...Шикаста хотирға ва синук кўнгулга андоқ келдиким, бир неча варақ битилгай ва бу аср шуароси била бу давр зурафоси отин анда сабт этилгай, то бу ни-ёзмандлар ҳам бурунғи шуаро акобири зайлида мазкур бўлғайлар ва бу пайравлар ҳам ул раҳбарлар хайлиға қўшулғайлар"¹⁰.

Навоий биргина байти билан назарга тушган қаламкашларни ҳам тазкирага киритади. "Мажлислар мундарижасидан маълум бўлишича, Навоий ўз тазкирасида 459 шоир ва адиблар ҳамда адабий ҳаёт воқеалари ҳақида маълумот беради. Муаллиф ким ёки нима ҳақида ёзмасин, булар унга бевосита ёхуд у билан шахсий муносабатда бўлган кишилар воситаси билан таниш эди"¹¹. Ана шу яқинлик тазкирадаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлайди, ишончилигини оширади, шунингдек, муаллифнинг ўз замондошларига бўлган ҳам адабий, ҳам инсоний муносабатларини акс эттиради.

Муаллиф тазкирада истеъдодли, аммо ўз устида ишламайдиган, дангаса қалам эгаларини танқид қилади. Ижодкорлардаги ютуқ ва камчиликларни кўрсатиш орқали жамиятга таъсир ўтказишни хоҳлайди. Намунали ижодкорларни мақтаб, шундай бўлишга бошқаларни ҳам чорлайди. "Шуниси диққатга сазоворки, Навоий ҳар бир шоир шахсиятига конкрет ва холис ёндашади. Номини тазкирага киритилган шоирларнинг характеридаги камчиликларни, маънавий қиёфасидаги нуқсонларни ҳам кўрсатиб ўтишни зарур, деб топади"¹².

Навоий ана шу холислик, ҳаққонийлик тамойилига ўз маноқиб-ҳолотларида ҳам амал қилади.

Навоий асарларида энг кўп таърифланган шахслардан бири, табиийки, бу – Ҳусайн Бойқаро. Чунки Ҳусайн Бойқаронинг Навоий ижоди ва фаолиятига ҳам подшоҳ, ҳам дўст, ҳам қалам соҳиби сифатида таъсири жуда катта эди. Икки шахс муносабатлари доирасини кўрсатиш, бу муносабатларнинг асарларда акс этишини ёритиб беришнинг ўзи – алоҳида катта бир мавзу.

10. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 13. Мажолис унафонс. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 8.

11. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Ж. 2. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 361.

12. Ўша нашр. – Б. 362.

Шўро мафкураси даврида кўпгина бадий асарларда, *Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ўртасида гўёки синфий зиддият, икки шахс орасида зимдан кучли адоват бор эди*, деб кўрсатишга интилишлар бўлди. Албатта, шоҳ ва шоир муносабатларидаги нозик чегарани, мураккаб жиҳатларни рад этолмаймиз. Лекин тарихда ўз замондош шоирини кўкларга кўтарган ҳукмдорлар ҳар доим ҳам учрайвермайди. Гарчи у Навоийдек буюк даҳо бўлса ҳам.

Навоийшунос Суйима Ғаниева ўзининг “Навоий ва Ҳусайн Бойқаро” мақоласида шундай ёзади: “*Ҳусайн Бойқаро Навоийни беҳад ҳурмат қилди, уни қўллаб-қўлтиқлади. Жомийни у “пирим” деди, Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад каби эркин фикр соҳибларини эъзозлади. Замонасининг машҳур олимлари, фозиллари, санъат ва адабиёт аҳллари ундан баҳраманд бўлдилар. Ўз навбатида бундай қайноқ адабий ва маданий муҳитда Ҳусайннинг ўз ижоди камолотга эриша борди*”¹³.

Бойқаро, ҳатто, улуғ қалам соҳибига бағишлаб алоҳида рисола ҳам битади. Унда муаллиф мамлакат ривожи учун қилинган эзгу ишлари, бунёдкорликларини санайди, бу йўлда унга азиз авлиёлар руҳи ҳамроҳ бўлганини қайд этади. Энг муҳим жиҳати шуки, замондошлари Жомий ва Навоий унга “жилвайи зуҳур” бўлганини, яъни Ҳақнинг нури уларда акс этиб турганини айтади. Бу, аслида, икки авлиёсифат шоирга жуда юксак баҳо эди. Бундан ташқари, Ҳусайн Бойқаро ўзи ва шундай улуғлар яшаган замонни, даврларнинг энг зўри, деб билади ва Жомийга таъриф бериб кетади: “*Ва бу даврон барча даврлардин мумтозки, булар тағи мужиби кўп адои шукр турурки, андин нотиқа тили лолу қалам тили шикастамақолдурур. Ва ул жумланинг аъламу афзали, фазойил дарёсининг дурри поки ва валоят афлокининг хуршиди тобноки, назм жавоҳирининг соҳиби интизоми Ҳазрати шайх ул-ислом Мавлоно Абдурахмон Жомий, саллама ҳуллоҳу ва абқо турурким, то фалаки қадабийниҳод савобиту сайёрдин юз минг кўз била олам аҳлиға нозирдурур, кўзига андоқ нодирҳаёл келмамиш ва то меҳри жаҳоннамо, балки хуршеди сипеҳрпаймо жаҳон давриға сойирдурур, партави ҳаргиз анингдек адим ул-мисол устига тушмамиш, жавоҳири назмидин жаҳон садафи тўла дурри самин ва лаолийи*

13. Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 110.

насридин афлок атласиға зебу тазйин, тасонифи жамиғи улумда беҳадду ҳар таснифда хазойини мағоний беадад¹⁴. Шунингдек, муаллиф Яратгандан бундай соҳибдавлат бардавом туришини сўрайди.

Хусайн Бойқаронинг ёзишича, Ҳиротда ўша даврда мингга яқин қалам соҳиби бўлган. Бу эса Навоий яшаган адабий муҳитнинг қанчалик бойлигини яна бир қарра кўрсатади. Рисолада шундай дейилади: “...Мингга яқин кишиким, аларнинг иши мағоний дурларин назм силкига тортмоқ бўлғай ва диққат гавҳарлариға вазн либоси зебу зийнатин бермак бўлғайким, ҳеч даврда булардек элнинг мингидин ўниқ ҳеч замонда юзидин бири йўқ эркандурур¹⁵.”

Шоирлар таърифидан кейин муаллиф Навоий ҳақида сўз бошлайди. Болалиқдан у билан дўстлиги, ўзаро кўкалдошлигини айтиб, “турк тилининг ўлган жасадиға Масих анфоси била руҳ киюрди¹⁶”, яъни туркий тилнинг ўлиб қолган жисмига Исо Масих каби нафас билан жон киритди, деган ўхшатиш қилади. Кейин шоирнинг айнан туркий тилда турли жанрларда ижод қилганини мадҳ этади. “Хамса”ни бошқа хамсанависларга нисбатан жуда қисқа муддатда ёзиб тугатгани, умуман, туркий адабиётни улуғ шоҳсупага олиб чиққанини фахр билан қоғозга туширади.

У Навоийнинг дунёда тенгги йўқ қалам соҳиби, соҳибқирон эканини алоҳида таъкидлайди: “Назм иқлимида қайси берк қўрғонға куч келтурдиким, эшиги анинг юзига очилмади ва қайси азим кишварға табъ чериги билан турктоз солдиким, фатҳ қилмади. Бу кун назм арконининг рубъи маскуниди қаҳрамон ул туруру бу мамолик фатҳиға соҳибқирон ани десалар бўлур¹⁷.” Ўзи, аслида, Навоий доим Бойқарони “соҳибқирон” деб улуғлайди. Аммо подшоҳ бу ерда ўзини эмас, балки буюк қалам эгасини “соҳибқирон” деб кўкларга кўтаряпти.

Хусайн Бойқаронинг ўзи ҳам яхшигина туркигўй шоир эди. Рисола ҳам муаллифнинг бир қанча туркий шеърлари билан

14. Хусайн Бойқаро. Рисола. – Тошкент: Шарқ, 1991. – Б. 11.

15. Ўша нашр. – Б. 12.

16. Ўша нашр. – Б. 15.

17. Ўша нашр. – Б. 15.

бойитилган. Унинг девон тузгани ҳам – маълум. У “Хусайний” тахаллуси билан ижод қилган.

Тарихдан биламизки, одатда, ҳукмдорлар фаолияти, уларнинг мадҳига бағишлаб турли тарихий ва бадий асарлар қалам эгалари томонидан ёзилади. Аммо подшоҳнинг ўз замондош шоирига бағишлаб асар ёзишини, жаҳон адабиётида деярли учрамайдиган ҳодиса, десак бўлади. Аммо Хусайн Бойқаро шу шарафли вазифани фахр билан адо этди. Бу эса унинг ижод оламига қанчалик яқин инсон эканидан, ўз даврининг юксак маънавий раҳнамоси, ҳомийси бўлганидан далолат беради. Унинг соясида Жомий, Навоидан ташқари, Лутфий, Биноий, Восифий, Мирхонд, Хондамир, Бадриддин Ҳилолий, Хусайн Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Хусайний, Султонали Машҳадий, Абдужамил Котиб, Камолиддин Беҳзод, Шайхим Суҳайлий, Мирак Наққош, Қосим Али каби шоир, олим, тарихчи, мусиқачи, наққош, рассому хаттотлар қизғин ижод билан шуғулланишди.

“Хусайн Бойқаро подшоҳлик қилган ва давлат, санъат, адабиёт, илм-фан ишларига Навоий ҳомийлик қилган бу замоннинг энг муҳим ютуғи шундаки, мамлакатда уларнинг ёрдамлари билан илм, фан, санъат, адабиёт беқиёс ривожланиб, бу соҳаларда кишиларнинг кўзини қамаштирадиган порлоқ истеъдод соҳиблари етишди. Абдуқодир Ноиӣ, Хусайн Удий, Шоҳқули Ғижжакий, Дарвеш Аҳмад Қонуний каби мусиқа арбоблари, Султон Али Машҳадий, Абдулжамил Котиб, Султон Али Коиний, Дарвеш Муҳаммад Тоқий, Абдуллоҳ Марварид каби хаттотлар, Беҳзод, Мирак Наққош, Шоҳ Музаффар, Маҳмуд Муҳаҳҳиб, Қосим Али Чеҳракушо, Муҳаммад Наққош каби рассом ва наққошлар маънавият оламининг сўнмас юлдузлари бўлиб тарихдан ўрин олдилар”¹⁸.

Навоий “Хамса”нинг ҳар бир достонида Хусайн Бойқарога алоҳида боб бағишлади. “Мажолис ун-нафоис” тазкирасининг 8-мажлиси ҳам – тўлалигича шу ҳукмдор таърифидан иборат. Айниқса, шоирнинг Бойқаро тахтга чиқишига бағишланган махсус “Ҳилолия” қасидаси ҳам машҳур.

“Алишер Навоийнинг деярли барча насрий асарлари ҳам султон Хусайн Бойқаро номига бағишлаб ёзилган бўлиб, Навоий уларнинг

18. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфклари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 81.

ёзилишида замона ҳукмдорининг ҳомийлиги ва рағбатини алоҳида таъкидлаб ўтади. “Тарихи мулуки ажам” асарининг хотимасида Хусайн Бойқаро салтанати тарихи ҳақида ёзиш нияти борлигини айтиб ўтади¹⁹.

Хусайн Бойқаро умрининг охиригача, яъни 38 йил ҳукмронлик қилди. Гарчи невараси Мўмин Мирзони ўлимга ҳукм этишдек хатоларга йўл қўйган бўлса ҳам, Хуросон мамлакатининг ривожланишига жуда катта ҳисса қўшди. Аслида, улуғ Жомий ва Навоийларнинг ижодда етук даражага чиққанликларида Ҳиротдаги тинчлик, осойишталик, фаровонликнинг аҳамиятини асло рад этиб бўлмади.

“Ўзаро низолар, темурий шаҳзодалар ўртасидаги шиддатли курашлар силсиласида тобланган, тажриба орттирган довурак саркарда, етук истеъдод соҳиби Хусайн Бойқаро Хуросонда ҳокимиятни эгаллагач, мамлакатда тинчлик, осойишталикни қарор топтириш, ички ҳудудий низолар, зиддиятларни бартараф этиш ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга катта эътибор қаратди. У ўлкада маданий-маърифий ва ободончилик ишларини ривожлантиришга алоҳида рағбат кўрсатди: иқтисодий ҳаёт юксалиб, халқ фаровонлиги ошади, савдо-сотиқ ривожланади, юзлаб карвонсаройлар работ, кўприк, мактаб, мадраса, масжид, хонақоҳ, ҳаммом, табобатхона, етимхона, сув ҳавзалари қурилади, каналлар қазилади, боғлар барпо этилади; номларини абадийлаштириш мақсадида шоҳнинг бошқа амир-амалдорлари, ҳатто, маликалар ҳам ўз номларидан масжид, мадраса, турли хайрия бинолари қуришга киришиб кетадилар”²⁰.

Суйима Ғаниева юқорида номи зикр этилган мақоласида XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳиротда вужудга келган ҳар томонлама тараққиёт ҳақида ёзиб, ўша даврдаги олиму уламо, шоиру шуаро ва бошқа етук касб эгалари номларини бирма-бир санаб ўтади: “Чунончи тилшунос олимлардан Сайфиддин Аҳмад, Шайх Хусан; адабиётшунослардан – Давлатшоҳ, Сайфи Бухорий, Сайфиддин Муҳаммад Бадахший, Камолиддин Хусайн; тибб олими – Дарвеш Али; тарихчилар – Мирхонд ва Хондамир; хаттотлар – Султон Али

19. Алишер Навоий: комусий луғат. 2 жилдлик. Ж. 2. – Тошкент: Sharq, 2016. – Б. 265.

20. Ўша нашр. – Б. 264.

*Машҳадий, Абдужамил котиб, Султон Муҳаммад Хандон, рассом ва мусаввирлардан Камолиддин Беҳзод, Шоҳ Музаффар, бастакор ва созандалардан Ғулом Шодий, Хожа Марварий, Устод Қулмуҳаммад Удий, Шайх Ноий, Ҳусайн Удий, Устод Кучек Али Танбурий, Устод Али Хоний, Ҳофиз Султон Маҳмуд Айший; шоир ва адиблардан – Абдураҳмон Жомий, Шайхим Сухайлий, Бобо Шўрида, Ҳусайн Воиз Кошифий, Хуррабий, Наргисий, Камолиддин Биноий, Ҳофиз Саъд, Осафий, Соҳиб Доро, Бадриддин Ҳилолий ва бошқалар*²¹. Муҳими шундаки, ўз касбининг ном чиқарган етук намояндаларига Навоийнинг бевосита таъсири бор. У ўз замондошларининг истеъдодлари юзага чиқишида ҳам маънавий, ҳам моддий ёрдам кўрсатди. Илм ва ижод аҳлининг йўлбошловчиси бўлди. Энг муҳими, у ўз замондошларига ҳар томонлама ҳомийлик қилишни ўзининг олий бурчи, деб билди.

Юқорида зикр этилган шахсларнинг деярли ҳаммаси ҳақида Навоий асарларида маълумотлар бор. Айниқса, “Мажолис ун-нафоис” тазкираси, тадқиқотимиз объекти ҳисобланган маноқиб-ҳолотлардаги ҳикоятлар орқали шоирнинг бундай замондошлари ҳақидаги тасаввурларимиз янада ортади.

Буюк қалам соҳиби ўз даврида яшаётган ёш истеъдод эгаларига ҳам жуда эътиборли бўлган. Доимо адабиёт ва санъатга эндигина қадам қўяётган шоирларни ўз суҳбатига чорлаб, суҳбатдан, имтиҳондан ўтказиб, уларни тўғри йўлга чорлаган. Буни шоир замондошлари ёзиб қолдирган бир қанча манбалар исботлайди. Жумладан, Зайниддин Восифий ҳам шоир суҳбатига мушарраф бўлгани ва муаммо жанри бўйича имтиҳондан ўтганини фахр билан ёзади²². Кунларнинг бирида Восифийнинг қариндоши Соҳибдоро Навоийнинг олдида жияни Зайниддинни мақтаб қўяди. Улуғ шоир 16-17 ёшли истеъдод эгасини ҳузурига олиб келишларини айтади. Соҳибдоро жиянини Навоийнинг олдида мақтаб қўйганидан пушаймон қилади. Чунки улуғ шоирнинг имтиҳонидан ҳар ким ҳам ўта олмас эди. Жиянига яхшилаб тайёргарлик кўриб,

21. Ганиева С. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро / Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 110.

22. Қаранг: Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вакоъ. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 91 – 93.

учрашувга эртароқ бориб туриш кераклигини тайинлайди. Ўша кеча Зайниддин ҳаяжондан ухлай олмай чиқади. Эртаси куни ўзи каби истеъдод эгалари Муаммой, Ҳусайн Нишопурийлар билан улуғ шоирнинг мажлисига кириб боришади. Навоий Зайниддин Восифийни кўрсатиб: *“Номини айтмасдан ўқилган муаммони ечадиган йигит шуми?”* – деб сўраб, унинг кўзларидан иқтидорли экани кўриниб турганини айтади. Навоий форс-тожикча бир муаммо ўқийди. Восифий бу муаммони ёддан биларди, шунинг учун, ўзини ёлғондан муаммони ечган одам қилиб кўрсатмасдан, балки бунинг аввалдан билишини маълум қилади. Шундан сўнг Навоий бу йигитчага тан бериб, бошқа муаммо айтмайди ва унинг қариндоши Соҳибдорога бу истеъдод эгасининг даъвосини қабул қилишини билдиради.

Бу қисқагина ҳикоят Навоий ўз даврида етишиб келаётган қобилият эгаларига бефарқ эмаслиги, балки уларни ўз мажлисларига доимий чорлаб маҳорат дарслари ўтиб турганини яна бир бор исботлайди. Зайниддин Восифий каби юзлаб қаламкашлар улуғ шоирнинг назарига тушиш, унинг суҳбатига мушарраф бўлиш учун роса жон куйдиришган. Ўзларини янада ривожлантиришга интилишган.

Гоҳида биргина шахс бутун бир жамиятнинг ўзгаришига сабабчи бўла олади. Навоий ана шундай буюк шахс эди. У ўз давридаги бирор-бир қалам соҳибига эътиборсиз бўлмаган. Навоий ўз замондошлари ижоди ва фаолиятига баҳо беришни, ўзининг бурчи, деб билган. Бу билан у, биринчидан, адабий танқидчиликни шакллантирган. Яхши ёзилган ёки ўхшамай қолган, кўл учида битилган асарларни фарқлаб, аввало, ўз даври ўқувчисига билдириб кетган. Иккинчидан, маҳорат билан айтилган, айниқса, туркий тилда қоғозга тушган бир байтнинг ҳам йўқ бўлиб кетишини хоҳламаган. Шуни ҳам ўз тазкирасига киритиб, тарихга муҳрлаб қўйган.

Навоийнинг ўз замондошларига маънавий раҳнамо бўлгани ўша даврдаёқ эътироф этилган. Бу борада Эргашали Шодиев шундай ёзади: *“XV асрда ва ундай кейинги даврларда яратилган барча тарихий асарлар, тазкиралар ва бошқа хилдаги турли тарихий манбаларда Алишер Навоийнинг номи меҳрибон устоз,*

*ғамхўр мураббий сифатида тилга олинади. Ҳақиқатда ҳам, ўз замонида Алишер Навоийнинг қўллаб-қувватлаши, моддий ва маънавий ёрдами тўғрисида бир қатор олим ва шоирлар камолотга етишди. Шунинг учун ҳам буюк Алишер бундай шарафли ном билан аталишга тўла лойиқ эди*²³.

Навоий ўзига замондош бўлган юзлаб шахслар номларини ўз асарларига киритиб кетган. Уларнинг ижод ва фаолияти ҳақида маълумот беришдан ташқари, ўзига яқинлик даражасини ҳам ўқувчига алоҳида билдириб қўйишни маъқул топган. Айнан шу жиҳат Навоий тазкиралари ва маноқиб-ҳолотларининг шу типдаги анъанавий асарлардан ажралиб турувчи ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Ботир Валихўжаев ўзининг “Алишер Навоий ва Шайхим Суҳайлий” мақоласида Навоийнинг ҳар бир шахсга алоҳида муносабати ва таърифи борлигига эътибор қаратади: “Алишер Навоий Самарқандда ўқиб юрган вақтида танишган самарқандлик истеъдодли шоир Мирзобекни эса “ҳамсуҳбат у ҳамдарду рафиқ” деб эслади. “Вафой” таҳаллуси билан шеърлар машқ қилиб, Навоийнинг Самарқанддалиги вақтида унга катта иззат-икром кўрсатган маданиятпарвар амир Аҳмад Ҳожибекни “меҳрибон аҳбоб, ҳамнишин асҳоб”лардан деб тавсифлайди”²⁴.

Шу таърифлар орқали қаламкашнинг ўз замондошларига муносабатини билиб оламиз. Навоий бир шахсга қандай нисбат берган бўлса, бошқа асарларида ҳам шу инсон номини ўша таъриф билан берган. “Аммо фақат бир кишини ўзига яқин билиб, уни “ёри азиз” деб тилга олади. У ҳам бўлса, Амир Низомиддин Шайх Аҳмад Суҳайлий эди”²⁵. Ҳақиқатан, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Аввалги мақолати” 15-ҳикоятида ҳам Навоий бу шахснинг азиз дўсти эканини таъкидлаб, шундай ёзади: “Азо сўрар ойининг бажо келтурурга отланиб, алар хизматиға борадурғонда ёри азизим

23. Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адаблари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – Б. 62.

24. Валихўжаев Б. Алишер Навоий ва Шайхим Суҳайлий. / Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 122.

25. Уша нашр. – Б. 122.

*Шайхим Суҳайлий йўлда йўлуқти, қаён борадурғоним билгач, ҳамроҳ бўлди*²⁶. Асарнинг “Аввалги мақолати” 3-ҳикоятда ҳам бу шахс номи тилга олинган²⁷.

Унинг исми “Аҳмад”, унвони “Низомиддин”, “Шайх”, “Шайхимбек” лақаби, адабий таҳаллуси эса “Суҳайлий” бўлган. Навоий “Мажолис ун-нафоис”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Муншаот”, “Хамса”, “Хазойин ул-маоний” каби асарларида Суҳайлий номини тилга олади, шунингдек, “Бобурнома”, “Мақорим ул-ахлоқ” асарларида ҳам Шайхим Суҳайлий ҳақида маълумотлар бор. 1469 йили у Самарқанддан Навоий билан бирга Ҳиротга қайтади. Умрининг охиригача Ҳусайн Бойқаро салтанатида амирлик лавозимида фаолият юритади. Навоийнинг “Соқийнома”да Суҳайлийга алоҳида боб (XXII) бағишлаши, “Девони Фоний”да унинг бир неча ғазалларига тазмин ёзиб, “Татаббуи ёри азиз”, “Татаббуи ёри азизи Суҳайлий” деб сарлавҳалар қўйиши унинг қанчалик истеъдодли шоир бўлганини ҳам кўрсатади.

Навоийнинг бундай қобилиятли замондошлари кўп эди. Адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов Навоийнинг яна бир истеъдодли замондоши Мавлоно Риёзий ҳақида сўз юритади ва “Мажолис ун-нафоис”да бу шахсга берилган юксак таърифни келтириб, шундай хулосага келади: *“Бундай таъриф ва тавсифлар фақат Мавлоно Риёзий шаънига бўлмай, шундай одамларни тарбиялаб етказган замон, тарихий шароитга ҳам тегишлидир. Чунки бундай қомусий фазилатларни бир инсонда шакллантириш тарбия, ўқув ишларининг ниҳоятда йўлга қўйилганлиги билан боғлиқ, деб ўйлайман*²⁸.

Хулоса қиладиган бўлсак, Навоий яшаган даврда барча соҳалар жадал тараққий топди. Суйима Ғаниеванинг таъкидлашича: *“Адабиётга келганда, бу соҳада шундай тарраққиёт юз берадики, уни на аввалги барча асрлардаги ва кейинги бир неча асрлар мобайнидаги адабиёт билан таққослаб бўлади, бу даврда ўзбек адабиёти ҳам, форс-тожик тилидаги адабиёт ҳам, айниқса, Жомий тимсолида*

26. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 26.

27. Қаранг: Ўша нашр. – Б. 17.

28. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 80.

ва Навоийнинг форс-тожик тилидаги асарлари тимсолида ўзининг яна бир чўққисига кўтарилади”²⁹.

Аслида, XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросонда вужудга келган бундай муҳит Мусулмон Шарқдаги иккинчи Уйғониш даврининг мевалари эди. Илму амалда ҳар томонлама етуклик, комилликка эришиш бу давр зиёлиларининг олий мақсади бўлган. Бу борада Абдуқодир Ҳайитметов шундай ёзади: “Кўринадики, бу даврда кишилар бир касб, бир ҳунар ёки илмнинг, санъатнинг бир соҳаси билан чегараланиб қолмасдан, бошқа соҳаларни ҳам эгаллашга ҳаракат қилганлар ва бунга эришганлар ҳам. Бу умумий бир меъёр даражасида бўлган. Масалан, Биноий шу даврнинг кўзга кўринган шоир ва хаттотларидан бўла туриб, мусиқадан узоқ бўлган. Аммо унинг бу камчилигини кўрсатганларида, бу танқидни у тўғри қабул қилиб, оз фурсатда мусиқани ўрганган, хатто, бу соҳа бўйича рисола ҳам ёзган”³⁰.

Навоий юксак даражага кўтарилган ўз замони ҳақида ёзмаслиги, бундай тарихий тараққиётни қалам соҳиби сифатида тарихга муҳрламаслиги мумкин эмас эди. Шу сабабли у ўзининг деярли барча асарларида ўз замонаси ва шу давр кишиларига бўлган муносабатини билдириб кетди.

Умуман, Навоий замондошлари ижод ва фаолиятини ўрганиш, тадқиқ этиш улуғ даҳо яшаган ижтимоий-маданий муҳит ҳақида тасаввурларимизни кенгайтиради. Хусусан, бу даврда яшаган қалам аҳлининг фаолиятини ўрганмай туриб, Навоий асарлари мазмун-моҳиятини тўлиқ тушуна олмаймиз. Бу эса ушбу замон маданий муҳитини комплекс ўрганишни тақозо этади.

Шулардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. XV асрнинг иккинчи ярмида Жомий ва Навоий ҳамда минглаб ижод эгаларининг етишиб чиқишини, аввало, темурийлар давлатчилигининг ҳосили, деб қараш керак.

2. Навоий ва унинг замондошлари адабий меросини англаб етиш учун бу давр маданий муҳити билан яқинроқ танишиш, чуқурроқ ўрганиш лозим.

29. Ғаниева С. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро / Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан, 1968. – Б. 116.

30. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 81.

3. Шоир замондошлари ҳақида маълумот олиш учун унинг тазкиралари, маноқиб-ҳолотлари ва бошқа асарларига мурожаат қилишга тўғри келади. Улар орасида энг муҳим манба – “Мажолис ун-нафоис”.

4. Шоирлар ҳақидаги “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида муаллиф яхшироқ бир байт айтган шоирни ҳам тилга олиб, унга муносабат билдириб кетган. Истеъдод эгаси бўла туриб, ўз устида ишламайдиган, дангасалик қиладиган қаламкашларни эса куюниб танқид қилган.

5. Ҳусайн Бойқаро – Навоий асарларида энг кўп таърифланган шахс. Улуғ шоир ҳукмдорни “соҳибқирон” деб таърифласа, Ҳусайн Бойқаро унинг ўзини “соҳибқирон” деб билади.

6. Ҳусайн Бойқаро замонида ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёт гуллаб-яшнади. “Рисола” да таъкидланганидек, бу даврда минглаб қалам соҳиблари етишиб чиқди. Бундан ташқари, рассомчилик, наққошлик, хаттотлик, мусиқашунослик ва бошқа соҳалар жадал ривожланди.

7. Навоий ўзи билан ҳамнафас яшаётган барча илм ва ижод эгаларига моддий ва маънавий ҳомийлик қилди. Ёш қаламкашларни ижодга чорлаб, уларнинг ютуқ ва камчиликларини айтиб турди. Адабий танқидчиликни шакллантирди. Ўз замондошлари ижоди ва фаолиятига баҳо беришни ва бу борадаги фикрларини тазкира, маноқиб-ҳолотларида акс эттириб кетишни, ўзининг юксак бурчи, деб билди.

8. Навоий ва уни ўраб турган адабий муҳит, шоирнинг замондошлари ҳақидаги тасаввурларимизни Бобур, Хондамир, Восифий ва бошқа қалам эгаларининг асарлари орқали кенгайтиришимиз мумкин. Шоир тириклигида ва ундан кейин ёзилган асарларда Навоий ҳамшиша улуғ устоз, ғамхўр мураббий сифатида улуғланади.

9. XV асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган қайноқ адабий муҳит ҳақида Навоий ёзмаслиги, бу даврдаги адабий ютуқларни тарихга муҳрламаслиги мумкин эмас эди. Улуғ мутафаккир ўз асарларида юзлаб замондошлари номини тилга олди, тузукроқ биргина байт битган қалам эгасини ҳам муносиб эътироф этди. У ҳар бир замондошига ўз муносабатини билдирди. Ҳар бир шахснинг ўзига яқинлик даражасини ҳам таъкидлаб ўтишни маъқул топди.

1.2. НАВОИЙ АСАРЛАРИДА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ТАЪРИФИ

Алишер Навоий ижодини унинг пири ва устози Абдураҳмон Жомийнинг бевосита таъсирисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам шоирнинг ўзи аксарият асарларида устозини таърифу тавсиф этади, унга алоҳида сатрлар бағишлайди. Бу зотга бўлган чексиз эъзоз Навоийнинг шеърий меросида ҳам, насрий асарларида ҳам бирдек кўзга ташланади.

Жумладан, “Бадойиъ ул-бидоя”³¹ девонининг дебوحасида Навоий девон тузган шоирлар Амир Хусрав Деҳлавий³² ва Ҳофиз Шерозийлар³³ қаторида ўз устозини ҳам санаб ўтади: *“Ва сўнғи фирқадин қудс шабистонининг шамъи анвари ва унс гулистонининг андалиби суханвари, балоғат шаққаристонининг тўттийи ширинкаломи жаноби махдумий мавлоно Абдураҳмон Жомий маддаллоху таоло зилола иршодиҳи ало мафориқит-толибин девонлари орада бўлғай”*³⁴. Аммо Навоийнинг иккинчи девони “Наводир ун-нихоя”-нинг³⁵ дебوحасида шоир ўз устози ҳақида бирон нарса деган-демагани – бизга номаълум. Чунки бу девоннинг дебочаси бизгача етиб келмаган³⁶. Бироқ Навоий иккинчи девонига ҳам дебоча битгани – аниқ. “Ҳазойин ул-маоний”нинг дебوحасида шоир “Бадойиъ ул-бидоя”ни тузгани, кейинчалик ғазаллари³⁷ яна йиғилиб қолиб, иккинчи девонга қўл ургани ва буни девон дебوحасида шарҳлаб ўтганини қуйидагича ифодалайди: *“Андин сўнгра дағи ул жамъи тартибдин бошқа яна тақриб била ҳар навъ абётким, айтилиб эрди-ю, ҳар навъ ғазалиётким, йиғилиб эрди, ул хаёл шабисто-*

31. “Бадойиъ ул-бидоя” (“Бадийлик ибтидоси”) – 1470 йил бопларида Навоийнинг ўзи тузган биринчи девони.

32. Амир Хусрав Деҳлавий (1253 – 1325) – Ҳиндистонда яшаб ижод қилган форсигўй ўзбек шоири, Низомий Ганжавийдан кейин “Ҳамса” яратиб, ҳамсачилик анъанасини бошлаб берган ижодкор.

33. Хожа Ҳофиз Шерозий – асл исми Шамсуддин Мухаммад (1321 – 1389/90) – буюк форс шоири.

34. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Ж.1. Бадойяъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – Б. 14.

35. “Наводир ун-нихоя” (“Бехад нодирликлар”) – 1476 – 1483 йиллар орасида тузилган.

36. Қаранг: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Ж. 2. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.

87.

37. “Наводир ун-нихоя” девони фақат ғазаллардангина таркиб топган.

нининг дурахшон ахтарларину ул қўнгул махзанининг дурахшон гавҳарларин дағи иккинчи девонимдаким, “Наводир ун-ниҳоя”ға машхурдур, рабту тартиб бериб, дебочасинда шарҳ била аиззайи асҷобу ажиллайи аҳбоб хидматларида арз қилиб эрдим”³⁸.

“Хазойин ул-маоний”нинг пайдо бўлишига ҳам, аслида, Абдурахмон Жомий сабабчи бўлган. Бу ҳақда “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Учинчи мақолат”ида сўз боради. Устоз Жомий учинчи девонига ҳам тартиб бергач, унинг ўз қалами билан битилган нусхасини шогирдига ҳадя этади. Навоий эса Мир Хусравдан бошқа бирор киши бир нечта девон тузиб, уларга алоҳида-алоҳида ном бермаганини айтади. Шуни мисол келтириш билан шогирд устозининг ҳар бир девонига алоҳида ном беришини сўрайди. Икки кундан сўнг Жомий Навоийга девонлар учун ёзилган феҳристри тутқазади. Феҳристрда устоз шогирдининг таклифи билан ўз девонларига “Фотиҳат уш-шабоб” (“Ёшликнинг бошланиши”), “Воситат ул-икд” (“Ўрта ёшликнинг инжулари”), “Хотимат ул-ҳаёт” (“Ҳаёт хотимаси”) деб ном берганини қайд этади³⁹. Шу воқеа сабаб бўлиб устоз ҳам: “Сенинг доғи назминг туркча алфозда мутааддид бўлубтур, сен доғи ҳар бирисини бир исм била мумтоз қил ва ҳар қайсини бир лақаб била жилвасоз этгил”⁴⁰, – деб, шогирдига ўз таклифини билдиради. Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да устозининг шу даъвати билан “Ғаройиб ус-сиғар” (“Болалик ғаройиботлари”), “Наводир уш-шабоб” (“Ёшлик нодирликлари”), “Бадоеъ ул-васат” (“Ўрта яшарлик гўзалликлари”), “Фавойид ул-кибар” (“Қарилик фойдалари”) каби девонлар тузганини айтиб ўтади. Бироқ бу ўринда уларнинг ҳаммасини бирлаштириб, тўпламга “Хазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) деган умумий ном берганини тилга олмайди. Чунки “Хазойин ул-маоний”нинг охириги таҳрир ишлари 1498 йилга тўғри келади⁴¹. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” эса 1494 йили ёзилган. Шунга асосланиб, тўрт девонга “Хазойин

38. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. Хазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 10.

39. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да шу феҳристрдан парча келтирилган. Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 68–69.

40. Ўша нашр, – Б. 69.

41. Қаранг: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Ж. 2. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.

ул-маоний" деб умумий ном бериш ғояси шоирда кейинроқ туғилган бўлиши мумкин. Акс ҳолда, Навоий буни "Ҳамсат ул-мутаҳаййирин" да алоҳида қайд этган бўлар эди.

"Ҳазойин ул-маоний"нинг биринчи девони "Ғаройиб ус-сиғар"-нинг сўнги, яъни 650-ғазалида Навоий устозини алоҳида тилга олади. Ғазалнинг мақтаси, яъни охирги байтида шоир шундай ёзади:

*Демангиз булбул Навоийни, самандардекки, бор
Назми ичра шуълайи Жомию сўзи Хусравий⁴².*

Шоир ўз анъанасига содиқ қолган ҳолда "Наводир уш-шабоб"нинг ҳам 650-ғазали мақтасида устозини ёдга олади:

*Янаки нутқ илаю руҳ ила етурди анга
Фуюз орифи Жомию ринди Шерозий⁴³.*

"Бадоеъ ул-васат"нинг ҳам охирги бўлиб келган 650-ғазали мақтасига Жомий номи яқун ясайди:

*Навоий фарду беҳуш улғанин деманг қачондиндур,
Ҳамондинким, ани маст этти ваҳдат жомидин Жомий⁴⁴.*

Навоий устозини мазкур "Бадоеъ ул-васат"нинг бошқа ўринларида ҳам таърифу тавсиф этади. Жумладан, девоннинг 215-ғазалида шоир шундай дейди:

*Эй Навоий, сену Хусрав била Жомий таври
Санъату рангни қўй, сўзда керак дард ила сўз⁴⁵.*

"Бадоеъ ул-васат"дан ўрин олган қасидада эса муаллиф қуйидагича ёзади:

42. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. Ҳазойин ул-маоний. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 496.

43. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 4. Ҳазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 469.

44. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. Ҳазойин ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 450.

45. Ўша нашр. – Б. 157.

*Фил-бадиҳа деб бу матлағни ўқуб юз офарин,
Хусраву Салмону Жомий руҳи англаб надратин*⁴⁶.

Шоир, юқорида кўриб ўтганимиздек, “Хазойин ул-маоний”нинг уч девонининг сўнги, яъни 650-ғазалларида устозини таърифу тавсиф этади. Бироқ тўртинчи девон – “Фавойид ул-кибар”нинг 650-ғазалида Жомий тилга олинмаган. Чунки шоир “Хазойин ул-маоний”ни Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.) ҳақидаги наът ғазал билан якунлашни маъқул кўради. Шундай бўлса-да, Навоийнинг нафақат бу девони, балки жами асарларининг яратилиши, шоир ижодининг равнақ топишига Жомийнинг таъсири жуда катта бўлган. Шунинг учун ҳам бу таъсирни биз, Навоий устозини ўзи тилга олиб ўтган-ўтмаганидан, таъриф этган ёки этмаганидан қатъи назар, ҳис этиб турамиз.

Навоийнинг “Фавойид ул-кибар” девонидан “Соқийнома” асари ҳам ўрин олган⁴⁷. “Соқийнома” да шогирд устозининг номини тилга олмаган бўлса ҳам, ундаги XXII, XXIII, XXIV, XXV бўлақлар Абдурахмон Жомий таъриф-тавсифи, хотирасига бағишланган. Бу ҳақда адабиётшунос Азиз Қаюмов шундай ёзади: *“Жомийга бағишланган тўрт бўлақда Навоий бирор кишининг номини айтмаган. Аммо барча таърифлардан шундай кўзга ташланиб турадики, бу ерда кўкларга кўтариб тасвир этилмоқда бўлган зот машҳур шоир, мутафаккир, олим ва фозил шахс Навоийнинг энг яқин дўсти, ҳаммаслаги, устоз ва пири Абдурахмон Жомийдир*⁴⁸.

“Соқийнома” да шоир яқинлари, ёру дўстларидан айрилиб қолганидан афсус-надоматлар чекиб, ҳис-ҳаяжонга тўлиб мисралар битади. Бу оламдан ўтиб кетган кўпгина дўстлари, жумладан, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммадларни ўкинч билан хотирлайди. Ҳар бир ишда унга сирдош, ҳамдам бўлган марҳум устози сиймосига эса шундай мурожаат қилади:

46. Ўша нашр. – Б. 481.

47. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 6. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 470–508.

48. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – Б. 54.

*Сенсен улким, яна йўқ сен киби зот,
Нақди маъни била фархунда сифот.*

*Сени қилди фалаки гарданда
Даҳр аро бир гарави арзанда.*

*Сен эдингким, манга дамсоз эрдинг,
Ҳар ниҳон нуктада ҳамроз эрдинг.*

*Зулмларким, манга бу чархи дани –
Қилди, қайдин топай айтурға сани.*

*Ким бири бу эдиким, солди йироқ
Сени, бағримга қўюб доғи фироқ⁴⁹.*

Азиз Қаюмов “Соқийнома”да Жомийга бағишланган таъриф тавсифлар ҳақидаги фикрларига шундай хулоса ясайди: “Шундай қилиб, Навоий “Соқийнома”да Жомийни шунчалар юксакликка кўтаради, унинг шарафли хотираси олдида тиз чўқади. Жомийни “Қуёш”, ўзини эса “заррача” деб билади, яна ўзини “тупроқ”, Жомийни эса “андоза сипеҳр” деб таърифлайди. Устоз ва шогирд ўртасидаги қадрдонликнинг олий даражаси эмасми бу нисбатлар!”⁵⁰.

Навоийнинг Жомийга бўлган чексиз ҳурмат-эътибори, шогирдлик ва муридлик эҳтироми муаллифнинг турфа асарларида турлича акс этиб бир-бирини тўлдириб боради. Бу ҳақда, жумладан, Э. Очиллов шундай деб ёзади: “Абдурахмон Жомий Навоий учун тариқатда – пир, адабиётда – устоз, ҳаётда – дўст мақомидаги улуғ инсон эди. “Хамса”нинг барча дostonларида у ўз устозига махсус боб бағишлайди. “Насойим ул-муҳаббат...” ва “Мажолис ун-нафоис” асарларида алоҳида ўрин ажратади. Бундан ташқари, ўзининг туркий ва форсий ғазалларида, “Тухфат ул-афкор” қасидаси, “Арбағин”да ҳам Жомий ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиради, уни таъриф-тавсиф этади”⁵¹.

49. Ўша нашр. – Б. 491.

50. Қаюмов А. Дилкушо такоррлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – Б. 56.

51. Очиллов Э. Жомий – Навоий идеалидаги комил инсон. // Жомий ва ўзбек

Айниқса, “Хамса” дostonларидаги Жомийга бағишланган бобларда шогирднинг ўз устозига бўлган олий муносабати намоён бўлади. Н. Гаффоров бу ҳақда шундай ёзади: *“Достонларнинг анъанавий кириш бобларида ҳазрат Навоий устози, пири Абдурахмон Жомийнинг бир неча муршидлик сифатларини қайд этиб, унинг комиллигига алоҳида урғу беради”*⁵². К. Муллаҳўжаева “Хамса”даги боблар ҳақида шундай фикр билдиради: *“Бу боблар “Ҳайрат ул-аброр” дostonида 65, “Фарҳод ва Ширин”да 34, “Лайли ва Мажнун”да 40, “Сабъаи сайёр”да 41, “Садди Искандарий” дostonида 44 байтни ташкил этади. Агар ҳар бир дostonдаги бу мадҳлар жамланса, кичик бир дoston ҳажмини олади. Уларнинг ҳар бирини алоҳида бир дostonнинг тарҳи деб тасаввур этиш ҳам мумкин. Бу мадҳларни изчил, мукамал ўрганиш Жомийнинг сурату сийратини қайта ярата олишимизга, айниқса, ботиний оламини мукамал тасаввур этишимизга, асарлари ва адабий маҳорати ҳақида кенгроқ маълумот олишимизга имкон яратади, зеро Жомийни Навоийдан яқинроқ ва яхшироқ билган ва уни асарларида бу қадар тўлақонли ифодалаб беролган ижодкор бўлмаса керак”*⁵³.

Алишер Навоий “Хамса”нинг биринчи дostonи “Ҳайрат ул-аброр”нинг 12-бобида ўзидан олдин ўтган, “Хамса” яратган шоирлар Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавийни мадҳ этади. Асардаги кейинги, яъни 13-боб эса Абдурахмон Жомий таърифига бағишланган. Бу унинг насрий сарлавҳасидаёқ батафсил баён этилади: *“Сафо жомининг софи ошоми мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий мадда зиллаҳулолий васфиким, васфға сиғмас ва таърификим, таърифға рост келмас ва ул ҳазрат илтифотининг Куёши бу хоксори тийрарўзгор ҳолиға партав солғоннинг изҳори ва ул Куёш тарбиятидин бу туйфроққа зоҳир қилган гули насрин, балки гуногун раёҳин осори ва “Тухфат ул-аҳор” тухафи мутолаасидин назм риштасиға тортмоқнинг сабаби”*⁵⁴.

адабиёти. Тўплам. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 99.

52. Гаффоров Н. Алишер Навоий “Хамса”сида сўфийлар тимсоли. Филол.ф. н. дисс. автореферати. – Тошкент. 1999. – Б. 19 – 20.

53. Муллаҳўжаева К. “Хамса” муқаддимотларида Жомий сиймоси. // Жомий ва ўзбек адабиёти. Тўплам. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 72 – 73.

54. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 7. Ҳайрат ул-аброр. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 51.

Маълумки, Жомий салафлари – Низомий Ганжавий ва Хусрав Деҳлавийларнинг “Хамса”сига татаббуъ қилиб, “Ҳафт авранг” мажмуасини яратган. Унинг биринчи достони “Тухфат ул-аҳрор” деб номланган. Юқорида келтирилган матнда Навоий устозининг “Тухфат ул-аҳрор”ини таърифлаб ўтган. Бундан ташқари, муаллиф бу бобда Жомийни бугунги кун тариқатининг қутби, ҳақиқат сирларининг кашф этувчиси, деб кўкларга кўтаради. Яна муаллиф хизматига шоҳу гадо тайёр бўлган Жомийнинг олдида ўзига имтиёз берилганини, яъни ўзининг бу улуғ зотга яқин шахс эканини ҳам айтиб ўтади. Жомий ёзган ҳар бир нарса эл ҳукмига ҳавола этилишидан олдин Навоий мутолаасидан ўтганини фахр билан ифодалайди:

*Номағаким, роқим этиб хомасин,
Кўрмади мен кўрмайин эл номасин⁵⁵.*

Бу бобда муаллиф Жомийнинг: “Ўқиб чиқ!”– деб берган “Тухфат ул-аҳрор” тухфасини олганини ва мутолаа қилиб, унда ҳам ажиб бир ҳавас уйғонганини ёзади. Жомий асарни форсийда адо қилган бўлса, Навоий шу мавзудаги достонини туркийда бошлашни ният қилганини айтади.

Боб охирироғида Навоий Аллоҳдан ўзи таъриф этган ана шу уч “Хамса”навис устози – Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийларнинг йўлини беришини тилаб, жумладан:

*Сарву гулу лола харидори бор,
Лек ўтуннинг доғи бозори бор⁵⁶,–*

дейди. Бу билан у устозларини сарв, гул ва лолага қиёслайди. Бироқ шуларнинг орасида оддий ўтиннинг ҳам бозори бор, деб, олий даражада камтарлик қилади. Бу билан Навоий устозларининг нақадар улуғлигини кўрсатади. Камтарлик кейинги байтларда яна ҳам кучаяди:

55. Ўша нашр. – Б. 53.

56. Ўша нашр. – Б. 56.

*Уч қадаҳи соф ила шаҳ бўлса х(в)аш⁵⁷,
Лойи доғи қолса чекар дурдкаш*

*Ит киби чун пастлиғим чоғладим,
Ўзни бийиклар ипиға боғладим.*

*Бўлса алар озими дашти адам,
Мен ҳам ўлай соя киби ҳамқадам⁵⁸.*

“Фарҳод ва Ширин” достонида эса Абдурахмон Жомий таърифи 7-боб бўлиб келади. Бобнинг насрий сарлавҳасида мана бундай илиқ сўзларни ўқиймиз: “Ҳазрати шайхулисломий мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий (мадда зиллаҳу) мадҳидаким, бу лабташнайи водийи ҳайратқа мунингдек маъни бодасининг жоми анинг ҳиммати майхонасининг сувчиларидин дамодам тўлди ва анинг дуоси паймонасининг соқийларидин лаболаб бўлди⁵⁹.”

Муаллиф ушбу бобнинг бошида Низомий ва Хусравни икки филга қиёслаб, Жомийни эса, юзта филга тенг келувчи тирик фил, дейди. Бу билан устозини улуғлаб, унинг шеърят оламидаги ниҳоятда йирик сиймо эканини қайд этади. Бундан ташқари, тасаввуф бобида уни XI – XII асрларда яшаб ўтган мутасаввиф шоир Зиндапил Жомийга⁶⁰ тенглаштиради:

*Муҳаббат жоми дурдшоми улдур,
Ҳамоно Зиндапили Жомий(й) улдур.*

*Кўруб сармасти жоми ваҳдат они,
Демешлар Зиндапили ҳазрат они⁶¹.*

57. Форсий-туркий мумтоз шеърятда “хуш” сўзи “дурдкаш” ва шу оҳангдаги сўзларга қофия қилиниши мумкин. Лекин бундай маҳалда “хуш” даги “вов” харфи “у” деб эмас, “в” деб ўқилиши лозим. Аммо бунда бу сўзни “хуш” эмас, “х(в)аш” деб талаффуз қилишга тўғри келади.

58. Ўша нашр. – Б. 56.

59. Алишер Навоий. Муқамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 8. Фарҳод ва Ширин. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 31.

60. Зиндапил Жомий (IX – XII) – Жомда туғилган машҳур мутасаввиф шоир Абу Наср Аҳмад бинни Абулҳасаннинг лақаби. Унинг тахаллуси “Аҳмади Жомий” бўлган.

61. Ўша нашр. – Б. Ўша.

Яна Навоий дунёда ҳеч ким Жомийчалик икки жаҳон аҳлини ҳайратга солмаганини айтади. Устозини дарёга, сўзларини дурга, қаламини гавҳар сочувчи қаламга ўхшатади. Унинг калималарини, шакардан ҳам ширин, гавҳардан ҳам равшан, покдан ҳам пок, деб таърифлайди. Боб охирида Навоий ўзининг Жомийга мурид эканини таъкидлаб, пири руҳидан мадад тилайди, ўз қаламининг ҳам устозиники янглиғ фазилатларга эга бўлишини истайди:

*Навоийким, муриду бандасидур,
Иродат йўлида афгандасидур,*

*Ҳам ул гавҳар била кўнглин ёрутқил,
Ҳам ул шаққар била комин чучутгил.*

*Каломин ул гуҳардек айла рангин,
Ҳадисин ул шаққардек айла ширин.*

*Кетургил, соқий, ул жоми киромий, –
Ки тутсун риндлар сархайли Жомий.*

*Чу пири дайр май қилди ҳавола,
Ичармен гар эрур гардун пиёла⁶².*

Бу парчадаги Жомий ҳақида келган “риндлар сархайли”, “пири дайр”, ўзи тўғрисидаги “муриду бандаси”, “иродат йўлида афгандаси” деган ифодаларда пир-муридлик муносабатлари очиқ-ойдин акс этган. Шу тариқа муаллиф “Фарҳод ва Ширин”-ни ёзишда пиридан мадад кутаётгани англашилади. Соқийга мурожаат қилиб, сен киромий жом келтир, уни менга риндлар бошлиғи Жомий тутсин, шу пири дайр менга май тутуши билан, агар у бутун гардун(осмон)дек келадиган катта пиёлада бўлса ҳам, ичаман, дейди.

Достон тугалланди. Шоир бу асардан кутган мақсадига етди. Аммо у асарга хулоса тарзида келган охириги, яъни 54-бобда ҳам,

62. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 8. Фарҳод ва Ширин. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 33.

устозлари, жумладан, Жомийни ҳам унутмайди. Шоир бу бобда кучли бир лирик чекиниш қилиб:

*Фароғат кунжида бир гўша тутсам,
Мени эл, мен доғи элни унутсам.*

*Бори ашғолдин шаҳ тутса маъзур, –
Ки бўлсам сўз демак шуғлиға маъмур.*

*Яна шоҳ илтифоти бўлса гаҳ-гоҳ, –
Ки бўлса назм ё нозимдин огоҳ,*

*Сўзумга гаҳ бериб ислоҳдин зеб,
Гаҳи инъоме этса сўзга тарғиб⁶³, –*

дейди. Барча ишлардан, одамлардан йироқлашиб, ижод билан машғул бўлсам, фақат шоҳ илтифот этиб, назмдан ва унинг муаллифидан гоҳ-гоҳ хабар олиб турса, баъзан-баъзан сўзларимни ислоҳ қилса, инъомлар бериб, ёзишга рағбатлантириб турса, мен ҳам буюк ишлар қила оламан, дея ўзидан олдин ўтган уч хамсанависни, жумладан, Жомийни ҳам тилга олади:

*Деёлмасменки, Хусрав ё Низомий
Ва ё назм аҳлининг сархайли Жомий,*

*Нечукким, чектилар тил ханжарини,
Саросар олдилар сўз кишварини.*

*Алар ўтрусида мен ҳам чекиб тиғ,
Чекарга сўз синонин қилғамен биғ*

*Вале Ҳақ лутфиға элтиб паноҳи,
Шаҳ иқболидин истаб такягоҳи.*

63. Ўша нашр. – Б. 474.

*Дейлғайменки, кўп айлаб тазарруъ,
Буларға айлай олғаймен татаббуъ⁶⁴.*

“Назм аҳлининг сархайли” дейилганда Жомийнинг Хуросон адабий мактабидаги шоирларнинг энг катта устози бўлгани қайд этиляпти. Шоир Низомийнинг Бардаъ билан Ганжани олгани, Рум аҳлига ҳам қадам ранжида қилгани, Хусравнинг Ҳиндистонни фатҳ айлагани, Жомийнинг Ажамдаю Арабда шуҳрат тутгани айтилиб, ўзининг Хитойдан Хуросонгача бўлган ҳудудларни, Хуросонгина эмас, Шерозу Табризгача чўзилган ўлкаларни лашкар тортмай олганини айнан шу бобда келтиради:

*Низомий олса Бардаъ бирла Ганжа,
Қадам Рум аҳлига ҳам қилса ранжа,*

*Чекиб Хусрав дағи тиғи забонни,
Юруб, фатҳ айласа Ҳиндустонни,*

*Яна Жомий Ажамда урса навбат,
Арабда доғи чолса кўси шавкат,*

*Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.*

*Олибмен тахти фармонимга осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.*

*Хуросон демаким, Шерозу Табриз, –
Ки қилмишдур найи килким шакаррез.*

*Кўнгул бермиш сўзумга турк, жон ҳам,
Не ялғуз турк, балким туркмон ҳам⁶⁵.*

Гарчи Абдураҳмон Жомий айнан “Фарҳод ва Ширин” сайёр сюжети асосида асар ёзмаган, унинг ўрнига шу вазнда “Юсуф ва

64. Ўша нашр. – Б. 474 – 475.

65. Ўша нашр. – Б. 475.

Зулайхо" дostonини битган бўлса ҳам, Навоий бу маснавийсида ҳам устози ва пирининг таърифига алоҳида боб ва саҳифалар бағишлашни маъқул топади. Дostonдаги бу таъриф у тавсифлар ўзининг бадийи безакларга ўраб айтилгани билан ажралиб туради.

"Лайли ва Мажнун" дostonида боб Жомий мадҳига бағишланади. Унинг насрий сарлавҳасида қуйидаги сўзларни ўқиймиз: *"Валоят сипехрининг ахтари жаҳонтоби ва ҳидоят маъданининг гавҳари сероби ва назм авжининг меҳри фалак эҳтишоми ва маоний жомининг ринди софий ошоми, яъни мавлоно Нуриддин Абдураҳмон Жомий мадҳида нукта сурмак ва анинг дурди жомин сумурмак"*⁶⁶.

Бу бобда Жомий таърифи уни сўз гулшанида очилган гулга ўхшатиш билан бошланади. У комил инсон сифатида тасвирланиб, бош оғриганда даво сифатида сандал ёғочини майдалаб, пешонага суркаганлари каби фаришта Жомий кавшлари гардини юзига суртади, деб таърифланади.

*Сочиb лақаби жаҳон аро нур,
Зоти билан нуран ало нур*⁶⁷

Бу байтда Навоий Жомийнинг тахаллуси жаҳонга нур таратишини ва зоти билан нуран ало нур эканини қайд этади. Шоир бу билан "Нуриддин" сўзига ишора қилиб, "нур устига нур" иборасини қўллайди.

Ушбу бобнинг бир қисмида муаллиф, "Хамса" дostonларидаги Жомийга бағишланган боблардагидан фарқли равишда, баъзи байтларни тўғридан-тўғри устозига мурожаат тарзида битади:

*Гар "Хамса"ни этмай мураттаб,
Килкинг яна сўз қилиб мураккаб.*

*Улдамки хароши хома қилдинг,
Ўзга нима нақши нома қилдинг*⁶⁸.

66. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 9. Лайли ва Мажнун. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 35.

67. Ўша нашр. – Б. 36.

68. Ўша нашр. – Б. 37.

Бундан ташқари, Навоий бу бобда Жомийнинг “Тухфат ул-аҳрор”, “Силсилат уз-заҳҳаб”, “Субҳат ул-аброр”, “Юсуф ва Зулайхо” дostonлари ҳамда девонлари хусусида тўхталиб, уларни мадҳ этади. Муаллиф Жомий назмининг ҳам, насрининг ҳам ҳар қандай таърифдан ортиқ эканини айтади.

“Сабъайи сайёр”нинг 7-боби ҳам айнан Жомий таърифига бағишланган. Устоз мадҳи одатдагидек бобнинг насрий сарлавҳасиданоқ бошланади: *“Жаноби сипеҳрмакон хизматкорлиғи ва саҳоби гавҳарафшон ҳаводорлиғи, яъни ҳазрат шайхулисломий мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий мадда зиллаҳул-олий мадҳида хома найининг шакарборлиғи ва кўнгул садафининг гавҳарнисорлиғи”*⁶⁹.

Ушбу бобда Жомий таърифи янада муайянлашади. Яъни унинг ижодий маҳорати шунчаки таъриф этилмайди, балки асарлари махсус тилга олинади. Бу бобда Жомий асарлари “Лайли ва Мажнун”нинг эслаб ўтилган бобидагидан кўра тўлиқроқ саналади. Бобнинг асосий мақсади ҳам, назаримизда, Жомийнинг асарларини батафсил санаб ўтиш ва махсус таърифлашдан иборат бўлган. Бу ерда Жомийнинг Ибн Ҳожибнинг “Қофия” асарига битган шарҳи, “Арбаъин”, “Лавомеъ”, “Лавойеҳ”, “Ашиъат ул-ламаъот”, “Тову Мимия”, “Шавоҳид ун-нубувват...”, “Нафаҳот ул-унс...”, “Тухфат ул-аҳрор”, “Субҳат ул-аброр”, “Силсила”, “Юсуф ва Зулайхо” асарлари ҳамда қасидалари ва ғазалиёти бирма-бир саналиб, таърифу тавсиф этилади. Бундан ташқари, муаллиф, бу асарларни бирма-бир зикр этишдан наф йўқ, чунки ҳар қанча санаманг, уларнинг саноғи тугамайди, дейди. Ҳатто, китоблар номи поёнига етганида ҳам, унинг камолоти тугамаслигини айтади.

“Хамса”нинг охириги достони – “Садди Искандарий”да ҳам Навоий ўз устозига махсус боб бағишлайди. Бинобарин, асарнинг 7-боби шундай насрий сарлавҳа билан бошланади: *“Сўз дурлари назмида низомийзом ва такаллум гавҳарлари интизомиди хусравкалом Низомий била Хусрав қойиммақоми, яъни ҳазрати маҳдумий мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий мадда зиллуҳ ул-олий ало мафориқи фарқ аттолибин жанобида арзи ниёз қилмоқ ва изҳори роз айламак”*⁷⁰.

69. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 10. Сабъайи сайёр. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 41.

70. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 11. Садди

Муаллиф бу бобда Жомийни, билимнинг Куёши, сўз жисмининг жони, деб таърифлайди. Шунингдек, унинг “Тухфат ул-ахрор”, “Субхат ул-аброр”, “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун” каби асарлари мадҳ этилади. Яна муаллиф Жомийнинг сўзлари барча жаҳон аҳлини маст қилганини, унинг назми жон офати эканини, ҳатто, унинг нафаси ўлганларга жон бера олишини қайд этади.

“Садди Искандарий”нинг охирги, яъни 89-боби амалда “Хамса”нинг ҳам тугалланма боби ҳисобланади. Бу ерда ҳам Навоий биринчи галда хамсанавис салафларини эслайди. Улар орасида, албаттаки, Абдураҳмон Жомий ҳам бор. Сарлавҳадаёқ маълум қилинадикки, бу бобда ушбу хазиналар тилсимоти, яъни “Хамса”ни охирига етказгани *“жавоҳир пири дарёзамир равшан кунглига ер тутқони”*, яъни маъқул тушгани, шунингдек, соҳиби сухан улуг шоирлар руҳига ёққани, улардан ислом подшоҳи, яъни Ҳусайн Бойқарони дуо қилишларини сўрагани ҳақида сўз боради.

Бу бобнинг батафсил шарҳи – алоҳида масала. Мавзу тақозосига кўра, биз унинг фақат Абдураҳмон Жомий билан бевосита боғлиқ нуқталаригагина тўхталамиз.

Шоир ёзадики, аввалдан унда “Хамса” ёзиш иштиёқи бор эди. Аммо:

*Десам тарк этай, қўймайин ҳимматим,
Десам зўр этай, етмайин қувватим*⁷¹.

Тасвирланишича, шундай қийналиб юрган маҳалида фариштадан (Сурушдан) мана бундай овоз келади:

*...Етишгил, кўпуб, пир даргоҳиға,
Таважжух қилиб жони огоҳиға,*

*Анинг ботинидин тила ёрлиқ,
Бийик ҳимматидин мададкорлиқ, –*

Искандарий. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 48.

71. Уша нашр. – Б. 562.

*Ки ҳар қуфлким, фатҳидур нопадид,
Анга бор эранлар дуоси калид*⁷².

Демак, фаришта гўёки шоирга бориб, пири, яъни Абдурахмон Жомий ботинидан (рухидан) мадад сўрашни айтади, чунки шайхлар (эранлар) дуоси ҳар қандай қулфни очиш қувватига эғалигини таъкидлайди.

Шу маслаҳатга кириб, шоир минг истиҳола билан пири ҳузурига боради. Остонадан қадам кўяётганида у худди ўзини ҳарамга (Каъбага) кираётгандек ҳисэтади. Пир ботинига таважжуҳ қилиши билан файз ета бошлайди, яъни эшикка қўл урмасидан ўзидан-ўзи очилиб, ичкаридан: *“Ниёз аҳли кирсин!”* – деган овоз келади:

*Не ҳаддим эшикка урарға илик,
Илик майл қилмай очилди эшик.*

*“Ниёз аҳли кирсин!” – дебон чиқди роз,
Бу роз англағач, кирдим айлаб ниёз*⁷³

Бу ердаги *“ниёз аҳли”* тушунчаси бирор-бир ният, истак, илинж билан келган ҳожатманд кишини англатади.

Шунда пир муриди гапирмасидан кўнглидагини сезади, унинг дилига туккан мақсадига етажагини башорат қилади. Туркийлар орасида сенчалик билиму салоҳиятга эга бошқа биров йўқ, бу бешада (маснавий ўрмонида) икки нарра шер (Низомий Ганжавий билан Хусрав Деҳлавий) бор, лекин сен уларга лойиқ жавоб айта оласан, деб, шогирдининг кўнглини кўтарди, *ишга кириш, сендан ҳаракат, биздан* – дуо билан мададкорлик қилиш, дейди:

*Кўп эмди, ишингинг хаёлида бўл,
Хаёл аҳли зеби жамолида бўл, –*

*Ки сендин – бу шуғлунгда ҳушёрлик,
Дуо бирла биздин – мададкорлик*⁷⁴.

72. Ўша нашр. – Б. 562 – 563.

73. Ўша нашр. – Б. 563.

74. Ўша нашр. – Б. 566.

Шу тариқа ишга киришиб кетиб, беш дostonдан иборат “Хамса”ни тугалладим, дейди шоир давомида. Тугатганидан кейин эса уни олиб, унга мададкор бўлган, мададкоргина эмас, амр этувчи, бошига оғир иш тушганда, додига етгувчи пири хузурига олиб борганини айтади:

*Анинг сори бўлди кўнгул рағбати, –
Ким эрди мададкор анинг ҳиммати.*

*Мададкор йўқ, амр этгучи ул,
Не иш тушса, ғаवरумға етгучи ул⁷⁵.*

Низомий “Хамса”ни ўн беш йилда ёзиб, яна ўн беш йил уни таҳрир қилган, Хусрав Деҳлавий эса камида йигирма йил вақт сарфлаган бўлса, Навоий уни икки йилга етар-етмас муддатда тугатади. Аммо жамият ишларидан озод бўлмаган ҳолда ижод қилади, агар ёзган вақтинигина ҳисобга олганда, жами олти ой вақт сарфлаган бўлиб чиқади. Яна уни туркий тилда битган. Албатта, яратган бу катта асари – ўзига маъқул, лекин эл нима дер экан? Кейин бу – олдинги хамсанависларнинг руҳига ёқармикин? Бу икки саволга Абдураҳмон Жомий аниқлик киритиб берса, маъқул эди, деган мулоҳазалар ўтади муаллиф кўнглидан. Шу ниятда “Хамса”ни кўтариб, пири хузурига кириб боради. Абдураҳмон Жомий асарни варақма-варақ очиб, назар солади, муаллифга таҳсинлар айтиб, уни дуолар қилади. Тасвирланишича, унинг олдида шогирд икки кўзини ерга тикканча ўтиради. Шунда Навоийнинг сўзларидан чеҳраси очилган пир энгини шоирнинг энгига теккизади:

*Мусалсал каломимдин оғзида сўз,
Мен оллинда ерга тикиб ики кўз.*

*Сўзум очибон бўстондек энгин,
Қилиб лутф, энгимга солди энгин.*

75. Ўша нашр. – Б. 567.

*Қаю енгки, гардунға солса ани,
Муаддаб юзин айлагай мунҳани.*

*Чу эгнимга ул қўл била енг етиб,
Замиримдин ўзлук хаёли кетиб.*

*Чу ўзлук кетиб, юзланиб ҳолате, –
Ки ўздин ўзумга бўлуб ғайбате.*

*Ўзумдин ҳамул дамки, ғойиб бўлуб,
Манга жилвагар кўп ғаройиб бўлуб⁷⁶.*

Шунда шоир бир ҳарамга кириб қолади. Тўрда бир гуруҳ кишилар суҳбат қуриб ўтирибди. Унга ўтирганлардан бирови пешвоз чиқиб, ўзининг Ҳасан (Дехлавий) эканини айтади. Кейин бирма-бир даврадагиларни таништиради. Улар Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Саъдий Шерозий, Абулқосим Фирдавсий, Унсурий, Ҳаким Санойй, Хоқоний Ширвоний, Анварий, Мавлавий (Жалололдин Румий) ва Абдурахмон Жомий. Ўтирганлардан уч киши – Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий уни кўриб, ўринларидан туриб, у тараф юришади. Шунда Хусрав Дехлавий билан Абдурахмон Жомий Низомий Ганжавийдан илгарироқ қадам ташлаб, Навоийнинг икки қўлидан ушлаб, уни Низомий Ганжавий сари олиб боришади. Низомий унга таҳсинлар айтади, уни дуолар қилади...

Шу боб ҳам кўрсатадики, Навоий, ҳатто, “Хамса”дек буюк асарининг ёзилишида ҳам бевосита пири ва устозининг ўзига хос ўрни ва мадади борлигини таъкидлаяпти. Бу эса Жомий ва Навоий муносабатлари ўта нозик, кўптомонлама ришталар билан ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.

Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Учинчи мақолат”ини Жомийнинг китоблари, рисолаларини санаб ўтиш, улардан кўпчилигининг ёзилиши, тартиб берилишига ўзи сабабчи бўлгани ва бу гап ўша китобларнинг баъзиларида айтилганини маълум қилишга бағишлайди. Шу қисмга муаллиф “Хамса” дostonларидаги

76. Ўша нашр. – Б. 571.

устозига бағишланган боблардан парчалар киритади. Дастлаб Жомийнинг “Субҳат ул-аҳрор”идан Навоийга бағишланган мисраларидан, кейин Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр”идан Жомий мадҳида битилган байтларидан келтирилади. Шу йўналишда устознинг “Юсуф ва Зулайхо”, “Лайли ва Мажнун”, “Хирадномаи Искандарий” ҳамда шогирднинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” дostonларидан парчалар берилади.

Жомий “Сабъайи сайёр” типигаги асар ёзмаган. Гарчи Навоий “Сабъайи сайёр” да ҳам устозини таърифлаган бўлса ҳам, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Учинчи мақолат”ида аввал Жомийнинг дostonларидаги Навоий таърифи, кейин эса уларга шогирднинг жавоби кетма-кет келтирилгани учун бу ўринда “Сабъайи сайёр”даги Жомийга бағишланган бобдан парча келтиришни лозим топмаган. Бу эса Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да устози ва пирини таърифлашда ниҳоятда пухта-пишиқ йўл тутганини кўрсатади.

Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да “Хамса” дostonларидан келтирган маснавийларининг барчаси ўша дostonлардаги биз юқорида кўриб чиққан Жомийга бағишланган бобларнинг бошидан парча қилиб олинган. Бироқ “Фарҳод ва Ширин”дан келтирилган маснавий Жомийга бағишланган нашрдаги 7-бобнинг бошидан эмас, балки 6-бобнинг охириги 4 мисрасидан ҳам қўшиб илова қилинган:

*Кел, эй соқийки, тушмиш жонима жўш,
Кетур бу икки ёди бирла бир қўш.*

*Алар ишқида нўш айлаб ики жом,
Тутай Жомий майи мадҳин саранжом⁷⁷.*

Дostonдаги Жомийга бағишланган боб эса кейинги байтдан бундай бошланади:

*Ики пил ўлса Хусрав ё Низомий,
Эрур юз пил чоғлиғ пил Жомий⁷⁸.*

77. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 61.

78. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 8. Фарҳод ва

Шарқ адабиётида пайғамбаримиз(с. а. в.)нинг энг саҳиҳ 40 та ҳадисини саралаб олиб, уларнинг мазмунини назмга солиш анъанаси бўлган. Абдурахмон Жомий ҳам шу йўналишдаги “Арбаъин ҳадис”, яъни “Қирқ ҳадис” асарини ёзади. Навоий туркийзабонларни ҳам бу ҳадислар мазмунидан баҳраманд этиш мақсадида устозининг бу асарини “Арбаъин” номи остида таржима қилади. Мазкур асарнинг “Сабаби таълифи манзума” қисмида муаллиф, аввало, устозини қуйидагича таърифу тавсиф этади:

*Ул сафо аҳли пок фаржони,
Покфаржому покфар Жомий.
Ул яқин сори дастгир манга,
Қиблаву устоду пир манга*⁷⁹.

Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Учинчи мақолат”ида Жомийнинг “Арбаъин ҳадис” асарини битгани, унинг қораламаси ҳам ҳаммадан олдин ўзига текканини фахр билан қаламга олади. Мазкур воқеа туфайли унда асарни таржима қилиш орзуси пайдо бўлганини ҳам ёзади. Шу ўринда муаллиф “Арбаъин”дан биз юқорида танишган тўрт мисрани парча қилиб келтиради. Аммо “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да, негадир, “Қиблаву устоду пир манга”, – деган мисра: “*Муршиду устоду пир манга*”⁸⁰, – деб берилган. Ҳар ҳолда шоир ўз асарини кейинчалик таҳрир қилиб “қиблаву” ўрнига “*муршиду*” деган сўзни қўйган бўлиши мумкин.

Навоий қирқ ҳадисни таржима қилиб, аввало, туркийзабон китобхонлар манфаатини кўзлади. Қолаверса, устози олдида шогирдлик бурчини адо этди. Амалда Навоий ҳам, устози каби, 40 саҳиҳ ҳадис танлаб, ўзбек тилида тамоман янги “Арбаъин” яратиши, назира ёзиши мумкин эди. Лекин у айнан устози асарини таржима қилишни афзал билди.

Навоийнинг бутун ижоди, хусусан, форсий тилдаги асарларининг яратилишида Жомийнинг таъсири – жуда катта. Биз бу

Ширин. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 31.

79. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 16. Арбаъин. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 261.

80. Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 55.

таъсирни “Девони Фоний” да янада якқолроқ кўрамиз. Навоий Жомий ғазалларига татаббуълар қилади, устози ғазаллари таврида ғазаллар битади. Шоир девондаги ҳар бир ғазалнинг кимга татаббуъ қилингани ёки кимнинг таврида ёзилганини алоҳида кўрсатади. Жумладан, Жомий ғазалларига қилинган татаббуъларга *“Татаббуъи махдуми Ҷомӣ”, “Татаббуъи ҳазрати Махдумӣ”, “Татаббуъи Махдумӣ”, “Татаббуъи Махдум”*⁸¹, устоз таврида ёзилган ғазалларга эса *“Дар таври Махдуми Нуран”, “Дар таври Махдумӣ”, “Дар таври Махдум”*⁸² деб сарлавҳалар қўяди. Ана шундай сарлавҳалар остида девондан Жомий ғазалларига татаббуъ қилинган 31 та⁸³, унинг таврида ёзилган жами 10 та ғазал⁸⁴ ўрин олган. Бундан ташқари, девонда *“Татаббуъи Махдум дар таври Хоҷа”*⁸⁵ ва *“Татаббуъи Шайх”*⁸⁷ дар таври Махдум⁸⁸ каби сарлавҳалар остида 2 та ғазал берилган.

Навоий устози вафотига бағишлаб 7 бандли, ҳар бир банди 10 байтдан иборат (жами 140 мисрали) марсия⁸⁹ ёзади. Бу марсия

81. Алишер Навоийнинг “Мукаммал асарлар тўплами”нинг 18-жилдидан фарқли ўлароқ, 19-жилдидан жой олган Жомий ғазалларига қилинган татаббуъларнинг барчасига бир хил тарзда “Татаббуъи Махдум” деб сарлавҳа қўйилган.

82. Юкорида таъкидланганидек, 19-жилддан ўрин олган Жомий таврида ёзилган барча ғазаллар устига “Дар таври Махдум” деб сарлавҳа қўйилган. Бизнингча, бу мазкур жилдни тайёрловчилар томонидан тизимлаштириш учун қилинган иш бўлса керак.

83. Қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 18. Девони Фоний. – Тошкент: Фан, 2002. Татаббуълар: – Б. 46, 48, 50, 52, 54, 56, 64, 192, 280, 296, 386. Шунингдек, шу асарнинг 19-жилдидаги татаббуълар: – Б. 98, 102, 112, 132, 186, 202, 210, 218, 242, 258, 316, 322, 352, 358, 384, 388, 454, 470, 546, 574.

84. Қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 18. Девони Фоний. – Тошкент: Фан, 2002. Жомий таврида ёзилган ғазаллар: – Б. 128, 130, 256, 382, 440. Шунингдек, шу асарнинг 19-жилдидан ўрин олган шу таврдаги ғазаллар: – Б. 90, 162, 226, 376, 462.

85. Хожа – Хожа Ҳофиз Шерозий. Асл исми – Шамсиддин Муҳаммад (1321 – 1350), буюк форс шоири. “Девони Фоний” да Ҳофизнинг татаббуъида 211, таврида эса 20 ғазал мавжуд.

86. Қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 18. Девони Фоний. – Тошкент: Фан, 2002. – Б. 304.

87. Шайх – Шайх Саъдий Шерозий (1203–1292), улуг форс шоири. “Девони Фоний” да Саъдийнинг 22 ғазалига татаббуъ ва унинг ғазаллари таврида 2 ғазал бор.

88. Қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 19. Девони Фоний (давони). – Тошкент: Фан, 2002. – Б. 36.

89. Марсия таркиббанд шаклида ёзилган. Яъни банд охиридаги байт юкоридаги қўшимсралар билан ўзаро кофиялашмайди.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг охирида асарга илова сифатида келади. Бундан ташқари, “Девони Фоний”га ҳам айнан шу марсия киритилган. Бироқ иккала асар таркибидаги марсия ўзаро солиштирилганда баъзи бир фарқларни кўрамиз.

Марсиянинг “Девони Фоний” таркибида келган вариантыдаги “симёкори”, “бинвишанд”, “хуми”, “умароро”, “ба гиландудаи дар”, “ҳама роҳ”, “шудааст”, “во асафо”, “аҳли кулл”, “аълами авлоди”, “хўрад шон” каби сўз ва сўз бирикмалари “Хамсат ул-мутаҳаййирин”даги намунада “кимийёкори”, “ниюшанд”, “хами”, “уламоро”, “ба гил андуда дури”, “ҳамроҳ”, “шуда паст”, “вовайлоҳ”, “ақли кулл”, “афсаҳи ажноси”, “хурўшон” шаклида келади.

Марсиядаги 6-, 7-бандларда байтларнинг ўрни алмашганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, “Девони Фоний”даги марсиянинг 6-бандида “Хома рў карда...” деб бошланувчи 6-байт “Хамсат ул-мутаҳаййирин”даги намунанинг худди шу бандида 4-байт бўлиб, шунингдек, девондаги марсиянинг 7-бандида “Эй рафиқон...” деб бошланадиган 9-байт “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да худди шу банднинг 8-байти бўлиб келади.

Энди бири бирининг ўрнида келган байтлар ҳақида тўхталсак. Марсиядаги 5-банд, 7-байтнинг “Девони Фоний”даги нусхасида:

*Чун ту ганче, ки фалак дошт ниҳон кард ба хок,
На паи ҳифз, ки аз ғояти имсоқ туро⁹⁰.*

Мазмуни: “Фалак сен каби нодир хазинадан баҳра олиш учун эмас,
Балки сени яхши сақлаш учун тўпроққа яширди”.

ўрнига “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг худди шу жойида бутунлай бошқа шакл ва мазмундаги мана бу байт келади:

*Сайри афлокот аз он шуд, ки зи Эзид дархост
Баҳри ҳамрозии худ хожои лавлок туро⁹¹.*

90. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 20. Девони Фоний (давони).

– Тошкент: Фан, 2003. – Б. 17.

91. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 83.

Мазмуни: *“Фалакларга сайр этишинг (сабаби) шундаки, пайғамбар*

Сен билан сирдош бўлишни Худодан сўради”.

Худди шунга ўхшаш ҳолат марсиянинг 6-бандида ҳам учрайди. Фақат бу сафар байтнинг бутунлай ўзгариши эмас, балки таҳрир қилингани кўзга ташланади. “Девони Фоний” даги марсиянинг 6-банддаги 9-байт қуйидагича:

*Гузарондан ба фано, аҳд кунам боқии умр,
К-андар ин дайри қўҳан аҳди бақо маҳкам қу⁹²?*

Мазмуни: *“Қолган умрни фонийликда ўтказишга аҳд қилдим,
Бу қўҳна дунёда боқийлик аҳдининг маҳкамлиги қани?”*

“Хамсат ул-мутаҳаййирин” да худди шу банддаги айни байт қуйидагича келтирилади:

*Эй ки будан ба фано аҳд куні боқии умр,
Андар-ин дайри фано аҳди бақо маҳкам қу⁹³?*

Мазмуни: *“Эй қолган умрни фонийликда ўтказишга аҳд қилган,
Бу фонийлик дунёсида боқийлик аҳдининг маҳкамлиги қани?”*

Албатта, байтларнинг ўзгариши билан боғлиқ иккинчи мисолимиз – баҳслироқ. Бу ҳодиса таҳрир, қўлғезмалардаги хатолар ёки уларни нотўғри ўқиш оқибатида юз берган бўлиши ҳам мумкин.

Умуман олганда, Навоийнинг биргина марсиясини ҳам, имкони борича, асл ҳолида китобхонларга етказиш учун ҳали талайгина ишлар қилиниши керак. Бу, айниқса, матншунослар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Биз фақат марсиядаги мавжуд тафовутларнигина қайд этдик, холос. Қолбуки, асарда бундай фарқлар яна анча бўлиши мумкин.

Навоийнинг лотин ёзувида чоп этилган 10 жилдли “Тўла

92. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 20. Девони Фоний (давоми).

– Тошкент: Фан, 2003. – Б. 18.

93. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 84.

асарлар тўплами” солиштириш учун кўриб чиқилганида янги нашрга марсиянинг “Девони Фоний”даги шакли асос қилиб олингани маълум бўлди⁹⁴.

“Девони Фоний”дан жой олган таърихлар қаторида дастлаб Жомий вафотига бағишланган иккита таърих келтирилади:

*Гавҳари кони ҳақиқат, дурри баҳри маърифат,
К-ў ба Ҳақ восил шуда дар дил набудаш мосивоҳ,
Кошифи сирри илоҳӣ буд бешак, з-он сабаб
Гашт таърихи вафоташ: “Кашфи асрори Илоҳ”⁹⁵.*

Мазмуни: “Ҳақиқат конининг гавҳари, маърифат денгизининг дури, у Ҳаққа восил бўлди, қалбида Аллоҳдан бошқа нарса йўқ эди.

Шак-шубҳасиз илоҳий асрорнинг очувчиси эди, шу сабаб Вафотининг таърихи: “Кашфи асрори Илоҳ” бўлди”.

Бу таърих “Хамсат ул-мутаҳаййирин” охирида ҳам берилган. Девондаги иккинчи таърих эса қуйидагича:

*Сари арбоби маънӣ орифи Ҷом,
Ки буд ў муршиди аҳли тариқат.
Чу шуд з-ин дори Фонӣ, гашт таърих
Ба фавташ: “Ҳодии сирри ҳақиқат”⁹⁶.*

Мазмуни: “Маъно арбобининг бошлиғи бўлган Жом орифи У – тариқат аҳлининг муршиди эди. Бу фоний дунёдан ўтгач, Вафотининг таърихи: “Ҳодии сирри ҳақиқат” бўлди”.

Абжад ҳисоби бўйича бу таърихлардаги “Кашфи асрори Илоҳ” ҳамда “Ҳодии сирри ҳақиқат” сўз бирикмаларидан Жомий вафот этган ҳижрий 898, яъни милодий 1492 йил келиб чиқади.

Мазкур девондаги муаммо жанрига оид асарлар орасида ҳам Жомий номига битилгани бор:

94. Қ а р а н г: Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. 10 jildlik. 5-jild. Xamsat ul-mutahaayirin. – Toshkent: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyat-matbaa ijodiy uyi, 2013.

95. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 20. Девони Фоний (давони). – Тошкент: Фан, 2003. – Б. 74. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” да бу бирикма “Кошифи сирри Илоҳ” деб берилган. Қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 79.

96. Ўша нашр. – Б. Ўша.

*Чун бувад париро бадон он қомати дилчў,
Бас бол, ки зад дар талабаш рехт пари ў⁹⁷.*

Мазмуни: *“Пари (ғўзал) ўша қўнғил олувчи қомати билан
Қанот қоққанида унинг патлари тўкилиб кетди”.*

Алишер Навоий ўзининг форсий тилдаги “Рух ул-қудс” (“Муқаддас рух”), “Айн ул-ҳаёт” (“Ҳаёт булоғи”), “Тухфат ул-афкор” (“Фикрлар тухфаси”), “Қут ул-қулуб” (“Қалблар озуқаси”), “Минҳож ун-нажот” (“Нажот йўли”), “Насим ул-хулд” (“Жаннат шабадаси”) деб номланган олти қасидасини бирлаштириб, унга умумий “Ситтаи зарурия” деб ном қўяди. Шоир “Ситтаи зарурия”нинг дебوحасида ҳам устозини ёдга олади:

*“Дурри яктои баҳри неқномӣ,
Имоми зумраи ақтоб Ҷомӣ*

*Қаддасаллоҳу таоло руҳаҳу муттасил буд ва хотири шикаста
ба имтисоли авомиру навоҳи он қаноб мутавассил. Ҳамвора
фармони лозим ул-ишоға ва амри воқиб ул-итоғаи он ҳазрат ин
камтаринро бад-он маъмур медошт, ки гоҳе инони суҳанро аз водии
туркӣ ба савби форсий мунсариф гардонад ва зимоми назмро аз адои
туркона ба қониби луғоти фурс мунъатиф созад. Ва агарчи инқиёди
амри эшон бар сару чашм лозим буд ва иттибоғи он ба қону дил
мутаҳаттам. Аммо бар ҳасби “Ал-умури марҳунатун би авқотиҳо”
дар айёми ҳаёти бо баракоти он ҳазрат ба ҳасаби тақдир бар он
амр маҷоли мубодарат набуд”⁹⁸.*

Мазмуни: *“Яхши ном чиқариш денгизининг ягона дури,
Қутблар тоифасининг имоми Жомий.*

*Аллоҳ руҳларини муқаддас қилсин, (тасарруфимга) муттасил
(боғлиқ, масъул) эдилар. Ва (менинг) шикаста хотирим у жанобнинг
амрунаҳй (буюрган ва таъқиқлаганлари)га иттикорлик қилишда
воситалар ахтарарди. Доимо у ҳазратнинг фармонини ёйишни
лозим ва амрларига бўйсуннишни вожиб (зарур) билганимдан бу*

97. Ўша нашр. – Б. 102.

98. Ўша нашр. – Б. 191.

каминайи камтаринга гоҳида сўз жиловини туркий водийдан форсий томонга ўзгартиришни ва назм тизгинини туркона баёндан форс тилига буришни амр қилардилар.

Агарчи у кишининг амрларига итоат қилиш бош устига лозим ва буйруқларига тобе бўлиш жону дил билан зарур эди. Аммо: “Ҳар бир иш ўз вақти билан гаровланган” мазмунига кўра, у ҳазратнинг баракотли тириклик(вақт)ларида тақдир тақозосига кўра, у амрларни адо этишга киришилмади. Ва бу бесамар кунлар бирор-бир ҳолатда ёрдам бермадилар”.

Гарчи, Навоий “Ситтаи зарурия”ни устозининг тириклигида ёзмаганидан афсус чекса ҳам, тўплам таркибидаги қасидаларнинг айримлари Жомий ҳаёт пайтида битилган ва унинг назаридан четда қолмаган эди. Жумладан, Навоий Хусрав Деҳлавийнинг “Дарёи аброр” қасидасига жавобан “Тухфат ул-афкор” қасидасини ёзишда устозининг шу асарга жавобия тарзида битилган “Лужжат ул-асрор” асаридан таъсирланади. Шунингдек, “Тухфат ул-афкор”ни ёзиш учун устозидан мактуб орқали изн сўрайди. Бу воқеа “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Иккинчи мақолат”идаги 4-ҳикоятда келтирилган⁹⁹. Бундан ташқари, зикр этилган дебочанинг ўзида ҳам Навоий “Тухфат ул-афкор”ни кимларнинг таъсирида қоғозга туширганини алоҳида айтиб ўтади.

Навоий “Ситтаи зарурия”даги дебочадан ташқари, мажмуа таркибидаги қасидаларнинг ўзида ҳам устозини кўп бор тилга олади. Жумладан, Анварий, Хоқонийга татаббуъ қилинган “Минҳож ун-нажот” асарида шоир шундай ёзади:

*Дигар дар хидмати Махдум тақсирам агар ҳарчанд,
Нағунҷад дар замину осмон аз бас, фаровонӣ¹⁰⁰.*

Мазмуни: “(Яна бир бошқаси) Махдум (Абдурахмон Жомий) олдаги қусурларим кўплигидан еру кўкка сиғмаса ҳам”.

Хоқонийга татаббуъ тарзида ёзилган “Насим ул-хулд” қасидасида эса шоир устозини икки жойда тилга олади:

99. Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 34.

100. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 20. Девони Фоний (давони). – Тошкент: Фан, 2003. – Б. 284.

*Дигар шуд орифи Ҷом “Ҷило ур-руҳ”ро нозим,
Мушарраф сохта аз наъти оли “Фахр ул-аднон”аш¹⁰¹.*

Мазмуни: *“Яна бири орифи Жом – Абдурахмон Жомийнинг “Жило ур-руҳ” қасидасида олий даражадаги зот ишга қаттиқ киришиб, ушбу Аднон авлодининг фахри бўлган Муҳаммад алайҳиссалом наътини яратишга киришди”.*

Шоир сўзини бироз давом эттириб, ўз асарига “Насим ул-хулд” деб ном берганини ва уни яратишда устозлар руҳидан мадад сўраганини айтиб, шундай ёзади:

*Ба Ҷомӣ гар надорам роҳи даъво андар ин маънӣ,
Ки ҳаст устоди ман в-ин назм гашта зеби девонаш¹⁰²*

Мазмуни: *“Жомийга унинг қасидаси юзасидан даъвом йўқ. Бу (гапим) шу маънодаки, бу (зот) менинг устозим ва унинг қасидаси девонига зийнатдир”.*

Навий ўзининг насрий асарларида ҳам устози таърифу тавсифига алоҳида ўрин ажратди. Хусусан, “Мажолис ун-нафоис” ва “Насойим ул-муҳаббат...” тазкираларида ҳам Абдурахмон Жомий сиймосини гавдалантиришга алоҳида саҳифалар бағишлади.

“Маҳбуб ул-қулуб” да¹⁰³ эса Жомий асарнинг “Аввалги қисм”и, “Назм гулистонининг хушнағма қушлари зикрида” деб номланган 16-фаслида тилга олинади. Бунда шеърият оламида мислсиз ижод қилган қаламкашларнинг ижодий йўналиши гуруҳлаштирилади. Мажоз ва ҳақиқат каби тарикларда назм боғлаган шоирлар санаб ўтилади. Шу ўринда муаллиф устози ҳақида қуйидаги сатрларни битади: *“Яна ҳақиқат ва мажоз тарийқида комил ва илми иккаласи тариқида вофий ва шомил назм аҳлининг муқтадо ва имоми ҳазрати шайх ул-ислом мавлоно нур ул-миллати ва-д-дин Абдурахмон ал-Жомий (наввараллоҳу марқадаҳу ва қуддиса сирраҳу) дурким, аввалғи табақа равиши ва каломида ҳам шарифмақол*

101. Ўша нашр. – Б. 309.

102. Ўша нашр. – Б. Ўша.

103. “Маҳбуб ул-қулуб” (“Кўнгилларнинг севгани”) – Навийнинг 1500 йили ёзган энг йирик насрий асари.

ва сўнғи табақанинг ҳам адоси латойифида соҳибкамолдурким, оламда завқу ҳол аҳли булар латойифи била масрурдурлар ва булар маорифи била ҳузур қилурлар”¹⁰⁴.

Мазкур асар 2-қисмининг “Ишқ зикрида” деб аталган 10-бобида ҳам Навоий ишққа таъриф бераётиб, шундай ёзади: “Ишқ кўхистони бедодининг ношодларидин бири Фарҳоддур ва саҳройи жунун забунларидин бири Мажнундур. Ва шабистон савдоси девоналаридин бири парвона ва гулистон ҳавоси ношикебларидин бири андалиби девона. Ва оташгоҳ ҳарорати гармравларидин бири Хусрави номий ва майкада дардмандлиги номийларидин бири Жомий (наввараллоху марқадаҳу нуран ваффаққаналлоху)”¹⁰⁵.

“Ишқ зикрида” бобининг ўзи уч қисмга бўлинган. 1-қисмда муаллиф авом ишқи, яъни инсоннинг инсонга бўлган муҳаббат, никоҳ билан мустаҳкамладиган севгига таъриф беради. 2-қисмда эса хавосс, яъни хослар – илоҳий ишқдан, Яратганнинг ҳақиқий жамолидан баҳра олувчи инсонлар санаб ўтилади. 3-қисм тасаввуфда илоҳий ишқнинг яна бир босқичига кўтарилган сиддиқлар ишқига бағишланади.

Навоий бу бобда устозини хавосс ишқи вакили сифатида 2-қисмда таъриф этади: “Дунё ва охиратни бир оҳ ила ўртаган пок ошиқлар имоми ва мулк ва малакутда сойирлар шайхул-исломи ҳазрати муршидий ва маҳдумий нур ул-миллат ва-д-дин Абдураҳмон Жомий(наввараллоҳи марқадуху)дурким, агарчи алар васфи назмға нисбат берурдин юқорироқдур, аммо ҳар синф назмда беназир эрдилар ва нечаки таърифлари шеърда маҳоратдин ташқаридур ва лекин ҳар услуб шеърда жаҳонгирдурлар. Ва назмларида ҳар шеър била ишқ ўтин оламға урубтурлар, шеърларида ҳар байт била дард аҳли жону кўнгул оламин куйдурубдурлар”¹⁰⁶.

“Муншаот” да¹⁰⁷ 74-бўлиб жой олган¹⁰⁸ хатда Навоий Жомийнинг

104. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 14. Маҳбуб ул-қулуб. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 25 – 26.

105. Ўша нашр. – Б. 66.

106. Ўша нашр. – Б. 68.

107. “Муншаот” – Навоий ўзининг турли мактубларини йиғиб, 1498/99 йили тузган тўплами.

108. Юсуф Турсуновнинг “Муншаот” асарининг матний тадқиқида ушбу хат 75-ўрида келган. Қаранг: Ю. Турсунов. “Муншаот” асарининг матний тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. – Б. 110.

вафоти ҳақида сўраган бир кишига устозининг ўлими, дунёнинг ўткинчилиги ҳақида насиҳатомуз гапларни битади. Оят ва ҳадислардан иқтибослар келтиради ва мактубни қуйидаги шеърӣ мисралар билан якунлайди:

*То жоми бақоға маст бўлғай Жомий,
Кавсар майидин бўлғай анинг ошоми,
Шаҳ жоми ичида бодайи гулфоми,
Бўлсун тўлау ҳамиша андин коми¹⁰⁹.*

1495 йили Навоӣ ўзининг Жомӣ каби яқин кишиларидан бири Паҳлавон Муҳаммад хотирасини абадийлаштириш мақсадида “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарини ёзди. Паҳлавон Муҳаммад Абдураҳмон Жомӣ вафотидан бир йил кейин, яъни 1493 йили оламдан ўтди. Навоӣ ўз асарида бу воқеани Жомӣ билан боғлаб, уни шундай қаламга олади: “Чун Ҳазрати Махдумӣ Шайх ул-исломӣ қаҳф ул-аномӣ мавлоно Нуриддин Абдураҳмон ил-Жомӣ (қаҳдасаллоху руху)дин бир йил сўнгра Паҳлавон ҳамул ҳазратнинг пайравлиғиға, бу фано танғнойидин бақо гулшани фазосиға хиром кўргузди ва ул ҳазратнинг Паҳлавон била бениҳоят илтифотлари ва беҳадду ғоят махсус мулоямат ва ҳолатлари бор эрди, фавтининг таърихи ғариб услуб била воқеъ бўлбурдим, фавтларнинг таърихи бўлур:

*Муҳаммад Паҳлавон ҳафт кишвар, –
Ки дар даҳраш навбад ақрону амсол.
Сару сарҳалқаи аҳли тариқат, –
Ки рафт аз қайди гети фориг ул-бол.
Зи баъди қутби олам орифи Жом, –
Ки ў махдуми даврон буд аз иқбол.
Пас аз соли сўи жаннат хиромид,
Аз ин дерина дайри мухталифҳол.
Агар пурсад касе таърихи фавташ,
Бигўям: “Баъди Махдуми ба як сол”¹¹⁰.*

109. Алишер Навоӣ. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 14. Муншаот. – Тошкент: Фан, 1998. – Б. 202.

110. Алишер Навоӣ. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 119. “Баъди Махдуми ба як сол”

Мазмуни: *“Муҳаммад Паҳлавон – етти ўлка паҳлавони. Дунёда унинг тенги, ўхшаши йўқ. Тариқат аҳлининг боши ва сарҳалқаси Дунё кишанларидан қанот ёзиб кетди. Олам таянчи, Жом маърифатчиси иқбол юзасидан Даврнинг ҳурматли зоти кетидан бир йил кейин Ранг-баранг кўринишдаги бу кўҳна дунёдан жаннат томон хиром қилди. Агар кимда-ким вафоти таъриhini сўраса: “Махдумдан бир йил кейин”, – деб айтаман.*

“Муҳокамат ул-луғатайн”¹¹¹ асарида Навоий устозини бир неча ўринларда ёдга олади, таъриф у тавсиф этади. Жумладан, ўзининг туркий тилдаги асарларини санаш асносида “Садди Искандарий”ни устозининг “Хирадномаи Искандарий”идан таъсирланиб, мадад олиб, бу асарга назира тарзида ёзганини қайд этади: “Яна чун “Садди Искандарий” асосин хотирим муҳандиси солибдур, ҳозрати Махдум “Хираднома”сидин кўси ислоҳ ва имдод чолибдур”¹¹².

Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да икки тилни муқояса қилиш йўли билан туркий тилнинг айрим устунликларини кўрсатиб беради. Бунинг амалий исботи сифатида ўзи туркийда битган асарларини бирма-бир санаб ўтади. Шу билан бирга, форсийга ҳам эътибори кам эмаслигини таъкидлайди: *“Бу сўзлардин хасм мундоқ билмасун ва муддаий бу навъ гумон қилмасунки, менинг таълим турк алфозиға мулоийм тушган учун таърифидида муболаға изҳор қилурмен ва форсий иборатқа муносабатим озроқ учун инкор ва нафийға исрор кўргузурменким, форсий алфоз истифосин ва ул иборат истиқсосин киши мендин кўпрак қилмайдур эркин ва салоҳ ва фасодин мендин яхшироқ билмайдур”¹¹³.*

Сўзининг давомида муаллиф форсийда жуда кўп ўқигани, хусусан, Амир Хусрав Деҳлавий, Хожа Ҳофиз Шерозий асарларини севиб мутолаа қилганини ёзади. Шу ўринда устозини ҳам таъриф у тавсиф этиб: *“Яна бу фақирнинг пири ва устози ва тариқат аҳлининг соҳиби иршоди, жамиъ аҳлуллоҳнинг муқтадо ва шайх*

сўзларидан абжад ҳисобида 899 сони чиқади. Бундан Паҳлавон Муҳаммад ҳижрий 899, милодий 1493 йили вафот этгани маълум бўлади.

111. “Муҳокамат ул-луғатайн” (“Икки тил муҳокамаси”) – туркий ва форсий тилнинг имкониятлари солиштирилган, туркий тилнинг фазилатлари очиб берилган, 1499 йили ёзилган асар.

112. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 16. Муҳокамат ул-луғатайн. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 26.

113. Ўша нашр. – Б. 27.

ул-исломи ҳазрати Махдумий Нур ул-миллати ва-д-дини Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг руҳпарвар латойифи ва руҳгустар зарройификим, андин ҳар ғазал “кал-ваҳйил-мунзал”¹¹⁴ ва ҳар рисола “кал-аҳодис ин-набийи мурсал”¹¹⁵ олий шон ва рафъе макондурким, алардин ҳар лафз қийматда дурри саминдин обдорроқ ва ҳирқатда лаъли оташиндин барққирдорроқ. Ва иккаласи мазкур бўлгон азиз каломи муъжиз низомидин онча чошни ва насиб ва ўз ишқу камолоти ва ниҳояти ҳолоти мунга изофаки, “ҳазо шаъйун ажиб”¹¹⁶. Борчасиға кўп қатла ўтупмен, балки кўпин ёд тутупмен ва қасоид ва ғазалиётларининг ғариб ва латофатин билибмен, балки ғариброқ ва латифроқлариға татаббуъ дағи қилибмен”¹¹⁷, –деб ёзади. Мисол сифатида Жомийнинг “Лужжат ул-асрор”, “Жило ур-руҳ” қасидалари ва ўзининг унга татаббуълари матлаъларини келтиради.

Яна муаллиф ўзининг форсий девони ҳақида сўз юритиб, Хожа Ҳофиз, Шайх Саъдий, Мир Хусрав таврида шеърлар битганини айтади. Устозига эса алоҳида ўрин ажратиб, шундай ёзади: “Ва баъзи ҳазрат Махдумий Нуранғаким, камол авжининг меҳри ломийдур ва мазкур бўлгон азизлар ҳолотининг жомиики, бу девон халойиқ орасида шоеъдур ва рўзгор аҳлининг табълари ул сари рожеъ ва анда кўп турлук дилкаш адолар ва дилпазир маънолар воқеъдурки, тафсири бу фақирдин муносиб эмас. Ва анда ҳар навъ назм аснофидин, мисли муқаттаот ва рубоийёт ва маснавий ва таърих ва луғаз ва ул жумладин беш юзга яқин муаммоким, кўпи ҳазрат Махдумий Нуран муборак назариға етибдур ва ул ҳазратнинг ислоҳ ва таҳсини шарафин касб этибдурким, хомамдин рўзгор сафҳасиға ёзилибдур ва қаламим лайлу наҳор авроқида нақш қилибдур”¹¹⁸.

Бу сатрларда Навоий ёзганларининг аксарияти Жомий назаридан ўтгани билан фахрланса, куйида эса Жомийнинг қораламалари билан ҳам ҳаммадан аввал ўзи танишганини ҳаяжон ва фахр билан тилга олади: “Борчадин қуллийрак санад буқим, Ҳазрати иршод паноҳи наввара марқадаҳу Нуранки, каломи малики

114. “Кал-ваҳйил-мунзал” – “гуширилган ваҳий каби”.

115. “Кал-аҳодисин-набийи мурсал” – “юборилган пайгамбар хадислари каби”.

116. “Ҳазо шаъйун ажиб” – “бу ажойиб нарса”.

117. Ўша нашр. – Б. 28.

118. Ўша нашр. – Б. 32.

аллом ва аҳолиси мўъжазнизом, хайр ул-ланом алайҳиссалавоту васалламдин сўнгра форсий сўзда жамиъ алар сўзидин юқорироқ сўз йўқтур, кўпрак кутуб ва расоил ва ғазалиёт ва қасоиддаки, маоний гавҳарларин назм силкига кийдурур эрдилар ва замир ниҳонхонасидин анжуман тамошогоҳиға жилва берур эрдилар, анинг мусаввадасин бурунроқ бу фақирға илтифот ва эътиқод юзидин берур эрдиларким: “Бу авроқни ол ва боштин-оёғиға назар сол, хотирингга ҳар не айтқудек сўз келса, айт”, – деб ва ҳар не ишорат бўлғониким, мазкур бўлди, зоҳир қилсам, мақбул тушар эрди. Бу даъвоға далил буким, ўндин ортиқ кутуб ва расоил ул ҳазрат бу фақирнинг отин мазкур қилибдурлар ва кўпи табъ ва идрок ва мунга муносиб нималарға нисбат бериб, мастур қилибдурлар”¹¹⁹.

1492 йили Навоий мумтоз шеъриятнинг асосий вазн тури ҳисобланган арузга бағишланган “Мезон ул-авзон” асарини яратди. Навоийгача ҳам аруз назариясига оид бир қанча асарлар бор эди. Бироқ улар бу вазнга тегишли барча масалаларни тўлиқ қамраб олмаган эди. Шунинг учун ҳам “Мезон ул-авзон” асарида муаллиф: “...неча қоидау доира ва вазнким, ҳеч арузда, мисли фан возии Халил ибни Аҳмад¹²⁰ ва илм устоди Шамс Қайс¹²¹ кутубида ва Хожа Насир Тусийнинг¹²² “Меъёр ул-ашъор”ида, балки ҳазрати Махдумий наввара марқадаҳу нурани “Аруз”ларида йўқ эрдиким, бу фақир бу фан усулидин истихроҷ қилиб эрдиким, бу китобға изофа қилдим”¹²³. – деб ёзади. Демак, Навоий юқорида тилга олинган арузшунослар изидан бориб, бу фан йўналишида амалга оширилган ишларни мукаммал тарзда охирига етказишни мақсад қилиб, бу вазннинг ҳали илмда ўрганилмаган қирраларини ҳам очиб беради. Бу ўринда Навоий Жомийни таърифу тавсиф этмаган бўлса ҳам, у руҳан устози амалга ошира олмаган ишларни якунига етказишни истаган. Бу ҳам, аслида, юксак шогирдлик бурчи ҳисобланади.

119. Ўша нашр. – Б. 33 – 34.

120. Халил ибн Аҳмад (вафоти 791 йил) – аруз илмининг асосчиси. Арузга оид асари “Китоб ул-айн” деб аталади.

121. Шамс Қайс (вафоти 1230/31 йил) – Эроннинг Рай шаҳрида туғилган. “Ал-мўъжам” асари ўз даврида машҳур бўлган.

122. Хожа Насир Тусий (1200/01 – 1273/74 йил) – “Асос ул-иктибос” ва “Меъёр ул-ашъор” деган арузга оид асарлари бор.

123. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 16. Мезон ул-авзон. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 44.

Яқин-яқинларгача “Мезон ул-авзон”га аруз илми борасида туркий тилда битилган биринчи илмий рисола сифатида қараб келинди. Аммо профессор Эргаш Умаров АҚШдан XV асрда, Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида яшаган Шайх Аҳмад Тарозийнинг эски ўзбек тилида битилган “Фунун ул-балоға” асарини топди. Китоб – аруз, қофия ва илми бадеъага бағишлангани маълум бўлди. Бироқ Навоий бундан тамоман беҳабар бўлган. Акс ҳолда у асарларида Шайх Аҳмад Тарозийни тилга олган, айниқса, унинг шундай муҳим асарига муносабат билдирган бўлар эди.

“Мезон ул-авзон”нинг яна бир афзаллиги шундаки, унда туркий аруз ўзига хосликлари ҳам кўрсатиб берилган. Вазнларга мисолларни ҳам у фақат туркий шеърятдан келтиради.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Навоий ўзининг аксар асарларида устози Жомий сиймосини таърифу тавсиф этади. Уларнинг барчасида бу зотга бўлган чексиз ҳурмат, меҳр-муҳаббат, ўзига хос бир эҳтиром кўзга ташланади. Шу руҳ Навоийнинг шеърий ижодида ҳам, насрий асарларида ҳам бирдек намоён бўлади.

2. Навоийнинг туркий назмига ҳам, форсий тилдаги шеърий асарларига ҳам Жомийнинг таъсири жуда катта бўлган. Шоир девонларининг тартиб берилишига ҳам бевосита устози сабабчи эканини қайта-қайта такрорлашдан чарчамайди. “Бадойиъ ул-бидоя” девони дебочасида, “Хазойин ул-маоний” таркибидаги “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васат” девонларининг 650-ғазалларида устозини таърифу тавсиф этади. “Хамса”даги ҳар бир дostonда Жомийга махсус боб бағишлайди.

3. “Арбаъин” орқали, биринчидан, Жомий мисралари мазмун-моҳияти, бадий-табъий жозибаси ўзбек ўқувчиларига етказилгани, иккинчидан, Навоийнинг юксак таржимонлик маҳорати намоён бўлгани, учинчидан, бадий матн яратиш жараёнига шогирд ва муриднинг устоз ва пирга садоқатини, яъни таржимага руҳий (психологик) омилнинг таъсирини илмий ўрганиш мумкин.

4. Буюк ўзбек шоирининг форсий шеърятида устозининг таъсири янада яққолроқ намоён бўлади. Жумладан, “Девони Фоний”-

дан Жомий ғазалларига қилинган 31 та татаббуъ, унинг таврида ёзилган 10 та ғазал ўрин олган. Бундан ташқари, девонда Жомий вафотига бағишланган марсия, 2 та таърих, унинг номига битилган муаммо ҳам бор. “Ситтаи зарурия” дебочасида, шунингдек, асар таркибидаги “Минҳож ун-нажот”, “Насим ул-хулд” қасидаларида ҳам устозини таърифу тавсиф этади.

5. Навоийнинг насрий асарларидаги Жомий таърифи ўзининг кенгроқ, батафсилроқ, маълумотларга бойроқ экани билан ажралиб туради. Булар орасида “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат...” даги Жомийга бағишланган парчалар алоҳида ўрин тутади. Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарларининг бир неча жойида устозини мадҳ этиб тилга олади, “Мезон ул-авзон”, “Муншаот” асарларида ҳам устозини ёдга олади.

6. Навоий ўзининг аксарият асарларида устозини таъриф-тавсиф этган бўлса ҳам, улар орасида “Хамса”, “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат...” асарлари алоҳида ажралиб туради. Чунки “Хамса” дostonларининг ҳар бирида устозга бағишланган махсус боб, икки тазкирада эса бу зоти шарифга алоҳида саҳифалар ажратилган.

7. Биринчидан, “Хамса” амалда “Хамсат ул-мутаҳаййирин” моҳиятига етиш учун жуда-жуда асқотади, иккинчидан, ҳатто, бу буюк эпопеяда Жомий таърифларида келган боблар ҳам устоз-шоғирд ва пир-мурид муносабатларини тўла ёритиб беролмайди, яъни “Хамсат ул-мутаҳаййирин”га бўлган эҳтиёжни тўла қондира олмайди, учинчидан, “Хамса”да Жомий сиймоси – адабий тимсол, шунинг учун бу ерда у ўта бадиий бўёқларда тасвирланади, тўрттинчидан, Жомий сиймосини яратишда муаллифнинг “Хамса”ни ёзаётгандаги ўз олдига қўйган мақсади билан “Хамсат ул-мутаҳаййирин”ни битишда ўз олдига қўйган мақсади кўп жиҳатдан фарқ қилади.

8. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” – тўлиғича Жомий ҳаёти ва ижодига бағишланган асар. Шунинг учун ҳам икки буюк шоир муносабатларини тадқиқ этишда, аввало, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, сўнг эса юқорида кўриб ўтганимиз ана шу асарларга мурожаат қилинади. Буларнинг барчаси яхлит ҳолда икки шахс муносабатлари

доирасини янада кенгроқ ва ёрқинроқ ёритиш учун энг ишончли адабий-илмий манба бўлиб хизмат қилади.

9. Ялпи олганда, Навойнинг ўз асарларида Жомий ҳақида ёзганлари амалда форсий-туркий адабий оламида жомийшуносликни бошлаб беради. Жомий тарихда биринчи навоийшунос сифатида тан олинганидек, Навой ҳам ўтмишдаги биринчи жомийшунос ҳисобланади.

1.3. НАВОИЙ ИЖОДИДА САЙЙИД ҲАСАН АРДАШЕР ВА ПАҲЛАВОН МУҲАММАД ТАСВИРИ

Навоий ҳаёти ва ижодида Саййид Ҳасан Ардашер ҳамда Паҳлавон Муҳаммаднинг ўрни беқиёс эди. Шу сабабли ҳам буюк шоир ва мутафаккир уларга атаб ёзилган “Ҳолот”лардан ташқари, бошқа асарларида ҳам ушбу тарихий шахсларга алоҳида тўхталади. Бу асарларни яхлит ҳолда йиғиб, кўриб чиқиш шоирнинг яқин кишилари ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтиради ва маноқиб-ҳолотлар мазмунини яхшироқ тушунишимизга хизмат қилади.

Навоийнинг Саййид Ҳасан Ардашерга бағишлаб ёзган илк асари бу – шеърӣ мактуб. Шоир ёшлик даврида ҳам Саййид Ҳасанни ўзининг энг яқин ҳамдами сифатида билган. У Абусаид Мирзо дастидан қочиб Самарқандга келган пайтларида айнан Саййид Ҳасанга ҳасби ҳол тарзида маснавий битади. Бу шеърӣ мактуб кейинчалик “Ҳазойин ул-маоний”нинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонига киритилган. Маснавийнинг 22-байтида шоир Саййид Ҳасаннинг номини тилга олади ва шундан асар кимга атаб ёзилгани маълум бўлади:

*Вафо анга пеша, сахо анга фан,
Вафоу сахо кони Саййид Ҳасан.*

*Зиҳе равзадин хулқунг ортуқ баса,
Келиб боғи қадрингда тубо хаса.*

*Чу сенсен бугун олам аҳлида фард, –
Ки, ҳолин де олғай санга аҳли дард.*

*Мангаким, видодингға хурсандмен,
Жанобингға шогирду фарзандмен¹²⁴.*

Вафони ўзига касб, саховатни фан қилган, вафо ва сахо кони

124. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 3. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 527.

Саййид Ҳасан, хулқинг жаннатдан ортиқ ҳатто, жаннатдаги тубо дарахти ҳам сенинг олдинда бир хасдек гап, аҳли дард ўз ҳолини айта оладиган ягона инсонсан, сенга дўстлигимдан, шогирду фарзандлигимдан хурсандман, деган мазмундаги фикрларни айтиб, шоир ўз ватани, яъни Ҳиротдан кетишга мажбур бўлганини шундай ифодалайди:

*Ғаме етти чархи жафопешадин,
Ҳамул анжуми хориж андешадин, –*

*Ки бўлмоқ ватан ичра душвор эди,
Қўнгулга жало дафъи озор эди.*

*Сафар тушти оллимға беихтиёр,
Қазо амрида элга не ихтиёр¹²⁵.*

Бошига тушган мусофирчилик савдоларини анча баён қилганидан сўнг шоир, шуларни хат қилиб ёзиб, аҳволимни сенга айтишим керак эди, деган мазмунда ўз сўзларини давом эттиради:

*Аён бўлғай оллингда ҳангомае,
Битимак манга фарз эди номае,*

*Санга ҳолатимни аён айламак,
Бу азмим вужуҳин баён айламак.*

*Манга неча навъ ўлди бечоралиғ, –
Ки оллимға тушти бу оворалиғ¹²⁶*

147 байтли маснавийнинг охирги мисралари дийдор умиди билан шундай якунланади:

*Бу эрди сўзумким, дедим мен ғариб,
Яна Тенгри дийдор қилғай насиб!¹²⁷*

125. Ўша нашр. – Б. 527.

126. Ўша нашр. – Б. 528.

127. Ўша нашр. – Б. 537.

Навойй тазкираларида ҳам Саййид Ҳасанга алоҳида ўрин ажратади. Жумладан, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асари билан “Мажолис ун-нафоис” тазкираси бир пайтда, ҳижрий 896, милодий 1490\91 йили ёзилган¹²⁸. Асарнинг 2-мажлиси Навойй болалик ёки ёшлик пайтида кўришиб, танишган ва асар ёзилган давргача вафот этиб кетган шоирлар ҳақида бўлгани учун ҳижрий 894, милодий 1488\89 йили вафот этган Саййид Ҳасан Ардашерга шу 2-мажлис охиридан ўрин берилган:

“Саййид Ҳасан Ардашер – бу фақирга ота масобасида эрди. Андоққим, Мирзобек фарзанд масобасида эрди, ҳам анга ва ҳам фақирга. Бу фақир турк ва сорт орасида андин тамомроқ киши кўрмайдурмен. Йигитликда зоҳир улумин касб қилиб эрди. Аммо фақир жониби ғолиб эрди. Тасаввуфда табъи хуб эрди. Салотин тарбияти анинг ҳузурига бўлдилар, ўзин йироқ тортти ва лекин Султони соҳибқирон хулқ ва лутфи муфрит билан иш орасиға кюрди ва улуғ тарбиятлар қилди ва майли биттабъ фақр сори ғолиб эрди. Оқибат ҳамул жонибни ихтиёр қилди ва ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Табодгоний (қуддиса сирриху) хизматидаким, муршиди замон эрди ва зикри ўтти, сулук ихтиёр қилиб, “арбаин”лар чиқариб, кўп мақоси назм айтур эрди. Риндлиғи чоғида висоқи ринд ва хароботийларнинг мажмаи эрди ва бу ишни киши андин яхшироқ қилмади. Ул вақтда бу қитъани деб эрдиким:

*Чи хуш бошад сабуҳи бо дилором,
Лаболаб аз қадаҳ ҳар дам кашидан.
Чу ғунча ҳар ду дар як пираҳан танг,
Баҳам печидану дарҳам кашидан.*

(Таржимаси: Дилором билан тонг пайтида тўла қадаҳларни сипқоришдан, ғунча сингари ҳар иккимиз тор бир кўйлак ичида чирмашиб кучушмоғимиздан ёқимлироқ нима бор?!)

Аммо тақво ва зуҳд чоғида туркча бу байт ҳам анингдурким:

*Илоҳий, нури ирфондин кўнгулга бир сафо бергил, –
Ки исён зулмати ичра хароб аҳволу ҳайрондур.*

128. Навойй бу асарини 1497\98 йили қайта ишлаб, айрим ноаникликларни бартараф этган.

*Муборак марқади Миёни Ду жўйда Гозургоҳ йўлида ўз отаси ҳазираси ичида гунбазида эрди. Азизлар ҳазирасиға нақл қилилди*¹²⁹.

Тазкирада муаллиф Саййид Ҳасан унга ота ўрнида бўлгани, Саййид Ҳасаннинг ўғли Мирзобекни эса Навоий ўзига фарзанддек билганини ёзади. Шунингдек, муаллиф туркийлар ва форсийлар орасида бу кишидан комилроқ инсонни кўрмаганлигини таъкидлайди.

Асарда Саййид Ҳасан ёшлигида дунёвий касб билан шуғулланиб, лекин қалбида сўфийлик устунлик қилгани, подшоҳлар ундан тарбия олишга, суҳбатига интилгани, бироқ у бундан ўзини олиб қочгани, фақатгина Ҳусайн Бойқаро яхши сўзлар билан уни давлат ишларида ишлашга кўндиргани, барибир, қалбида сўфийлик устун келиб, муршиди замон Мавлоно Табодгонийга мурид тушиб, “арбаин”лар чиқаргани, яъни чиллалар ўтиргани маълум бўлади. Тазкирадан яна риндлик пайтида ўзининг уйини ринд ва дарвешларнинг маконига айлантирганини ва бу ишни ҳеч ким у кишидек яхши бажара олмаганини, шунингдек, туркий ва форсий тилда байтлар айтганини билиб оламиз. Қабри дастлаб Миёни Ду жўйда Гозургоҳ йўлида, ўз отаси мақбарасида бўлган. Кейинчалик “Азизлар ҳазираси”га кўчирилган.

“Мажолис ун-нафоис”да Навоий Саййид Ҳасанга шоир сифатида ўрин ажратган бўлса, иккинчи тазкираси “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват”га у авлиё шахс сифатида киритилган. Бу асарини Навоий 4-5 йил кейин, яъни 1495 йили қоғозга туширган.

Тазкирада Саййид Ҳасан Ардашер 675-ўринда “Дарвеш Саййид Ҳасан қуддиса сирриху” деб келтирилади: *“Хуросон вилоятининг ашрофидин эрдилар. Сипоҳилиғ суратида ўткарур эрдилар. Салотин илтифот қилурлар эрди. Аммо доим майллари дарвеш сари эрди ва дарвешлар хизматиға етар эрдилар ва дарвешлар сўзин ва расойилин ўқур эрдилар. То оқибат бу жониби ул жонибға ғолиб келди ва улуг маносиби зоҳирийни ва подшоҳнинг тақарруб ва хусусиятини тарк қилиб, Мавлоно Муҳаммад Табодгоний қ. с. хизматиға бориб, оламнинг барча ишидин илик тортиб, ул иликни фақр этагига уруб сулуқка машғул бўлдилар. Неча йил ғариб арбаъинлар чиқариб, дар-*

129. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 13. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 69.

вешлар орасида мутаайин ва фақр тариқида Ҳазрат Мавлононинг ихтиёри хулафосидин бўлдилар. Хожя Бурҳонуддин Абунаср Порсо қ. с. ва Шайх Баҳоуддин Умар р. Мавлоно Боязид Пуруний а. р. ва Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий қ. р. ва ул замоннинг машойихининг кўпининг суҳбатиға етиб эрдилар ва бу ҳақирни фарзандлиққа махсус қилур эрди. Бу ҳақир фақр тариқида ва фано жоддасида алардек тамом киши оз кўрубмен. Охир ҳаётларида Самарқандға бориб, Хожя Носируддин Убайдуллоҳ қ. с. хизматиға мушарраф бўлуб, суҳбатлар тутуб, назарлар топиб, қайтиб келиб, саккиз юз тўқсон тўртда оламдин ўттилар ва аларнинг фавтининг таърихи мундоқ воқеъ бўлубдурки,

ш е ъ р:

[Фано аҳлининг бошлиғи Саййид Ҳасан кетди,

унинг жойи абадийжаннат бўлсин!

У покиза зот вафотиға таърих ахтардилар.

Айттим: «Жаннати покаш макон бод»].

Ҳирот шаҳрининг шимол ҳаддида, тоғ этагида азизлар ҳазирасида қўйилди¹³⁰.

Албатта, бу ўринда Навоий тазкира жанридан келиб чиқиб иш тутган – фактларни умумлаштириб, қисқа ва лўнда шаклда берган. Шундай бўлса-да, ўзига оталик мақомидаги Саййид Ҳасаннинг Хуросон вилоятининг шарафли инсонларидан бўлгани, аслида, дарвешликка мойил бўлиб, сўфийларнинг рисоаларини кўп ўқиган бўлса ҳам, сипоҳийлик билан шуғулланишига тўғри келгани, подшоҳлар иззат-ҳурматида бўлгани ҳақида ёзади. Шунингдек, Ардашер тасаввуф аҳлидан қайси улуғ шахсларнинг суҳбатиға мушарраф бўлгани, хусусан, Самарқандға келиб Хожя Убайдуллоҳ Валий билан учрашганини ҳам алоҳида қайд этади. Навоийнинг ёзган таърихи, Ҳасан Ардашернинг ҳижрий 894 йили вафот этгани, Ҳирот шаҳрининг шимолий қисмидаги тоғ этагида жойлашган “Азизлар ҳазираси”га қўйилгани ва тазкирада келтирилган барча маълумотлар “Ҳолот”даги фактларга тўлиқ мос келади.

Бир шахс ҳақида бир неча асарда келтирилган маълумотларни

130. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 17. Насойям ул-мухаббат. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 440.

солиштириш тарихий ҳақиқатни аниқлаштиришда ёрдам беради. Чунки баъзи тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти турфа асарларда турлича берилиши ҳолати кўп учрайди. Бу эса мутахассисларни чалғитади ва тарихий ҳақиқатни англашга халақит беради. Аммо бу ерда яна бир масала бор. “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида ҳам, кўриб ўтилган икки тазкирада ҳам Навоийнинг Ҳасан Ардашерга бўлган муносабати ва бу шахсга берган баҳоси – бир хил. “Ҳолот” да: *“Бу фақир фуқаро аҳли, дарвешлар ва аҳлуллоҳ мулозаматиға кўп етибмен, фақир тариқида алардек оз кўрубмен”*¹³¹, – деса: *“Насойим ул-муҳаббат...”* да: *“Бу ҳақир фақр тариқида ва фано жоддасида алардек тамом киши оз кўрубмен”*¹³². – дейди. “Мажолис ун-нафоис” да эса: *“Бу фақир турк ва сорт орасида андин тамомроқ киши кўрмайдурмен”*¹³³, – деб ёзади. Яъни Навоий уч ўринда ҳам сўфийлик йўлида Саййид Ҳасан Ардашердек инсонни оз кўрганини алоҳида таъкидлайди. Бу – Ҳасан Ардашерга берилган юксак баҳо. Бу баҳо азалдан Навоийнинг онгида қаттиқ шаклланиб қолгани – аниқ. Шунинг учун муаллиф уч асарида ҳам бир фикрни қатъий туриб таъкидлаяпти.

Навоий Саййид Ҳасан вафотига бағишлаб яна бир асар яратган. Бу – “Ҳазойин ул-маоний”нинг “Наводир уш-шабоб” девонига киритилган марсия. Асар таркиббанд шаклида ёзилган бўлиб, 7 банддан иборат. Ҳар бир банд 8 байтдан ташкил топган. Жами 56 байт, яъни 112 мисра. Таркиббанд ғазал усулида қофияланадиган бандлардан ташкил топади. *“Бироқ таркиббанд бандларнинг охирида биринчи банднинг жуфт қофияли сўнги икки мисраси айнан такрорланмайди, балки ҳар бир банднинг охири янги ва мустақил қофиядош байт билан тугалланади”*¹³⁴.

“Ўзбек адабиёти тарихи” китобида ушбу марсия ҳақида шундай дейилган: *“Етти банддан (56 байт) иборат бу асар марсия характерида бўлиб, шоирнинг “ҳам ота, ҳам муршиду пир”и Саййид Ҳасан хотирасига бағишланган. Асар олам, гардуннинг жафокор ва*

131. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 99.

132. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 17. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 440.

133. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 13. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 68.

134. Адабиётшунослик терминлари лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – Б. 219.

бевафолиги (1 – 2 бандлар), мамдуҳнинг оламдан ўтиш хабари (3 банд), унинг тавсифи (4 банд), мамдуҳнинг руҳи билан мулоқот (5), шоирнинг ўз мақсади, эътиқоди тасвири ва тақдир тақозосидан афсусланиши (6) ҳамда умумий хулосадан (дунёнинг бевафолиги ва дўстларга васият тарзидаги) иборат. Умуман, асар композицияси ниҳоятда пухта бўлиб, мамдуҳ дунёқараши ва характерининг (4 банд) умумлашган, мухтасар характеристикасини яратишга имкон берган. Бу шеър Навоийнинг “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” номли асаридан сўнг ўқилганда унинг моҳияти, шоирнинг умумлаштириш қобилияти ва поэтик маҳорати яна ҳам ёрқин кўринади¹³⁵. Ҳақиқатан ҳам, ушбу марсия “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарининг охирида унга илова сифатида киритилса, мантиқан ҳолотни янада тўлдирган бўлар эди. Чунки “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” да Навоий худди шундай йўл тутган. Яъни Жомийга бағишланган марсияни шу маноқибнинг охирига илова сифатида жойлаштирган¹³⁶. Бу марсия ҳам 7 бандли, бироқ ҳар бир банди 10 байтдан иборат, жами 70 байт, яъни 140 мисра. Жомийга бағишланган бу марсия ҳажм жиҳатидан катталигидан ташқари, форсий тилда ёзилганлиги билан ҳам ажралиб туради. Бундан ташқари, “Девони Фоний”га ҳам айнан шу марсия киритилган. Таркиббанднинг икки асарда ҳам келтирилиши бизга марсияни матний солиштириш имконини ҳам беради¹³⁷.

Навоий асарларининг биз кўриб чиққан 20 томлик мукаммал асарлар тўпламида ҳам 10 жилдликда ҳам “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асари муаллиф келтирган таърих билан яқунланади. Бироқ асарнинг ўзимизда чоп этилган намуналарида охириги бир неча жумла ва шеърий матн тушиб қолган. Бу эса асарни келажакда қайта чоп этишда матншуносларимиз зиммасига алоҳида вазифа юклайди. Чунки Навоий асарларини келажакка тўлиқ етказиш тарих олдидаги қарзимиз ҳисобланади. Жумладан, туркиялик олим Кемал Эрарслан томонидан “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”нинг туркча транскрипцияда чоп этилган нусхасида:

135. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Ж. 2. – Тошкент: Фан. 1977. – Б. 106-107.

136. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 79-85.

137. Марсиядаги матний тафовутлар талкикотимизнинг “Навоий асарларида Абдурахмон Жомий таърифи” 1.2-фаслида кўриб чиқилган.

“ва бу фақир алар мотаматида таркиби банд таврида марсия ай-тибмен”, – деган жумла билан тугаган. Уз ижодига ўта масъулият билан қараган Навоий “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида бу марсия ҳақида ҳеч нарса демаслиги ва ўқувчиларга эслатмаслиги мумкин эмас эди.

Шу ўринда Туркияда “Halat-i Seyyid Hasan Big” Risalesi¹³⁸ номи остида чоп этилган нусхага эътиборимизни қаратсак:

Ḥazret-i Ḥaḳ subḥānehu ve ta‘alā ol sālik-i āgālim ve ol vāsil-i dergāhni¹⁸ cāvidān-ı rahmet ravzasida sakin ve mū‘ebbed maḡfiret gülşenide muḡma’in tutsun ve muḡahhar kabridin ki mehbiḡ-i envār-ı ilāhidūr, bu tīre¹⁷ ruzgārğa lem‘aī ve muḡaddes rūḡidin ki vāsil u vāḳif-ı nā-mūtenāḡidūr, bu zālāletka ḳalğan ḡāksārğa eḡi‘aī yitsün.

*18 Ol sālik-i pāk-ḡilkat u pāk-āyin
Çün boldı ḡarīm-i vaḡi ara perde-niḡin
Rūḡi mededi bile bu mehcūr-ı ḡazin
Āyin-i fenā vü faḡr tapḳay āmin*

19 Ve bu faḡir alar mātemide terkīb-i bend ḡavrida merḡiye aytıp min.

“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”нинг юртимизда чоп этилган нусхаларда тушиб қолган қисмини кирилл ёзуви асосидаги алиф-бомизда ифодаласак: “Ҳазрати Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ул солики оғолим ва ул восили даргоҳни жовидони раҳмат равзасида сокин ва муаббад мағфират гулшанида мутмаин тутсин ва мутаҳҳар қабридинки маҳбити анвори илоҳийдур, бу тийра рўзгорға ламъаи ва муқаддас руҳидинки восилу воқифи номутаноҳидур, бу залолатқа қолған хоксорға ашиғойи етсун.

*Ул солики покхилқату покойин,
Чун бўлди ҳарими воши аро парданишин,
Руҳи мадади била бу маҳжури ҳазин,
Ойнайи фаноу фақр топқай омин.*

Ва бу фақир алар мотаматида таркиби банд таврида марсия ай-тибмен”.

138. <http://www.eskieserler.net/kitapdetayi.php?id=623>

Асарнинг “Жизнеописание Саида Хасана Ардашера”¹³⁹ номи остидаги таржимасида шу қисмлар ҳам рус тилига ўгирилган. Бироқ, барибир, Навоийнинг таркиббанд шаклида марсия ёзгани ҳақидаги жумла тушиб қолган.

“Наводир уш-шабоб” девонидаги марсиянинг бевосита мазмуни билан танишадиган бўлсак, унинг 1-банди 8-байтида Навоий Саййид Ҳасан исмини тилга олади ва фалак етти дуржи аро бундай дури пок кўрмаганини айтади:

*Баҳри урфон дури Саййид Ҳасан улким афлок,
Етти дуржи аро бир кўрмади андоқ дури пок¹⁴⁰.*

Марсиянинг 4-банди 7-байтида Навоий, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида айтганидек, Саййид Ҳасан унга ота, муршиду пир мақомида бўлганини алоҳида таъкидлайди:

*Мени мотамзадаға ҳам ота, ҳам муршиду пир,
Балки ғамхўру ҳам ёвару ҳам ёр қани¹⁴¹?*

Навоий Ҳасан Ардашер вафот этган пайтда Ҳиротда эмас эди. Шунинг учун ҳам фарзанд ўрнида бўлган шоирга бу қаттиқ ботади. Марсияда муаллиф бемор бўлиб ётиб қолган Ҳасан Ардашер ёнида фарзандлик бурчини бажара олмаганидан афсус-надоматлар чекади. Оғир аҳволда ётганинда бошинг устида жонимдан шарбат қилиб, сени едириб-ичириб, гоҳ бошингни, гоҳ оёғингни тузатиб қўйиб, ширин сўзлар айтиб, фарзандлик бурчини бажаришим керак эди, мазмунида сўзлаб шундай ёзади:

*Манга зулм ўлди фалакдинки, чу бўлдинг бемор,
Керак эрдик мен ўлсам бошинг узра ғамхор.
Шарбатинг эзсам эди шираи жоним қўшубон,
Ичирурга қилибон жаҳд неким мумкин бор.*

139. Алишер Навоӣ. Сочинение. В 10-ти томах. Т. 9. Жизнеописание Саида Хасана Ардашера. – Ташкент: Фан, 1970.

140. Алишер Навоӣ. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 4. Ҳазойин ул-маъний. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 497.

141. Ўша нагр. – Б. 499.

*Ҳам ғизо, мен керак эрдик, тутиб оллингда,
Рағбат айларга десам эрди мулойим гуфтор.*

*Гаҳ бошингни тузатиб, гоҳ аёғингни ёпиб,
Эзурилиб бошингга, фарзандлиғ айлаб изҳор¹⁴².*

Марсиянинг фарзандона надомат кайфиятида ёзилган ушбу 6-банди охирги байтида Навоий инсон фарзанди тақдирни ўзгартира олмаслигини айтиб, ўзига-ўзи ва ўқувчига бироз таскин бергандай бўлади:

*Чора йўқтур чу бу навъ эрмас экандур тақдир,
Мумкин эрмас киши тақдирға бермоқ тағйир¹⁴³.*

Саййид Ҳасан ўлимидан Навоийнинг чуқур қайғуга ботгани – аниқ. Чунки у шоирнинг энг яқин кишиси, маслакдоши, сирдоши, отаси ўрнидаги мураббийи эди.

Навоий “Хазойин ул-маоний”нинг “Фавойид ул-кибар” девонига киритилган “Соқийнома”да ҳам Саййид Ҳасанга алоҳида ўрин ажратади. “Соқийнома”нинг XXVI банди айнан шу зотга бағишланган. Бу банд – 19 байтдан иборат. Унда шоир ўзининг Саййид Ҳасанга фарзанддек бўлганини ёзади:

*Манга зоҳирда атоу устод,
Лек маъни аро пири иршод.*

*Мен анинг бандалиғиға хурсанд,
Ул дебон лек рафиқу фарзанд¹⁴⁴.*

Ушбу банднинг кимга аталганини билиш қийинчилик туғдирмайди, чунки муаллиф мамдуҳнинг исмини ўзи келтиради:

142. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 4. Хазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989. – Б. 500.

143. Ўша нашр. – Б. 501.

144. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 6. Хазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 497.

*Лақаби Сайид Ұлуб, оти Ҳасан,
Лақаби янглиғ оти мустаҳсан*¹⁴⁵.

Бу асарнинг ҳам Сайид Ҳасан вафотидан кейин ёзилгани маълум Чунки муаллиф ўзининг сўгвор, азадор эканини айтади:

*Сўгвор Ұлмишам офоқ ичра,
Мотам чархи кўҳан тоқ ичра.*

*Кимга бу навъ кишилар кетгай,
Ул қолиб, ноладин ўзга неткай.*

*Бўлмағай меҳнату дардимига адад,
Бўлмаса руҳидин уммиди мадад*¹⁴⁶.

Навоий “Соқийнома” да уч яқин кишиси, яъни Абдурахмон Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад вафотидан кейин ёлғизланиб қолгани билан боғлиқ дарду ҳасратини соқийга мурожаат тарзида ифодалайди. Мамдуҳларнинг сифатларини, улар билан муносабатлари доирасини ёритади. “Бироқ Навоий бу асарда олдинги (яъни маноқиб-ҳолотлардаги – Ф. О.) маълумотларни айнан такрорламайди. Балки ўзининг у ёки бу шахс ҳақидаги барча қайдларини эътиборга олган ҳолда бутунлай янгича йўл тутади: бошқа ўринларда батафсил характеристикаси берилган шахслар ҳақида бу асарда умумлашма характердаги тавсиф мавжуд бўлиб, улар характерининг энг муҳим томонлари баён қилинади ҳамда муаллифнинг уларга муносабати, уларни эсга олганда вужудини қамраб оладиган эзгу туйғулари ҳақиқий лирик шеърга хос нафосат билан изҳор қилинади”¹⁴⁷.

Навоий ўзининг бошқа асарларида ҳам Сайид Ҳасанни ёдга олиши табиий эди. Жумладан, шоир “Ҳайратул-аброр” дostonининг сўнгги йигирманчи мақолати, яъни LXII бобида Сайид Ҳасанни эътироф этади. Бу бобда Навоий дунё ташвишлари, яъни давлат

145. Ҷша нашр. – Б. 498.

146. Ҷша нашр. – Б. Ҷша.

147. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Ж. 2. – Тошкент: Фан. 1977. – Б. 102.

ишларидан чарчагани, халқни, барибир, рози қилиб бўлмаслиги, ижод учун жуда кам вақти қолгани, агар вақт ўз ҳукмида бўлганда бундан ҳам гўзал асарлар ёзиш мумкинлигини афсус-надоматлар билан айтади. Дунёвий ишларга оз майл кўрсатиб, фақирлик йўлидан кетсам бўларди, деган мазмунда фикр билдириб, шундай давом этади:

*Диб очиб дидаи ибратни кенг,
Бор ила йўқ, борию йўқини тенг.*

*Истабон ўтмак бору йўқдин далер,
Ўйлаки Саййид Ҳасани Ардашер.*

*Кўнглум этиб буйла мақом орзу,
Лек бўлуб нафсга ком орзу¹⁴⁸.*

Навоий бу ўринда, ибрат кўзини очиб, бору йўқни тенг кўрдим, борлик ва йўқликдан мен худди Саййид Ҳасан Ардашердек ўтишни истадим. Кўнглим шундай юксак мақомни орзу қилди, лекин нафсга эса (бу дунё) *лаззатлари орзу бўлди*, деган мазмунда ёзади. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, Навоий сўфийликда Саййид Ҳасан эришган мақомни орзу қилган. Аммо Навоийнинг назарида, унинг мансабдорлиги, дунёвий ишларга боғланиб қолгани бу даражага чиқиш учун унга халақит қилган.

Демак, бу мисралардан Саййид Ҳасаннинг тасаввуфда эришган даражаси, мақоми янада ойдинлашади.

Саййид Ҳасан вафотига бағишлаб ёзилган, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”да келтирилган таърих, Навоийнинг “Девони Фоний” асарига ҳам киритилган. “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида таърих: *“Сархайли фано Саййид Ҳасан рафт”*, – деб бошланади. Алишер Навоий асарларининг 15 жилдлигида¹⁴⁹ ҳам 20

148. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 7. Хайрат ул-аброр. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 340.

149. Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. Т. 14. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – Б. 86.

жилдлигида¹⁵⁰ ҳам шундай берилган. Бироқ “Девони Фоний” да эса: “*Сари аҳли фано Саййид Ҳасан рафт*”¹⁵¹, – деб келтирилган. Шу вариант – тўғри. Чунки: “*Аҳли фанонинг боши Саййид Ҳасан кетди*”, – деган мисрада маъно чиқади. “*Сархайли*” сўзидан маъно англашилмайди. Боз устига, Кемал Эрарслан томонидан тайёрланган асарнинг туркча транскрипциясида ҳам “*سر اهل فنا*”, яъни “*сари аҳли фано*” деб келтирилган. Олим форсий матнларни араб ёзувида келтириб ўтади.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, Навоий асарларининг тарихий шахс, шоирнинг замондоши Саййид Ҳасан билан боғлиқлиги масаласини кўриб чиқиб, қуйидагича рўйхат тузсак, бўлади:

1. Саййид Ҳасан тириклигида ёзилган асарлар:

1) Навоий Самарқандда яшашга мажбур бўлган йиллари (1465 йил охиридан 1469 йилнинг баҳоригача) Саййид Ҳасанга ҳасби ҳол қилиб ёзган маснавийи, бу маснавийни шоир ёшлик йилларида ёзганлиги учун уни “Ҳазойин ул-маоний”нинг “Ғаройиб ус-сиғар” (“Ёшлик ажойиботлари”) девонига киритган;

2) шоир 1483 – 1485 йиллари қоғозга тушган “Хамса”нинг “Хайрат ул-аброр” достонида Саййид Ҳасан Ардашернинг сўфийликдаги мақомини тилга олади.

2. Саййид Ҳасан вафотидан кейин ёзилган асарлар:

1) Саййид Ҳасан Ардашер вафотидан кейин унга махсус бағишланган алоҳида асар – “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, у ҳижрий 896, милодий 1490\91 йили ёзилган;

2) “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида Саййид Ҳасан туркий ва форсий тилларда шеър ёзган шоир сифатида тилга олинган, бу асар ҳам кейинчалик таҳрир қилинган бўлса-да, “Ҳолот” билан деярли бир пайтда, ҳижрий 896, милодий 1490\91 йили қоғозга туширилган;

3) “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” да Саййид Ҳасан авлиё шахс сифатида ўрин берилади, асар 1495 йили ёзилган;

4) Саййид Ҳасан вафотига бағишлаб ёзилган ва “Ҳазойин ул-ма-

150. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 102.

151. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 20. Девони Фоний. – Тошкент: Фан, 2003. – Б. 75.

оний”нинг “Наводир уш-шабоб” девонига киритилган марсия, асар таркиббанд шаклида ёзилган, девон 1491/1492 йиллари тартиб берилган;

5) “Хазойин ул-маоний”нинг “Фавойид ул-кибар” девонига киритилган “Соқийнома”нинг XXVI банди;

6) “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” ва “Насойим ул-муҳаббат...” да келтирилган таърих “Девони Фоний”га ҳам киритилган.

Навоий Паҳлавон Муҳаммадга ҳам “Мажолис ун-нафоис”дан жой ажратган. Бинобарин, тазкиранинг тўртинчи мажлиси Паҳлавон Муҳаммад таърифи билан бошланади. Бу мажлисни Навоий шоир сифатида унчалик машҳур бўлмаса-да, яхши шеърлар ёзган қаламкашларга бағишлайди. Паҳлавон Муҳаммад ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз:

*“Паҳлавон Муҳаммад Гуштигирким, қўб фазойил била ороста-
дурким, гушти фани бавужуди улким, анинг андоқ ҳақ ва мулкидур-
ким, маълум эмаским, ҳаргиз бу фанда андоқ пайдо бўлмиш бўлғай.
Ўзга фазойилиға кўра, дун мартабасидур. Муסיқий ва адвор илмида
даврининг беназиридур. Чун камолоти «азҳару мин аш-шамс»дур,
шарҳ қилмоқ эҳтиёж эмас, фақир Астрободдин бу рубоийни
Паҳлавон хизматлариға битиб эрдимким:*

*Дар Каъбаву дар дайр ба иршоди туем,
Дар савмааву майкада бо ёди туем,
Зокир саҳару шом ба авроди туем,
Яънеки, ятими Неъматободи туем.*

Паҳлавон бу рубоийни жавоб битиб эрдиким:

*Эй Мир, ту пиру мо ба иршоди туем,
Доим ба дуогуию бо ёди туем,
Ин шаҳр ба ту хуш асту мо бо ту хушем,
Мурдему хароби Астрободи туем.*

*Бу матлаъ Паҳлавоннингдурким, айтқонда Паҳлавонга подшоҳ
минг олтун сила иноят қилди:*

*Гуфтамаш: «Дар олами ишқи ту қорам бо ғам аст»,
Гуфт хандон зери лаб: «Ғам нест, кори олам аст».*

*Ҳоло фақр аҳлининг пешвоси ва тарийқ хайлининг муқтадоси Паҳлавондур, баъзи эл Паҳлавоннинг насабида таън қилурлар, аммо фақирға таҳқиқ бўлдиким, ёлғон айтурлар*¹⁵².

Бу ўринда Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг серфазилат инсон экани, кураш санъатида унга бас келадигани йўқлиги, бу имконияти ҳам ҳали ҳеч нарса эмаслиги, балки мусиқий билимда ҳам унга тенг келадигани йўқлигини таъкидлайди. Муаллиф Паҳлавон Муҳаммаднинг камолоти Қуёшдан ҳам порлоқ, уни таърифлашга эҳтиёж йўқлигини айтади. Шеърӣй парчалардан кейин Навоий Паҳлавон Муҳаммад ҳозирги пайтда сӯфийларнинг пешвоси, тариқат аҳлининг раҳбари эканини ёзади. Баъзи одамлар Паҳлавон Муҳаммаднинг насабига шубҳа билан қарашган экан. Бироқ Навоий: *“...Аммо фақирға таҳқиқ бўлдиким, ёлғон айтурлар*¹⁵³, – деб бу гумонларни рад этади.

Тазкирада келтирилган икки рубоӣй ва матлаъ “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида ҳам бор. Уларнинг мазмунини монографиямизнинг бошқа фаслида алоҳида кўриб чиқамиз, албатта. Аммо бу ерда яна бир масала кўтарилади. Бу ерда келтирилган биринчи рубоӣйни “Ҳолот”даги рубоӣй билан солиштирганимизда, тазкирадаги *“Дар Каъбаву дар дайр”, “Дар савмааву майкада”, “Зокир саҳару шом”* сўзлари “Ҳолот”да *“Дар силсилаи фақир”, “Дар шому саҳар”, “Дар доираи фано”* бўлиб келган. Бу икки хиллик рубоӣйнинг маъно-мазмунига таъсир этмай қолмайди. Шунинг учун бу масала матншуносларимизга алоҳида масъулият юклайди.

Юқорида келтирилган “Гуфтамаш” деб бошланувчи матлаъ учун подшоҳ минг тилла иноят қилгани ҳақида факт фақат шу тазкирада бор. “Ҳолот”да матлаъ келтирилган бўлса ҳам, бу воқеа ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

“Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи мажлисида Навоий яна Паҳлавон Муҳаммадни тилга олади. Бу ўринда Мавлоно Неъ-

152. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 13. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 114 – 115.

153. Ўша нашр. – Б. 115.

матободий¹⁵⁴ ҳақида маълумот берилиб, бу шахс Паҳлавон Муҳаммад қўлида тарбия топгани айтилади. Мавлоно Муҳаммад Неъматободий имомлик қилган, шеърятга қизиқиши юқори бўлган. Паҳлавон Муҳаммад даврасида доимо шоирлар, хусусан, муаммо жанрида ижод қилувчилар кўп бўлганлиги туфайли, имом ҳам муаммо санъатига меҳр қўйиб, қисқа муддатда муаммо айтувчи қаламкашга айланади. У вафот этганида Гозургоҳ қабристонига дафн этилган. Навоий бу шоирга асарнинг иккинчи мажлисида ўрин ажратган. Чунки Мавлоно Неъматободий тазкира ёзилаётган пайтда вафот этган эди.

Неъматободий ҳақидаги маълумотлардан Паҳлавон Муҳаммадни ўраб турган шоирлар давраси, адабий муҳит ҳақида янада чуқурроқ тасаввурга эга бўламиз. Умуман, бир тарихий шахс ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун у ҳақдаги барча манбаларни кўриб чиқиш талаб этилади. Шундагина ўша шахснинг бутун бир портретини чизиб бериш мумкин бўлади. Чунки ҳар бир асар таърифланаётган шахсни турли ракурслардан туриб кўрсатади. Шунинг учун ҳам биз “Ҳолот”ларда таъриф берилган Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад сиймоларининг бошқа асарлардаги таърифи билан солиштириб чиқдик.

“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”да келтирилган таърих форсий тилда ёзилгани учун “Девони Фоний”да¹⁵⁵ ҳам бор. Паҳлавон Муҳаммад Жомий вафотидан бир йил ўтгандан сўнг рихлат қилгани учун Навоий: *“Баъди Махдуми ба як сол”*, – деб таърих туширган.

Паҳлавон Муҳаммад вафотидан кейин ёзилган яна бир асар – “Соқийнома”да ҳам, юқорироқда таъкидлаганимиздек, бу шахсга алоҳида ўрин ажратилган. Асарнинг XXVII банди айнан Паҳлавонга бағишланади. Бу банд ҳам – Саййид Ҳасанга бағишланган банд каби 19 байтдан иборат.

Бандда Паҳлавон Муҳаммад исми яққол тилга олинмаган бўлса ҳам, асарнинг бу қисми шу шахсга бағишлангани – кундек аён:

154. Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 13. Мажлис ун-нафонс. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 57.

155. Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 20. Девони Фоний. – Тошкент: Фан, 2003. – Б. 77.

*Соқийё, паҳлавий ойин май тут,
Паҳлавий лаҳн ила қунглумни овут.*

*Паҳлавонона кетур соғари жарф,
Қуюбон майдин анга баҳри шигарф¹⁵⁶*

Шунингдек, Паҳлавоннинг Неъматободда уйи борлиги, унинг мурувватлилиги, турли соҳалардан бохабарлигини қаламга олади:

*Неъматобод чу бунёд қилиб,
Халқни неъматни обод қилиб.*

*Ҳар гадо илгида бир қурси фатир,
Исиғ ул навъки, бир меҳри мунир.*

*Таври ҳар фанда келиб мустаҳсан,
Балки ҳар фан аро табъи якфан¹⁵⁷.*

Шоир ўз таърифларини давом эттириб, бу шахс ўзига қирқ йил мобайнида ҳамдам, сирдош, дўстларининг ягонаси бўлганини айтади. “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида насрий тилда ифодалаган мана бу фикрлари “Соқийномада” қуйидагича ифодаланган:

*Ҳар бағир ярасининг марҳами ул,
Қирқ йиллиқ бу гадо ҳамдами ул.*

*Махфий асрорда дамсоз манга,
Ҳар ниҳон розда ҳамроз манга.*

*Бори ҳамдамлар ичинда фардим,
Ёриму ҳамнафасу ҳамдардим¹⁵⁸.*

156. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 6. Ҳазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 498.

157. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 6. Ҳазойин ул-маоний. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 499.

158. Ўша нашр. – Б. Ўша.

Шоир, бошқа яқинлари каби, бу дўстидан ҳам айрилиб қолганини ўқинч билан ифодалайди:

*Ани ҳам чархи таадди ойин,
Мендин ойирди, қилиб қасдима кин.*

*Ҳажрида сабру қарорим йўқтур,
Ғамда жуз нолаи зорим йўқтур¹⁵⁹.*

“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асаридан ташқари, Навоий Паҳлавон Муҳаммад таърифига қуйидаги асарларида жой ажратган:

1. “Мажолис ун-нафоис” тазкирасининг тўртинчи мажлисида уни шоир сифатида таърифлаган.

2. “Мажолис ун-нафоис” нинг иккинчи мажлисида Мавлоно Неъматободийга таъриф бериш баҳонасида унинг устози сифатида тилга олади.

3. “Девони Фоний” да Паҳлавон Муҳаммад вафотига бағишланган таърих келтирилади.

4. “Ҳазойин ул-маоний” даги “Фавойид ул-қибар” девонига киритилган “Соқийнома” нинг XXVII банди Паҳлавон Муҳаммад таърифига бағишланади.

НАВОИЙ МАНОҚИБ-ҲОЛОТЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

2.1. АДАБИЙ НАСР ВА БАДИИЙ ПУБЛИЦИСТИКА СИНТЕЗИ

Том маънодаги журналистика матбаачилик пайдо бўлганидан, яъни 1450 йили немис ихтирочиси Гутенберг томонидан матбаа ускунаси яратилганидан кейин вужудга келган бўлса ҳам, бу давргача Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам журналистика вазифасини у ёки бу тарзда бажарувчи асарлар ёзилган. Бундай асарлар бадий адабиёт бағрида яшаган.

Юртимизда том маънодаги илк журналистика XIX асрнинг иккинчи ярмида, яъни 1870 йили “Туркистон вилоятининг газети” чиқишидан бошланган¹⁶⁰. Аммо бу даврий матбуот Чор Россиясининг расмий нашри эди. 1906 йилнинг 27 июнида жадид маърифатпарварларининг бир гуруҳи томонидан илк мустақил “Тараққий” газетаси чоп этилди. Аммо унғача ҳам, табиийки, публицистика вазифасини бажарган асарлар бўлган.

Бу борада профессор Мухтор Худойкулов шундай фикр юритади: *“Инсоният тарихида матбуотнинг пайдо бўлганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Матбуотнинг дастлабки куртаклари, гарчи, эрамиздан олдинги даврларда пайдо бўлган бўлса-да, булар айрим мисолларгина бўлиб, (уларни – Ф. О.) тўла маънодаги матбуот, дейиш қийин. Шу боисдан ҳали матбуот бўлмаган, оммавий ахборот воситалари шаклланмаган, яъни матбуотгача бўлган даврда унинг ижтимоий вазифасини бошқа ижтимоий усуллар – жарчилик, хабарчилик, нотиқлик, публицистиканинг вазифасини эса ёзма адабиёт бажариб келган эди”¹⁶¹.*

Евгений Прохоров эса ўзининг *“Журналистика назариясига кириш” дарслигида журналистикагача бўлган даврни таҳлил қилади ва бу жараённи “пражурналистика” атамаси билан*

160. Қаранг: Эрназаров Т. Э., Акбаров А. И. История печати Туркестана. – Ташкент: Укитувчи, 1976.

161. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Тошкент: Tafakkur, 2011. – Б. 20.

шарҳлайди. Унинг таъкидлашича, “ахборот – ижтимоий фикр” экани оммавий ахборотни тарқатиш жараёнлари қадим-қадимдан шаклланиб келганини кўрсатади¹⁶².

Файзулла Мўминовнинг куйидаги фикрлари ҳам юқоридаги қарашларни тасдиқлайди: “Ижтимоий муносабатларни ўзида акс эттирувчи публицистиканинг вужудга келишини изоҳлаш инсониятнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи билан биргаликда ўрганишни тақозо этади. Умуман, замонавий типдаги биринчи газеталарнинг пайдо бўлиши бор-ўғи XVII асрга бориб тақалади. Лекин инсонларнинг ўзаро бир-бирини ижтимоий ахборотлар воситасида хабардор қилиб туриш ҳодисаси жуда узоқ тарихга эга. У деярли инсоннинг ўзи баробар қадимийдир”¹⁶³.

Бадий адабиётда шоир ёки ёзувчи тўқима образлар орқали воқеликни акс эттириб, инсонларни тўғри йўлга даъват этса, бадий публицистик асарларда реал ҳаётда мавжуд бўлган инсонларнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритиш орқали жамиятга таъсир ўтказилади.

Халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётда ҳам Гўрўғли, Алпомиш, Фарҳод, Отабек каби қаҳрамонларни идеаллаштириш орқали кишилар онгида комил бир инсон тимсолини шакллантириш, бу образнинг оғир вазиятлардаги хатти-ҳаракати, мардлиги ва бошқа фаолиятини мадҳ этиш орқали келажак авлоднинг шундай инсонлар бўлиб етишишига умид боғлаш мақсади кўзда тутилган. Чунки кишилик жамияти ҳамиша комилликка интилиб келади. Аслида, реал ҳаётда ҳар томонлама етук, юксак фазилатларга эга, тўлақонли комил инсонни топиш мушкул бўлса-да, инсоният шундай Одам боласини тасаввур қилади ва қидиради. Аср-асрлар давомида афсонаю эртақлардан тортиб, дostonу романларгача шундай идеал қаҳрамонларнинг образи яратиб келинди. Аммо маълум бир даврга келиб, инсонлар афсонавий тўқима қаҳрамонлар олаmidан ҳайратланишдан кўра, ҳаётда, ёнгинасида у билан замондош бўлган инсонлар қиёфасида идеал инсонни кўришни афзал била бошлади.

Аввало, мутлақ идеал бу – Ҳақ таоло. Аммо инсон боласи шу

162. Қаранг: <http://www.hi-edu.ru/e-books/xbook714/01/part-003.htm#i165>

163. Мўминов Ф. Журналистика. I жилд. – Тошкент: O`zbekiston, 2019. – Б. 421.

Ҳақ нурунинг ўзи каби одам шаклида акс этишини кўришни истайди. Шу сабаб, Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам дастлаб пайғамбарлар, руҳонийлар, дин ва тасаввуф вакиллари улуғланган агиографик асарлар реал инсонларнинг фаолиятига бағишлана бошлади. Мусулмон Шарқда маноқиб-ҳолотлар ҳам шу тарзда вужудга келди. Бундай асарларда муаллиф бадий адабиётдаги барча адабий воситалардан фойдаланса ҳам, бу – адабий наср намунаси эмас. Чунки асар марказида реал ҳаётда яшаган ёки яшаётган инсон туради. Бадий асарда эса тўқима образ, яъни қаламкаш ўз тасавури билан яратган шахс тимсоли гавдаланади. Бадий адабиётда прототип ҳаётдан олиниши мумкин, бироқ бу қаҳрамон образи бадий тимсоллигича қолади. Жумладан, Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” тарихий романидаги Бобур образи билан реал ҳаётдаги шоҳ ва шоир Заҳириддин Бобур сиймоси бир-биридан маълум даражада фарқ қилади. Худди шундай фикрни Ойбекнинг “Навойи”, Одил Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романлари бош қаҳрамони ҳақида ҳам айтиш мумкин.

XX асрга келиб, инсонларнинг ўз идеалларини ҳаётдан қидиришларига имкон янада кенгайди. Матбуот, журналистика, умуман, оммавий ахборот воситалари кучая борди. Бунинг натижасида ҳар ким ўзи қизиққан, “идеал” деб билган шахс билан, ғойибона бўлса ҳам, танишишга эриша бошлади. Бирор-бир қўшиқчи, актёр ёки футболчига ашаддий мухлислар пайдо бўлди. Идеалларни реал ҳаётдан қидириш ва топиш оддий ҳолга айланди. Қайсидир маънода бадий адабиёт ҳам қисман ўз ўрнини журналистикага, бадий публицистикага бўшатиб бериши тамойили – аслида, инсонларнинг реалликка интилиши билан боғлиқ.

Публицистика унсурлари бадий адабиёт бағрида яшагани ҳақидаги фикрларга қайтадиган бўлсак, бадий асарлардан публицистик хусусиятлар қидириш, бу икки ижод йўналишидаги ўзаро синтез масалаларини ўрганиш, аслида, янги ҳодиса эмас. Тожикистонлик олима С. О. Каримова ўзининг “Публицистик жанрларнинг шаклланиши” мақоласида X – XI асрларда ижод қилган буюк форс-тожик шоири Абулқосим Фирдавсийнинг подшоҳ Маҳмуд Ғазнавийга атаб ёзган ҳажвиясини тадқиқ этади ва бу асар шаклан ва мазмунан публицистика, хусусан, памфлет жанри

талабларига тўлиқ жавоб беришини таъкидлайди¹⁶⁴. “Гуфтор дар ҳажви Султон Маҳмуд”, яъни “Султон Маҳмуд ҳақида ҳажв” асари, гарчи, шеърӣ шаклда қоғозга туширилган бўлса-да, ўз замонасининг реал қаҳрамонини акс эттиргани, ўша даврнинг ижтимоий моҳиятини очиб бергани билан бугунги кундаги памфлет жанри вазифасини бажарган.

Шулардан хулоса қилиш мумкинки, асар қайси шаклда ёзилганидан қатъи назар, хоҳ шеърӣ бўлсин, хоҳ насрий, унда бугунги замонга, реал ҳаётда яшаётган ёки яқин ўтмишда яшаган қаҳрамонга муносабат билдирилса, демак, бундай асар, бадиий адабиётдан кўра, публицистикага яқин туради. Чунки публицистиканинг бош мақсади – бугунги кунга муносабат билдириш, замонга ижтимоий таъсир кўрсатишдан иборат.

Яна бир тожикистонлик олим Иброҳим Усмонов XIV асрда қалам тебратган Убайд Зоконий ижодини публицистик нуқтаи назардан ўрганади. У ўз тадқиқотида шундай саволни ўртага ташлайди ва ўзи бунга жавоб беради: *“Ҳали матбуот ҳам, журналистика ҳам вужудга келмаган бир даврга оид адабий меросни публицистика нуқтаи назаридан тадқиқ этиш мумкинми? Албатта, мумкин. Чунки публицистика ижод тури сифатида матбуот пайдо бўлишидан анча олдин вужудга келган. Публицистика нуқтаи назаридан Убайд Зоконий ижодини ҳам жанрларга бўлиб ўрганиш талаб этилади. Қаламкаш ижодини публицистик жанрлар орқали тадқиқ этиш, ижодкорнинг услубига тўғри баҳо бериш, унинг асарларининг бош мақсади ва моҳиятини англаш, ҳаётга муносабатини таҳлил қилиш имкониятини беради”*¹⁶⁵.

Иброҳим Усмонов ўз фикрларини давом эттириб, яна шундай ёзади: *“Очерк ва фельетон бадиий публицистик жанрларга оид бўлганлиги учун бадиий адабиёт ва журналистика ўртасидаги яқин алоқадорликни намоён этади. Бадиий адабиёт ва публицистика ўртасидаги энг муҳим фарқ шундаки, бадиий асар қаҳрамонлари*

164. Каримова С. О. Формирование публицистических жанров / Международный журнал экспериментального образования. – 2015. – № 11-2. – С. 270 – 273.

165. Усмонов И. Взгляд на сатиру Убайда Зокони. – Душанбе: Маориф, 1991. – С. 10.

*ижодкорнинг бадиий тўқимаси, публицистик материаллар қаҳрамонлари эса – аксарият ҳолда реал инсонлардан иборат*¹⁶⁶.

Файзулла Мўминовнинг ёзишича, публицистик фаолият турли адабий жанрлар орқали амалга ошириб келинган: *“Публицистиканинг илк унсурлари историография, эпистолография, нотиклик санъати ва памфлетларда ўз аксини топган, деса бўлади. Памфлет адабий публицистиканинг илк куртакларидан бири сифатида вужудга келди*¹⁶⁷.

Бугунги публицистика, асосан, ахборий, таҳлилий ва бадиий публицистик жанрларга бўлинади. Ахборий жанрларда аниқ ахборот репортаж, интервью, ҳисобот шаклида етказилади. Сухбат, мақола, корреспонденция, тақриз, шарҳ кабилар таҳлилий жанрларга киради. Факт ёки муаммо, воқелик ҳақида образли, ҳиссий тасаввур пайдо қилишда эса бадиий публицистик жанрлар – очерк, эссе, фельетон, памфлет, пародия кабилардан фойдаланилади.

Публицистикада ахборотни етказиш орқали кишиларга тўғридан-тўғри таъсир ўтказилса, бадиий публицистикада ўқувчи, тингловчи ёки томошабинда ҳиссий ҳамда образли таассурот қолдириш мақсад қилинади. Шу жиҳати билан билан бадиий публицистика адабиётга яқин туради.

Мухтор Худойқулов бадиий публицистикани: *“Матбуот билан адабиётни бир-бирига боғлаб турувчи бир омил, ҳар икки ўзига хос ижтимоий ҳодисани синтез қилувчи бир муҳим соҳа...”*¹⁶⁸, – деб ҳисоблайди.

Бадиий публицистика жанрлари бадиий адабиёт жанрларига яқин туради. Журналистик жанрларда қисқалик ва лўндалик ҳамда ҳужжатлилик асосий талаб бўлса, бадиий публицистикада факт энг асосий восита бўлиб хизмат қилмайди. Бунда муаллифнинг воқеликдан олган таассуроти, унинг муносабати, фикру мулоҳазаси етакчилик қилади.

Бу гуруҳнинг асосий жанрларидан очерк ва зарисовка ижобий

166. Ўша нашр. – Б. Ўша.

167. Мўминов Ф. Журналистика. I жилд. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – Б. 432.

168. Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. – Тошкент: Tafakkur, 2011.

ҳолатларни акс эттирса, памфлет, фелъетонлар жамиятдаги салбий воқеа-ҳодисалар, иллатларни кўрсатиб беради.

Очерк, эссе, фелъетон, пародия, памфлет – бадий публицистиканинг энг асосий жанрларидан ҳисобланади. Бу йўналишнинг етакчи ўринда турувчи жанри бу – очерк. Мавзусига қараб, очерклар муаммоли, портрет ва йўл очеркларига бўлинади.

“Очерк жанрининг асосий, муҳим белгиси – унда ижтимоий аҳамиятга эга фикр(ғоя)нинг бўлишидир. Уни турли кўринишларда ифода этиши мумкин: ижтимоий воқеликка нисбатан маърифий (билиш, публицистик тадқиқ этиш) ёки унга фаол муносабат тарзида. Ҳар икки ҳолда ҳам фикр (ғоя), муаммо жамият ва инсоннинг ўзаро коммуникатив муносабати, алоқасига бориб тақалади”¹⁶⁹.

Россиялик олим, филология фанлари доктори Александр Назайкин ўзининг “Замонавий журналистикада бадий публицистик жанрлар” китобида очеркнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, бу жанрга қаламкашлар нисбатан кейинроқ, яъни корреспонденция, репортаж, мақола ёзиш сир-синоатларини ўрганиб бўлганларидан кейин қўл уришларини таъкидлаб ўтади¹⁷⁰.

Бойбўта Дўстқораевнинг фикрича: *“Очерк соф ҳикоя ҳам, соф тадқиқот ҳам эмас, балки уларнинг бир қатор муҳим аломатларини сингдирган ўзига хос синтетик асардир”¹⁷¹.*

Очерклар ҳам тузилишига қараб иккига бўлинади:

1. Ҳикоявий:

- а) йўл очерки;
- б) воқеий.

2. Сюжетли:

- а) портрет;
- б) муаммоли.

Очеркда реал воқеалар ва ҳаётда мавжуд қаҳрамонлар образи қаламга олинганлиги учун бу жанр ҳам бадий, ҳам ҳужжатлилиқ хусусиятига эга.

Ҳатто, бадий адабиётдаги очерк ҳам реал воқеликни

169. Дўстқораев Б. Журналистика. V жилд. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – Б. 371.

170. Қаранг: http://www.nazaykin.ru/lekcii/copywriting/pr_smi_re/hud_genrc.htm

171. Дўстқораев Б. Журналистика. V жилд. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – Б. 370.

гавдалантиради. “Очерк ҳикоя, қисса, романдан кўра ҳаётнинг муайян муаммоларини аниқ кўрсатиб беради. Барчанинг эътиборини мавжуд ҳолатга жалб этади”¹⁷².

“Шунингдек, очерк жанрида ижод қилар экан, муаллиф ўзи яшаётган ва ижтимоий фаолият олиб бораётган даврнинг мафкураси, етакчи тенденцияларини ҳисобга олишига тўғри келади. Бу муаллифнинг очеркка юклаган умумий ғоясида, асарга киритилган персонажларнинг монолог ёхуд диалогларида у ёки бу даражада ўз ифодасини топади”¹⁷³.

Очерк ёзишда қўлланиладиган услублар:

1. Муаллифнинг “мен”и. Бунда адиб ўзи ҳикоя қилаётган воқеа-ҳодисанинг бевосита иштирокчиси сифатида қалам юритади. Очеркда тасвирланаётган воқеликка ўзи гувоҳлик беради.

2. Интимизация. Муаллиф ўқувчи билан яқин алоқа ўрнатади. Очеркнавис мутолаа қилувчи инсоннинг ҳис-туйғуларига таъсир қилиб, унинг сирдошига айланади. Публицист ўқувчининг қизиқишларини бошқаради.

3. Эскиз. Воқелик ёки портретни чизиб беришда воқеа ёки қаҳрамоннинг энг асосий хусусиятлари қоғозга туширилади. Уларнинг бошқалардан фарқли жиҳатлари ихчам шаклда ифодалаб бериледи.

4. Ҳужжатлилик. Очеркда барча фактлар, воқеалар, манзиллар аниқ кўрсатилади.

5. Ихчамлилик. Воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қилишда ихчамлилик тамойилига амал қилинади.

6. Қаҳрамонни типиклаштириш. Асар қаҳрамонининг ўзига хослигини сақлаб қолган ҳолда, унинг жамиятдаги ўрни, фаолиятини типиклаштириш. Типик ва ҳеч кимда учрамайдиган хусусиятларини очиб бериш.

7. Образлилик. Қаҳрамонни ёки воқеликни бадий воситалар ёрдамида образли тасвирлаш. Фактлар образлар орқали етказилади. Очеркнинг асосида инсон, унинг кечмиш-кечирмиши, дарду ҳасрати, қувончу шодликлари ётар экан, асар қаҳрамонини

172. Tashmuhammedova L. Adabiyot tarixi va nazariyasi. 1-qism. Toshkent: Shifoat nur fayz, 2020. – B. 97.

173. Дўстқораев Б. Журналистика. V жилд. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – Б. 371.

фақат бадий тасвирлаш орқали мақсадга етиш мумкин. Бунда муаллиф ўқувчида образли таассурот қолдириши керак.

8. Ассоциативлик (Умумлашув). Очеркнавис маълум бир воқеликни ҳикоя қилишда уни бошқа замон ва маконда бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса билан солиштиради¹⁷⁴.

“Очерк” атамаси ўзбек матбуотига XX аср бошларидан, асосан, рус матбуоти орқали кириб келганини ҳаммасиз яхши биламиз. Бойбўта Дўстқораев бу борада XIX аср бошларида яшаб ижод этган рус демократ публицистлари – Добролюбов, Белинский, Герцен ҳамда Чернишевскийларнинг илғор маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган, халқни жаҳолат ботқоғидан ёруғ кун сари, нурли ҳаёт томон чорлаш руҳида ёзилган очеркларини, шунингдек, XIX аср бошларида ўзбек маърифатпарвар жадидлари турли мавзуларда, муаммоли, портрет, йўл очерклари намуналари яратишганини алоҳида қайд этади. Олимнинг фикрича: *“Гарчи “очерк” атамаси бизнинг матбуотда яқин юз йил ичида пайдо бўлган эса-да, бу жанрнинг хусусиятлари, белгилари мумтоз адабларимиз, мутафаккир шоирларимиз томонидан бундан бир неча асрлар муқаддам яратилган. Хусусан, портрет очерки, йўл очерки (сафарнома)нинг энг яхши намунасини Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис”, Мирзо Бобурнинг “Бобурнома”сида учратамиз. Навоий “Мажолис ун-нафоис”да 459 шоирнинг шахсияти, ижоди, зийнати, фазилати, қусурлари ҳақида шундай қисқа, лўнда, аниқ тавсифлар беради, шеъриятнинг латиф мисраларидан намуналар келтиради, маҳоратга холис, адолатли баҳо берадики, ушбу портрет характеристикаси ўқувчи ёдида узок вақт сақланиб қолади”*¹⁷⁵.

Портрет очеркнинг бош қаҳрамони ҳамиша – инсон. Бутун материал персонажнинг ички олами, унинг ҳаётий мақсадлари, амалларини ёритиб беришга бағишланади. Одатда, бундай асарларда “давр сиймоси”, “замон қаҳрамони” ёки бирор-бир жамият типик вакилининг ҳаёти ва фаолияти ёритиб берилади. Портрет очерк муаллифи ўзи тасвирлаётган қаҳрамон ҳаётининг драматик характерга эга бўлган муҳим палласига ўз эътиборини

174. Қапанг: <https://studfile.net/preview/7103761/page:17/>

175. Дўстқораев Б.. Журналистика. V жилд. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – Б. 374.

қаратиши лозим. Айнан шу ўринда қаҳрамоннинг ҳақиқий қиёфаси, унинг истеъдоди, куч-қудрати, меҳнаткашлиги намоён бўлади, бутун инсоний фазилатлари очилади.

“Таъкидламоқ жоизки, бадиий-публицистик маҳоратнинг бир гуруҳ жанрларида, билишнинг эмпирик ва назарий методларидан ташқари, бадиий адабиётнинг айрим воситаларидан: образ ва образлилик, характерлар яратиш, типиклаштириш, фабула, композицион қурилиш, конфликт ва ечим каби маҳорат билан боғлиқ унсурларидан фойдаланилади. Бундан қўзланган мақсад – публицистиканинг мазкур жанрларида жамоатчиликка етказилмоқчи бўлган фикр шунчаки ахборот тарзида берилмасдан, кишиларнинг туйғулари, ҳисларига таъсир кўрсатиш орқали унинг самарадорлигини оширишдир. Бундай жанрлар сирасига бадиий-публицистик жанрлар гуруҳи деб аталади”¹⁷⁶.

Кейинги йилларда публицистика жанрлари тизимида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Очерк ва фельетонларнинг даврий нашрларда чоп этилиши камайиб кетди. Жанрлар ўртасидаги кескин фарқни ажратиш ҳам қийинлашмоқда. Турли жанрлар хусусиятларини ўзида акс эттирган гибрид ижод намуналари вужудга келди.

Бойбўта Дўстқораев очеркнавис ўз олдига қўядиган мақсад макон ва замон билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туриши мумкин, деб ҳисоблайди ва қаламкаш олдига қўйдаги талабларни қўяди: *“Қўп асрлик тажриба асосида айтиш мумкинки, публицист очерк ёзишни ният қилар экан, қўйдаги ижодий жараённи бошидан кечиршига тўғри келади ва бунини ҳамини эътиборда тутлади: очерк учун зарур материалларни тўплаш; воқеликни, ижтимоий муҳитни етарли даражада ўрганиш; ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қила билиш орқали уларнинг моҳиятини англаш; кишилар характери (тийнати) қирраларини очиб беришга интилиш, бунда типиклаштириш ва индивидуаллаштириш усулларидан ўз ўрнида фойдалана билиш; бадиий тасвир воситаларидан, ижодий услубларнинг ранг-баранг қирраларидан моҳирона фойдалана олиш малакасини эгаллаш; адабий тил меъёрларини яхши ўзлаштириш; одамлар нутқини уларнинг тийнатига хос бера билиш, монолог ва диалогларни ўз*

176. Тошпўлатова Н. Журналистика. V жилд. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – Б. 367.

*Ўрни ва меъёрида қўллай билиш; мазмунга мос бадий шакл танлай билиш*¹⁷⁷.

Кўриниб турибдики, очерк публицистдан юқори адабий тайёргарликни талаб этади. Қаламкаш ҳаётий билим ва тажрибага эга бўлиши, воқеа-ҳодисаларни чуқур таҳлил қилиб, уларнинг ижтимоий аҳамиятини теран англаши лозим. Бу жанрга адиблар ҳам, журналистлар ҳам қўл уришган. Очеркда реал воқеалар, мавжуд инсонлар ҳақида ёзилса ҳам, асарда бадийлик ва образлилик муҳим ўрин тутаяди. Шу сабаб ҳам, баъзи қаламкашлар газета очерки воқеалари асосида кейинчалик бадий ҳикоя, роман ва қиссалар ёзишган¹⁷⁸.

Бадий публицистикадан ўз фаолиятини бошлаган айрим қаламкашлар кейинчалик машҳур ёзувчиларга айланиб кетишган. Шу сабаб, оддий халқ орасида публицист ва ёзувчини, бир касб эгаси, деган қараш ҳам қисман шаклланган. Бунга сабаб *"...дунёга машҳур Марк Твен, Эмиля Золя, Эрнест Хемингуэй, Габриэль Гарсиа Маркес, Чингиз Айтматов, Одил Ёқубов ва яна бошқа ёзувчиларнинг фаолияти журналистикадан бошлангани, журналистика билан боғланганликда бўлса керак. Балки ҳар иккиси ҳам сўз билан ишлаши, ижтимоий ҳаётни акс эттириши туфайлидир*¹⁷⁹.

Ўзбек адабиётининг йирик вакилларида бири Ойбек ҳам "Навой" романини яратишда, аввало, Навоийнинг деярли барча асарларига мурожаат қилган. Хусусан, романда тадқиқотимиз объекти ҳисобланган маноқиб-ҳолотлар билан ҳам яхши таниш бўлгани сезилиб туради. Гарчи "Навой" романи бадий асар ҳисобланса ҳам, ёзувчи уни яратишда тарихий фактлардан фойдаланган. Романдаги персонажлар ҳам шоир атрофида бўлган реал инсонлар прототипидан олинган. Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммадларнинг бадий образлари ҳам романда ёрқин акс этади. Бу сиймолар тимсолини яратиш ва улар билан боғлиқ воқеаларни баён қилишда ёзувчи маноқиб-ҳолотларга мурожаат этгани аниқ. Чунки бадий

177. Дустқораев Б. Журналистика. V жилд. – Тошкент: O'zbekiston, 2019. – Б. 373.

178. Қапанг: https://studref.com/319538/zhurnalistika/hudozhestvenno_publicisticheskie_zhanry

179. Нурматов А., Тошпўлатова Н., Саидов Ҳ., Махсумова С. Журналистика. I жилд. – Тошкент: O'zbekiston, 2019. – Б. 19.

асардаги айрим тасвирлар – маноқиб-ҳолотлардаги тасвирлар билан жуда ўхшаш. Масалан, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” даги Жомийнинг ўлими тафсилотлари романда ҳам худди шундай тасвирланади. Солиштириш имкони бўлиши учун иккала асардан парчаларга эътибор қиламиз. Навоийда: *“Панжшанба қуни хотирим аларнинг заъфидин бағоят мутараддид эрди, жумъа кечаси бу тараддудда уйқум келмас эрди. Ярим кеча изтироб юзидин отланиб, алар хизмати иёдатиға бордим. Баъзи азизлар ва асҳоб аларнинг бошларида жамъ эрдилар, гоҳ беҳол, гоҳ ўз ҳолларида эрдилар...*

Тонг отқунча бир ҳолда эрдилар, чун тонг намозидин халойиқ фориг бўлдилар, аларнинг ҳоли ўзгачарак бўлди...

Мавлоно Зиёвуддин Юсуфким, аларнинг аржуманд фарзандларидурлар, аёғлари сори кўзлариға ўтру ўлтуруб эрди, алар қачон кўзларини очсалар анга илтифот юзидин боқадурлар эрди... Андин сўнгра алар нақшбандия хожалари тариқи била хафий зикриға машғул бўлуб, ўз таважжуҳлариға иштиғол кўргуздилар, то жумъа салоти чиқти, андоққи, юқорироқ мазкур бўлди – Хожа Ҳофиз Ғиёсиддин Муҳаммад Деҳдор келиб, аларнинг бошида Қуръон хатмиға машғул бўлди, то ул замонким, ҳануз эл намоздин фориг бўлмайдур эрдиларким, алар касрат анжуманидин кўз юмуб, ваҳдат хилватхонасиға нузул қилдилар”¹⁸⁰.

Ойбек адабий асар табиатидан келиб чиқиб, бу воқеаларга бироз бадий тус беради. Лекин тарихий фактни имкон қадар бузмасликка ҳаракат қилади: *“Яна касал Жомий кўз олдиға келди. Юраги ҳовлиқди. Кундуз борганда, беморнинг ҳолини кўриб, кўнгли алланечук бузилган эди. Бирон кишини юборсаммикан, деб ўйлади. Лекин сезгилари ташвишли бўлганидан ўзи боришга қарор қилди. Ўрнидан туриб, шамни ўчирди...*

Хона ичига кирди. Тўрда, тўшакда ётган беморнинг атрофида бир тўда дўстлар турарди. Жомийнинг оёғида унинг ўғли Зиёвиддин Юсуф йиғидан шишган кўзларини ожизлик билан отага тиккан эди...

Жомий гоҳ қисқа муддат ҳушиға келиб, гоҳ яна беҳол бўлиб ётди. Навоий унинг ёнидан силжимади. Ҳушовоз Ғиёсиддин Деҳдор Жомий бошида қироат билан муттасил Қуръон ўқиди. Кейин халқ давра қуриб, нақшбандий усулиға мувофиқ, зикр тушди. Эрталаб

180. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.76 – 77 .

хастанинг ҳоли яна оғирлашди, кўп ўтмасдан, ўлим ўз оғушига тортди”¹⁸¹. Иккала асарни солиштирсак, кўпгина тасвирлар уйғун. Жумладан, Навоийнинг безовта бўлиб кечаси устози уйига боргани, Жомийнинг гоҳ ҳол, гоҳ беҳол бўлгани, ўғли Зиёвуддин Юсуф отаси оёғи тарафда ўтирганлиги, Қуръонни Хожа Деҳдор ўқигани ва зикр тушиш ҳолатлари бадий асарга ҳам деярли бирдек кирган. Бироқ бирмунча фарқлар ҳам бор. Романда халқ зикр тушганлиги айтилади. Ҳақиқатан эса, Жомийнинг ўзи нақшбандияга мувофиқ хуфия, яъни ичдан зикр тушган. Албатта, бадий асарда муаллиф воқеа ва ҳодисаларни истаганча тасвирлаши, уларга хоҳлаганча бадий безак бериши мумкин. Бу – қаламкашнинг ихтиёри, унинг ижод маҳсули. Бу ерда ёзувчи Ойбекни тарихий фактни бузишда айблай олмайсиз. Аммо бадий публицистик асарда тасвир қанчалик бадийлаштирилмасин, ҳатто, кичик детални ҳам ҳақиқатга тескари ҳикоя қилишга, фактларни, озгина бўлса ҳам, бузишга йўл қўйилмаслиги керак. Юқоридаги муқоясадан мақсад эса адабий наср ва бадий публицистика ўртасидаги фарқни икки асар мисолида яна бир карра кўриб чиқишдан иборат эди.

Ҳасан Ардашер образи ҳам романга киритилган. Муаллиф бу сиймони тасвирлашда “...дарвеш табиатли қари Ҳасан Ардашер”¹⁸², “дарвешона хаёлчан, сокин, юмшоқ Ҳасан Ардашер”¹⁸³ каби таърифлардан фойдаланади.

Мантиқан Ойбек ўз романида Навоийнинг яқин кишиларидан бўлмиш Паҳлавон Муҳаммадга ҳам ўрин ажратмаслиги мумкин эмас эди. Асарда бу шахс образига қуйидагича таъриф берилади: “Муҳаммад Саййид сарой паҳлавонларининг энг зўри ва моҳири эди. У кенг яғринли, қулоч қўкракли, бутун дов жуссасидан қувват барқ урарди. Хусайн Бойқаро унга “Паҳлавони олам” деган лақаб берган. Ҳеч бир Хуросон паҳлавони, чет эллардан паҳлавонлик дағдағаси билан келиб турадиган зўрлардан биронтаси ҳали унинг ёнбошини ерга тегизган эмас. Лекин Навоийнинг қалин дўстларидан бўлган бу шахснинг фазилати бундангина иборат эмасди. Муҳаммад Саййид айни замонда турли илмлар соҳасида унча-мунча олимларга суз бермасди. Мусиқийни чиройли чалар, янги қуйлар тўқирди.

181. Ойбек. Навоий. – Тошкент: O‘zbekiston, 2016. – Б. 369 – 370.

182. Ойбек. Навоий. – Тошкент: O‘zbekiston, 2016. – Б. 135.

183. Ўша нашр. – Б. 139.

Гоҳо-гоҳо унинг қудратли қўллари қалам ушлаб, чиройли ғазаллар, рубойилар яратарди. Паҳлавоннинг бу хислатларини узоқда эшитганлар ишонмас, лекин яқиндан танувчилар унинг қобилиятларини эҳтиром қилардилар¹⁸⁴.

Навоий “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарининг бошиданок ўз дўстининг сифатларини таърифлайди. Жумладан, қуйидаги таърифлардан ёзувчи Ойбек фойдалангани – аниқ: *“Невчунки ул, агарчи куч ва забардастликда замонининг мунфариди эркондур ва бу тойифадин бу ўтган тўрт-беш юз йил, балки минг йилда анингдек ҳеч ёд бермайдур ва нақл қилмайдур. Бовужуди улки, ўз фанидаки, кушти бўлғайким, шуҳрати ул исм биладур ва онча якфанлиқда ва мардум афканлиқда кичик ёшлиқ эркондурким, шогирд куштигир эркондур ва бу фанда не варзиш қилур эркондур. Чун қобилияти баланд тушгандур ва мулоямати табъи борча фунунға муносиб ва баҳраманд воқеъ бўлғондур, кўп фазойил ва камолот ҳам касб қилғондурким, замон аҳли борчада Паҳлавонни мусаллам тутар эрдилар”*¹⁸⁵. Ҳолотда Навоий Паҳлавоннинг барча фазилятларини санаса-да, унинг жуссасини тасвирламаган. Ойбек эса бу қаҳрамоннинг полвон эканидан келиб чиқиб, уни алпқомат қилиб тасвирлашга, унга бадий тус беришга интилганини кўришимиз мумкин.

Мавзуга қайтадиган бўлсак, ёзувчининг ҳам, публицистнинг ҳам асосий қуроли – сўз. Шунинг учун публицист гоҳида ёзувчига айланиши ёки тескари ҳолат содир бўлиши – табиий. *“Чунки ёзувчилик билан журналистика ҳамма вақт ёнма-ён яшаб келган. Қадим замонларда ҳам ахборот йиғиш ва тарқатиш амалиёти кенг тарқалган эди: диний маърузалар, нотиклик маҳорати, хат ёзишмалари. Фақат ўша даврларда бундай ижод “журналистика” деб номланмаган. Бугунги илмда мутахассислар мазкур фаолиятга “пражурналистика” ёки “журналистикадан аввалги кўринишлар” деб нисбат бериш одатга айланди”*¹⁸⁶. Тадқиқотимиз объекти ҳисобланган, маноқиб-ҳолотлар ҳам, аслида – пражурналистика. Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам журналистика шундай даврни бошдан

184. Ўша нашр. – Б. 119 – 120.

185. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 105 – 106.

186. Мўминов Ф. Журналистика. X жилд. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – Б. 4.

кечирган. Файзулла Мўминов бу борада яна шундай ёзади: *“Маданий қатламларни боғлаб турувчи оралиқ жанрларга мисол сифатида воизлик, авлиёларнинг яшаш тарзи ҳақидаги ҳикоялар, мўъжизавий башоратларни келтириш мумкин. Черков омманинг ақли ва қалбини эгаллаш учун олиб борган курашида ушбу фаол ижод турлари ёрдамида халқнинг маънавий ҳаёти устидан назорат ўрнатишга эришди. Санаб ўтилган жанрларда публицистик анъаналарни ҳам учратиш мумкин. Улар асосан ижтимоий ҳаётни фош этиш, умумжамиятни қаттиқ танқид қилиш ва ўша давр замонавий ҳаётининг иллатлари устидан жиддий назорат ўрнатиш каби интилишларда намоён бўлди. Лекин V – X асрларда бундай фош этувчи, реалистик танқидлар фақат диний адабиётлар ёки оғзаки ижод доирасидан чиқмас эди”¹⁸⁷.*

Умуман олганда, адабий наср ва бадий публицистика ўртасидаги фарқ ва ўхшашлик ҳақида доимо сўз юритилган. Бу борада Д. Тешабаева шундай ёзади: *“Бадий адабиётнинг эстетик идеали – воқеликни образли тарзда акс эттириши, публицистиканинг эстетик идеали эса – фикр ва нутқнинг чуқурлиги, мазмунан бойлиги, эҳтиросли ва эмоционал бўлишидир. Публицистика ва адабиётда воқеликнинг ўзига эса турлича ёндашилади”¹⁸⁸.*

Ёзувчи ва публицист ўртасидаги чегара ҳам бугунги кунга келиб аниқ ажралиб туради. Публицист жамиятдаги реал воқелик ва мавжуд инсонлар образини яратади. “Ёзувчи эса реал ҳаётда кўрган воқеа-ҳодисаларни кузатиш, чуқур таҳлил қилиш орқали, фикрлари дунёсини, тасаввурлар дунёсини бадий образлар, бадий ифодалар орқали акс эттиради. Яъни кўрган оламини, факт ва воқеаларни ўйлаб топган қаҳрамонлари орқали моделлаштиради. Асарларидаги турли қаҳрамонлар, образлар прототипини реал ҳаётдан олади. Журналист эса содир бўлган воқеа-ҳодисанинг ўзини ёритади. Унинг қаҳрамонлари образ ёки прототип эмас, балки ҳаётда бор одамдир”¹⁸⁹.

Юқоридаги фикрлардан қуйидаги умумий хулосаларга келиш мумкин:

187. Мўминов Ф. Журналистика. I жилд. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – Б. 430.

188. Тешабаева Д. Журналистика. III жилд. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – Б. 133.

189. Нурматов А., Тошпўлатова Н., Саидов Ҳ., Махсумова. С. Журналистика. I жилд. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – Б. 19.

1. Оммавий ахборотни тарқатиш қадим-қадимдан шаклланиб келган. Бу давр “пражурналистика” деб юритилади.

2. Ўрта асрларда бадий публицистика вазифасини ёзма адабиёт бажарган. Публицистика унсурлари нафақат насрий, балки шеърий асарларда ҳам учрайди. Жумладан, ўз даврининг иллатлари ҳақида сўзловчи шеърий кўринишдаги памфлетлар ҳам мавжуд.

3. Бадий публицистика – журналистиканинг адабий насрга энг яқин турадиган бир бўлаги. Бадий адабиёт марказида тўқима образ турса, бадий публицистикада реал воқелик ва мавжуд инсонлар қиёфаси яратилади. Бадий публицистика адабий насрнинг бошқа барча воситаларидан унумли фойдаланади.

4. Факт ёки муаммо, воқелик ҳақида образли, ҳиссий тасаввур пайдо қилишда бадий публицистик жанрлар: очерк, эссе, фельетон, памфлет, пародия кабилардан фойдаланилади. Воқеликни тўғридан-тўғри эмас, балки образлар ёрдамида, шунингдек, инсон онг-шуурига эмоционал таъсир ўтказганлиги билан бадий публицистика адабий насрга кўпроқ ўхшайди.

5. Журналистик жанрларда ҳужжатлилиқ асосий талаб ҳисобланса, бадий публицистикада факт иккинчи планга тушиши мумкин. Бунда муаллифнинг воқеликдан олган таассуроти, унинг муносабати, фикру мулоҳазаси етакчилиқ қилади.

6. Очерк жанри ўзбек матбуотида XX асрдан рус адабиёти орқали кириб келган бўлса ҳам, миллий адабиётимизда портрет ҳамда йўл очерклари мавжуд эди. Жумладан, Алишер Навоийнинг маноқиб-ҳолотлари, хатлари, тазкиралари, шунингдек, “Бобурнома” асарининг айрим қисмлари портрет ҳамда йўл очерklarига ёрқин мисол бўла олади.

7. Очерк қаламқашдан юқори маҳорат, билим ва тажрибани талаб қилади. Ёзувчилар ҳам, публицистлар ҳам бу жанрда ижод қилишлари мумкин. Очеркда бадийлик ва образлилиқ муҳим ўрин тутди. Шу сабаб ҳам баъзи қалам эгалари газета очерки воқеалари асосида бадий ҳикоя, роман ва қиссалар ёзишган.

8. Баъзида тескари жараён ҳам содир бўлиши мумкин. Навоийнинг реал воқелик асосида ёзилган маноқиб-ҳолотларига асосланиб, Ойбек “Навоий” романини қоғозга туширган.

9. Адабиётшуносликдаги “адабий портрет” билан “портрет очерк” тушунчаларини бир-биридан кескин фарқлаш лозим. Адабий портретда объект бирламчи, субъект иккиламчи бўлади. Яъни бу жанрда муаллиф муайян шахс ҳаёт ва ижод йўлини бошдан-охир ва маълум хронология асосида ёритишга мажбур. Портрет очеркда эса субъект фаоллашади. Яъни муаллиф бунда таърифланаётган шахснинг барча жиҳатларини, бутун ҳаёт ва ижод йўлини тўлиқ ёритиш масъулиятини гарданига олмайди, балки унинг ўзига яқин, яхши билган, ўзи истаган жиҳатларини акс эттиради. Бунда ниманидир ёзмай кетиши, қайсидир бир жиҳатларини бўрттириши мумкин.

2.2. МАНОҚИБ-ҲОЛОТЛАРНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ, ОМИЛЛАРИ, МУАЛЛИФ ИЖОДИДАГИ ЎРНИ

Ҳижрий 898 йил муҳаррам ойининг 17-кун, яъни милодий 1492 йилнинг 8 ноябрида Навоийнинг пири ва устози, энг яқин қадрдони Абдурахмон Жомий вафот этди. Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири учун бу жуда катта йўқотиш эди. Чунки Навоийнинг ҳаёти ва ижодида Жомий алоҳида ҳодиса сифатида ўрин эгаллайди. Шу сабаб, монографиямизнинг 1.2-фаслида кўриб ўтилганидек, “Ҳамса” дostonларининг ҳар бирида у устозига алоҳида боб бағишлади, туркий ва форсий ғазаллари, қасидалари, “Арбаъин” да ҳам бу зотни кўкларга кўтариб таърифу тавсиф этди. “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат...” да ҳам Жомийга алоҳида саҳифалар ажратди.

Лекин булар камлик қиларди. Мантиқан бу икки буюк шахс дўстлик ришталарини тўлиқ акс эттирувчи, қайсидир маънода шу муносабатларга яқуний баҳо берувчи махсус бир асар ёзилиши керак эди. Айнан шундай асар устоз вафотидан икки йил кейин, яъни 1494 йили яратилди. Муаллиф асарга “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”, яъни “Ҳайратланарли бешлик” деб ном қўйди.

Навоий даврида назм, маълум маънода, насрдан устун ҳисобланган. Буни шоирнинг ўзи ҳам асарларида кўп бор таъкидлаган. Жумладан, “Сабъаи сайёр” да шундай дейилади:

*Ҳар киши қилмоқ истаса маълум,
Бири мансур эрур, бири манзум.*

*Насру назми ангаки мудракдур,
Назмнинг пояси бийикракдур¹⁹⁰.*

Бироқ Жомий ҳақидаги шеърий таърифлар икки шоир ўртасидаги реал муносабатлар доирасини тўлиқ ёритиб беролмас эди. Шунинг учун муаллиф бу асарни насрда ёзди. Қолаверса, Навоий ҳаётининг сўнгги ўн йилида насрга мойил бўлди. Бу

190. Алишер Навоий. Мукамал асарлар туплами. 20 томлик. Т. 10. Сабъан сайёр. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 35.

ҳақда Суйима Ғаниева шундай ёзади: *“Навоий ўз ижодида насрга ҳаётининг сўнги йилларида мурожаат қилган. Унинг барча насрий асарлари (1481 йили яратилган “Вақфия”ни истисно қилганда) умрининг охириги ўн йилида ёзилган. У ўз даврининг буюк санъаткори сифатида ўз насрий асарлари билан Шарқ насрида мавжуд анъаналарни ривожлантирди, айни пайтда муайян янгиликлар ҳам киритди”*¹⁹¹.

Навоий қанчалик соҳир сўз санъаткори бўлмасин, барибир, назм – давр муҳити, реал воқеалар, аниқ-тиниқ фикрларни кенг баён этиш имкониятини бермас эди. Шу сабаб наср йўли танланди. Бундан ташқари, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” Жомий вафотидан кейин ёзилди. Бу ҳам асарнинг ўзига хос хусусиятини белгилайди.

Навоий дастлаб яқин кишиси, қайсидир маънода пири Саййид Ҳасан вафотидан икки йил кейин, яъни ҳижрий 896, милодий 1490\91 йили “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарини ёзган эди. Яъни маноқиб-ҳолот ёзиш бўйича муайян тажриба тўплаган эди. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” билан бу анъанани давом эттирди. Жомий вафотидан бир йил ўтиб, Навоийнинг яна бир қадрдони Паҳлавон Муҳаммад риҳлат қилди. Шундан сўнг Навоий 1495 йили “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарини қоғозга туширди.

Навоийнинг айнан шу уч киши ҳақида улар вафотидан кейин асар ёзиши бежиз эмас эди. Чунки у бу учала шахсни ўзига энг яқин дўст, устоз, раҳнамо деб билган. Қолаверса, бу шахсларни Навоий замонасининг ўзи яқиндан билган авлиёсифат инсонлари сифатида тасвирлаган. Аммо буларнинг орасида, табиийки, Абдураҳмон Жомийнинг ўрни бутунлай бошқача эди. Шунинг учун “Хамсат ул-мутаҳаййирин” қолган икки “Ҳолот” га нисбатан ҳам номланиш, ҳам мазмун, ҳам ҳажм жиҳатидан кескин фарқ қилади. Шу ўринда: *“Навоий Жомий ҳақидаги асарни нима учун ўз анъанасига кўра “Ҳолоти Абдураҳмон Жомий” деб эмас, балки “Хамсат ул-мутаҳаййирин” деб номлади?”* – деган табиий савол туғилади.

Айнан шу саволга Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-

191. Ғаниева С. Навоий насрининг жанр хусусиятлари. // Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти. Илмий-назарий анжуман маърузалари тезислари. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 19 – 20.

вақоеъ”¹⁹² асаридан жавоб топгандек бўламиз. Унда “Хамсайи мутаҳаййира” (“Ҳайратлантирарли бешлик”) ҳикояти келтирилади. Адибнинг ёзишича, бу ҳикоятни у ҳижрий 933 йилнинг жумадилохир ойи, яъни милодий 1547 йилнинг мартада Султон Муҳаммад Баҳодирхон билан Тошкент шаҳридан 1 фарсах (8 километр) масофа бўлган Парак дарёси бўйига овга чиққанида айнан шоҳнинг илтимосига биноан айтиб беради. Демак, бу ҳикоят халқ орасида кенг ёйилган. Унда келтирилишича, “Хамсайи мутаҳаййира” силсиласининг бошлиғи Абдураҳмон Жомий бўлган. Бу ҳайратлантирарли бешликка яна Мавлоно Камолиддин Шайх Хусайн, кашф соҳиби – Мавлоно Шамсиддин, Мавлоно Довуд ва Мавлоно Муъин Тунийлар киришган. Зайниддин Восифий бу бешликни санар экан: *“Бирор ақл эгаси буларга олтинчи бўлиб қўшила олмади”*¹⁹³, – деб ёзади.

Бу беш талаба 18 ёшларида ўз замонасининг кучли мударрисларидан бири Амир Саййид Шариф қўлида таҳсил олишар эди. Дарсларнинг бирида ўртага мураккаб бир масала ташланади. Шогирдлар билимдонликми, маҳмадоноликми қилиб, шу хусусда маъруза ўқиётган устознинг сўзини етти марта бўлишади. Али Кушчининг “Шарҳи тажрид” асари мутолаасида эса илми толиблар устознинг фикрига бутунлай қарши чиқишади. Шогирдларини илм жиҳатдан енголмаган Амир Саййид Шариф ҳийла йўлига ўтиб, ўзини касалга солади ва йигитларга қирқ кун таътил беради. Ўзи эса камчиликларини тўлдириш учун мук тушиб, китоб ўқишга киришади. Бироқ шогирдлар ҳам анойи эмас эди. Улар вақтни бекор кетказмаслик учун чора излашарди. Ён-атрофда буларга бас келадиган мударрис топилмасди. Шунинг учун улар ҳар кун қуръа ташлаб, ўзларининг ораларидан бир мударрис сайлашар эди. Биринчи кун дарс бериш Абдураҳмон Жомий чекига тушади. Шундай қилиб, талабалар бир-бирларига дарс бериб, ўз билимларини янада чархлаб боришади. Устоз Амир Саййид Шарифнинг ҳам кўнгли хотиржам эди. У: *“Шогирдларим бекорчиликда юрибди, мен эса тинмай ўқиб, уларни енга оладиган*

192. “Бадоеъ ул-вақоеъ” (“Нодир воқеалар”) – Зайниддин ибн Абдужалил Восифий (тахминан 1485/86 – 1566)нинг эсдалик сифатида ёзган асари.

193. Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 184.

даражада далиллар тўпладим”, – деб ўйлаганди. Бироқ таътилдан сўнг шогирдларини ўз хузурига чорлаб, маърузани бошлаган устозни талабалар илм билан яна рад эта бошлашади. Шундан сўнг Амир Саййид Шариф: “Боринглар, қаерни кўнглингиз тиласа, шу ерга бориб, дарс бераверинглар”¹⁹⁴, – деб шогирдларига жавоб бериб юборади.

Зайниддин Восифий ҳикоя якунида шундай ёзади: “Мавлавий хузуридан чиққанларидан кейин Мавлоно Жомий ишқ ва тасаввуф водийсига шўнғидилар. Мавлоно Шайх Хусайн ва Муъин Туний таҳсил ва мутолаага машғул бўлдилар. Мавлоно Довуд эса Султон Маҳмуд ибни Султон Абусаид Мустанд садрлигига сайланди. Мавлоно Шамсиддин соҳиби кашф Султон Абусаиднинг садри бўлди”¹⁹⁵.

Шундай қилиб, илм-маърифатнинг чўққисига чиққан бу бешлик халқ орасида “Хамсайи мутаҳаййира” номи билан машҳур бўлади.

Алишер Навоийнинг Жомий ҳақидаги асарига “Хамсат ул-мутаҳаййирин” деб ном бериши ҳам – шу машҳур воқеа билан бевосита боғлиқ. “Хамсайи мутаҳаййира” воқеаси ўз даври ўқувчиси учун маълум бўлгани учун ҳам муаллиф асарнинг номи ва воқеа ўртасидаги боғлиқлик ҳақида ҳеч нарса демаган. Шу далиллардан, “Хамсайи мутаҳаййира” воқеаси асарнинг номланиши ва айнан беш қисмдан таркиб топилгани белгилаб берган, деган янги хулосага келамиз. Аслида, Навоий устози ҳақида беш эмас, балки бир неча қисмдан иборат асар ёзиши мумкин эди. Агар муаллиф “5” сонининг халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётдаги анъанавийлигини инobatга олган, десак, “7” рақамининг ўрни ундан ҳам каттарoқ эди.

Демак, Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асари номида юқоридаги ҳикоятга ишора бор. Шунинг учун ҳам бу асарнинг номи ва тузилиши муаллиф қаламига мансуб қолган икки “Холот”дан кескин фарқ қилади.

Умуман, XV аср адабий муҳити, хусусан, Жомий ва Навоий муносабатларини ўрганиш учун бу икки даҳо ёзган асарларнинг ўзи камлик қилади. Муносабатлар қиёфасини янада ёрқинроқ очиb бериш учун уларга замондош бўлган бошқа адибларнинг

194. Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 186.

195. Ўша нашр. – Б. Ўша.

асарларини ҳам чуқур тадқиқ этишимиз керак. Шундагина ўша даврдаги адабий муҳит, ўша замонда яратилган асарлардаги маъно-мазмунни теранроқ англаймиз. Агар Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”сида “Хамсайи мутаҳаййира” ҳикояти бўлмаганида, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарининг номланиш моҳиятини тўлиқ англамаган, унинг номланишини фақат асарнинг беш қисмдан иборат эканигагина боғлаб тушунтирган бўлар эдик. Бу эса тарих ҳақиқатини чуқур англашга имконият яратмас эди.

Биз мулоҳаза юритган беш нафар билимдонга нисбатан ишлатилган “Хамсайи мутаҳаййира” иборасининг ўзи ҳам – рамзий маънога эга. Бу ҳақда “Ғиёс ул-луғот”дан қимматли маълумот оламиз: *“Хамсайи мутаҳаййира” – Ой ва Қуёшдан ташқари бешта сайёра бўлиб, булар Уторуд (Меркурий), Зуҳра (Венера), Миррих (Марс), Муштарий (Юпитер) ҳамда Зуҳал(Сатурн)дан иборат. Уларни шунинг учун “мутаҳаййира” дейдиларки, улар гоҳ-гоҳ ўзларининг асосий, табиий йўлларида чекиниб, ўзларига яқин тарафга қараб ҳаракат қила бошлайди. Яна у томондан қайтиб, ўзларининг доимий йўлларига тушиб олади*¹⁹⁶. Шундан хулоса қилиш мумкинки, Жомий бошлиқ бешлик ана шу улкан сайёраларга менгзалган. Бешликнинг бир баҳона туфайли устоздан чекиниб, 40 кундан сўнг яна мударрис олдида тўпланишини ҳам беш сайёранинг юқорида санаб ўтилган хусусиятига ўхшатиш мумкин.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”дан ташқари, икки насрий асари – “Мажолис ун-нафоис” ва “Насойим ул-муҳаббат...”да ҳам Жомий ҳақида ёзганини кўриб ўтдик. Албатта, бу иккала асардаги Жомий таърифи билан “Хамсат ул-мутаҳаййирин”даги Жомий тимсоли бир даражадаги тасвирлар эмас. Чунки бу икки асар тазкира жанрида ёзилган. Бу жанр – таърифланаётган бир шахс ҳақида қисқа, лўнда ва аниқ маълумот бериб ўтишнигина талаб қилади. Шунинг учун ҳам ўз ҳаёти ва ижодига кучли таъсир кўрсатган Жомийдек улуғ шахс ҳақида Навоий алоҳида асар ёзмаслиги мумкин эмас эди. Шу сабаб у “Хамсат ул-мутаҳаййирин”га қўл урди.

Тазкиралардаги Жомий таърифи ҳам бир-биридан анча фарқ қилади. Биринчидан, “Мажолис ун-нафоис” – шоирлар ҳақидаги тазкира. Унда Жомий шоир сифатида келтирилади. “Насойим

196. Ғиёс ул-луғот. 2 жилдлик. Ж.1. – Душанбе: Адиб, 1987. – С. 313.

ул-муҳаббат” эса – шайхлар ҳақида. Жомий бу ўринда авлиёлар қаторида саналади. Иккинчидан, икки тазкиранинг ёзилиш даври ҳам – ҳар хил. “Мажолис ун-нафоис” ҳижрий 896, милодий 1490\91 йили тузилган¹⁹⁷. “Насойим ул-муҳаббат” эса Жомий вафотидан кейин ҳижрий 901, милодий 1495\96 йили ёзилди.

“Мажолис ун-нафоис” 8 мажлис, яъни қисмдан иборат. 1-мажлисда Навоийгача ўтиб кетган, муаллифга улар билан кўришиш насиб этмаган шоирлар таърифланади. 2-мажлис Навоий болалик ёки ёшлик пайтида кўришиб, танишган ва асар ёзилган давргача вафот этиб кетган шоирлар ҳақида¹⁹⁸. (Масалан, ҳижрий 894, милодий 1488\89 йили вафот этган Саййид Ҳасан Ардашерга ҳам шу 2-мажлис охирида ўрин берилган). 3-мажлисда асар ёзилаётган пайтда ҳаёт бўлган шоирлар борасида сўз кетади. Боб Абдурахмон Жомий таърифи билан бошланади. Шогирд устозини: “... Бу мухтасарда мазкур бўлгон жамоатнинг раъс ва раиси ул зоти нафис ва бу рисолада мастур бўлгон гуруҳнинг муқтадоси ва пешвоси ул гавҳари яктодур...”¹⁹⁹ – деб кўқларга кўтаради. Аммо: “...Кутубларининг оти битилса, бу авроқтин ошар ва мусаннафотлари дурлари зикрин қилилса, гардун баҳри андин ошар...”²⁰⁰ – дея асарларини махсус санаб ўтирмайди, балки бадий таърифлар билан кифояланиб, битта рубоий битади.

Навоий “Мажолис ун-нафоис” даги Жомий таърифининг шу еригача бўлгани қисмини “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Учинчи мақолат”ида тўлиқ келтиради²⁰¹. Энг муҳими, айнан шу “Учинчи мақолат”да Жомий асарларининг тўлиқ рўйхати берилган. Шунга асосан, балки Навоий Жомий ҳақида алоҳида асар ёзишни олдиндан кўнглига тугиб қўйгандир, деган хулосага келиш ҳам мумкин. Эҳтимол, шунинг учун ҳам “Мажолис ун-нафоис”да устози ҳақида қисқасгина ёзиб ўтишни маъқул кўрган.

197. Навоий бу асарини 1497\98 йили қайта ишлаб, айрим ноаникликларни барқараф этган.

198. Бу ҳақда 2-мажлиснинг бошида сўз кетади. Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 13. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 31.

199. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 13. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан, 1997. – Б. 70.

200. Ўша нашр. – Б. Ўша.

201. Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 54.

“Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат...” даги Жомий таърифлари билан Жомийга бағишланган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асари орасида ўзаро узвий боғлиқлик бор, албатта. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” да “Мажолис ун-нафоис” даги Жомий таъриф этилган бир парча келтирилганини юқорида кўриб ўтдик. “Насойим ул-муҳаббат...” да эса Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин” ни ёдга олиб, шундай ёзади: *“Бузаиф дағи ҳам бу бобда “Хамсат ул-мутаҳаййирин” рисоласи битибмен. Анда ф-ил-жумла густоҳлиғ юзидин алар зикри била қаламни гавҳарнисор этибмен”*²⁰².

Лекин бунда бир жиҳатни жиддий инобатга олиш керак. Бу – ана шу уч асарнинг ёзилиш кетма-кетлиги масаласи. Аввал “Мажолис ун-нафоис” ёзилган (1490\91). Кейин “Хамсат ул-мутаҳаййирин” яратилган (1494). “Насойим ул-муҳаббат...” эса 1495\96 йили қоғозга тушди.

“Насойим ул-муҳаббат...” шайхлар тазкираси бўлгани учун бу ерда муаллиф Жомийни комилликка етишган шахслардан, яъни авлиёлардан бири сифатида тасвирлайди. Жумладан, пири ва устозининг *“сийрату камолоти”*²⁰³ ҳақида жуда кўплаб қаламкашлар рисолаю китоблар ёзганини айтиб ўтади. Уларнинг деярли ҳаммаси форсий тилда эканини яхши биламиз. Шу сабаб Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин” ни битиб, туркий тилда мутолаа қилувчи ихлосманд сўфийларни ҳам Жомий камолоти сирларидан воқиф этишни мақсад қилди. Бу ҳақда “Насойим ул-муҳаббат...” да унинг ўзи “Хамсат ул-мутаҳаййирин” ҳақида гапира туриб: *“Турк улусида иродат аҳли ва ихлос хайли ул паришон авроқдин ва пароканда ажзодин иликка олсалар ва кўз солсалар, бирор нима била олурлар ва шуур ҳосил қила олурлар”*²⁰⁴, – деб ёзади.

“Насойим ул-муҳаббат...” да Жомий 735-ўринда, сўнгги эркак авлиёлар қаторида келтирилади. Ундан кейин сўфийликда эркаклар мартабасига етишган орифа аёллар зикри бошланади. Қайсидир маънода Жомий зикри тазкирага яқун ясайди. Бунинг сабаби – аниқ. Маълумки, “Насойим ул-муҳаббат...”, асли, Жомий

202. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 17. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 480.

203. Ўша нашр. – Б. Ўша.

204. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 17. Насойим ул-муҳаббат. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 480.

қаламига мансуб “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс” тазкирасининг айрим қисқартириш ва қўшимчалар билан амалга оширилган таржимаси ҳисобланади. Жомий тасаввуф тарихи учун алоҳида аҳамиятга эга мазкур асарини шогирди ва муриди Навоийнинг илтимоси ва бевосита даъвати билан битгани ҳам – тарихдан маълум²⁰⁵. “Насойим ул-муҳаббат...”ни яратишдан кўзланган мақсадлар сирасига ушбу тазкирага айнан Жомийнинг ўзи ҳақидаги маълумотларни киритиш ҳам бўлган, албатта.

“Насойим ул-муҳаббат...” да ёзилишича, Жомий зоҳиран Саъдиддин Кошғарийнинг муриди бўлса ҳам, ботинан увайсий²⁰⁶ эди, яъни Хожа Баҳоуддин Нақшбанд руҳониятидан тарбият топган эди. Муаллиф асарда яна Жомий учрашган 9 нафар замонда машойихини кетма-кетликда санаб ўтади. Булар: Хожа Муҳаммад Порсо, Абу Наср Порсо, Хожа Муҳаммад Қусавий, Мавлоно Боязид Пуроний, Мавлоно Муҳаммад Асар, Мавлоно Муҳаммад Табодгоний, Шайх Шоҳ Зиёратгоҳий, Мавлоно Муҳаммад Амин Кўҳистоний, Мавлоно Саъдиддин Жожармий.

Навоий Жомийнинг 898 (милодий 1492) йили 81 (милодий ҳисоб бўйича 78) ёшга етганида жума кечаси Ҳирот хиёбони бошида ўз уйида вафот этганини айтади. Негадир, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Муқаддима”сида Навоий Жомийни 82 ёшга етганида вафот этганини: *“Секиз юз тўқсон секиздаким, ёшлари замонидин сексон икки йил ўтмиш бўлғайким, пок руҳларининг қудсий ошён булбули рихлат навосин оғоз қилиб...”*²⁰⁷ – деб ёзади. Жомийнинг ҳижрий 817 йили таваллуд топгани ва 898 йили вафот этганини ҳисобга олсак, унинг 81 ёшда оламдан ўтгани маълум бўлади. Демак, “Насойим ул-муҳаббат...”даги факт тўғри бўлиб кўринади. Аммо мусулмон Шарқида 81га тўлган бўлса, 82 ёшга кирди, деб ҳисоблаш ҳам бор.

Навоий Жомий вафотидан кейин устози хотирасини абадийлаштириш учун кўп хайрли ишларни амалга оширади. Аммо

205. Бу ҳақда “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Учинчи мақолат”ида батафсил ёзилган.

206. Ўтиб кетган бир авлиёнинг руҳи келиб тарбия берса, тарбия топган мурид “увайсий” дейилади. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Абдурахмон Жомий таваллудидан нақд 25 йил олдин вафот этган эди.

207. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 9–10.

буни у камтарлик билан яшириб: "... Аларнинг мухлисларидан бири мунаввар марқадлари устуда олий иморат ясаб, баъзи муридлар ва шогирдларидин ул иморатда дақойиқ фунунин ва ҳақойиқ улумин ҳоло дарс этиб, жамоати касир толиблардин алар руҳонияти баракатидин нафъи шомил ва файзи комил топадулрлар..."²⁰⁸ – деб ёзади.

Бундан кейин Навоий Жомий китобларининг сони элликка яқинлигини айтиб, уларнинг асосийларини қуйидагича санаб ўтади:

1. Девонлари: "Фотиҳат уш-шабоб", "Воситат ул-иқд", "Хотимат ул-ҳаёт".

2. "Ҳафт авранг" маснавийлар тўплами: "Тухфат ул-аҳрор", "Силсилат уз-захҳаб", "Юсуф ва Зулайхо", "Лайли ва Мажнун", "Хирадномайи Искандарий", "Субҳат ул-аҳрор", "Саломон ва Абсол". (Аммо "Ҳамсат ул-мутаҳаййирин"нинг "Учинчи мақолат"ида Навоий "Ҳафт авранг" тўплами дostonлари кетма-кетлигини бошқача келтиради: "Силсилат уз-захҳаб"²⁰⁹, "Саломон ва Абсол", "Тухфат ул-аҳрор"²¹⁰, "Субҳат ул-аброр"²¹¹, "Юсуф ва Зулайхо", "Лайли ва Мажнун", "Хирадномайи Искандарий")²¹².

3. Насрий асарлари: "Тафсир", "Шавоҳид ун-нубувват"²¹³, "Нафаҳот ул-унс..."²¹⁴, "Нақши фусус"²¹⁵, "Ашиъат ул-ламъаот"²¹⁶, "Ла-

208. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 17. Насойим ул-мухаббат. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 481.

209. "Силсилат уз-захҳаб" ("Олтин занжир") дostonи 1472 йили газнавийлар даври шоири Санойининг "Ҳадикат ул-хақойиқ" ("Ҳақиқатлар боғи") асари муқобаласида, яъни унга жавобия тарзида яратилган.

210. "Тухфат ул-аҳрор" ("Ҳимматлилар туҳфаси") дostonи номида тарикат бобидаги пир Хожа Аҳрорга ишора бор. Асар фалсафий, ижтимоий ва дидактик масалаларга бағишланган 20 мақоладан иборат.

211. "Субҳат ул-аброр" ("Покиза зотлар тасбеҳи") дostonида тасаввуф йўлидаги мақомотлар тавсифи берилди.

212. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 48.

213. "Шавоҳид ун-нубувват" ("Пайгамбарлик шохидлари") асарида пайгамбарлар ҳаётига оид маълумотлар ва ривоятлар келтирилади.

214. "Нафаҳот ул-унс..." ("Дўстлик ислари") – суфий арбоблар, тасаввуфий шоирлар ҳақидаги тазкира.

215. "Нақши фусус" асари қисқа шаклда "Фусус" деб ҳам юритилади. У – Ибн ал-Арабий фалсафасининг моҳиятини белгилаб берувчи 1229 йили Дамашқда ёзилган "Фусус ул-хикам" ("Ҳикматларнинг нақшин қимматбахо тоши") деган асарга битилган шарҳлардан иборат.

216. "Ашиъат ул-ламъаот" ("Порлоқ шўълалар") – буюк суфий шоир Фаҳриддин

воеҳ²¹⁷, “Лавомеъ”²¹⁸, “Шарҳи рубоиёт”²¹⁹.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат...” да Жомий китобларининг қисқача саноғига якун ясаб, сўзни устози ҳақиқа дуолар билан тугатади. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” нинг “Учинчи мақолат”ида²²⁰ эса эринмай Жомийнинг 37 та китоб ва рисоласини санаб ўтади. Шунинг учун ҳам муаллиф “Насойим ул-муҳаббат...” да Жомийнинг энг йирик ва муҳим асарлари рўйхатинигина келтиради. Агар “Хамсат ул-мутаҳаййирин” ёзилмаганида, назаримизда, “Насойим ул-муҳаббат...” да устознинг барча асарларини санаб ўтишга тўғри келар эди. Шунинг учун ҳам Жомий ҳақида тўлиқроқ билмоқчи бўлганларни муаллиф “Хамсат ул-мутаҳаййирин”ни ўқишга ундагандек бўлади. Биз буни юқорида кўриб ўтдик.

Таърифу тавсиф қилинаётган қалам соҳибининг ҳар бир асарини алоҳида рўйхат қилиш, у ҳақда маълумотлар бериш адабиётшунослик учун, хусусан, кейинги авлод тадқиқотчилари учун ўта муҳим аҳамиятга эга. Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний қарашларини “Шарҳи рубоиёт” асари асосида тадқиқ этган Ж. Холмўминов: “... “Шарҳи рубоиёт” хусусида Алишер Навоий биринчи мартаба “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да қисқача маълумот беради”²²¹, – деб алоҳида таъкидлайди.

Жомий асарларини таснифлаш масаласига Ғарб тадқиқотчилари ҳам жуда жиддий қарашган. Жумладан, франциялик олим Ян Ришар Жомий асарларини ўзига хос услубда таснифлаб чиққан. У бу таснифни “*рўйхат*” деб атаган. “*Аммо бу рўйхатнинг бошқалардан фарқи шундаки, олим асарлар рўйхатини тузиш ва уларни*

Ироқий Ҳамадоний (1217 – 1289)нинг “Ламъаот” асарига фалсафий ва адабий шарҳлардан иборат.

217. “Лавосх” (“Равшанликлар”) – тасаввуф қоидалари шарҳига бағишланган асар.

218. “Лавомеъ” (“Ялтироқликлар”) – “Лавомеъ фи шарх ал-хамрия”. 1470/71 йили яратилган Жомийнинг бу асари араб тасаввуф шоири Ибн ал-Фориз номи билан танилган Шарафуддин Умар ибн Али ал-Мисрий ас-Саъдийнинг (1181 – 1234/35) машҳур “Май қасидаси”га шарҳлардан иборат.

219. Жомий бу асарида ўзининг қарашларини талкин қилувчи рубойларини йиғиб, улардаги ҳар бири тимсолнинг фалсафий моҳиятини очиб беради.

220. Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 47.

221. Холмўминов Ж. Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний қарашлари. Фал. ф. н. дисс. автореферати. – Тошкент, 2003. – Б. 6.

*таснифлаш билан бирга, уларни илмлар, соҳалар, мавзулар, жанрлар ва ҳатто, ҳажм нуқтаи назаридан ҳам таснифлаб ўтади*²²².

Шулардан хулоса қилиш мумкинки, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, нафақат маноқиб, балки Жомий ҳақидаги қисқа-лўнда энциклопедик манба вазифасини ҳам бажара олади.

Тадқиқотимизнинг 1.3-фаслида ҳолатлардан ташқари, Навоий Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммадларни тилга олган барча асарларни алоҳида таҳлил қилган эдик. Жумладан, шоир Саййид Ҳасанни “Ғаройиб ус-сиғар”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат...”, “Наводир уш-шабоб”, “Фавойид ул-кибар”, “Девони Фоний”ларда эътироф этади. Бу асарлардаги мурожаатлардан Саййид Ҳасаннинг улуғ қаламкашга қанчалар яқин инсон экани ва у ҳақда Навоий нега алоҳида ҳолат ёзгани ойдинлашади. Аммо Навоий ва ҳолатлар қаҳрамонларининг қаламкаш ҳаётида тутган ўрнини янада яққолроқ тасаввур қилиш учун ўша даврда қоғозга туширилган бошқа тарихий асарларга мурожаат қилишга тўғри келади.

Хусусан, Гиёсиддин Хондамирнинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган форс-тожик тилидаги “Макорим ул-ахлоқ” асари буюк мутафаккирнинг адабий, илмий, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганишдаги ноёб манбалардан бири ҳисобланади. 1501 йили ёзилган ушбу асар 10 боб (мақсад), муқаддима ва хотимадан иборат. Муаллиф уни Навоий ҳаётлигидаёқ ёзишни бошлаган, бироқ охирига етгунича шоир вафот этган. Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” асарининг муқаддимасида ушбу асарнинг ёзилиш сабабларига тўхталиб, Низомиддин Амир Алишернинг иноятлари ва меҳр-муҳаббатларидан баҳраманд бўлганлиги, жумладан, болалик чоғларидан унинг ҳомийлигида таълим олганлигидан келиб чиққан ҳолда, унинг фазилатлари, олижаноб хулқлари, чиройли одоблари, ажойиб сийратлари, мақтовга сазовор хулқ-атворлари, бошқаларда кам учрайдиган ҳолатлари ва кайфиятлари, қизиқ ва ғаройиб ишлари, сеҳрли истеъдоди хусусиятлари ва нозик ибораларни қоғозга туширадиган қалами

222. Холмўминов Ж., Ҳазратқулов Ж. Форсий адабиётнинг жаҳон адабиётидаги ўрни. – Тошкент: Янги нашр, 2012. – Б. 196.

ҳосилалари” тўғрисида бир асар ёзишга киришганлигини эслатган”²²³.

“Мақорим ул-ахлоқ”нинг биз учун аҳамиятли томони шундаки, Навоий маноқиб-ҳолотларида шунчаки санаб кетган шахсларнинг ким экани, ўз давридаги мавқеи, шоирга яқинлик даражаси ва бошқа маълумотларни айнан шу асар орқали билиб олишимиз мумкин. Асарнинг камтарлик фазилатига бағишланган 8-бобида келтирилган ҳикоятлардан Навоий ва Саййид Ҳасан Ардашернинг ўзаро муносабатлари янада ойдинлашади: “...Ул ҳазрат (яъни Навоий – Ф. О.) билан Амир Саййид Ҳасан Ардашер бир кунда жубба (кенг ва узун пахтали тўн) ва қулоҳи наврўзий (баҳорда кийиладиган оқ рангли бош кийим) кийиб, муҳрдорлик ишига киришишлари тўғрисида қарор қилинди.

Барчанинг хаёлида, муборак фармонга мувофиқ тадбирли ва доно Амир барча амирлардан юқорига муҳр босади, деган ўй айланарди. Бироқ ўша кун одатга кўра ул ҳазратнинг олдиларига қутлуғ лаҳзада муҳр бостириш учун бир фармонни олиб келдилар. [Ул ҳазрат] фармонни ўзларидан олдин муҳр босиши учун аввал Амир Саййид Ҳасан Ардашерга беришларини буюрдилар. Амир Саййид Ҳасан ҳам [Ўзининг ул ҳазратга бўлган] ҳурматини изҳор этиш маъносида фармонни яна қайтадан шоҳ сифатли амирнинг олдига юборди. Шунда ул ҳазрат қоғозни олиб, ўта камтарлик ва хокисорлик юзасидан шундай бир жойга муҳр босдиларки, бирор киши ундан қуйироққа муҳр боса олмасди. Амир Саййид Ҳасан бу ҳолатни кўриб хижолатда қолди, бошқалар эса амирлик йиғинларининг тўрида ўтирувчи бу зотнинг бунчалик камтарлигидан ҳайрат денгизига ғарқ бўлдилар...”²²⁴. Келтирилган ҳикоят Навоий ва Саййид Ҳасан Ардашер орасида юксак ҳурмат бўлганини яна бир қарра исботлайди.

“Мақорим ул-ахлоқ”да шахслар билан боғлиқ кўплаб ҳикоятлар келтирилади. Бу ҳикоятлар орқали шу шахслар ҳақида янада батафсилроқ маълумотга эга бўламиз. Жумладан, асарда Навоий

223. Ғиёсиддин Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. – Тошкент: Академнашр, 2018. – Б. 28.

224. Ғиёсиддин Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. – Тошкент: Академнашр, 2018. – Б. 165-166.

маноқиб-ҳолотларида тилга олинган подшоҳ ва шаҳзодалардан ташқари, Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Ҳусайн Воиз Кошифий, Лутфий, Мавлоно Сонийй, Мавлоно Тўтий, Муҳаммад Табодгоний, Мирсарбараҳна, Хожа Дехдор, Хавофий, Мавлоно Пир Аҳмад, Мавлоно Абдулҳай табиб каби кўплаб шахслар қаламга олинган. Айримлари билан боғлиқ ҳаётий воқеалар ҳикоя қилинган.

Навоий қаҳрамонлари, яъни Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммадлар орасидаги муносабатлар доирасини бошқа қаламкашлар асарлари орқали ўрганиш бизга ҳолотлар ёзилишига сабаб бўлган омилларни ойдинлаштиради. Бундан ташқари, ҳолотлар қаҳрамонларига Навоийнинг ўзидан келиб чиқиб эмас, балки бошқа ракурсдан туриб баҳо бериш имкониятини яратади.

Навоийнинг яна бир замондоши Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида ҳикоя қилинган айрим воқеалар улуг шоир ва Паҳлавон Муҳаммад орасида ажралмас дўстлик мавжудлигини яна бир карра намоён этади.

Восифий “Бадоеъ ул-вақоеъ” да Ҳусайн Бойқаро саройидаги паҳлавонлар, курашчилар куч-қудратини таъриф этиб, Паҳлавон Муҳаммадга ҳам алоҳида саҳифалар ажратади. Унинг тенгсиз курашчи эканини эътироф этган тарихчи дастлаб Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасига мурожаат қилади ва Паҳлавон Муҳаммадга бағишланган сатрларни айнан келтиради. Маълумки, ушбу тазкиранинг тўртинчи мажлиси айнан Паҳлавон Муҳаммад таърифи билан бошланади. Восифий бунга алоҳида урғу бериб шундай ёзади: *“Закийфаҳмлар таъбиға маълум бўлсинким, Мир “Тазкират уш-шуаро” (“Шоирлар тазкираси”, яъни “Мажолис ун-нафоис” – Ф. О.)нинг тўртинчи мажлисини Паҳлавон Муҳаммад зикри билан бошлайдилар. Мисли Мавлоно Масъуд Шервоний, Амир Атоулло, Мир Муртоз, Мавлоно Ҳусайн Воиз, Мавлоно Муъин Воиз, Амир Камолиддин Ҳусайн, Қози Ихтиёр, Мавлоно Муҳаммад Бадахший, Мавлоно Мир Ҳусайн Муаммойй, Мавлоно Номий, Мавлоно Абдулвосеъ мунший ва бошқа Хуросоннинг зўр донишмандлари, фозилу уламолар зикрининг Паҳлавон зикридан кейин келиши унинг*

улуғ мартабаси ва олий обрўси далолатидир”²²⁵.

Навойй юқорида санаб ўтилган ўз замондош қаламкашларидан ҳам Паҳлавон Муҳаммадни устун кўришини шоир билан бир даврда яшаган шахснинг эътироф этиши – биз учун жуда муҳим. Ҳақиқатан ҳам, Навойй учун Паҳлавон Муҳаммад ўта қадрли инсон бўлган. Восифий Султон Бойқаро ҳамда Паҳлавон орасига совуқчилик тушиб қолганида Навойй ўртага тушиб, дўстини ҳимоя қилганини ёзади. Тарихчининг таъкидлашича, Навойй подшоҳга: “*Шоҳим, биз Паҳлавон билан ҳар ишда бирга бўлмоққа, ажралмасликка қасам ичганмиз*”²²⁶, – дейди. Аслида, ҳукмдор Паҳлавондан мажлисдан шамоллаб келиш учун чиқиб, қайтмагани ва бошқа даврага кетиб қолгани учун ранжиган эди. Буни эшитган Паҳлавон обрўсига ярашмайдиган кийимларни кийиб, ўзини-ўзи жазоламоқчи бўлади. Навойй эса Паҳлавоннинг гуноҳидан ўтишни сўрайди. Ҳусайн Бойқаро Навоййнинг бу гапидан кейин хато қилганини англайди, узрини билдиради. Шундан сўнг Паҳлавонга давлат номидан 100 минг танга сийлов берилади.

Восифий Паҳлавоннинг хотираси ўткирлигини таъкидлаш учун яна бир воқеа келтиради. Мажлисларнинг бирида Шайх ул-ислом ва Қози Низом бир масалада баҳслашиб қолишади, бунинг жавоби фалон китобда бор, деган қарорга келишади. Шунда Паҳлавон ўша китобнинг тегишли жойларини ёддан айтиб беради. Мажлис аҳли ҳайратга тушиб, ғала-ғовурга тушиб қолишади. Баҳсда Қози Низом ғолиб чиқади.

Яна бир мажлисда подшоҳ, шахзодалар ва аслзодалар йиғилган бўлади. Шунда Шайх ул-ислом кўтарилган масалани подшоҳга тушунтиришда роса чайналади. Икки карра қайтарганда ҳам, муддао ҳукмдорга аён етиб бормади. Шунда Паҳлавон Муҳаммад ўртага тушиб, масалани аниқ-тиниқ етказди. Мажлис тарқагач, Шайх ул-ислом, бир курашчининг шундай улуғ бир йиғилишда малик ул-каломлик қилиши тўғримиқан, дегандек эътироз қилади. Бу гап ҳукмдорга ҳам етиб боради. Шунда подшоҳ: “*Бу мажлис Шайх ул-ислом ва уламо учун чақирилгани тўғри. Туркигўй одамман. Агар Паҳлавон Муҳаммаднинг бу мажлисда сўзлашига қобилияти ва лаёқати бор экан,*

225. Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ. – Тошкент: Ғафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 126.

226. Ўша нашр. – Б. 123.

Шайх ул-исломнинг уни чеклашлари тўғри эмас. Агар сўзлашга қобил экан, бунга шайхнинг нима дахли бор?!²²⁷ – дейди. Шайх ул-исломдан бу масала юзасидан фикр сўралганда: “Дарвоқе, инсоф билан айтганда, Паҳлавон Муҳаммадни уламо мажлисида сўзлашдан манъ қилмаслик лозим”²²⁸, – деб муносабат билдиради. Бу ўринда, назаримизда, икки масала ойдинлашяпти. Биринчиси, Паҳлавон Муҳаммаднинг билими, савияси давр улаمولари олдида фикр билдира олишга лаёқати етган. Иккинчидан, подшоҳнинг “Туркигўй одамман” деб таъкидлашидан тахмин қилишимиз мумкинки, масалани Паҳлавон ҳукмдорга туркий тилда англатган. Бўлмаса, бу ўринда подшоҳ ўзининг туркигўйлигини алоҳида таъкидламаган бўларди.

Восифий Паҳлавон Муҳаммаднинг кураш санъати бўйича ҳам китоб ёзганини, шунингдек, Ҳофиз Шерозийнинг кўп ғазаллари байтларидан исм ҳосил қилиш қобилиятини алоҳида таъкидлайди. Шунингдек, муаллиф унинг бошқа бир курашчи Паҳлавон Молоний билан кураш тушиш воқеаларини батафсил ёзади.

Паҳлавон Муҳаммад жияни – синглисининг ўғли бўлмиш Дарвешмуҳаммадни ҳам тенгсиз курашчи қилиб тарбиялайди. Ироқлик донғи кетган паҳлавон Али Рустойй Хуросонга келганида, ёш бўлса-да, юрт шаънини айнан Дарвешмуҳаммад ҳимоя қилиб, курашда меҳмонни енгади. Подшоҳ ҳам бундан мамнун бўлиб, унга инъомлар берилишини тайинлайди. Аммо мард, жасур ва танги бўлган бу йигитча: “Менга шу обрўнинг ўзи етади. Уҳам юртимизга умид билан келган, ноумид қайтмасин!”²²⁹ – деб тушган 100 минг дирҳам олтинни Али Рустоййга бериб юборади. Биргина шу ҳикоятдан Паҳлавон Муҳаммад халқ ва давлат назарига тушган ҳам жисмонан, ҳам маънан етук шоғирдлар чиқарганини билиб олишимиз мумкин.

Бу борада Абдуқодир Ҳайитметов шундай ёзади: “Шу давр маданий ҳаракатчилигининг яна бир ажойиб намояндаси Паҳлавон Муҳаммад эди. Паҳлавон Муҳаммад ҳам Навоий тарбиясида муҳим ўрин тутган. Навоий даври маданий, илмий ва адабий муҳитини бу улуғ инсонсиз тасаввур этиш қийин”²³⁰.

227. Ўша нашр. – Б. 120.

228. Ўша нашр. – Б. 121.

229. Ўша нашр. – Б. 131.

230. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. –

Навоий Паҳлавон Муҳаммад ҳақида “Мажолис ун-нафоис”, “Девони Фоний”, “Фавойид ул-кибар” даги “Соқийнома” да тўхталди. Навоий ўз ижодида Саййид Ҳасанга нисбатан Паҳлавон Муҳаммадга нисбатан камроқ ўрин ажратган. Бироқ унга бағишланган ҳолот, бу икки шахснинг Навоий учун бир даражада яқин бўлганини исботлайди. Чунки улуғ қалам соҳиби бошқа ҳеч кимга алоҳида, махсус насрий асар бағишламаган.

Маноқиб-ҳолотларнинг яратилиш тарихи, омиллари ва муаллиф ижодидаги ўрнини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келамиз:

1. Навоий Жомийни назмда ҳар қанча таъриф этмасин, барибир, устози ҳақида наср йўли билан батафсилроқ асар ёзишга эҳтиёж сезди. Чунки наср инсоний муносабатлар, воқеа-ҳодисаларни кенгроқ ифодалаш имконини беради.

2. Навоий устози ҳақида алоҳида асар ёзишни олдиндан режалаштирганга ўхшайди. Чунки “Мажолис ун-нафоис” да Жомийга жуда кам ўрин ажратиб, асарларининг номи ва сонига атрофлича тўхталмайди. Бу кемтикликни “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Учинчи мақолат”и билан тўлдиради.

3. “Насойим ул-муҳаббат...” да муаллиф устози ҳақида тўлиқроқ билмоқчи бўлганларни “Хамсат ул-мутаҳаййирин”ни ўқишга йўналтиради.

4. Тазкиралар Жомий тимсолини тўлиқ яратиш имконини бермасди. Бундан ташқари, “Мажолис ун-нафоис” – шоирлар, “Насойим ул-муҳаббат...” эса авлиёлар – ҳақидаги тазкира. Шунинг учун бу тазкираларнинг бирида Жомий, асосан, шоир сифатида, иккинчисида, асосан, авлиё сифатида таърифу тасниф этилади. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” да эса шоир ва авлиё, устоз ва раҳнамо Жомий сиймоси бир бутун ҳолда гавдалантирилади.

5. Асарнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” деб номланиши – Зайниддин Восифий “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида ҳикоя қилган, халқ орасида машҳур бўлган “Хамсайи мутаҳаййира” воқеаси билан бевосита боғлиқ. Аммо Навоий “Хамсайи мутаҳаййира” ҳикояти ўз даври ўқувчиси учун маълум бўлгани учун ҳам асарнинг номи ва воқеа ўртасидаги боғлиқлик ҳақида ҳеч нарса демаган.

6. “Хамсайи мутаҳаййира” воқеаси асарнинг номланишиниги-

на эмас, таркибий жиҳатдан беш қисмдан иборат бўлишини ҳам белгилаб берган.

7. Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад Навоий ҳаётида Жомийдан кейинги ўринда турувчи устоз ва энг яқин дўст мартабасида эди. Шунинг учун у ўз асарларида бу устозлари ҳақида ҳам ёзди. Аммо уларга махсус бағишланган асар битишга эҳтиёжи бор эди. Ҳолотлар ана шу вазифани бажарди ва улар хотирасини абадийлаштирди.

8. Бу икки шахс – Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммаднинг улуғ шоир ҳаётида тутган ўрнини билиш, улар орасидаги муносабатлар доирасини тасаввур қилишда, Навоий асарларидан ташқари, ўша давр қаламкашларининг асарларига мурожаат қилишга тўғри келади. Жумладан, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”си ва Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ”и бу борада ноёб манба бўлиб хизмат қилади.

9. Маноқиб-ҳолотларнинг учала шахс вафотидан кейин ёзилганидан келиб чиқиб, уларни Навоий ҳаётида муҳим роль ўйнаган бу кишилар фаолияти ва ижодига муаллифнинг яқуний, хулосавий баҳоси сифатида қабул қилиш мумкин.

2.3. МАНОҚИБ-ҲОЛОТЛАРНИНГ ЖАНРИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳар қандай асарни тадқиқ этишда, аввало, унинг жанрий хусусиятларини аниқлаб олишга тўғри келади. Қадим замонда дастлаб адабий асарлар яратилган, мантиқан шундан кейин уларни жанрларга ажратиш бошланган. Бироқ асарларни жанрий жиҳатдан бир-биридан кескин ажратиш осон иш эмас. Чунки, ҳатто, битта йўналишда ёзилган бўлса ҳам, ҳар бир асар – ўзига хос оҳорий (оригинал) ижод намунаси. Унинг бошқа бир асарга монанд ёки тамоман тескари, яъни ўхшамайдиган хусусиятлари бўлиши – табиий. Шу жиҳатдан олиб қараганда, гарчи бир-биридан фарқи бўлса-да, Навоий қаламига мансуб “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” ва “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” бир типдаги асарлар. Улар шакли ва мазмуни, жанрий хусусиятлари билан, аввало, мусулмон Шарқи халқлари адабиётидаги манокиб ва ҳолот жанрларига жуда яқин туради. Аммо Навоийнинг бу асарлари анъанавий манокиб-ҳолотлардан анчагина фарқ қилади. Кўпгина хусусиятларига кўра, бу асарларни, публицистик нуқтаи назардан портрет очеркка мансуб, дея оламиз. Аммо уларда ҳозирги тушунчадаги эссе хусусиятлари ҳам мавжуд. Дастлаб манокиб-ҳолотларни адабиётшунослик нуқтаи назаридан кўриб чиқсак.

“Адабиёт назарияси”нинг 2-жилдида ёзма адабиётимиздаги насрий асарларнинг қуйидаги жанрлари санаб ўтилган: 1. Тарихий йилномалар. 2. Тазкиралар. 3. Мемуар асарлар. 4. Манокиб ҳолотлар. 5. Илмий проза²³¹. Мазкур китобда манокиб ва ҳолотларга эса мана бундай таъриф берилади: *“Биографик характердаги, асосан, адабиёт ва фан соҳасида шуҳрат топган кишиларнинг вафотидан сўнг, уларнинг хотирасини абадийлаштириш ниятида ёзилган рисоалар. Чунончи, Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ” асарлари*²³².

Бироқ бу таърифда манокиб ва ҳолотларнинг энг асосий хусусиятларидан бири – уларда таърифланаётган шахс диний-

231. Қаранг: Адабиёт назарияси. 2 жилдлик. Ж.2. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 42 – 43.

232. Ўша нашр. – Б. Ўша.

тасаввуфий мартабага эга бўлиши кераклиги ифодаланмаган. Шунинг учун: *“Маноқиблар ёки ҳолатлар йирик дин ва жамоат арбоблари ва тариқат пешволарининг ҳаёти ва фаолияти, уларнинг кароматлари ҳақидаги биографик асарлардир”*²³³, – деган таъриф – ҳақиқатга яқинроқ.

Юқорида кўриб чиққанамиз “Адабиёт назарияси”нинг 2-жилдида “Макорим ул-ахлоқ” асари маноқиб-ҳолот жанрига мансуб, деб ҳисобланган бўлса ҳам, бу асар Навоийнинг маноқиб-ҳолотларига ўхшамайди. Асарнинг ҳар бир бобида алоҳида битта маънавий фазилатга умумий таъриф берилади. Мавзуга доир “Қуръон” оятлари ва ҳадислардан иқтибослар келтирилади. Кейин эса ўқувчига Навоий ҳаёти билан боғлиқ шу далилларни исботловчи воқеа ва ҳикоятлар тақдим этилади. Асарнинг бир шахс ҳаётига бағишлангани ва ичида ҳаётининг ҳикоятлар келтирилганини ҳисобга олмаганда, бу рисола ахлоқ-одобни тарғиб қилувчи асар сифатида таассурот уйғотади. Қайсидир маънода, Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асарини ёдга солади. Шу жиҳатлари билан ҳам Навоийнинг маноқиб-ҳолотлардан кескин ажралиб туради.

XIV аср ўзбек адабиётшуноси Шайх Аҳмад ибн Тарозийнинг қимматли “Фунун ул-балоға” асарида шундай дейилади: *“Бу ўн навъ шеърким, зикр қилдук, ҳар қойсида агар Тенгри азза ва жаллага ҳамд айтсалар, они тавҳид дерлар. Ва агар Муҳаммад Мустафо алайҳиссалот в-ассаломни васф қилсалар, наът дерлар. Агар Тенгри ҳазратинда тазарруъ қилсалар, муножот ўқурлар. Ва хулафойи рошидинни таъриф қилсалар, маноқиб ва манқабат дерлар. Агар салотин ё умаро ё вузарони ўксалар, мадҳ ва мадҳат ва тамаддуҳ ўқурлар. Ва агар ўлган кишини зикр қилсалар, марсия дерлар. Агар кимарсани нафрин қилсалар, ҳажв ва мазаммат дерлар. Ва агар ҳазл қилсалар, мутойиба дерлар”*²³⁴.

Демак, ўтмишда маноқиб ёки манқабатда тасвирланаётган шахс диний-тасаввуфий мартабага эга бўлиши шарт қилиб қўйилган. Навоий ҳам Абдураҳмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад фақатгина устози ёки яқин кишиси эмас,

233. Ахмедов Б. А. Жития мусульманских святых, как исторический источник // Источниковедческие изыскания. Т. 11, Тбилиси: 1988. – С. 207 – 214.

234. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға // Ўзбек тили ва адабиёти. 2002 йил. – № 1. – Б. 76.

балки ўз даврининг етук сўфийлари ва қайсидир маънода ўзининг пирлари бўлгани учун улар ҳақида алоҳида асар битади. Шу тариқа бу асарларда диний-тасаввуфий зотлар сиймоси яратилади. Бу эса, “*Ҳамсат ул-мутаҳаййирин*”, “*Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер*” ва “*Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад*”ни, аввало, маноқиб ва ҳолот жанрига тааллуқли асарлар, деб ҳисоблаш учун тўла асос беради.

Умуман, мистик зотлар ҳаёти ва кароматини ёритиш, уларни мадҳ этиш дунё адабиётида исломдан олдин ҳам бўлган. Бундай адабиёт “агиография”²³⁵ дейилади. Юнон тилида “*hagios*” – авлиё, “*grapho*” – ёзаман деган маънони билдиради.

Эрамизнинг I асрдан IV асрнинг бошларигача насронийлик дини вакиллари Рим империясида қаттиқ таъқиб остига олинган. Қизиғи шундаки, сургун қилинган, дин йўлида қатл этилган кишилар ҳақидаги турли маълумотлар дастлаб диндорлар эмас, балки давлат вакиллари томонидан ҳужжат сифатида қоғозга туширилган. Матнлар бизгача етиб келмаган бўлса-да, бу ҳужжатларга илк агиографик манбалар сифатида қаралади. Том маънодаги, яъни воқеавий, бадий агиография IV асрда Милан эдикт(келишув)идан кейин пайдо бўлди. Бундай агиографик асарларда дин пешвосининг бутун ҳаёти, илоҳийликка (роҳибликка) эришиш йўли ёритиб берилади.

Агиографиянинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унда муаллифнинг қараши, оддий бир инсоннинг ғайритабиий шахсга муносабати шаклида ифодаланади. Бундан ташқари, агиографик асарларда қаламга олинishi мажбурий бўлган бир неча жиҳатлар бор. Бу каби асарда илоҳий зотнинг таваллуди, туғилган жойи, ота-онаси мадҳ этилиши; кичиклигидаёқ оддий болалардан кескин фарқланиб, ўйинларга қизиқмаслиги, ўткирлиги ва ғайритабиийлиги; ҳаётидаги энг муҳим қадами, тавбаси ва ўзликни англаб, шу йўлда ўзини бахшида этиши; вафоти тафсилотлари ва ўлими олдидан кўрсатган кароматлари акс этиши – шарт.

Муҳими шундаки, Европада пайдо бўлган агиографик асарларга қўйилган юқоридаги талабларга Шарқ адабиётидаги агиографик асарлар ҳам тўла жавоб беради. Хусусан, “*Ҳамсат*

235. Қаранг: Болтабоев Ҳ. Адабиёт энциклопедияси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2015. – Б. 186.

ул-мутахаййирин” да жанр талаби сифатида санаб ўтилган шартларнинг барчасига амал қилинган. Жумладан, Жомийнинг насаби, болалигиданоқ фавқуллода ўткир бўлиб, ҳавода қўл билан ёзиб кўрсатилган “Али” ва “Умар” сўзларини ўқий олиши, сўфийлиги ва буни маломатия²³⁶ ақидасига биноан ҳеч кимга ошкор этмай, пинҳон тутиб юриши, кароматлари, айниқса, ўлимидан олдин Хожа Деҳдор билан боғлиқ каромати кабилар фикримизни тўла исботлайди.

Бироқ Навоий қаламига мансуб маноқиб руҳидаги уч асарнинг Ғарб ва Шарқ адабиётида учрайдиган бошқа агиографик асарлардан кескин фарқ қиладиган хусусиятлари ҳам бор. Биринчидан, Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам агиографик асарларнинг аксарияти қўлдан-қўлга кўчирилиб, йўл-йўлакай таҳрир қилиниб, ўзгариб бораверган. Аниқроғи, бу каби асарларда муаллифнинг нуқтаи назари эмас, балки мадҳ этилаётган қаҳрамоннинг ҳаёти бирламчи аҳамият касб этган. Бундан ташқари, таъриф этилаётган тарихий шахсни идеаллаштириш асосий мақсадга айлангани учун уларда муболағага эрк берилган. Шу сабабли бундай асарларда реал воқеалар турли тўқима ривоятлар билан қўшилиб кетган. Бу ҳақда навоийшунос Иброҳим Ҳаққул шундай ёзади: *“Манқабавий ҳаёт – кўпинча вақт, замон ва макон чегараларини умуман тан олмайдиган афсонавий ҳаёт. Буни “достоний ҳаёт” ҳам дейишган. Манқабавий ҳаётдан реаллик ахтариш ёки талаб қилиш ақлдан хорижий ишдир. Чунки у аниқ ва реал тарих эмас, жазба ва увайсийликнинг маҳсули бўлмиш тарих. Манқабобага асосланиб бирор-бир шахснинг таржимаи ҳоли ва ҳақиқий сиймосини тайин этмоқ мушкул”*²³⁷. Навоийнинг уч маноқибда эса бунинг тамоман аксини кўрамиз. Биринчидан, Навоий фақат ўзи кўрган-билган, шоҳид бўлган, тўла ишонган воқеаларнигина тилга олади. Иккинчидан, қаҳрамон бу ерда бевосита муаллифнинг нигоҳи, шахсий

236. Маломатия – IX асрда Нишопурда пайдо бўлган таълимот. Унга кўра, уни қабул қилганлар ўзларининг малакаларини ошириш, юракларини покиза тутиб, сунний мазҳабга қатъий риоя қилишлари керак бўлган. Лекин уларнинг бу ҳаракат ва интилишларини ҳеч ким сезмаслиги, билмаслиги шарт ҳисобланган. Зоҳирда улар бошқалардан фарқ қилмасликлари ва ўзгалар уларга бирор-бир маломат қилсалар, хафа бўлмай, аксинча, бу билан фахрланишлари лозим бўлган. Жомий ҳам ўзини, тасаввуфдаги ана шу мактабга мансуб, деб билган.

237. Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънавият. 1998. – Б. 69.

нуқтаи назари, ҳиссий-экспрессив муносабати орқали ёритилади. Бунда асар қаҳрамони эмас, балки унинг муаллифи биринчи мақсадда туради.

Европада агиографик асарлар бир неча хил жанрларда ёзилган. Шарқ адабиётида ҳам бу йўналишдаги асарлар фақатгина маноқиб ёки ҳолот шаклида эмас. Гуландом Тоғаева ўзининг номзодлик диссертациясида: “...Агиографик йўсиндаги мақолаларда мақомот, табақот, маноқиб, ҳолот, сийра, қисса, тарожим, тазкира каби жанрларда яратилган асарлар асосий манба вазифасини ўтайди”²³⁸, – деб таъкидлайди. Жумладан, тасаввуф оламининг йирик вакили Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва фаолияти ҳақида “Масмуъот” (“Эшитилган нарсалар”), “Силсилат ул-орифийн ва тазкират ул-сиддиқийн” (“Орифлар силсиласи ва сиддиқлар ёдномаси”), “Рашаҳоту айн ил-ҳаёт” (“Обиҳаёт томчилари”), “Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор” “Насабномайи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор” каби маноқиб, мақомот, насабнома йўналишларида бир неча хил агиографик китоблар ёзилган²³⁹.

“Манбашунослик”²⁴⁰ китобида агиографик асарлар сифатида “Тазкирайи Буғроҳоний”, “Маноқибии Хожа Юсуф Ҳамадоний”, “Рисолайи Шайх Нажмиддин Кубро”, “Маноқибии Амир Кулол”, “Мақомоти Хожа Алоуддин Аттор”, “Маноқибии Хожа Баҳоуддин Нақшбанд”, “Мақомоти Хожа Аҳрор”, “Рашаҳоту айн ил-ҳаёт”, “Равзат ур-ризвон ва ҳадиқат ул-ғилмон”, “Жоме ул-мақомоти Маҳдум Аъзам Косоний”, “Насимат ул-қудс мин ҳадоийқ ул-унс”, “Матлаб ул-толибин” кабилар саналиб, улар ҳақида маълумот берилади. Бироқ Навоийнинг агиографик руҳдаги уч асари эса бу китобда таржимаи ҳол-мемуар йўналишдаги тарихий ёзма ёдгорликлар сифатида тилга олинади²⁴¹.

Маноқиб ва ҳолот агиографик асарларнинг энг асосий жанрларидан ҳисобланади. Бироқ бу икки жанр ўртасидаги

238. Тоғаева Г. Ўзбек матбуотида тасаввуф таълимотининг ёритилиши: муаммолари, тамойиллари ва шакллари: Фил. ф. н. дисс. – Тошкент, 2006. – Б. 63.

239. Қаранг: Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар. Нашрга тайёрловчилар: М. Ҳасаний, Б. Умрзоқ, Ҳ. Амин. – Тошкент: Адолат, 2004.

240. Мадраимов А., Фузаилова Г. Манбашунослик. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 228.

241. Ўша нашр. – Б. 140 – 143.

фарқни топиб, аниқлаштириш – жуда ҳам мушкул. Аксарият манбаларда бу жанрлар ҳақида сўз кетганида маноқиб ва ҳолот ёнма-ён келтирилади. Жумладан, юқорироқда кўриб ўтганимиз “Адабиёт назарияси”²⁴² китобида ҳам бу иккала жанрни бирга қўшиб, уларга битта таъриф берилган. Бундан ташқари, Е. Э. Бертельс ўзининг “Навоий ва Жомий” китобида Навоий асарлари рўйхатини бериб, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” билан “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”ни “Маноқиб-и Саййид Ҳасан-и Ардашир”, “Маноқиб-и Паҳлавон Муҳаммад”²⁴³ деб келтиради. Шунга кўра, атоқли шарқшунос, биринчидан, зимдан бу икки асар жанрини “маноқиб” деб ҳисоблапти, иккинчидан, уларни Жомий ҳақидаги “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”дан ажратиб кўрсатяпти.

“Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да: “Маноқиб – сифатлар, фазилатлар, гўзал хислатлар; ҳунар; мадҳ; сано”²⁴⁴, “Ҳолот – аҳволлар, кайфиятлар”²⁴⁵, – деб берилади.

Шулардан ҳам кўриниб турибдики, адабиётшунослигимиз олдида маноқиб ва ҳолот ўртасидаги фарқларни аниқлаштириш масаласи кўндаланг бўлиб турибди. Балки бу иккаласи бир жанрдир. Лекин Навоийнинг учала асари мисолида қарайдиган бўлсак, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” ва икки ҳолот ўртасидаги фарқ яққол кўзга ташланади. Биринчидан, ҳажм жиҳатидан иккала ҳолот – деярли тенг. “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” – иккала ҳолотни қўшиб ҳисоблаганда ҳам, улардан икки баравардан ҳам каттароқ. Иккинчидан, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” номланиши, беш қисмга бўлиниши билан ҳам ажралиб туради. Албатта, жамиятда ҳам, Навоий ҳаётида ҳам, Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммаддан кўра Абдураҳмон Жомийнинг ўрни ва аҳамияти катта эди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” ўзига хослиги билан икки ҳолотдан ажралиб турар.

Яна бир муҳим жиҳатни эътиборга олиш керак. Саййид Ҳасан

242. Қаранг: Адабиёт назарияси. 2 жилдлик. Ж. 2. – Тошкент: Фан, 1979. – Б. 42 – 43.

243. Бертельс Е. Э. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – С. 205.

244. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик. Ж. 2. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 226.

245. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик. Ж. 4. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 191.

Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммадлар ҳол соҳиблари эдилар. Ҳол Ҳақ туҳфаси ва ҳадяси ҳисобланади. Шунинг учун ҳол инсоннинг иродаси ва ҳаракатига тобе эмас. Мақомларга эришилади, ҳол эса инъом этилади. Яъни мақом учун тер тўкилади, машаққат чекилади²⁴⁶. Бу даражага мужоҳада ва риёзат билан эришилади. Шу сабаб мақом барқарор туради. Ҳолни эса кучсиз руҳият ушлаб тура олмаслиги мумкин²⁴⁷. Икки “Ҳолот” ва “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”ни ўқиб, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммадлар ҳол соҳиблари, Абдураҳмон Жомий эса мақом эгаси эканини билиб олиш қийин эмас.

Бу уч асарнинг умумлашма, аммо анъанавий маноқиб-ҳолотлар ва Европа адабиётидаги агиографик асарлардан кескин ажралиб турадиган муҳим жиҳати ҳам бор. Учала асарда ҳам таърифланаётган қаҳрамоннинг ҳаётини шунчаки тасвирлаб бериш эмас, балки муаллиф билан муносабатлари доирасини кенг ёритиш асосий мақсадга айланади. Бу хусусият, айниқса, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”да янада яққолроқ кўзга ташланади. Анъанавий маноқиб-ҳолотларда эса муаллифнинг ўзи, унинг воқеа-ҳодисага ҳиссий-экспрессив муносабати деярли акс этмайди. Мусулмон Шарқи адабиётидаги маноқибларга хос худди шу жиҳат – Европадаги агиографик асарларга ҳам бирдай тегишли. Уларда роҳибнинг ҳаёти, ҳикматли сўзлари, насиҳатлари, ҳаётида юз берган фавқулодда воқеа-ҳодисаларни тасвирлаш асосий ўринда туришини юқорида ҳам айтиб ўтдик. Шунинг учун қўлдан-қўлга кўчирилиб, таҳрир қилиниб, бизгача етиб келган шундай асарларнинг дастлабки муаллифлари – номаълум.

Таниқли навоийшунос Ёқубжон Исҳоқов ўзининг “Икки жаҳон халқига ҳайрат” мақоласида “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”нинг ўзига хос жанрий хусусиятлари ҳақида сўз юритиб, жумладан, шундай муҳим хулосага келади: *“Демак, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” анъанавий маноқибларда бўлганидек, муайян шахс ҳаёти билан боғлиқ барча ҳодиса ва ривоятлар тафсилоти эмас, балки муаллифнинг*

246. Қаранг: Ҳазратқулов М. Тасаввуф. – Душанбе: Маориф, 1988. – Б. 46.

247. Қаранг: Тасаввуф атамалари лугати. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2015. – Б.

Ўзи билан бевосита алоқадор бўлган муҳим воқеалар таснифига бағишланган”²⁴⁸.

Навоийнинг маноқиб-ҳолотларида биографик қатлам, шунингдек, субъектнинг объектга муносабати устунлик қилгани учун айрим адабиётшунослар, жумладан, Қодиржон Эргашев: “Хамсат ул-мутаҳаййирин”ни ҳам, “Ҳолот”ларни ҳам маноқиблар сирасига киритишга мутлақо асос йўқ”²⁴⁹, – деб ҳисоблайди. Олим: “...Биз ҳар уч асарни мемуар-биографик характердаги асарлар сифатида тасниф қилинишини тўғри деб ҳисоблаймиз”²⁵⁰, – деган фикрни билдиради. Шу жиҳатларни эътиборга олганда, Алишер Навоийнинг ўзи бир типдаги иккала асарини “Ҳолот” деб атагани ёки маноқиб деб ҳисоблаган-ҳисобламаганидан қатъи назар, бу уч асар тўлиқ анъанавий маноқиб ёки ҳолот эмас. Чунки бу асарлар – муаллифнинг бевосита қаҳрамонлар билан муносабати асосий ўринга чиққани, батамом реалликка асослангани, ҳар турли муболағалардан бутунлай холи экани, равон тили ва бошқа бир талай бадий-табъий хусусиятлари билан анъанавий маноқиб ва ҳолотлардан кескин ажралиб туради. Шунинг учун, бу уч асар ўзбек мумтоз адабиётида агиографик йўналишдаги ўзига хос бир янги жанрда ёзилган, деб хулоса чиқаришга ундайди. Бошқача қилиб айтганда, Навоий анъанавий маноқиб-ҳолотлар пойдевори устига янги бир жанр қурган.

Ёқубжон Исҳоқов ҳам бу борада: “Бизнинг тарихий-қиёсий йўсиндаги кузатувимиз Навоийнинг мазкур асарлари ўрта аср ўзбек адабиёти тарихида мутлақо янги ҳодиса бўлган, деб хулоса чиқаришга имкон беради”²⁵¹, – деб ёзади.

Навоийнинг биз мулоҳаза юритаётган уч асари бадий унсурларига бой бўлса-да, соф бадий наср намунаси ҳам эмас. Чунки уларда реал инсон сиймоси бадий тўқималарсиз акс эттирилган. “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида жумладан, шундай дейилади: “Навоийнинг прозаик асарлари, жанр хусусиятларига

248. Исҳоқов Ё. Икки жаҳон халқига ҳайрат. / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2001 йил, 9 февраль.

249. Эргашев Қ. Навоийнинг мемуар-биографик асарларининг жанрий-услубий хусусиятларига доир. / Ўзбек тили ва адабиёти. – 2009. № 4.

250. Ўша манба.

251. Исҳоқов Ё. Икки жаҳон халқига ҳайрат. / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2001 йил, 9 февраль.

кўра, бадий асар бўлмаса-да, улардаги бадий элементларнинг шу қадар маҳорат билан сайқалланганлиги, ифода қилиш восита ва приёмларининг ранг-баранглиги, бадий бўёқларнинг қуюқ ва сержилолиги бирлашиб, ҳар бир асарнинг асосий ғоясини ёрқинроқ очишга хизмат қилиши уларнинг бадий асар сифатида ўқилишини таъмин этади²⁵².

Юқоридаги фикрларда Навоий насри, жанр хусусиятларига кўра, бадий асар эмаслиги очиқ айтиляпти. Фақат уларда бадийлик юқори бўлгани учун бадий асар сифатида ўқишли экани таъкидланяпти. Бу эса Навоий манокіб-ҳолотларига бадий публицистик асарлар сифатида қарашимизга асос бўлади. Чунки муаллиф бу асарларда ўзи кўрган, билган реал замондошлари портретини яратишни ва уларни ўз даврининг етук, жамиятда ҳар томонлама ибрат бўла оладиган инсонлар сифатида тасвирлашни мақсад қилган. Шунинг учун ҳам, бу асарларга бадий адабиёт эмас, балки бадий публицистик манба сифатида қараш тўғрироқ бўлади.

“Агар ўзбек журналистикасининг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бир даврда ҳам публицистикага доимо эҳтиёж бўлган. ... Яна бир муҳим жиҳат: булар ҳаётда, албатта, бор, реал одамлар, воқеалар мисолида фактлар билан далиллангани учун ҳам ҳужжатлидир”²⁵³.

Адабиёт воқеликни ёритишда тўқима образлар, қаҳрамонлардан фойдаланса, бадий публицистика реал, шу замонда мавжуд бўлган инсонларнинг бадий тимсолини яратади. Асосий фарқ шунда кўринади. Аслида, бадий публицистика – адабиёт ва журналистиканинг ўртасида турган соҳалардан бири. У реал ижтимоий ҳаётни бадий унсурлар орқали ифодалайди. *“Публицистика бадий адабиётдан сюжет, композиция, образлилик, тип ва образлар яратиш, бадий тўқималар каби ижодий воситаларни олади. Буларнинг ҳаммаси публицистикадаги асосий мақсадга, айтилмоқчи бўлинган фикр, чиқарилмоқчи бўлган ижтимоий хулосаларга хизмат қилади”²⁵⁴.* Бадий публицистикада

252. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Ж. 2. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 340.

253. Хамдамов Ю. Тараккиёт мезони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – Б. 100.

254. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика. – Тошкент: Tafakkur, 2011. – Б. 19.

бадий воситалардан кенг фойдаланилади. “Қисқа қилиб айтганда, бадий публицистика ҳаётни адабиёт нуқтаи назаридан ёритувчи ижтимоий-иждодий фаолият ҳисобланади. Бадий публицистика фойдаланадиган адабий-бадий воситалар орасида образ ва образлилик асосий ўрин тутади. Яъни бадий публицистиканинг асосий қонуни, бош хусусияти унда образ ва образлиликнинг мавжуд бўлишидир”²⁵⁵.

Очерк эса – бадий публицистиканинг жанрларидан бири. Шунинг учун: “...Унда бадий адабиётга хос бўлган воситалар билан публицистик хусусиятлар узвий боғланиб кетади. У сўз санъати билан сўз сиёсати уйғунлашувчи, бошқача қилиб айтганда – сиёсат, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий фикр, мақсад бадий адабиёт воситаси, санъат сўзи билан айтилувчи жанрдир”²⁵⁶.”

Портрет очерк эса – ушбу жанрнинг муҳим турларидан бири. Унда бир ёки бир неча киши тасвирланиши мумкин. Бунда асосий вазифа – очерк қаҳрамонининг характери очиби бериш, унинг фаолиятини тасвирлаб бериш орқали портретини яратишдан иборат. “Портрет очеркининг мавзу доираси кенг бўлиб, у ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг барча соҳаларини, инсон меҳнати ва яратувчилик фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олиши мумкин. Портрет очерк, одатда, жамиятнинг етакчи соҳаларида – ижтимоий ҳаёт, халқ хўжалиги, фан-техника, адабиёт ва санъат соҳасида фаолият кўрсатиб, жамият тараққиётига муҳим ҳисса қўшаётган, меҳнатда юқори натижаларга эришаётган, янгиликлар, ихтиролар яратаётган кишилар – илғор ишчилар, деҳқонлар, олимлар, санъаткор ва бошқа касб эгаларига бағишланган бўлади”²⁵⁷.

“Портрет очеркда, асосан, бир кишининг ҳаёти, тақдири марказий ўрин тутади. Бошқа персонажлар қаҳрамон образини очишга хизмат қилувчи восита ролини бажаради. Портрет очерк бу жиҳатдан ҳикояга ўхшайди. Бироқ, ҳикояда қаҳрамоннинг ёзувчи қўлда тутган асосий инсоний характер белгиси турли ҳаётий, маиший турмуш воқеаларига асосланган тугал сюжет йўналишида

255. Ўша нашр. – Б. 227.

256. Ўша нашр. – Б. 235.

257. Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. – Тошкент: Tafakkur, 2011. – Б. 236.

кўрсатилса, очеркда қаҳрамон кўпроқ ижтимоий меҳнат фаолияти орқали ифодаланади²⁵⁸.

Навоий ҳам ўз замонасининг ҳар томонлама етук инсонлари портретини қоғозга туширишни мақсад қилди. Шунинг учун ҳам, унга ўзбек сўз санъатида портрет очеркнинг дастлабки намуналарини яратган қаламкаш сифатида қараш мумкин.

Бинобарин, Очил Тоғаев “Публицистика жанрлари” китобида шундай деб ёзади: *“Ўзбек очеркининг шаклланиши реалистик прозанинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бироқ бу прозанинг айрим хусусиятлари ўзбек классик адабиётининг баъзи наср асарларида ҳам кўзга ташланади. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» каби мемуар асарлари тасвир ҳамда публицистик воситалар билан портрет очеркнинг, шубҳасиз, дастлабки намунасидир*²⁵⁹.

Профессор Мухтор Худойқулов ҳам “Журналистика ва публицистика” китобида юқоридаги нуқтаи назарни қўллаб қувватлайди: *“Жаҳон ва ўзбек матбуотида портрет очеркига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу хилдаги очеркларнинг илдизи қадимги ёзма адабиётимизга бориб тақалади. Жумладан, буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ўз сафдошлари ҳақида ёзилган “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” каби тарихий-мемуар асарларида портрет очерки хусусиятларини кўриш мумкин. Заҳрирдин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам портрет очеркига хос бўлган хусусиятлар – айрим одамларнинг ижтимоий-бадний қиёфалари яратилганлигини ҳам кўриш мумкин*²⁶⁰.

Филология фанлари номзоди Юсуф Ҳамдамов бу борада шундай ёзади: *“Ўзбек матбуоти учун очерк янги жанр эмас. Мазкур жанрнинг ҳозирги аҳволини таҳлил қила туриб, очерк турлари тарихи ҳақида икки оғиз фикр билдириб ўтмаслик – ноўрин. Мутахассислар келтирган маълумотларга қараганда портрет очерк унсурлари улуғ мутафаккир Алишер Навоий асарларидаёқ намоён бўлган*

258. Тоғаев О. Публицистика жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – Б. 93.

259. Тоғаев О. Публицистика жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – Б. 92.

260. Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. – Тошкент: Tafakkur, 2011. – Б. 236 – 237.

эди. ...Айни пайтда бу асарларда ота-боболаримизнинг XV асрнинг иккинчи ярмидаги ҳаёти ва турмуши ҳақида ҳам ҳикоя қилинган эди. Ўзбек классик адабиётининг намояндаси, давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг йўл очеркларини ҳам ўз даврининг ажойиб намуналари дейиш мумкин. Унинг XV асрнинг дурдонасига айланган, авлодлар томонидан “Бобурнома” деб ном олган асарида Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг жуғрофий ўрни, табиати ва наботот дунёси, бу ерларда яшовчи халқларнинг ҳаёти, урф-одатлари батафсил тасвирланган. Буюк ватандошимизнинг йўл лавҳалари кўплаб чет тилларга таржима қилинган ва қилинмоқда, жаҳон халқлари томонидан қизиқиш билан ўқилмоқда. Бундан ташқари, Бобур ўз замондошлари – кўплаб шоирлар, мусаввирлар, машшоқларнинг ёрқин портретларини яратди²⁶¹. Демак, нафақат Навоийнинг маноқиб-ҳолотлари, балки Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида ҳам портрет очерк унсурлари мавжуд.

Навоийнинг бу маноқиб-ҳолотлари портрет очеркка жуда яқин туриши матбуотда ҳам кўп қайд этилган. Жумладан, “Хуррият” да чоп этилган “Публицистика – тарихий манба” мақоласида шундай дейилади: “...Саййид Ҳасан Ардашер, Абдураҳмон Жомий, Паҳлавон Муҳаммад Ҳусайн Бойқаро ва бошқалар тўғрисидаги хотиралари айнан портрет очерки жанри хусусиятларига мос бўлиб, нафақат, уларнинг ижоди, фаолияти, балки характеристикаси тўғрисида маълумот беради”²⁶².

Бойбўта Дўстқораевнинг фикрича, публицист очерк ёзишда бир қанча мақсадни ўз олдига қўяди: “Энг аввало, бирон-бир инсоннинг фазилатларини, ибратли ишларини бошқаларга намуна сифатида тасвирлаб, муайян маънавий-ахлоқий, тарбиявий-педагогик жиҳатдан сабоқ бўлса, деган ниятни қўзлайди, бундай хислатларнинг жамият аъзолари орасида кўпайишини истайди. Иккинчидан, шахсий ва ижтимоий турмушда яхши фазилатли хулқ-атвори мукамал инсонларни жамият аъзоларига ўрнак қилиб “кўрсатиб қўйиш”, уларни улуғлаш ниятида бўлади (бу ҳол портрет очерк турига тегишли). Албатта, бу мақсадларини у ортиқча ташвиқ-тарғиботларсиз, холис тарзда амалга оширишга

261. Ҳамдамов Ю. Замон ва мезон. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – Б. 13-14.

262. Эшмуродов С. Публицистика – тарихий манба. / Хуррият. 2016 йил. 6 март.

*интилади*²⁶³. Навоий маноқиб-ҳолотлари ҳам юқорида саналган барча талабларга жавоб беради. Муаллиф бу асарларда қаламга олинган шахсларни, энг аввало, халққа намуна қилиб кўрсатиш, уларнинг фазилатларини тарғиб этиш орқали жамиятда шундай инсонлар кўпайишига умид боғлайди.

Навоий даҳосига нафақат буюк шоир, адиб, балки моҳир публицист сифатида қараш анъанасини ҳам шакллантиришимиз керак. Қаламкашнинг, биз кўриб чиқаётган маноқиб-ҳолотлари билан бирга, унинг хатлари ва бошқа асарларида ҳам публицистика унсурлари мавжуд. Бу борада Очил Тоғаевнинг фикрлари – ғоят қимматли: *“Навоий хатларида ўз ватани, халқи ҳақидаги ғамхўрлик туйғуси билан яшаган, халқ аҳволини яхшилаш ҳақида кўп ўйлаган, ўз сиёсий тушунчаларига мувофиқ амалий тадбирлар таклиф этган гражданин шоирнинг оташин овози эшитилиб туради. Бу – Навоий хатларининг ижтимоий-публицистик хусусиятини белгилайди. Шундай қилиб, Ўрта Осиёда матбуот келиб чиққунга қадар хат публицистикасининг асосий белгилари Алишер Навоий ижодидида шаклланган эди. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий ўзбек хат публицистикасининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Навоийдан кейинги даврда ҳам ижтимоий қимматга эга бўлган бадиий-публицистик хатлар ёзилгани маълум. Бу ҳақда махсус тадқиқот ишлари олиб борилиши зарур, албатта*²⁶⁴.

Илмий ишимиз бевосита Навоийнинг хат публицистикаси ҳақида бўлмаса ҳам, улуғ мутафаккир ижодининг публицистик томонларига бағишлангани, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг бир боби бевосита Жомий ва Навоий ёзишмаларига оид эканлиги билан Очил Тоғаев таклифига бир жавоб сифатида қабул қилиниши мумкин. Бу йўналишдаги тадқиқотлар келажакда ҳам давом эттирилади, албатта.

Бу борада Бойбўта Дўстқораевнинг фикрлари ҳам – ўринли: *“Ўзбек адабиёти ва маданиятининг буюк сиймоси Алишер Навоий ижодидида хат публицистик жанр сифатида шаклланганини алоҳида қайд этмоқ зарур*²⁶⁵.

263. Дўстқораев Б. Журналистика. V жилд. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – Б. 372.

264. Тоғаев О. Публицистика жанрлари. – Тошкент: Уқитувчи, 1976. – Б. 19 – 20.

265. Дўстқораев Б. Журналистика. V жилд. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – Б. 472.

Ўзбек журналистикаси тарихини тадқиқ этган О. Тоғаев, Б. Дўстқораев, М. Худойқулов, Ю. Ҳамдамов ва бошқа олимлар публицистика илдиэлари ҳақида сўз борганида беэиз Навоий ижодига мурожаат этишмаган. Чунки у туркий сўз санъатини тамоман янги босқичга олиб чиқди, унғача туркий қаламкашлар журъат қилолмаган жанрларда асарлар яратди, қолаверса, бу жанрларга янғича рух бағишлади. Қолаверса, тадқиқотимиз объекти ҳисобланган маноқиб-қолотлар жанрига ҳам публицистик вазифа юклади. Ҳали олдимизда “Муншаот”даги хат публицистикаси, “Мажолис ун-нафоис”, “Насойим ул-муҳаббат...” тазкираларида қаҳрамонлар портретини яратиш маҳоратини ўрганиш, ҳатто, шеърий асарларидаги публицистик жиҳатларни тадқиқ этиш вазифалари турибди.

Ана шу фикр-мулоҳазалар асосида қуйидаги хулосаларга келамиз:

1. Навоийнинг “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”, “Қолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Қолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарлари бир-бирдан қанчалик фарқли хусусиятлари билан ажралиб турмасин, барибир, учаласи бир типдаги ва бир жанрдаги асар.

2. Навоий ўз асарларини қандай номлаши ва қайси жанрда деб ҳисоблашидан қатъи назар, бу асарлар ўша даврдаги анъанавий маноқиб ёки қолотлардан талай ўзига хос хусусиятлари билан кескин фарқ қилади. Шунинг учун ҳам, Навоий анъанавий маноқиб-қолотлар негизида янги бир жанрни яратган, деб айта оламиз.

3. Навоийнинг мазкур асарлари том маънодаги бадий наср намунаси эмас. Реал тарихий шахслар ва воқеаларни ифода этгани, шу билан бирга, тимсолийлик (образлилик)ни сақлаб қолгани билан, барибир, уларни бугунги тушунчадаги публицистикага мансуб асарлар, дея оламиз. Шу ўринда Навоийнинг тенги йўқ шоир ёки ёзувчигина эмас, балки ўта маҳоратли публицист эканига ҳам гувоҳ бўламиз.

4. Ҳар бир даврда публицистикага эҳтиёж бўлган. Ўзбек бадий публицистикаси тарихи ҳам Навоий асарларидан бошланади, десак, хато бўлмайди. Буюк қалам соҳибининг маноқиб-қолотлари портрет очерк намунаси бўлса, унинг эпистоляр жанрдаги асарлари, яъни мактублари ўз замонасининг долзарб ижтимоий-сиёсий

муаммоларини ақс эттиргани билан хат публицистикасининг тарихий асоси бўлиб хизмат қилади.

5. Миллий журналистикамиз тарихини тадқиқ этган бир қатор забардаст олимлар бадиий публицистика илдизларини айнан Навойнинг маноқиб-ҳолотлари, тазкиралари, хатлари, шунингдек, Бобурнинг “Бобурнома” асарида кўришади. Бу эса, Навойнинг маноқиб-ҳолотлари, шубҳасиз, портрет очеркнинг ўзбек публицистикаси тарихидаги дастлабки намунаси, деб хулосалашга имкон яратади.

2.4. МАНОҚИБ-ҲОЛОТЛАРДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ТАЪРИФИ

Биз тадқиқ этаётган бу уч маноқиб-ҳолот ҳам, асосан, бир нафардан бош қаҳрамон таърифу тавсифига бағишланган. Бироқ ҳар қандай инсоннинг шахслиги унинг жамиятдаги ўрни, яъни атрофидаги кишиларга муносабатларида кўринади. Шундай экан, бу уч асарда ҳам, бош қаҳрамондан ташқари, яна кўплаб шахслар тасвирланганига гувоҳ бўламиз. Маноқиб-ҳолотларда тилга олинган шахсларни қуйидаги рўйхат асосида кўриб чиқсак. Рўйхат ушбу шахс номларининг асарда келтирилган кетма-кетлиги асосида тузилди:

“Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида учрайдиган шахслар:

Подшоҳ, шаҳзода, малика ва амалдорлар:

1. Шоҳрух мирзо – Амир Темурнинг иккинчи ўғли. 1409 – 1447 йилларда ҳукмронлик қилган.

2. Абусаид мирзо – Темур ўғли Мироншоҳнинг набираси. 1451 йилдан Мовароуннаҳр, 1467 йилдан бошлаб эса Хуросонда ҳам ҳукмронлик қилган. У вафот этгач, 1469 йили Ҳирот тахтини Ҳусайн Бойқаро эгаллайди.

3. Султони соҳибқирон (баъзи ўринларда “подшоҳ” тарзида келади – Ф. О.) – Ҳусайн Бойқаро. (1438 – 1506). 1469 – 1506 йилларда ҳукмронлик қилган.

4. Музаффар Ҳусайн Мирзо – Ҳусайн Бойқаронинг Хадичабегимдан туғилган ўғли.

5. Аҳмад Ҳусайн – Музаффар Ҳусайн Мирзонинг ўғли.

6. Султон Ёқуб – оққуюнли туркманлар султони. Вафоти – 1491 йил.

7. Кичик Мирзо – Мирзо Улуғбек ўғли Мироншоҳнинг набираси. Ҳусайн Бойқаронинг опаси Оқобегимнинг ўғли.

8. Музаффар барлос – Ҳусайн Бойқаро амирларидан.

9. Мажидиддин Муҳаммад – Ҳусайн Бойқаро вазирларидан.

10. Бикабегим – Хадичабегим – Ҳусайн Бойқаро хотинларининг энг эътиборлиси.

11. Бадиуззамон Мирзо – Ҳусайн Бойқаронинг тўнғич ўғли.

Асар қаҳрамонининг оила аъзолари:

1. Насаби – Муҳаммад бинни Ҳасан бинни Абдуллоҳ бинни Товус бинни Ҳурмуз Шайбоний. Ҳурмуз Шайбон номли қабиланинг маликларидан бири бўлган. Навоийнинг ёзишича, у Халифа Умар разиаллоҳу анҳунинг қўлида исломни қабул қилган.

2. Ўғли – Сафиуддин Муҳаммад. Иккинчи фарзанд. Ҳижрий 880, милодий 1475 йили бир ёшида оламдан ўтган.

3. Ўғли – Зиёвуддин Юсуф. Жомийнинг ўзидан кейин тирик қолган ягона фарзанди. Ҳижрий 882, милодий 1477 йили таваллуд топган.

Илм, шеърят ва тасаввуф аҳли:

1. Аҳмади Жом – тасаввуф шайхи ва машҳур шоир. Вафоти 1141 – йил.

2. Фахриддин Луристони – тасаввуф шайхи. У Жомийнинг болалигида унинг зеҳнини синаб, қойил қолади.

3. Зайниддин Абубакр Таёбодий – даврнинг машҳур аллома ва шариат пешволаридан. Вафоти ҳижрий 791, милодий 1388/89 йил.

4. Саъдиддин Тафтазоний – Ўрта Осиёнинг машҳур филолог олими. Поэтикага оид рисолага шарҳ сифатида ёзилган “Мухтасар ал-маоний” асарининг муаллифи. (1322 – 1389).

5. Амир Хусрав Дехлавий – Ҳиндистонда яшаб ижод қилган форсигўй шоир. Низомийдан сўнг “Хамса” ёзиб, хамсачилик анъанасини бошлаб берган (1253 – 1325).

6. Саъдиддин Кошғарий – Ҳиротнинг машҳур шайхларидан. Жомийнинг пири. Кўпгина манбаларда Жомий унинг қизига уйланган, деган хато маълумотлар келтирилади²⁶⁶. Аслида, Абдурахмон Жомий Кошғарийнинг катта ўғли бўлмиш Хожа Калоннинг қизига уйланган. Демак, Жомий Кошғарийга тўғридан-тўғри эмас, балки неваракуёв бўлган.

7. Баҳоуддин Умар – тасаввуф шайхи. Жомий билан замондош.

8. Боязид Пуроний – тасаввуф шайхи. Жомий билан замондош.

9. Муҳаммад Асад – тасаввуф шайхи. Жомий билан замондош.

10. Мир Шайхим – Амир Шайхим Суҳайлий – ҳиротлик машҳур шоирлардан, Навоийнинг яқин дўсти. У ҳақда “Мажолис ун-нафос” да ҳам маълумот берилади.

266. Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамса ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б.186.

11. Хожа Ҳасан Дехлавий – форсий ғазалнавис шоир. Вафоти – 1327 йил. Дехли.

12. Мавлоно Соғарий – Ҳирот шоирларидан бири. “Мажолис ун-нафоис” да айтилишича, у Жомий билан ҳажга бормоқчи бўлган, ammo турли баҳоналар билан қолиб кетган. “Хамсат ул-мутаҳай-йирин” да Жомий Соғарий билан кўп мутойиба қилгани ёзилган.

13. Шайх Низомий – Низомий Ганжавий (1141 – 1203) – “Хамса” ёзган буюк озарбойжон шоири.

14. Хожа Дехдор. Исми – Ғиёсиддин Муҳаммад. Жомий ва Навоийнинг яқин мусоҳибларидан, шоир. Кўпинча Жомийнинг уйига таомларни элтиб бериш вазифаси унга юкланган. Бироқ йўлда ўзи учун ҳақуриб қолиш одати бўлгани учун Жомий у ҳақда ҳазиломиз рубоий ва қитъалар ёзган.

15. Мавлоно Соний – Навоийнинг замондошларидан. Шоир ва вазир бўлган. Навоийнинг унга муносабати салбий эди.

16. Анварий – Авҳадиддин Анварий. Султон Санжар(вафоти 1156)нинг сарой шоири. Унинг қасидалари шакл ва услуб жиҳатидан ниҳоятда мураккаб ва дабдабали саналади.

17. Шайх Абдулҳасан Дурроҷ – бағдодлик машҳур шайхлардан. Вафоти – 932 йил.

18. Имом Юсуф бин Абдулҳусайн Розий – маломатия йўналишига мансуб шайхлардан. “Насойим ул-муҳаббат...” асарида у ҳақда маълумотлар – бор. Вафоти – ҳижрий 304, милодий 916/917 йиллар.

19. Мавлоно Муҳаммад Табодгоний – исми Шамсуддин. Машҳур шайхлардан. “Мажолис ун-нафоис” да у ҳақда маълумот берилган. Ҳиротда ҳижрий 891, милодий 1486 йили вафот этган.

20. Устод Ҳасан Ноий – унинг вафоти ҳақидаги хабар Ироқдан келганида, Навоий Жомийга шеърини хат ёзади.

21. Ҳазрати Мавлавий – Жалолиддин Румий (1207 – 1273) – ўртаосиёлик буюк шоир ва олим. 27 минг байтдан иборат “Маснавийи маънавий” асари машҳур. “Мавлавия” тасаввуф мактабига асос солган.

22. Нажмиддин – Нажмиддин Кубро (1145 – 1226) – машҳур тасаввуф шайхларидан.

23. Хожа Носириддин Убайдуллоҳ – Хожа Аҳрор Валий (1404 –

1490) – нақшбандийликнинг машҳур пешволаридан. Жомий айрим асарларини унга бағишлаган.

24. Мирсарбараҳна – асли туркистонлик бўлган Ҳирот шоирларидан. Жомий ва Навоийга доимий суҳбатдошлардан бири.

25. Ибн Фориз – Шарофуддин Умар ибн Али ал-Мисрий ас-Саъдий (1181 – 1234/35) – араб тасаввуф шоири.

26. Ибн Заррин ул-Уқайлий – олим. Жомий унинг асарига шарҳ битган.

27. Хожа Муҳаммад Порсо – Шамсуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий – тасаввуф назариятчиларидан. Вафоти – 1414 йил.

28. Хожа Абдуллоҳ Ансорий – Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ансорий Ҳиротий – сўфийлик назариясининг йирик арбоб ва назариятчиларидан бири, “Илоҳийнома”нинг муаллифи.

29. Шайх Фаридиддин Аттор – Муҳаммад ибн Абубакр бинни Иброҳим (1119 – 1220) – машҳур форс шоири. Аввал атторлик билан шуғулланган, кейинчалик дарвешлик ихтиёр қилган. Кўп лирик шеърлар, дostonлар, жумладан, машҳур “Мантиқ ут-тайр” муаллифи.

30. Шайх Абу Абдурахмон Суллайий – “Қуръон”га кенг шарҳ битган диний олим.

31. Шайх Фаҳриддин Ироқий – Фаҳриддин Ироқий Ҳамадоний (1217 – 1289) – буюк сўфий шоир. Унинг “Ламаот” асарига Жомий шарҳ ёзган.

32. Шайх Ёрали – Аҳмад Ғаззолийнинг “Савонех” асарига шарҳ битганлардан бири.

33. Шарофиддин Али Яздий. Вафоти – 1454 йил. “Зафарнома” муаллифи.

34. Мир Муртоз – шоир, мусиқа назариясига оид асар ёзган ижодкор.

36. Хожа Шаҳобиддин Абдуллоҳ Марварид – шоир, бу шахс асарда мусиқа бобида китоб ёзган муаллиф сифатида тилга олинади.

37. Мавлоно Биноий (1453 – 1512). Навоийга замондош шоирлардан. Тарихчи ва мусиқачи.

38. Баҳоуддин Нақшбанд (1318 – 1389). Нақшбандия тариқатининг асосчиси.

40. Мавлоно Кутбиддин – Хожа Дехдорнинг мулозимларидан бири сифатида тилга олинган ижодкор.

41. Мавлоно Абдулвосеъ – ҳиротлик шоир, Жомий ва Навоийнинг доимий суҳбатдошларидан.

42. Мавлоно Аҳмад Пир Шамс – ҳиротлик шоир, Жомий ва Навоийнинг доимий суҳбатдошларидан.

43. Мавлоно Ҳусайн Воиз – Ҳусайн Воиз Кошифий – Ҳиротнинг машҳур олими, шоири ва нотиғи. “Мажолис ун-нафоис” да ҳурмат билан тилга олинади.

Бошқа касб эгалари:

1. Абдуллоҳ котиб – Навоийга замондош котиблардан.

2. Дарвеш Ҳожи Ирқбанд – замонасининг чобукдаст, яъни қўли энгил боғбонларидан. Асарнинг “Аввалги мақолат”идаги 3-ҳикоятда боғбон ва Жомий ўртасида бўлиб ўтган қизиқарли воқеа келтирилади.

2. Мутаахҳари Удий – Навоийнинг замондошларидан. Уд чолғу асбобида куй ҳамда қўшиқлар ижро этган санъаткор.

3. Саййид Фиёс – боғбон.

4. Мавлоно Абдуссамад – ўз даврининг машҳур котибларидан. Шундай бўлса-да, Жомийнинг девонини имловий хатолар билан кўчиргани учун шоир камчиликларни ўз қалами билан тўғрилаб чиққан.

5. Устод Қулмуҳаммад – Навоийга замондош созанда. “Мажолис ун-нафоис” да келтирилишича, ғижжак, уд ва қўбузни яхши чалган, рассом ва наққош бўлган.

6. Бу Алишоҳ – мусиқий илм устодларидан. Навоий унинг мусиқа назариясига оид “Асл ул-васл” асарини тилга олади.

8. Хожа Абдулазиз – табиб. Жомийнинг сўнгги кунида бошида турган.

Жомийга мункир бўлган ва жазосини олган шахслар:

1. Маҳмуд Ҳабиб – бу шахс ҳақида асар “Аввалги мақолат”нинг бҳикояти ҳамда “Хотима”нинг 3ҳикоятида сўз боради.

2. Сейидам Ироқий – навкарлардан бири.

3. Ноҳиқий – талаба.

“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида шахслар:

Подшоҳ ва шахзодалар:

1. Бойсунғур мирзо (1397 – 1434) – Амир Темурнинг набираси, Шоҳрух мирзонинг ўғли. Мозандарон, Астробод ва Журжон ҳокими, кейинчалик отасининг вазири бўлган.

2. Алоуддавла мирзо – Шоҳрух мирзонинг набираси, Бойсунғур мирзонинг ўғли. 1447 – 1448 йилларда Хуросоннинг бир қисмини, Ҳирот атрофларини бошқарган.

3. Муҳаммад мирзо – Ҳиротни бошқарган темурийлардан.

4. Бобур мирзо – Абулқосим Бобур – 1447 – 1457 йилларда Хуросонда ҳукмронлик сурган. Илм ва адаб аҳлига, Навоийга ҳам ҳомийлик қилган.

5. Иброҳим мирзо – Шоҳрух мирзонинг ўғли.

6. Абусаид мирзо – юқорида маълумот берилди.

7. Султони соҳибқирон – Ҳусайн Бойқаро – юқорида маълумот берилди.

Асар қаҳрамонининг оила аъзолари:

1. Отаси – Ардашер. Саройда қушбегилик мансабида ишлаган.

2. Ўғли – Сайид Муҳаммад. Ёлғиз фарзанд бўлган. Отасига муносиб ўғил бўлган бу йигитча 14 ёшида вафот этади. Навоий уни ўз фарзандидек кўрган.

Шеърят ва тасаввуф аҳли:

1. Мавлоно Лутфий (1366 – 1465 Ҳирот) – шоир, тасаввуф билимдони. “Насойим ул-муҳаббат...” да Навоий унга мақола бағишлайди. “Мажолис ун-нафоис”нинг иккинчи мажлисида ҳам уни алоҳида тилга олади.

2. Мавлоно Муқимий – туркийнавис шоирлардан.

3. Хожа Ҳофиз Шерозий – Шамсуддин Муҳаммад – (1321 – 1390, Шероз) буюк форс-тожик шоири. “Ҳофиз” номи билан машҳур.

4. Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий – (1203 – 1292 Шероз) форс шоири. Лирик шеърлар, “Гулистон” ва “Бўстон” асарлари муаллифи.

5. Шайх Фаридиддин Аттор – (1148/51 – 1219/21) тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси. “Мантиқ ут-тайр” муаллифи.

6. Шайх Азиз Насафий (тахминан 1240, Насаф – тахминан 1300, Эрон, Абрқух) – тасаввуф мутафаккири, шоир.

7. Мавлоно Боязид Пуроний – ўша даврдаги нақшбандий шайхлардан.

8. Ҳазрат Баҳоуддин Умар (вафоти ҳижрий 875, милодий 1470/71 Ҳирот) – машҳур шайхлардан. Хондамир “Ҳабиб ус-сияр” асарида ёзишича, Шоҳрух мирзо замонида муътабар алломалардан Саъдиддин Кошғарий, Шамсиддин Муҳаммад Асад, Хожа Зайниддин, Жомий ва бошқалар ҳамроҳлигида ҳаж сафарида бўлган.

9. Хожа Абу Наср Порсо – олим, файласуф. Нақшбандия тариқатининг машҳур олими Муҳаммад Порсонинг ўғли.

10. Хожа Муҳаммад Кусавий – ўша даврдаги нақшбандий шайхлардан.

11. Шайх Зиёратгоҳий – ўша даврдаги нақшбандий шайхлардан.

12. Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Табодгоний – машҳур шайхлардан. Навоий “Насойим ул-муҳаббат...” да унинг фазилатлари ҳақида ёзади ва асарларини санаб ўтади.

13. Ал-Хавофий – Шайх Зайниддин Абубакр ал-Хавофий (вафоти ҳижрий 838, милодий 1434/35) – зоҳирий ва ботиний илмларни билган шайхлардан.

14. Хожа Носириддин Убайдуллоҳ – юқорида маълумот берилди.

“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида тилга олинган шахслар:
Подшоҳ ва шаҳзодалар:

1. Бобур мирзо – юқорида маълумот берилди.

2. Султон Абусаид мирзо – юқорида маълумот берилди.

3. Султони соҳибқирон – Ҳусайн Бойқаро – юқорида маълумот берилди.

4. Мир Бузург Термизий – Абусаид Мирзонинг ўғли. Ўз даврининг ғоят нуфузли сиймоларидан.

Асар қаҳрамонининг оила аъзолари:

1. Тоғаси – Паҳлавон Абусаид.

Асар қаҳрамонининг яқинлари:

1. Шогирди – Паҳлавон Пирий.

Ижод ва тасаввуф аҳли:

1. Устод Муҳаммад Хоразмий

2. Мавлоно Нуъмон

3. Мавлоно Соҳиб Балхий

4. Шайх Сафо Самарқандий

5. Хожа Юсуф Андижоний²⁶⁷

6. Мавлоно Тўтий – асли туршизлик шоир. “Мажолис ун-нафоис” да у Абулқосим Бобур замонида тарбият топгани айтилади. Ҳижрий 816, милодий 1461/62 йилларда вафот этган.

7. Мавлоно Хусрав – Навоийга замондош шоир. “Мажолис ун-нафоис” да бу шахснинг ўзига хос табиати ҳақида маълумот берилган.

8. Мавлоно Котибий – Шамсиддин Муҳаммад ибни Абдуллоҳ – Туршезда таваллуд топган, йили номаълум, 1435 йили Астрободда вафот этган. Хушнавис котиб бўлгани учун “Котибий” тахаллусини олган.

9. Хожа Ҳофиз Шерозий – юқорида маълумот берилди.

10. Мавлоно Лутфий – юқорида маълумот берилди.

11. Саййид Насимий – буюк озарбойжон шоири, файласуфи. Исми –Али, лақаби – Имомиддин 1370 йили Шамоҳи шаҳрида туғилган. Тариқатда ҳуруфийлик йўлида бўлган 1417 йили Миср султони уни даҳрийликда айблаб, тириклайин терисини шилдирган.

12. Абдураҳмон Жомий (1414 Жом – 1492 Ҳирот). Форс-тожик адабиётининг йирик намояндаси, Навоийнинг пири ва устози.

Тибб аҳли:

1. Мавлоно Қутбиддин – ўша даврнинг машҳур табиби. Паҳлавон Муҳаммад ундан тиб илмини ўрганган, асли Насафдан бўлган.

2. Мавлоно Ало ул-Мулк – Паҳлавон атрофидаги табиб дўстларидан.

3. Мавлоно Абдусалом Шерозий – замонасининг машҳур ҳаками, ҳақиқий табиби. Машҳадда Навоийни даволовчи табиб бўлган.

4. Мавлоно Абдулхай – Хондамир “Макорим ул-ахлоқ” да бу шахс Навоийнинг сўнгги дамларида унинг ёнида бўлганини ва Мавлоно Шамсиддин, Муҳаммад Чилоний каби табиблар билан шоир томиридан қон олганини ёзади. Аммо бу муолажа ёрдам бермаган.

5. Мавлоно Нуриддин – Навоийга замондош табиблардан.

Таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келамиз:

1. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида 68 шахс тилга олинган. Қолган икки ҳолатда қайд этилганлар сони эса ўзаро тенг, яъни

267. Санаб утилган бу беш шахс Ҳирот маданий ҳаётининг фаол иштирокчилари, шоир, бастакор ва созандалар бўлган.

23 нафардан. Асарда келтирилганларнинг аксарият қисми қалам-каш ва тасаввуф аҳллари. Уларни рўйхатда акс эттиришда бир пунктга жойладик. Сабаби тариқат аҳлининг аксарияти қалам тебратган. Шунинг учун ҳам уларни ажратиб санаш мушкуллик туғдирган бўларди.

2. Рўйхатда келтирилган шахслар ҳақидаги маълумотларни шакллантиришда маноқиб-ҳолотлар ҳамда “Мажолис ун-нафоис” асари учун тайёрланган изоҳ ва таржималарга асосланилди²⁶⁸.

3. Навоийнинг ҳаёти ва фаолиятига таъсир ўтказган шахслар – жуда кўп. Аммо улар орасида, назаримизда, тўрт киши алоҳида ажралиб туради. Булар: Ҳусайн Бойқаро, Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад. Чунки шоир аксарият асарларини дўсти ва ҳомийси Ҳусайн Бойқарога бағишлади. Устозлари хотираси ҳақида эса алоҳида маноқиб-ҳолотлар битди. Бу эса Навоийни ўраб турган юзлаб шахслар орасида бу инсонларнинг ўрни алоҳида эканлигини кўрсатади.

268. Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 185 – 227. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 13. Мажолис ун-нафоис. – Тошкент: Фан. 1997. – Б. 213 – 282.

ТАРИХИЙ ШАХС ПОРТРЕТИ ТАСВИРИДА КОМИЛ ИНСОН ТАЛҚИНИ

3.1. ЖОМИЙНИНГ УСТОЗ ВА ПИР СИЙМОСИ СИФАТИДА ГАВДАЛАНТИРИЛИШИ

Навоий ўз асарларида пири ва устози Жомийни ҳар қанча мадҳ этмасин, барибир, бу икки буюк ижодкор ўртасидаги ҳақиқий муносабатлар айнан “Хамсат ул-мутаҳаййирин” да янада ёрқинроқ намоён бўлади. Чунки бу асарда, аввало, реал воқеалар, икки шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар бор аниқлиги билан қаламга олинади. Қолаверса, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” – Жомий ҳаёти ва ижодига бағишланган махсус асар. Булардан ташқари, мазкур адабий ёдгорликда кенглик, батафсиллик бор, чунки у насрий йўл билан ёзилган.

Адабиётшунос И. Ҳаққул таъкидлаганидек: *“Ҳазрат Жомийнинг дуру гавҳарлари билан тўлиб тошган ижод хазинаси бизга нечоғлик қадрли бўлса, унинг Алишер Навоий билан дўстлиги, устоз-шогирдлиги шу даражада эътиборли ва эҳтиромлидир. Бу – халқлар, адабиётлар, илм-фан, маданиятлар тарихида ниҳоятда сийрак учрайдиган ҳодиса. Жомий ва Навоийга ўхшаб дунёқараши – дунёқарашига, шахсияти – шахсиятига, маслаги – маслагига боғланиб, ижодиёти ва маҳорати ўзаро уйғунлик касб этган икки миллат, икки адабиёт вакилини тасаввурга келтириш қийин. Асарларида Навоий Жомий таърифиди, Жомий Навоий мадҳида сўз юритар экан, уларнинг ҳар иккаласи ҳам гўё бир тафаккур иқлимида нафас олиб, бир дард ва шодлик гулшанида кезиб улуғ истеъдод, мислсиз бадиий ихтироларни шарафлаётганга ўхшайди”²⁶⁹.*

“Хамсат ул-мутаҳаййирин” да бу икки ҳамфикр шахс муносабатларининг турли томонлари акс этган бўлса ҳам, аввало, улар ўртасидаги ҳақиқий устоз-шогирдлик ришталари

269. Ҳаққулов И. Рух ва маъно сарбони. // Жомий ва Навоий: форс-тожик ва ўзбек илмий-адабий алоқалари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Tafakkur, 2020. – Б. 34.

кўрсатилади. Жумладан, асарнинг “Хотима”сида Навоий Жомий хузурида таълим олиш ва фойдаланиш юзасидан ўқиган китоблари рўйхатини бирма-бир келтиради. Улар – қуйидагилардан иборат: “Қофия”, “Муаммо”, “Лавоех”, “Лавомех”, “Шарҳи рубоиёт”, “Ашиъат ул-ламаъот”, “Нафаҳот ул-унс...”, “Шавоҳидун-нубувват...”, “Қудсия”, “Ламаъот”, “Волидия”, “Илоҳийнома”.

Бундан ташқари, Навоий Жомий “Хамса” ва “Ҳафт авранг”ни қиёслаш йўли билан овоз чиқариб ўқиганида тинглаганини, шунингдек, баъзи рисолалар улар олдида ўқилмаган бўлса ҳам, улардаги айрим мураккаб жойларни устоздан сўраб турганини ёзади. Ана шу маълумотлар Жомийнинг, ҳақиқатан ҳам, Навоийга тўғридантўғри муаллим, мударрис, йўлбошловчи, устоз эканини яна бир қарра исботлайди.

Шогирдлар ҳар хил бўлади. Бир олимнинг китобларини ўқиган, унинг изидан бораётган тадқиқотчи ҳам – маълум маънода унга шогирд. Бироқ Навоий Жомий қўлидан тўғридан-тўғри таълим олган ҳақиқий шогирд эди.

Бу “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да ёрқин кўзга ташланади.

Аввало, Жомий Навоийга икки маънода раҳнамо эди. У ҳам илм ва адабиётда устоз, ҳам тариқатда пир эди. Лекин бу тушунча кўп ҳолларда бир-бирига уйғунлашиб кетади. Масалан, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Учинчи мақолат”ида шундай дейилади: *“Ул вақтдаким, фақир алар хизматида сўфия рамузу ишорот ва алфозу иборот истилоҳин ўтқарур эрдим, ҳазрати кутбуссоликин Шайх Фаҳриддин Ироқий қуддиса сирриҳунинг “Ламаъот”и орзуси хаёлға кўп эврлуур эрди. Бир кун тақриб била бу маънини изҳор қилдим. Алар дедиларким: “Тариқат машойихининг форсий кутуб ва расойили оз мутолаа қилилибдур, аммо чун ҳавасинг бор, андоқ бўлсун”. То улким, ул шариф китобни фақирға сабақ айтурға муртакиб бўлдилар, ҳар кун сабақда хушҳол бўлуб, таъриф қилурлар эрди*²⁷⁰.

Юқоридагилардан маълум бўладики, Навоий Жомийдан ҳақиқий маънода, содда қилиб айтганда, юзма-юз ўтириб таълим олган. Пирлик ва устозлик уйғунлашиб кетган, дейилишининг

270. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 55 – 56.

сабаби шундаки, Навоий Жомийдан ўрганган асарларнинг баъзилари бадий, айримлари илмий бўлгани билан, уларнинг аксарияти тасаввуф масалаларига бағишланган эди. Жомий шогирдига кўпроқ айнан ана шундай асарлардан таълим беради. Қийналган вақтларида турли шарҳларга мурожаат қилади. Бу талқинларда ҳам хатолар учратганидан кейин Жомий ўзи уларга шарҳ битади. Америка Қўшма Штатларининг Калифорния университети профессори Марк Тоутант шундай ёзади: *“Бутун ҳаёти давомида Навоий ўзининг устозига содиқ қолди. Бу яқинлик Жомийнинг ўлимидан сўнг ёзилган ва унинг хотирасига бағишланган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарида ҳам ўз аксини топган. Мазкур асарда Навоий устозининг адабий ҳаётдаги ўзига хос ўрнига урғу берган. Масалан, тасаввуфий асарлар мутолаасини Жомийдан ўрганганини ёзади. Демак, мана шунга ўхшаш жиҳатлар Жомий ва Навоий ўртасидаги руҳий яқинликни кўрсатади”*²⁷¹.

Жомий ва Навоий адабий-табъий қарашлари муштараклиги атоқли шарқшунос Евгений Эдуардович Бертельс назаридан ҳам четда қолмаган: *“Навоий адабиётга муносабат масаласида ўзаро дидларининг тўлиқ мос келишини қўп эслатади”*²⁷².

Юқорида келтирилган матнда ҳам айнан Жомийнинг “Ашият ул-ламаъот” асарининг пайдо бўлиши ҳикоя қилинган. Устоз шогирдига таълим бериш жараёнида яна бир асар яратди. Айнан шу ерда ўзаро адабий таъсир намоён бўлади. Бу икки буюк шахс ўртасидаги устозшогирдлик муносабатлари ҳам ана шу кучли адабий таъсир кўриниши тарзида кўзга ташланади.

Жомий айнан қайси асарларини Навоийнинг турткиси, илтимоси билан яратганини юқорида айтиб ўтдик. Булар орасида айнан Навоийга таълим бериш юзасидан битилганлари ҳам – бисёр. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да бунга кўплаб исбот топишимиз мумкин. Навоий мусиқий илмни эгаллашни ҳам ният қилганида Жомий унинг учун шу соҳага доир асар ҳам ёзиб беради. Буни Навоий шундай ифодалайди: *“Ул ердинким, аларнинг бу фақир сори иноят ва илтифотлари бор эрди, мусиқий ва адвор рисоласин битидиларким, бу фанда андоқ мунаққаҳ ва муфид рисола йўқтур”*²⁷³.

271. Тоутант М. Навоий ва Жомий. / Жаҳон адабиёти. – 2016. № 2. – Б. 170.

272. Бертельс Е. Э. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – С. 122.

273. Ўша нашр. – Б. 70.

Маълумки, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, яъни “Ҳайратланарли бешлик”, номида ҳам қайд этилганидек, беш қисмдан, яъни “Муқаддима”, “Аввалги мақолат”, “Иккинчи мақолат”, “Учинчи мақолат” ва “Хотима”дан иборат.

Муаллиф асарнинг “Аввалги мақолат”ида Жомий ва ўзи ўртасида бўлиб ўтган воқеалар ҳамда устозининг унга кўрсатган илтифотларини битади. Шунинг учун ҳам, назаримизда, устоз-шогирдлик муносабатлари айнан шу бобда кўпроқ акс этган.

Ҳаётда икки шахснинг бир хил қараш, дид ва фикрда бўлиши жуда камданкам учрайди. Ҳатто, ҳар доим ҳам устоз билан шогирднинг кўп масалаларда бир нуқтаи назарга эга бўлиши кўзга ташланавермайди. Жомий ва Навоий ўртасидаги муносабатларда эса, аксинча, деярли ҳар доим ҳамфикрлилик кузатилади. “Аввалги мақолат”да келтирилган қатор ҳикоятлар айнан шунинг исботига хизмат қилади.

Жумладан, шу бобдаги биринчи ҳикоятда ғаройиб бир воқеа тилга олинади. Кунлардан бир куни Шайх Абдуллоҳ котиб Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг²⁷⁴ “Илоҳийнома”сига кирган “Муножот” рисоласини Навоийга келтиради. Улуғ ўзбек шоири аввалига асарнинг бирикки саҳифасини шунчаки варақлаб кўрмоқчи бўлади. Бироқ *“сўзнинг хўблуг ва равонлиғидин”*²⁷⁵ *икки жузвдан*²⁷⁶ ортиқроқ бу асарни бошлаганигача охирига қадар ўқиб чиқади. Бунга гувоҳ бўлганлар каттагина ҳажмдаги бу асарни бир ўтиришда бошданоеъ мутолаа қилган шоирга қойил қолишади.

Эртаси куни Жомий Навоийнинг уйига ташриф буюрганида кечаги гувоҳлар бу ғаройиб воқеани пири комилга гапириб беришади. Шунда Жомий мулойим табассум билан: *“Ажаб амри иттифоқий бизнинг ва сизнинг оралиқда воқеъ бўлгон эрмиш: икки ё уч кун бурунроқ Мавлоно Шайх Абдуллоҳ ушбу рисолаи бизнинг қошимизга келтуруб эрди, биз доғи аввалдин бунёд қилдук, охириға*

274. Абдуллоҳ Ансорий, яъни Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Мухаммад Ансорий Ҳиротий (вафоти – милодий 1088) – суфийлик тариқатининг йирик назариётчиларидан бири. Қаранг: Ўша нашр. – Б. 187.

275. Ўша нашр. – Б. 15.

276. Жузв – муайян ўлчовдаги китобнинг 50 бетини англатадиган birlik. Демак, Навоий ўқиган асар 100 саҳифадан ортиқроқ бўлган. “Қуръон” жами 30 жузвдан иборат. Жузв ўрнида пора сўзи ҳам ишлатилади.

дегинча ҳеч ерда турмоқ бўлмай туганди”²⁷⁷, – дейди. Эртасига эрталаб котиб китобни ёки унинг пулини олиб кетиш учун Навоийникига келганида, одамлар унга шоир китобни бир ўтиришда тўхтамай ўқиб чиққанини айтиб беришади. У ҳам таажужуб билан Жомий ҳам китобни қўлига олгани заҳоти мутолаага киришиб, бир бошлаш билан ўқиб тугатганини айтади. Бу билан у ғаройиб воқеанинг, ҳақиқатан ҳам, шундай бўлганини яна бир карра тасдиқлайди. Буни Навоий асли устози ва пирининг сидқига, яъни ҳар доим рост сўзлашига далил сифатида келтиради. Лекин баҳонада зимдан устоз ва шогирдда бир хил фазилат борлигини ҳам қистириб, ўқувчига буни англашиб кетади.

Устоз ва шогирднинг шеърятга, хусусан, саводхонликка муносабати ҳам бир-бирига яқин бўлиши – аниқ. Бу куйидаги ҳикоятда яққол кўзга ташланади.

Кечки йиғилишларнинг бирида Мутаҳҳир Удий деган бир хонанда Хожа Ҳасан Дехлавийнинг²⁷⁸ бир шеърини куйлайди, жумладан, мана бу байтни ҳам ўқийди:

*Мисоли қатраи борон сиришки ман ҳама дурр шуд,
Чунин асар диҳад, алҳақ, тулуи чун ту суҳайле.*

Мазмуни: Ёмғир қатралари каби кўз ёшларимнинг ҳаммаси дурр бўлди,

Ҳақиқатан, сенинг Суҳайл (юлдузидек) чиқиб келишинг шундай таъсир қилади.

Мажлис аҳли шеърятдан бохабар, таниқли ва хуштаъб кишилардан иборат эди. Улар хонандага байтдаги “дурр шуд”, яъни “дур бўлди” сўзи ўрнига “хун шуд”, яъни “қон бўлди”, деб ўқишни, “дурр шуд”нинг маъноси йўқлигини айтишади. Мажлис бошлиғи ҳам бу фикрга қўшилади. Улар индамай ўтирган Навоийдан бу мулоҳазага муносабат билдиришини сўраганларида, у хонанда тарафида эканини айтади. Бу жавобдан норози бўлган мажлисдагиларнинг барчаси шоирга қарши чиқади. Шунда Навоий: “Чун сиз борча бир жониб бўлдунгиз, мен ялғуз. Сизга

277. Уша нашр. – Б. 15.

278. Хожа Ҳасан Дехлавий – Ҳиндистонда яшаб, ижод қилган машҳур форсигўй газалнавис шоир. 1327 йили Дехлида вафот этган. Қаранг: Уша нашр. – Б. 187.

Ўз мурдаомни собит қила олмон, аммо бир кишини ҳакамликқа мусаллам тутсангиз, гарав боғлармен²⁷⁹, – дейди.

Баҳсга ечим топиш мақсадида Жомийга мунозара мазмунини битиб, хат жўнатишади. Бироз вақтдан сўнг ул зотдан бир мисра жавоб келади:

“Сухан “дурр” асту тааллуқ ба гуши шаҳ дорад”.

Мазмуни: “Сўз “дурр”у, унинг шоҳ қулоғига тааллуқли ери бор”.

Давомидан шундай сўзларни ўқиймиз: *“Ул жамоат мулзам бўлуб, фақирға аларнинг тарбият ва мададлари бу навъ етти. Маълум эрмаски, ҳаргиз киши бу навъ мухтасар жавоб ҳеч саволда айтмиш бўлғай. Тонгласи бу сўз шуҳрат тутти. Эл ёд тутуб, мажолисда нақл қилурлар эрди”²⁸⁰.*

Бу ҳикоятдан Жомий ва Навоийнинг нафақат ҳамфикрлиги, истеъдоди ва саводи, балки уларнинг ўша муҳитдаги шеърят ихлосмандларининг барчасидан устун бўлганини ҳам кўрсатади. Бу икки буюк соҳиби қалам яратган бадиий-илмий мероснинг кўлами ҳам, юксаклик даражаси ҳам шуни тўла исботлайди. Бундан ташқари, устоз бу ерда ўзи билмаган ҳолда (чунки у Навоий билан давра аҳли ўртасидаги гаровдан беҳабар эди) ноқулай аҳволга тушган шогирдини кутқариб қолди.

Жомий ҳамиша Навоийни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб юрган. Бу қуйидаги ҳикоятда ҳам яққол намоён бўлади.

Давлат хизматидан толиққани, адабий режаларнинг амалга ошиши қийин кечаётгани учун Навоий мансабни тарк этиб, тамоман ижод билан шуғулланмоқчи бўлади. Шунда Жомий танбеҳ ва насиҳат юзасидан ундан бунинг сабабини сўрайди. Улар ўртасида шундай савол-жавоб бўлиб ўтади:

“Инсон жинси суҳбат ва ихтилотидин малул бўлур эрдим, бу ишга ул боис бўлди.

Алар дедиларким:

– Инсон кимни хаёл қилиб эрдинг, бизга дағи кўргуз?”²⁸¹.

Бу савол-жавобдан англашиладиган икки муҳим жиҳат –

279. Ўша нашр. – Б. 18.

280. Ўша нашр. – Б. Ўша.

281. Ўша нашр. – Б. 21.

мавжуд. Биринчиси шуки, Навоий ўта нозиктаъб бир зот сифатида одамлар билан гаплашишу муносабатлардан кўп оғринган. Чунки умрининг мазмуни тирикчилик ташвишларидан иборат оддий одамлар, бошқача айтганда, авом халқ Навоий даражасидаги хос зот билан кўнгилдагидек муомалада бўлмаганлиги кундек аён. Бу нозик руҳий-психологик жиҳатни, яъни оддий одамлар Навоийдек комил зотнинг талабларига жавоб бера олмаслигини ҳамма ҳам англайвермайди. Аммо Жомий тушунади. Тушунганининг ёрқин исботи шуки: “Одам деганда кимни хаёл қилган эдинг?” – дейди шогирдига.

Навоий устозининг рад қилишидан чўчиган эди. Аммо бу жавобдан қувонади. Демак, Жомий унинг мансабни тарк этишига қарши эмас. “*Хотирим жамъ бўлди*”, – деб ёзади муаллиф. Бу ҳикоятда Жомий улуғ устоз, маслаҳатчи, йўлбошчи ва ҳамфикр дўст сифатида гавдаланади.

Навбатдаги ҳикоятда эса икки ижодкорнинг бадиий диди ва савияси деярли бир хил даражада экани кўзга ташланади. Навоий бу ҳолатни фахр билан қаламга олади.

“Хамса” дostonларининг бирида²⁸² Навоий ўзидан олдинги хамсанавислар мадҳида шундай ёзади:

*Каҳфи фано ичра алар бўлса гум,
Мен ҳам ўлай робуҳум калбуҳум*²⁸³.

Мавлоно Соғарий²⁸⁴ бу байтга татаббуъ қилиб, қуйидаги байтни ёзади:

*Мирки гуфт: “робуҳум калбуҳум”
Ёфта файзи суҳан аз қалбуҳум.*

Мазмуни: “*Мир (Навоий)*” *тўртинчилари итлариман*”, – дедию,

282. Бу ўринда муаллиф мазкур байтнинг айнан қайси дostonдан олинганини айтиб ўтмаган. Маълум бўлишича, бу мисралар шоирнинг “Хайрат ул-аброр”даги Жомийга бағишланган бобида келтирилади. *Қаранг:* Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 7. Хайрат ул-аброр. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 56.

283. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 22.

284. Соғарий – Ҳирот шоирларидан бири. Навоий у хақида “Мажолис ун-нафоис”да маълумот беради.

(Ўзи) уларнинг қалбидан сўз файзини топди”.

Шоир Навоий қошида ушбу байтни ўқиб беради. Навоий эса шеърнинг хатосига эътироз қилади: “*Аз калбуҳум” таркибида “аз” – “мин” маъноси биладур, “мин” хуруфи жоррадиндур ва мадхулин мажрур қилур ва бу таркибда ўз амалин қилса, қофия ғалат бўлур*”²⁸⁵.

Соғарий эса Жомий ҳам бу байтга худди шундай эътироз қилиб, қофиядаги хатоликни кўрсатганини айтади. Навоий бу ўринда бўлиб ўтган воқеани ёзишдан мақсадини: “*...Ул Ҳазрат била фақир орасида таворуд воқеъ бўлғони*”²⁸⁶, – деб қайд этади. Албатта, бундай таворудлар ўзиданўзи бўлавермайди. Бунга сабаб икки ижодкорнинг адабиётга, шеърятга, қолаверса, ижодкорларга муносабати – бир хил.

Бу қуйидаги ҳикоятда янада яққолроқ кўзга ташланади. Бир куни Навоий Жомий ҳузурда бўлганида шоир Анварийнинг²⁸⁷ қасидаси устида сўз кетади. Жомий бу шоирнинг шеърларини мақтаб, баъзи жойлари мўъжиза даражасига етганини таърифлайди. Бу муносабатдан Навоийнинг кўнгли кўтарилади. Чунки Навоий дўстлар орасида Анварий ижодининг ихлосманди сифатида маълум ном қозонган эди. Навоий Жомийдан Анварийнинг:

*Гар дилу даст баҳру кон бошад,
Дилу дасти худоягон бошад*²⁸⁸.

Мазмуни: “*Агар кўнги билан қўл дарё ва кон бўлса, Шоҳларнинг дили ва қўли бўлади*”, – деб бошланадиган қасидасини Жомийдан яна бир карра ўқиб, шарҳлаб беришни илтимос қилади.

Шундан сўнг Жомий: “*Ажаб сўз айттинг, бу учтўрт кунда бу қасидасин ўқуб, хушҳол бўлуб, ғоят хуш келгандин жавоб ҳам айтибмиз*”, – деб бир қораламани Навоийнинг қўлига тутқазади.

285. Ўша нашр. – Б. Ўша.

286. Ўша нашр. – Б. Ўша.

287. Анварий (Авхауддин Анварий) – Султон Санжар (вафоти 1156.) саройида хизмат қилган шоир. Унинг қасидалари шакл ва услуб жиҳатидан ниҳоятда мураккаб ва дабдабали. Қаранг: Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат улмутаҳайирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 188.

288. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат улмутаҳайирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 27.

Унинг матлаъси шундай эди:

*Ҳар киро дар даҳон забон бошад,
Дар санои шаҳи жаҳон бошад*²⁸⁹.

Мазмуни: “Ҳар кимнинг оғзида тили бўлса, Жаҳон шоҳининг мадҳида бўлсин”.

Бундай кутилмаган жавобдан ҳаяжонланиб кетган Навоий, Анварийнинг қасидасини сеҳр деб ўйлаган эканмиз, Жомийнинг жавоби ундан ўтиб, ҳақиқий мўъжиза бўлди, деб ёзади. Бу воқеа шогирдни қалбан устозга янада яқинлаштиради.

Биз юқорида “Аввалги мақолат” да келтирилган жами бешта (1, 4, 9, 11, 16) ҳикоятни кўриб чикдик. Уларда устоз-шогирдлик муносабатлари янада яққолроқ намоён бўлди. Аслида, муаллиф ҳам бу бобга шуни мақсад қилиб қўйган эди. Бироқ кенг маънодаги устозшогирдлик муносабатлари асарнинг бошқа бобларида ҳам кўзга ташланади.

“Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Иккинчи мақолати”га Навоий ўзи билан устози ўртасидаги мактубларни киритади. Ана шу хатлар ҳам тадқиқотимизнинг ушбу фаслида ўртага қўйилган масалани тадқиқ этишимизда жуда қўл келади. “Иккинчи мақолат”нинг 4-ҳикоятида яна устозшогирднинг ҳамфикр эканини, шунингдек, улардаги бадий диднинг ўзаро яқинлигини кўришимиз мумкин.

Кунларнинг бирида Жомий Ҳазрат ҳузурида Мир Хусравнинг “Дарёйи аброр”²⁹⁰ қасидаси ҳақида сўз боради. Шунда Навоий бу асарни мақтай кетади. Бироқ устози бу ҳақда ҳеч нарса демайди. Навоий қасида мақтовга лойиқ бўлсада, улуғ ҳазрат олдида уни ошириб мақтаб юбордиммикан, деган хаёлга боради. Орадан бироз вақт ўтгач, Навоий сафарга отлана туриб устозидан фотиҳа олишга борганида Жомий унга ўзининг “Дарёйи аброр” жавобида битилган “Лужжат ул-асрор”²⁹¹ қасидасини беради. Навоий йўл давомида от устида қасидани ўқиб, беҳад хурсанд бўлади. Шунда

289. Ўша асар. – Б. Ўша.

290. “Дарёйи аброр” (“Пок кишилар дарёси”) – Амир Хусрав Дехлавийнинг фалсафий қасидаси.

291. “Лужжат уласрор” (“Сирлар дарёсининг чуқур жойи”) – Жомийнинг “Дарёйи аброр” қасидаси жавобида ёзган қасидаси.

илҳомланган шоирнинг хаёлига “Тухфат ул-афкор”²⁹² асарининг матлаъи келади. Манзилга етгач, Навоий матлаъни қоғозга тушириб, агар асар тугатишга лойиқ, деб топилса, яъни устозга маъкул бўлса, уни давом эттираман, деган мазмунда хат ёзиб, бир бекдан уни жўнатади. Жомийдан эса: *“Албатта, тугатсун”*²⁹³, – деган жавоб келади.

Шундай қилиб, бу ҳикоятдан “Лужжат ул-асрор” ва “Тухфат ул-афкор” асарларининг дунёга келиши ҳақида муҳим маълумотларни билиб оламиз. Шу тариқа устоз шогирднинг яна бир асар яратишига сабабчи бўлгани ҳам аёнлашади. Аслида, бу ҳам – ҳақиқий маънодаги устозлик. Жомий Навоий учун ҳар томонлама устоз эди. Шунинг учун ҳам улуғ ўзбек шоири ўзининг ҳар бир ҳаракати устози томонидан қандай қабул қилинишига асло бефарқ бўлмаган. Чунки *“Жомийнинг маслаҳатлари адабий масалалар билан чегараланмасди. Улар Навоийнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётига ҳам тааллуқли бўларди”*²⁹⁴. “Иккинчи мақолат”нинг бҳикоятида бу яққол кўзга ташланади.

Навоий давлат хизматидан чарчаган вақтларида устозига бу ишдан халос бўлиш ҳақида ниятини билдиради. Устоз эса ҳар гал турли сўзлар билан шогирдга таскин бериб, ишлайвериш кераклигини уқтириб туради.

Бир уни Навоий Мурғоб атрофида хизмат машаққатларидан нолиган кайфиятда қуйидаги рубоийни битиб, уни Жомийга жўнатади:

*То кай чу сабо ҳар тарафам қилвагарӣ
Хоҳам сӯи сарви худ кунам пайсипарӣ,
Фарёдкунону хок бар сарфиганон
Гўям, ки халосам кун аз ин дарбадарӣ.*

Мазмуни: *“Қачонгача елдек ҳар томондан жилва қиласан?! Ўз сарвим томон* елиб-югуришни хоҳлайман.

292. “Тухфат улафкор” (“Фикрлар тухфаси”) – Навоийнинг Хусрав Дехлавий ва Жомий касидаларига жавоб тарзида ёзган касидаси.

293. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Ҳамсат ул-мутахаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 34.

294. Бертельс Е. Э. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – С. 124.

*Фарёд қилиб, бошимга тупроқ сочиб,
Қутқар мени бу дарбадарликдан, дейман”.*

Жомий ҳазрат насиҳат юзасидан қуйидаги рубойини битиб, шогирдига юборади:

*Аз дидаи чон агар ба чонон нигарий,
Аз тафриқаи ҳаҳон кучо ғусса хурӣ,
Ин тафриқа ҳаргиз чун нагардад сипарӣ,
Бо тафриқа чам бош, то баҳра барӣ.*

Мазмуни: “Агар жононга жон кўзи билан боқсанг, Жаҳон бебошлигидан ғам чекарми эдинг? Бу бебошлик ҳеч қачон тугамайди, Бебошлик сабаб йиғноқ бўл, токи баҳра топгайсен”.

Юқоридаги байтлардан Навоийнинг ҳаёт машаққатларидан толиққан, унинг чигалликларини ечолмай, қийналган пайтларида нақадар устозига таянганини кўрамиз. Бундай кезларда Жомийнинг ҳар бир фикри, ҳар бир насиҳати Навоий учун ўта қадрли бўлган.

“Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” дан билиб оламизки, Жомий ва Навоий бадий ижод, ҳаётий муаммолар ва давлат аҳамиятига молик масалаларнинг барчасини ҳамкорликда – бамаслаҳат ҳал этишган. Раҳим Воҳидов ва Мелс Маҳмудов шундай ёзишади: *“Шундан уларнинг ғоявий-маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-таълимий, фалсафий-эстетик қарашларида муштарак томонлар кўп учрайди. Жомий ва Навоий адабий меросидаги бу ҳамоҳанглик сўз – адабиёт ва унга муносабат бобида ҳам яққол кўзга ташланади”*²⁹⁵.

“Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” да бу илмий қарашларни тўла тасдиқлайдиган, шунча исбот-далил бўладиган талқинлар – кўп. Навоий устози ва пири билан ҳамфикр ва ҳаммаслак эканини ҳамиша фахр билан тилга олади. Ўқувчи диққатини айнан шу жиҳатга қаратишга ҳаракат қилади. Биз юқорида кўриб чиққан ҳикоятларда бу ёрқин намоён бўлди.

Бироқ бу икки буюк шахсни бир-бирига чамбарчас боғлаб турган нарса фақат бадий дид, адабий ҳамкорликки эмас эди.

295. Воҳидов Р., Маҳмудов М. Иймон – қалб гавҳари. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б. 18 – 19.

Улар ўртасидаги муносабатлар доирасини аниқлаш учун “Хамсат ул-мутаҳаййирин” даги барча қайд. баён ва ҳикоятларни тўлиқ таҳлилга тортиш керак. Бу тадқиқотимизнинг кейинги боб ва фасллари олдида турган вазифалар сирасига киради.

Жомий ва Навоийни ўзаро боғлаб турадиган ришталар шу даражада умумлашиб кетганки, уларни бир-биридан ажратиб таҳлил қилиш – жуда мушкул. Икки даҳо ўртасидаги муносабатларда пир ва муридлик бирламчилик қиладими ёки устоз-шогирдлик устунми? Буни ажратиш – қийин. Бироқ биз тадқиқотимиз талабидан келиб чиқиб, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” да Жомийнинг устоз ва пир сифатидаги тасвирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқишга қарор қилдик.

Бу ўринда, аввало, Навоий Жомий билан қачон танишганини аниқлаб олишга тўғри келади. Минг афсуски, илмда бу икки шахснинг айнан қайси йили илк бор учрашгани аниқ эмас. Навоийнинг ўзи ҳам асарларида бу санани аниқ қайд этмаган. Бироқ “Хамсат ул-мутаҳаййирин” да Жомийнинг Шохрух султон²⁹⁶ замони ўрталаридан Абу Саид султон²⁹⁷ даврининг бошларигача Ҳиротда муқим яшагани, кейинроқ Хиёбон бошидаги Саъдиддин Кошғарий мозори ёнига кўчиб ўтганини ёзади. Шунингдек, шу даврларда замоннинг улўғ кишилари, олимлари, вазирлари, ҳатто, Ҳусайн Бойқаро ҳам Жомий ҳузурига ташриф буюрар ва устоз суҳбатларидан баҳраманд бўлар эди. Навоий: *“Бу фақири ҳақир бу сўнги жамоат зумрасида Хиёбон бошида кўрган замонида мухтасар битилган рисола сабақиға мумтоз бўлдум”*²⁹⁸, – деб ёзади. Демак, айнан шу вақтларда Навоий Жомий билан учрашиб, ундан сабоқ олган ва унга шогирд тушган, дейиш мумкин.

Навоийшуносликда икки буюк ижодкорнинг илк бор учрашган вақтини аниқлашга кўп интилишлар бўлган. Аммо тадқиқотчиларнинг бу борадаги қараш ва тахминларида тафовутлар бор. Масалан, Садриддин Айний шундай ёзади: *“Алишер Жомий вафотидан сўнг унга бағишлаб унинг ҳаёти ҳақида*

296. Шохрух – Амир Темурнинг иккинчи ўғли. 1409 – 1447 йилларда ҳукмронлик қилган.

297. Абу Саид – Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳнинг набираси. 1457 – 1469 йилларда ҳукмронлик қилган.

298. Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 14.

ёзган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” номли асарида Абусаид Мирзо ҳукмдорлигининг бошланиш даврида Жомийнинг Ҳирот шаҳрининг марказидан “Ҳирот” хиёбони бошига кўчиб ўтиб, ўша ерни жой қилгани ва ўша уйда биринчи бор Жомийга ўзининг шогирд бўлганини эслатиб ўтади. Абусаид ҳукмронлигининг бошланиш даври 1459/60 йилга тўғри келади. Демак, Алишер Навоий Жомийга ўн саккизи ўн тўққиз ёшларида шогирд бўлган бўлиши керак²⁹⁹. Эргашали Шодиев ҳам айнан “Хамсат ул-мутаҳаййирин”га асосланиб: “Бу асар муқаддимасида, Навоий маълумот беришича, Абдурахмон Жомий Шохрух Мирзо салтанатининг ўрталаридан Абу Саид Мирзо ҳукмронлигининг дастлабки йилларигача Ҳирот шаҳрининг ўзида яшайди, сўнгра шаҳар ташқарисига, мавлоно Саъдиддин Кошғарий мозори яқинига кўчиб ўтади. Ана шу вақтларда кечагина Машҳаддан келган Алишер шаҳарнинг кўп кишилари қаторида Абдурахмон Жомий ҳузурига боргани ва биринчи кўришдаёқ, “Рисолайи қофия” юзасидан у кишидан сабоқ олишга киришганини таъкидлаб ўтади. Демак, Навоий Абдурахмон Жомий билан биринчи марта Машҳаддан Ҳиротга қайтиб келгач, 1464 йилда 23 ёшида учрашади³⁰⁰. Евгений Бертельснинг фикрича, Навоий 28 ёшида Жомий билан танишган: “Биз Навоий Жомий билан илк бор қачон учрашганини билмаймиз. Унинг ўзи бу ҳақда ҳеч қандай маълумот қолдирмаган. Бу воқеа, ҳар ҳолда, Навоий Ҳиротга қайтган 1469 йили бўлиб ўтган, деб ҳисоблаш керак³⁰¹. Бизнингча ҳам, Навоий Абу Саид ҳукмронлиги тугаганидан кейин, яъни Самарқанддан қайтганидан сўнггина Жомий билан учрашган. Чунки “Хамсат ул-мутаҳаййирин” даги матнни синчиклаб ўқисангиз, Жомийнинг ҳузурига замонанинг турли тоифадаги кишилари орасида Ҳусайн Бойқаро ҳам бориб туришини фахр билан тилга олади. Ўзининг ҳам шулар қаторида устоз суҳбатига илк бор мушарраф бўлганини қайд этади. Ҳусайн Бойқаро 1469 йилнинг баҳорида Ҳирот тахтини эгаллагани ва шу йилнинг апрелида Навоий ҳам Самарқанддан Ҳиротга қайтиб келгани маълум.

Тўғри, Навоий Абу Саид замонининг дастлабки йилларида бироз

299. Айний С. Танланган илмий асарлар. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 127 – 128.

300. Шодиев Э. Алишер Навоий ва унинг замондошлари. // Алишер Навоий ва форс-тожик адиблири. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – Б. 64 – 65.

301. Бертельс Е. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – С. 117.

муддат Ҳиротда яшади. Аммо бу вақтларда Навоий Жомий билан учрашмаган кўринади. Чунки учрашганда эди, Самарқанддан туриб устозига хат ёзган бўларди. Аммо “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” да келтирилган номаларда Навоийнинг Самарқанддаги вақтида Жомийга мактуб юборгани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шуларни инobatга олиб, Навоий Жомий билан тахминан 28 ёшларида, Ҳусайн Бойқаро тахтни эгаллаганидан кейин учрашган, деган хулосага келиш мумкин. Бироқ биз, бу – мутлақ ҳақиқат, демокчи эмасмиз. Айни масала навоийшуносликда ҳали қайта-қайта таҳлил этилади.

“Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”даги юқорироқда келтирилган матнга асосланиб, Навоий Жомий билан дастлабки учрашувидаёқ устоз-шогирдлик ришталарини боғлаганини билиб оламиз. Аммо ўз-ўзидан: “Икки буюк шахс ўртасидаги пир-муридлик муносабатлари қачон илдиз отди?” – деган савол туғилади. Евгений Бертельс, Навоий 1476/77 йили Жомий бошчилигида нақшбандийлик тариқатига кириб, унга мурид тушган, деб ҳисоблайди³⁰².

Жомийнинг ўзи ўша даврдаги нақшбандийлик тариқатининг комил муршидларидан бири Саъдиддин Кошғарийга³⁰³ мурид тушади. Бундан ташқари, Навоий “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” да унинг Шайх Баҳоуддин Умар, Мавлоно Боязид Туроний, Мавлоно Муҳаммад Асад каби улуғ тасаввуф шайхлари суҳбатига ҳам мушарраф бўлганини қайд этади³⁰⁴. Шу асарда муаллиф Жомийнинг, зоҳирий илмлар билан бир қаторда, ботиний илмларни ҳам эгаллаганини таъкидлаб, уларни қуйидагича учга бўлиб кўрсатади:

Биринчиси – шеър, Жомий унинг ҳар турида ижод қилиб, барча шоирлардан кўра ҳам кўпроқ шуҳрат қозонди.

Иккинчиси – олдин ўтган шайх ва авлиёларнинг тасаввуфга оид, тушуниш мураккаб бўлган турли китобларини шарҳлаш санъатининг шундай даражасини қўлга киритдики, бундан кўплаб эҳтиёжмандлар баҳраманд бўлди.

302. Қаранг: Бертельс. Е. Э. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – С. 117.

303. Саъдиддин Кошғарий – Ҳиротнинг машҳур шайхларидан бири. 1456 йили вафот этган. Жомий Саъдиддин Кошғарийнинг неварасига ўйланган.

304. Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 12.

Учинчиси – тариқат одоби бобида шундай нозик йўл тутдики, унинг дунёвий илмлар, шеърятдан ҳам улуғроқ бўлган ниҳоний иш, яъни тасаввуф билан машғул бўлганларини атрофдагилар билмади ва фаҳламади ҳам³⁰⁵.

Маълумки, Жомий тасаввуфда нақшбандия тариқатининг йирик вакили эди. Нақшбандияга руҳан мос бўлган маломатия³⁰⁶ оқимиға, одобига амал қилар эди. Бунини Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин” да ҳам айтиб ўтади³⁰⁷. “Маломатия ва қаландария оқимлари ҳам моҳиятан ошиқона тасаввуфнинг шохобчасидир. Маломатийлар хокисорлик ва ўз-ўзини маломат қилиш билан Тангрига ихлосни ҳаддан ошириб, яъни ифротий тарзда ифода-лайдилар. Улар ўзларини халқдан ажратмайдилар, авом ва хос тушунчаларини тан олмайдилар³⁰⁸”. Маломатийларнинг ботиний оламлари зоҳирда акс этмаслиги, яъни улар ташқи тарафдан оддий одамлардан фарқланмаслиги, шунингдек, уларнинг сўфийлигини ҳеч ким сезмаслиги керак. Улар ўта камтарлик билан ўзларига маломат ёғдиришни истаганлар. Бирор киши маломат қилса, бунини улар ўзлари учун фахр деб билишган. “Шунинг учун халқ улардан айб қидириб, камситиб, “маломат” қилсалар ҳам, ҳеч ким билан муноқашага боришмас, “маломат қилувчи”лардан асло қўрқмас ва ранжмас эдилар³⁰⁹”.

Жомий ҳам камтарликнинг олий намунасини кўрсатган. Навоий бу ҳақда: “Аларнинг камолоти овозасин эшитиб, йироқ йўллар қатъ қилиб, муборак суҳбатлариға мушарраф бўлурға келганлар аларни асҳоб орасида ғояти бетаайюнлиғдин мутлақо танимаслар эди-ким, ўлтурур-қўпарда ва айтмоқу эшитмоқ ва емоқу киймоқда ўзлари билан сойир мулозимлари орасида тафовут йўқ эрди³¹⁰”, – дейди. Жомийнинг бу қадар камтарлиги, юриш-туришда оддий, ҳатто, хизматкорлардан ҳам фарқланмаслигини бошқа ижодкорлар ҳам

305. Қаранг: Ўша нашр. – Б. Ўша.

306. Қаранг: Tasavvuf ve irfan terimleri sözlüğü. – Istanbul: Ensar neşriyat, 2007. – Б. 313.

307. Ўша асар. – Б. 73.

308. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 47.

309. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарк нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2009. – Б. 7.

310. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 13.

ёзиб кетишган. Масалан, А. Н. Болдирев ўзининг “Алишер Навоий замондошлари ҳикояларида” мақоласида Шайх Баҳлулнинг Жомий ҳақидаги қизиқ ҳикоясини келтириб ўтади. Унда ҳикоя қилинишича, Сейстон қозисининг ўғли Мавлоно Наҳвийнинг бир шеърига жавоб ёзади. Бу жавоб таърифи Навоийгача етиб боради ва улуғ шоир бу муаллиф билан учрашиш ниятини билдиради. Сухбатга келган қозининг ўғлидан Навоий: *“Шеърни ким яхшироқ ёзган?”* – деб сўрайди. Қозининг ўғли: *“Менинг шеърим Наҳвийни-кидан яхшироқ чиққан”,* – деб айтади. Бу нокамтарона берилган жавобдан Навоий таажжубланади ва: *“Шеъринг нимаси билан Наҳвийникидан устунроқ?”* – деб сўрайди. Шунда қозизода: *“Наҳвий Сейстон ва сейстонликлар ҳақида ҳақиқатни ёзган. Мен эса бу ҳақда фақат ёлғонни ёздим. Менинг шеърим ёлғонлиги билан устунда!”* – деб жавоб қайтаради.

Ҳазилона жавоб Навоийга жуда маъқул тушади ва бу қизиқ воқеадан Жомийни ҳам хабардор этади. Ҳазрат Жомий ҳам бу йигит билан учрашиш истагини билдиради. Хабарни эшитган йигит Жомийнинг уйига боради. У кириб келган вақтда ҳовлида ҳеч ким кўринмагани учун йигит сўрига ўтириб олади. Бироздан сўнг Жомий ҳазратлари уйдан чиқиб келадилар.

Олдин ҳеч ҳам Ҳиротда бўлмаган бу йигитча ул зотни, боғбон ёки хизматкорлардан бири, деб ўйлаб, ҳатто, ўрнидан турмайди. Чунки у Жомийни жуда башанг кийинган, басавлат киши сифатида тасаввур қилади. Йигит Жомийдан: *“Ҳазрат уйдаларми?”* – деб сўрайди. Жомий кулиб: *“Шу пайтгача уйда эдилар”,* – деб жавоб қайтаради. Бундан жаҳли чиққан қозизода: *“Ҳазратнинг қандай нолойиқ хизматкорлари бор эканки, саволга тўғри жавоб бериш ўрнига, бесабаб қулади ҳам”,* – дейди.

Шу пайт уйга яқинлашиб қолган бир тўда кишилар Жомийни узоқдан кўриб, отларидан тушиб, таъзим билан келишади. Бу ҳурматни кўрган йигит ўзича: *“Ҳазратнинг хизматкорига шунчалик тавозеъ қилишса, Жомийнинг ўзи қанчалик буюк бўлса-я?!”* – деб ўйлайди.

Кейин барча меҳмонлар уйга киришади. Ўз одатига кўра, Ҳазрат уйнинг қуйисидан жой олиб ўрнашади. Амир Атоуллонинг ёнидан жойлашган йигит ундан: *“Ҳазратнинг ўзлари меҳмон келганидан*

хабардорми?” – деб сўрайди. Атоуллонинг жавобидан, боя ўзи назар-писанд ҳам қилмаган шахс ҳазрат Жомий эканлигини билганидан кейин ўрнидан сакраб туриб, уялганидан қочиб кетади. Йигитни тутиб олиб келишади ва у қилган одобсизлиги учун узор сўрайди. Жомий эса, хафа бўлиш ўрнига, аксинча, шу пайтгача ҳеч ким унга бунчалик маломат роҳатини бермаганини айтади³¹¹.

Алишер Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Муқаддима”сида Жомийнинг зоҳирий илмда даврнинг энг зўр олиму фузалоси, ботиний илмда эса бундан ҳам буюкроқ мартабаларга етганини, шунингдек, бирор даврада баҳсли масала ўртага ташлангудек бўлса, китоб кўришга эҳтиёжи бўлмаганини таъкидлайди. Асарнинг “Аввалги мақолат”и 17-ҳикоятда келтирилишича, Навоий “Нафаҳот ул-унс...”ни мутолаа қилаётганида важд билан боғлиқ бир масалага дуч келади. Аввал бу масала юзасидан Мавлоно Муҳаммад Табодгонийга³¹² мурожаат қилади. Табодгонийдан тегишли жавоб олган Навоий бу масалани устози Жомий олдида ҳам ўртага ташлайди. Жомийдан ҳам бир хил жавобни эшитган Навоийнинг хурсандчилиги бирга ўн, балки юз ҳисса ошади. Шу ўринда Навоий, қандай яхши замон эдики, ана шундай улуғларнинг вужудлари билан безанган, даврон шундай юксак зотлари билан зийнатланган эди, афсуслар бўлсинки, шундай Қуёшлар ботди, деб ирфоний устозларининг бу ёруғ оламини тарк этганини, ўзи эса ёлғизланиб қолганини надоматлар қилиб ёзади.

Навоий Жомийнинг сўфийлик ва пирлик сифатларини “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Муқаддима”си ва “Аввалги мақолат”ида бироз тилга олган бўлса ҳам, Жомийнинг ботиний қиёфасини, асосан, асарнинг сўнгги боби, яъни “Хотима” қисмида тасвирлайди. Бу бобда Навоий Жомийнинг маломатия йўналишида экани, буни шоирлик ва муллаглик йўлида яширин тутиб юришини, ул зот ҳаётида баъзан ғаройиб нарсалар, фавқулудда воқеалар, хорик

311. Болдырев А. Н. Алишер Навои в рассказах современников. // Алишер Навои. Сборник статей. – Москва: Академии наук СССР, 1946. – С. 149.

312. Муҳаммад Табодгоний – машхур шайхлардан. Навоий “Мажолис унафоис”да у ҳақда маълумот беради. Милодий 1486 йили Ҳиротда вафот этган.

ул-одот ҳодисалар содир бўлишини айтади. Шунингдек, муаллиф сўзининг исботи сифатида бешта воқеани келтиради.

Биринчи ҳикоятда Музаффар барлоснинг етук навқари, эшик оғаси Сейидам Ироқий деган киши Жомийни тан олмагани ҳақида сўз боради. У киши Жомийнинг девонини варақ-варақ йиртиб, битта-битталаб ёқиб юборади. Уч-тўрт кун ичида Сейидамнинг бир аъзосига яра чиқиб, газак олади, охири шу дард билан қазо қилади.

Иккинчи ҳикоятда Ҳусайн Бойқаронинг вазирларидан бири Мажидуддин Муҳаммад билан боғлиқ воқеа келтирилади. Мажидиддин подшоҳнинг нафратига учраганда Жомий ўртага тушиб, уни кафилликка олади. Бироқ у ишончли оқламай, қочиб кетади. Аммо ўн беш кунча ўтмасдан тутилиб, бор мол-мулки мусодара қилинади. Катта азоблар тортган Мажидиддин шаҳардан бош олиб кетади ва сарсон-саргардонликда ўлади.

Навбатдаги, яъни учинчи ҳикоят диққатимизни янада кўпроқ жалб этади: ...Бир куни Маҳмуд Ҳабиб деган бир девона киши маст ҳолда Жомийга дуч келиб, у зотга кўп беадабона гаплар айтади. Бироқ бағрикенг ҳазрат бунга эътибор ҳам бермайди. Бошқа бир куни Жомийнинг Навоий билан бирга кетаётганини кўрган девона дарров узрхоҳликлар билдириб, у кишидан кечирим сўрай бошлайди. Бундан ажабланган Навоий Маҳмуд Ҳабиб қайси хатти-ҳаракати учун узр-маъзур қилаётганини аниқлашга тушади. Лекин устоз бўлиб ўтган хунук бир манзарани шогирдига сўзлашни ўзига эп кўрмайди. Бошқа гувоҳлардан воқеанинг сабабини суриштирган Навоий бу беадабга жазо бериш учун ижозат сўрайди. Бироқ у киши: *“Сен ҳеч нима дема, ўзи жазосини топади”*, – қабилида жавоб беради. Бир неча кун ўтгач, бошқа бир девона бўзахонада Маҳмудни уриб ўлдиради.

Қизиғи шундаки, айнан шу воқеа асарнинг бошроғида, яъни “Аввалги мақолат” қисмида ҳам келтирилади. Уларнинг матнини ўзаро қиёслаганда “Хотима”нинг учинчи ҳикояти “Аввалги мақолат”дан кўчирилмагани, балки муаллиф томонидан айни шу воқеа яна қайтадан баён этилгани маълум бўлди. Ишонч ҳосил қилиш учун ана шу икки матнни келтираамиз.

“Аввалги мақолат”нинг 6-ҳикояти:

“Бир кун алар йўл била борадур эрмишлар. Маҳмуд Ҳабиб отлиғ девонайи хуморийи абтарий бор эрди, масту ошуфта, аларға йўлуқуб, беадабона сўзлар айтиб, балки сафоҳатлар қилубтур, аммо алар мутлақ илтифот қилмайдурлар, дағи анинг сори боқмайдурлар. Яна бир кун фақир алар хизматида борадур эрдим. Ҳамул девона фақирни алар билан кўрдиким, борадурмен. Ул ердинким, жунун аҳли ва абтар халойиқ фосид хаёлоти бўлғай, соғинмиш бўлғайким, алар анинг туно кунги беадаблиқларидан фақирға шаммайи изҳор қилғайлар ё қилмиш бўлғайлар. Аларға бетақриб сўз қотиб, узрхоҳлиқлар бошлади. Фақир таажжуб қилиб, алардин истифсор қилдимким: “Бу девонанинг паришон узрхоҳлиқлари оё не жиҳатдин эркин?”. Алар сўзни ўзга сори юткаб, туно кун ўтган ҳолатдин ҳеч нима изҳор қилмадилар. Аммо асҳобдин туно кун ўтган сўз маълум бўлди. Ул девона безътидоллиқлар қилса эрди, анга таъзир ва адаб қилилур эрди. Фақир тиладимким, анга адаб буюрғаймен.

– Сен ҳеч нима демагилким, анга адаб етгусидир.

Бир неча кун ўтмадиким, яна бир девона ани уруб ўлтурди³¹³.

Энди шуни “Хотима”нинг 3-ҳикоятида келган мана бу матн билан солиштириб кўрайлик:

“Бир панжшанба куни алар хизматида Гозургоҳдин қайтиб келиладур эрди. Маҳмуд Ҳабиб отлиғ девонайи фосиқи абтарий шаҳарда бор эрдиким, доим маст юрур эрди ва йўлуқғон элга ташниълар ва сафоҳатлар қилур эрди. Бу фақирни чун алар хизматида кўрди, аларға абтар ва девоналиғ юзидин узромиз ҳикоятлар дей бошладди. Чун андин бу хилофи маъхуд эди. Фақир таажжуб қилдимким, девонани не нима мунга тутуб эркинким, одмиёна ва ҳушмандона сўзлар андин зоҳир бўладур? Баъзи мулозимлардин сўзин тақрир қилдиларким, туно кун девонайи абтарийи усрук аларға йўлуқуб, кўп беадабона ҳарзалар деб, оғзига келган сафоҳат қилғон эркандур. Букунким, фақирни алар хизматида кўрубтур, бу хаёл билаким, ногоҳ алар туно кунги ҳолни фақирға изҳор қилсалар, фақир девонайи абтарға изо қилғаймен, деб, кўркунчдин мулоямат қиладур эрмиш. Фақир бу сўзни эшитгач, беихтиёр бар он бўлдумким, анга изо қилғаймен. Алар манъ қилиб, айтдиларким:

– Ул ўз сиёсатин топқусидир, сен ҳеч нима дема.

313. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томляк. Т. 15. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 19.

Ҳамул бешўн кунда абтар девонани бўзахонада яна бир ўзидек абтар бўйнини чопиб ўлтурди”³¹⁴.

Бу воқеанинг икки баёнида ҳам Жомийга мункирлик қилган одамга Худонинг ўзи жазо бериши – бош масала. Аммо Жомийнинг ғаройиб каромати билан боғлиқ ҳикоят бир асарда икки марта келишининг ўзи – ғаройиб. Чунки Навоийда фикр, қофия, радиф, ўхшатиш, тажнис ва бошқалар такрори учрайди, лекин бўлак бирор эпик ёки лирозепик асарида бу тахлит воқеа баёни қайтариғига дуч келмаймиз. Шунинг учун ҳам, табиийки, айнаи ўринда турли мулоҳазалар туғилади.

Бу иккала ҳикоят ҳам айнан бир ҳодисани тасвирлайди. Лекин воқеанинг алоҳида-алоҳида баёни бир-бирини тўлдиради. Айниқса, “Хотима”даги ҳикоятда фактлар кўпроқ ва аниқроқ келтирилади. Масалан, батафсилроқ қилиб, бир пайшанба куни Гозургоҳдан қайтилаётган пайт экани, Жомийни Навоий билан бирга кўрган Маҳмуд Ҳабиб жазо беради, деб кўрқиб кетгани (чунки Навоий амалдор бўлган), девонани бўзахонада ўзига ўхшаган яна бир жинни бўйнини чопиб ўлдиргани ёзилади. Бу фактлар “Аввалги мақолат”да йўқ, унда воқеанинг мағзигина айтилади, холос, муаллиф тафсилотга берилмайди, ани уруб ўлтурди, деб қўя қолади.

Айнаи воқеанинг икки жойдаги баёнида бир-бирига зид факт ё далил ҳам йўқ. Бир воқеа икки марта ҳикоя қилинишига сабаб нима бўлишидан қатъи назар, иккаласи ҳам – ўқувчи учун фойда. Чунки бунда биз адиб маҳоратининг ажойиб ва камданкам учрайдиган бир қиррасини кўраемиз. Икки ҳикоятни Навоий тамоман икки хил тарздаги тил ва ифода билан қоғозга туширган.

Гап шундаки, “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”нинг ҳар бир қисмида алоҳида нарсаларни ёритишни истаган муаллиф айнаи ҳикоятни икки жойда тамоман бошқа мақсадларда, яъни бирида ўзи гувоҳ бўлган воқеа сифатида, иккинчисида эса Жомийнинг каромати тарзида ҳикоя қилган. Бироқ кейинги ҳикоят “Хотима” қисмининг талабларига кўпроқ жавоб беради. Чунки айнан шу қисмда Жомийга мункирлик қилган, яъни шак келтирган ва шундан ўзига адаб етган, яъни жазосини олган Сейидам Ироқий, Мажидиддин,

314. Ўша нашр. – Б. 74.

Ноҳиқий кабилар ҳақида ҳам ҳикоятлар келтирилган.

Шунга қарамасдан, бир қатъий хулосага келиш мумкинки, Навоий айни воқеани икки марта сўзлашни олдиндан атайлаб мақсад қилмаган кўринади. Бизнингча, муаллиф “Аввалги мақолат” да ёзган ҳикоятини шунчаки унутган. Чунки ҳажман унчалик катта бўлмаган асарда бир ҳикоятни икки карра келтириш Навоийдек ҳар тарафлама пухтапишиқ ёзадиган улуг қалам соҳиби ижодий қатъиятларига унчалик мос тушавермайди. Асардаги бошқа ҳикоятлардан бирортасининг воқеаси қайта сўзланмаган. Яъни “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” да бир воқеани қайта эса олиш қоидаси йўқ.

Навоий ижоди – ўта мукаммал. Унда на бир сўз – ортиқ, на бир сўз – кам. Айнан шунинг учун ҳам “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” даги бу такрор тез диққатимизни тортди.

Асар муаллифнинг устози ва пири ҳақида беш ҳайратни баён қилишга бағишланган. Биз таҳлилга тортган ҳодиса эса ўқувчида яна бир янги ҳайрат уйғотади.

Бу ўринда иккала ҳикоятда ҳам “Маҳмуд Ҳабиб” деб келтириляётган шахс номи ҳақида ҳам баъзи бир мулоҳазалар бор. “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” нинг танқидий матнини тайёрлаган Озодбек Алимов нашрда бу шахсни “Маҳмуд Жайб” деб келтиради. “Жайб” сўзи “ёқа” деган маънони англатиши, “ёқавайрон” маъносида киши номига қўшилган лақаб ўрнида келганини айтиб ўтади³¹⁵. Маҳмуднинг юриш-туриши ҳамда қўлэзманнинг тўртала нусхасида бу сўз “Жайб” шаклида келганини инобатга олиб, бу фикрга қўшилишимизга тўғри келади.

“Хотима” да тўртинчи бўлиб келган ҳикоят ҳам Жомийга мункир бўлган яна бир киши, талаба Ноҳиқий ҳақида. Навоий бу кўпол ва беўхшов кишини, дев билан шайтонлардан туғилган ўғил деса бўлади, деб тасвирлайди.

Бир куни Гавҳаршодбегим мадрасаси талабалари боғда буғро, яъни лағмонга ўхшаш хамир овқат пиширишяётган экан. Суҳбат давомида Жомийнинг мухлислари унинг ижоди ҳақида гапириб, кўкларга кўтаришибди. Ноҳиқий эса талабаларни инкор этиб, кўп бемаъни гапларни айтибди. Шунда талабалар: “Ноҳиқий ҳақида

315. Қаранг: Алишер Навоий. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Давлат адабиёт музейи, 2015. – Б. 13.

ҳазратнинг ўзлари нима дер эканлар?" – деб Жомийнинг девонидан фол очишибди. Китобнинг тасодифий очилган саҳифаси бошида мана бу байт ёзилган экан:

*Пурсат гўши ман аз субҳаи малак чу Масиҳ,
Кучо мушаввиши хотир бувад наҳиқи ҳарам.*

Мазмуни: “Қулоғим Масиҳга ўхшаш субҳ малагидан сўраса, Ҳарам эшагининг ҳанграши хотирни ташвишга соладими?”.

Бу ерда “наҳиқи” сўзи эшакнинг ҳанграши деган маънони билдиради. Кароматнинг кучини қарангки, бу сўз кутилмаганда Ноҳиқийга ишора бўлиб келяпти. Байтдан ўзгача мазмун ясаса ҳам бўлади. Яъни: “Ноҳиқийнинг гаплари – эшакнинг ҳанграшидек гап”. Бу эса ҳазратни ташвишга солмайди.

Умуман, мумтоз адабиётда баъзи буюкларнинг девонларидан фол очиш одати бўлган. Эронда ҳозир ҳам Ҳофиз Шерозий девонининг ўзига хос мундарижасидан кўзни юмиб, бир рақам танланади. Тушган рақам орқали ўша бетни очиб, ғазалдан ҳар ким ўзига тегишли маъноларни уқиб олади. Бу ҳикоятда ҳам худди шундай воқеа тилга олинган.

“Хотима”нинг бешинчи ҳикоятида Жомийнинг ўлими билан боғлиқ воқеа келтирилган. Жомий вафотидан ўттиз беш йил олдин Хожа Дехдор тушида Ҳазратни кўрибди. Улар тушда Дехдорга: “Қуръон ўқи!” – дебдилар. Етти-саккиз йил ўтиб, Дехдор тушида кўргани бу воқеани Навоийга айтиб берибди. Шунда Навоий, модомики, пир тушга кириб, ишорат қилган бўлсалар, Қуръонни ёдлаш керак, деган фикрга келади. Улуғ ўзбек шоирининг даъвати билан Хожа Дехдор Қуръонни ёдлаб, қироат билан ўқийдиган қори бўлиб етишади.

Жомийнинг вафоти йилида Навоий Хожа Дехдорни айрим ишлар билан Астрободга жўнатади. У юмушларни битириб қайтаётганида бир манзилда оғир юкларини қолдириб, бесабаб шошилиб, шаҳарга кириб келади. Айни шу вақтда Жомий ўлим тўшагида ётган эди. Аммо ҳазратнинг бошида Қуръон ўқийдиган одам топилмаётган бўлади. Кутилмаганда етиб келган Хожа Дехдор видо дийдорига мушарраф бўлиб, Қуръон ўқий бошлайди.

Хатмни тугатиши биланоқ ҳазрат жон беради.

Бу жуда ғаройиб каромат! Навоий: *“Бу навъ каромат авлиёнинг камидин воқеъ бўлмиш бўлғайким, ўттуз йил ортуқроғдин сўнгра натижа зоҳир бўлмиш бўлғай”*³¹⁶, – дейди. Муаллиф шу ўринда яна Жомийнинг “навъ ҳолот ва камолот ва каромат”лари ҳақида Мавлоно Абулвосеъ, Мавлоно Аҳмад Пир Шамслар ўз китоб ва рисолаларида ёзиб қолдиришгани, истаганлар улардан ўқиб олиши мумкинлиги ва ўзи эса кўрган-билганларининг юздан бирини ёзса ҳам, сўз узайиб кетишини, шу сабаб уч-тўрт воқеанигина баён этиш билан кифояланганини айтади.

Жомийнинг кароматлари ҳақидаги беш ҳикоятдан кейин Навоий устозининг вафоти баёнига ўтади. Воқеани ҳикоя қилиш давомида улуғ пир ўлим олдидан нақшбандия тариқати вакиллари анъанаси асосида яширин, яъни хуфия зикр тушганини алоҳида таъкидлайди. Бу мисол ҳам Жомийнинг ҳақиқий нақшбандий пир бўлганини яна бир карра исботлайди.

Жомийнинг сўфийлиги, айниқса, унинг кароматлари ҳақида Навоий юқорида санаб ўтган қаламкашлардан ташқари ижодкорлар ҳам ёзиб кетишган. Ана шундайлардан бири Жомийнинг яқин кишиларидан – Фахриддин Али Сафий. У XV асрда Ҳиротда яшаган йирик олим, шоир ва нотик Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғли. Навоий Жомий вафотига бағишлаб ёзган таърих ва марсияни йил ошида айнан Кошифий минбарда туриб халққа ўқиб беради. Буни Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Хотима”сида алоҳида таъкидлаб ўтган.

Жомийнинг Сафиуддин исмли бир ёшли фарзанди вафот этганидан сўнг марҳум ўғлининг исмидан олиб, ўзига фарзанддек бўлиб қолган Фахриддин Алига *“Сафий”* тахаллусини беради³¹⁷. Бундан ташқари, Хожа Аҳрор Валий Али Сафийни ўз хизматига қабул қилиши учун Жомий унга махсус мактуб жўнатади. Анча муддат Хожа Аҳрор хизматида бўлган Али Сафий унинг ҳаёти ва

316. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 76.

317. Қаранг: Фахриддин Али Сафий. Рашаҳоту айн ил-ҳаёт. – Тошкент: Абу Али ибн Сино, 2004. – Б. 212.

фаолиятига бағишлаб “Рашаҳоту айн ил-ҳаёт”³¹⁸ (“Обихаёт томчилари”) асарини ёзади.

“Рашаҳоту айн ил-ҳаёт”, асосан, Хожа Аҳрор Валий ҳаётига бағишланган бўлса ҳам, унда жуда кўплаб шайхларнинг таржимаи ҳоли берилади. Чунки муаллиф Хожа Аҳрор тилга олган ҳар бир шайх ҳақида алоҳида маноқиб ёзишни мақсад қилади. Асарда Жомийга ҳам ўрин ажратилган. У қуйидаги бобчалардан иборат:

1. *Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон ал-Жомий қуддиса сирриҳусомий.*

2. *Ҳазрати Махдумнинг мабодийи ҳолда таҳсили улумға иштиғол кўргузуб, фазлу камол аҳлиға ружуъ этгонлари зикрида турур.*

3. *Ҳазрати Махдумнинг таҳсили улумдин сўнг уламоийи русумға тарки ихтилот ва омизиш қилиб, ҳазрати Мавлоно Саъдиддин қуддиса сирриҳу суҳбатлариға восил бўлғонларининг зикрида турур.*

4. *Ҳазрати Махдумнинг ёш замонларидин то ниҳоятти корғача машойихи киборға мулоқотларининг зикрида турур.*

5. *Ҳазрати Махдумнинг Ҳизож сафариға таважжух этконлари зикридадур, қойеълариким, ул сафарда даст берибдур, ийжоз тариқи била баён этилур.*

6. *Ҳазрати Махдум қуддиса сирриҳунинг анфоси нафисаларидин мусмуъа бўлғон сўзларининг баёнида турур.*

7. *Ҳазрати Махдум қуддиса сирриҳунинг хориқа одатлари зикрида турур.*

8. *Ҳазрати Махдумнинг вафотлари тарихи зикрида ва аларнинг шажарайи валоятларининг самарасиға имо ва ишорат этмак*³¹⁹.

Бу маноқибдан Жомийнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ жуда кўп қимматли маълумотларга эга бўламиз. Муаллиф бу зот ҳақидаги ўзи кўрган, билган, эшитган маълумотларнинг барчасини қатъий кетма-кетлик билан батафсил ёзади. Бироқ, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”га солиштирганда биз бу маноқибда Жомий ҳақида, асосан, бирмунча умумий тушунчаларгагина эга бўламиз. Чунки маноқибда бадийлик, шахсий фикр-мулоҳаза билдириш

318. Форс-тожик тилида ёзилган бу асар XIX асрда Хоразмда Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад томонидан эски ўзбек тилига таржима қилинган. Мазкур таржима Махмуд Ҳасаний ҳамда Баҳриддин Умрзоқлар томонидан нашрга тайёрланиб, 2004 йили “Абу Али ибн Сино” нашриётида чоп этилди.

319. Ўша нашр. – Б. 176 – 214.

– анча суст. Содда қилиб айтганда, муаллиф Жомий ҳақида қуруқдан-қуруқ баён қилиб кетаверади. Юқорида келтирилган бобчалар номидан ҳам Фахриддин Али Сафий нималар ҳақида тўхталганини тасаввур қилиш мумкин.

Навоий эса “Хамсат ул-мутаҳаййирин” да Жомийнинг туғилиши, насаби, болалик ва йигитлик даври, устозлари ва пирлари, зоҳирий ва ботиний илмда эришган даражаси каби масалалар ҳақида фақат асарнинг “Муқаддима”сидагина қисқача ҳикоя қилиб ўтади. Яъни Фахриддин Али Сафий тўртта фаслда тўхталган масалаларни биргина “Муқаддима”га жойлаштиради. Навоий асари қаҳрамонининг ғайриодатий хусусиятлари ва унинг ўлими билан боғлиқ воқеаларни “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Хотима” қисмида баён этса, Фахриддин Али Сафий бу масалаларни Жомий ҳақидаги маноқибининг 7- ва 8-фаслларида ёритади.

Жомийнинг ғайриодатий хусусиятлари, яъни айтиш мумкин бўлса, кароматлари хусусида “Рашаҳоту айн ил-ҳаёт”нинг “Ҳазрати Махдум қуддиса сирруҳунинг хориқа одатлари зикрида турур” деган фаслида сўз боради. Айнан шу фасл Жомийнинг сўфийлик сифатларини аниқлашда янада қўл келади. Унда жами 14 та воқеа баён этилган. Уларда муаллиф ўзи гувоҳ бўлмаган, лекин бировлардан эшитган воқеаларни ҳикоя қилади. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” да эса Навоий ўзи гувоҳ бўлган 5 тагина воқеани баён этади, холос. Шунинг учун ҳам булар жуда ишонарли. “Рашаҳоту айн ил-ҳаёт”даги ҳикояларни муаллиф бировлардан эшитгани асосида ёзганини ҳисобга олсак, улар бироз муболағали бўлиши мумкин, деган хулосага келамиз. Аммо шуни ҳам қайд этиш лозимки, Фахриддин Али Сафий қайси воқеани кимнинг оғзидан ёзиб олганини алоҳида айтиб кетади.

“Ҳазрати Махдум қуддиса сирруҳунинг хориқа одатлари зикрида турур” деган фаслининг 1-, 2-, 3- ва 4-ҳикоятларида бир-бирига жуда ўхшаш воқеалар тилга олинади. Тўрталасида ҳам оғир касал бўлиб ётиб қолган кишиларни Жомий кўришга келгани ва ғайриоддий йўл билан даволагани ҳикоя қилинади.

5- ва 6-ҳикоятларда эса Жомийга мункирлик қилган инсонларнинг кутилмаганда ғайриоддий ўлим топгани баён этилади. Бу – мазмунан “Хамсат ул-мутаҳаййирин” “Хотима”сидаги 1-, 2- ва

3-ҳикоятларга жуда яқин. Уларда Сейидам Ироқий, Мажидиддин Муҳаммад ва Маҳмуд Ҳабиб деган кимсалар пирнинг дилини оғритгани учун қандай жазосини олгани ҳикоя қилинган.

7-ҳикоятда Жомийнинг сувда ўлиб қолган бир типратиканни қўлига олгани ва шу заҳоти жонивор тирилиб кетгани ёзилган.

8-ҳикоят Жомий хизматида юрган ёш бир йигитнинг тилидан ҳикоя қилинади. Сафарларнинг бирида Жомий билан шу бола *“Сиевушон”* деган бир жойда ётиб қолишади. Тунда йигит уйғонса, ўзини ўтирган ҳолда кўради. Яна уйқуга кетиб, бир уйғонса, чўкка тушиб ўтирибди. Қараса, айнан шу вақтда Жомий нариги хонада ибодат, аниқроғи, зикри хафий билан машғул экан. Пирининг руҳи нимага ишора қилаётганини тушунган йигит, таҳорат олиб келиб, тонггача Жомийнинг олдида чўкка тушиб ўтиради.

9-ҳикоятда Жомийдан маслаҳат сўраб келиб, ундан олган ўша маслаҳатга амал қилмаган кишининг уйига ўғри тушиб, таъзирини егани ҳикоя қилинади.

10-ҳикоят мазмуни – янада қизиқ. Кунларнинг бирида Жомий бир азиз кишини меҳмон қилади. Бу зиёфатда шеърхонлигу ашулаҳонликлар ҳам бўлади. Воқеани бошқалардан эшитган машойихлардан бири Шайх Шоҳ устоз Жомийга: *“Сиз уламо ва урафоларнинг пешвоси бўлсангиз, нечук сизнинг мажлисингизда куй-қўшиққа руҳсат берилса?!”* – деб таъна қилади. Шунда Жомий унинг қулоғига бировларга эшиттирмай нимадир дейди. Шайх Шоҳ шу заҳоти фарёд чекиб, беҳуш йиқилади. Ўзига келгач, кўп узрхоҳликлар қилади.

11-ҳикоят Фахриддин Али Сафийнинг отаси Ҳусайн Воиз Кошифийнинг тилидан келтирилади. Кунларнинг бирида Кошифий тафсирларни мутолаа қила туриб, бир фикрга келади, уни Жомий билан ўртоқлашиш мақсадида унинг олдига боради. Жомий эса Кошифий гап бошламасданоқ ўша масалага ўз муносабатини билдиради.

12-ҳикоятда эса Жомийнинг мулозимларидан бири ўз назарини тия олмагани учун йўқ жойдан кўзига бир нарса тегиб ўқ егандек кучли оғриқни ҳис қилади. Йигит Жомийнинг олдига келганида ҳазрат худди шу ҳолатга ўхшаш бир воқеани айтиб бериб, ишора йўли билан унга насиҳат қилади.

13-ҳикоятда баён этилишича, ихлосманд кишилардан бири ҳазратнинг уйига келади. Жомий эса ҳарамда бўлгани учун уни яна бир одам кутиб ўтирган экан. Хуллас, бу икки мунтазир киши Жомий уйдан чиқмасданоқ рамазон ойи масаласида бир-бири билан баҳслашиб қолиб, тарқалиб кетишади. Эртаси куни ҳалиги мухлис кечаги баҳсли масаланинг ечимини Жомийдан сўраш учун яна унинг олдига боради. Жомий эса у киши гап бошламасданоқ масаланинг ечимини айтиб беради. 11-ҳикоятда бўлгани каби, бу ерда ҳам олдиндан билиш каромати акс этган.

14-ҳикоятда далолат бериладики, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг авлодларидан бири Румдан Хуросонга келиб, бир неча кун Жомий хузурида бўлади. Кунларнинг бирида у ёмғир қуяётган қоронғу кечада йўлда қолиб кетади. Шунда у руҳан Жомийга юзланади. Йўл эса равшанлашиб, йўловчи зулматдан халос бўлади. Бу ҳикоятда Жомийнинг нисбаси *“Нуриддин”* эканига ишора бордек туюлади.

Умуман олганда, *“Хамсат ул-мутаҳаййирин”* ва *“Рашаҳоту айн ил-ҳаёт”* даги Жомий билан боғлиқ ғайриоддий воқеалар бир-бирига жуда ўхшаб кетади. Бироқ улар бир-бирини айнан такрорламайди. Бу ҳикоятлар, асосан, улуғ зотнинг бизга унчалар ҳам таниш бўлмаган сўфийлик қиёфасини тасвирлайди.

Мустабид тузум даврида Жомийнинг ҳаёти, илмий-адабий мероси хусусида талайгина тадқиқотлар қилинган. Бироқ унинг сўфийлиги, айниқса, Навоийга муршидлиги масаласини етарлича ўрганишга имкон берилмаган. Шунинг учун ҳам бугунги кун Жомий ва Навоий ҳаётининг тасаввуфий жиҳатларини янада чуқурроқ ўрганишни талаб этади. Ж. Холмўминов: *“Жомийнинг нақшбандия тариқатида тутган мавқеи, Жомий ва Навоий ўртасидаги муршидлик ва муридлик масаласи хусусида ҳам, таниқли адабиётшунос олимлар – Н. Комилов, М. Имомназаров, Ҳ. Ҳомидов ва Э. Очиловнинг баъзи бир ишораларини кўзда тутмаганда, ҳанузгача мукамал бир тадқиқот юзага келганича йўқ³²⁰”,* – деб ҳисоблайди.

Ҳақиқатан ҳам, Жомий ва Навоийнинг тасаввуфий арбоблиги, улар ўртасидаги муршид ва муридлик масалаларини шу икки буюк ижодкор қолдирган бебаҳо мерос орқали чуқур тадқиқ

320. Холмўминов. Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 15.

этиш зарур. Бинобарин: "...Бир даврда, бир хил сиёсий-ижтимоий ва маданий-адабий муҳитда яшаб, ижод этган, устозлик ва шогирдлик, муридлик ва муридлик одобини Шамс Табризий ва Мавлоно Жалолиддин Румийдан сўнг энг юксак даражада адо этган бу икки буюк сиймони бир-биридан айри тасаввур қилиш, Жомий меросини ўрганмасдан туриб Навоийни, Навоий ижодини ўрганмасдан туриб Жомийни англаш мантиқ ва тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан мумкин эмас"³²¹.

"Хамсат ул-мутаҳаййирин" ана шу нозик масалани ҳал этишда энг ноёб манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бу борада И. Ҳаққулов шундай ёзади: "Навоийнинг Жомийга, Жомийнинг Навоийга қалб яқинлиги, меҳр-муҳаббати, ишончи қандай бўлган бўлса, дахл этмасдан уларни худди ўшандоқ ўрганиш, бир ёқлама, майда ёки ҳавоий фикр-қарашлардан қутулиб, ҳақиқатни сўзлаш лозим. Жомий ижодиётини ўқиб-ўрганмай, Навоий шаънига мадҳия тўқиш тарихий, ҳаётий, бадий ҳақиқатга қанчалик зид бўлса, Навоий даҳосининг куч-қувватини ҳис қилмай, ижодиётининг моҳият оламига кириб бормай, Жомийнинг Навоийга таъсири хусусида мубоҳаса бошлаш шунчалик бемаъ依ликдир. Биз истаймизми, истамаймизми, Навоий Жомийга, Жомий Навоийга беҳад яқин – шахсиятда ҳам, ижодиётда ҳам. Бунга иқрор бўлиш учун фаҳм-фаросати жойида кишига биргина китоб – "Хамсат ул-мутаҳаййирин"ни ўқиб, маъзини англаш кифоя"³²².

Биз бу фаслда фақат "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да Жомийнинг тасаввуф арбоби ва Навоийнинг пири сифатида акс этган энг ёрқин нуқталарнигина таҳлил қилдик, холос. Аслида, бутун асарнинг ўзи Навоийнинг Жомийга бўлган ҳақиқий муридлик муҳаббати билан йўғрилган. Буни "Хамсат ул-мутаҳаййирин"нинг исталган бир саҳифасини варақлаб ҳам англаш мумкин. "Хамсат ул-мутаҳаййирин"да муаллиф Жомий сиймосида тирик комил инсонни кўрди ва уни тасвирлаб берди. Н. Комилов таърифи билан айтганда, Жомий – Навоий наздида "реаллик билан нореаллик

321. Ўша нашр. – Б. 13.

322. Ҳаққулов И. Рух ва маъно сарбони. // Жомий ва Навоий: форс-тожик ва ўзбек илмий-адабий алоқалари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Tafakkur, 2020. – Б. 34 – 35.

ёҳуд дунё билан ғайб олами орасидаги³²³ зот. Шунинг учун ҳам у устози ва пирини “*кошифи сирри Илоҳ*”, яъни “*Илоҳ сирларини кашф этувчи*” деб таърифлайди. Бу таърифни унча-мунча кишига нисбатан қўллаб бўлмайди. Жомийнинг бу илоҳий даражасини ҳар ким ҳам сезавермаган. Навоий эса бевосита гувоҳ сифатида устозининг пирлик хусусиятларини замондошлари ва келажак авлодга билдириб кетишни, ўзининг бурчи, деб билган, шу масъулиятни бўйнига олиб, айна вазифани ҳалоллик, адолат ва маҳорат билан адо этган.

Амалда оширилган таҳлилларимиздан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Аввалги мақолат”и Жомий ва Навоий ўртасида бўлиб ўтган воқеалар ҳамда устознинг шогирдга бўлган илтифотларига бағишланади. Шу сабабли ҳам Жомийнинг устоз сифатидаги тасвири бу мақолатда жам бўлган 17 ҳикоятда янада кўпроқ акс этади.

2. Жомий Навоийга шунчаки эмас, балки тўғридан-тўғри, ёнма-ён ўтириб дарс берган устоз эди. Буни муаллиф асарнинг “Хотима” қисмида кўрсатиб ўтади.

3. Жомий Навоийга адабий масалалардан эмас, балки, асосан, тасаввуфий илмдан таълим беради. Асарнинг “Хотима” қисмида муаллиф Жомийдан таълим олган китоблари рўйхатини келтиради. Рўйхатда саналган асарларнинг аксарияти тасаввуфий масалаларга бағишланган. Шунинг учун ҳам Жомийнинг устозлик ва пирлик сифатлари амалда ўзаро уйғунлашиб кетади.

4. Жомий ўз шогирдига ижодий илҳом бағишлайди. Асарлар ёзишга ундайди. Ўз ўрнида шогирд ҳам устозининг ижод қилишига бевосита таъсир этади. Бу адабий таъсирни муаллиф асарда фахр билан қайд этади.

5. Асарнинг “Иккинчи мақолат”идаги мактубларда устоз ва шогирднинг бир-бирига чексиз ҳурмат-эҳтироми, соғинчи кўзга ташланади.

6. Устоз ва шогирднинг адабий дид ва савияси бир хил. Бу юқоридаги кўриб чиқилган ҳикоятларда яққол намоён бўлди.

7. “Хамсат улмутаҳаййирин” Жомий ва Навоий ўртасидаги

323. Қаранг: Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 164.

устоз-шогирдлик муносабатларини ёритиш учун энг муътабар илмий-тарихий манба ҳисобланади. Жомийнинг устозлик сифатларини кўрсатиш муаллиф олдида турган асосий мақсадлардан бири эди. Асарда бу вазифа бекаму кўст адо этилган.

8. Навоийнинг Жомий билан қачон танишгани масаласини аниқлашда ҳам “Хамсат ул-мутаҳаййирин”га суяниш мумкин. Навоий Абу Саид замонининг дастлабки йилларида бироз муддат Ҳиротда яшагани билан бу вақтларда бу икки соҳиби қалам бир-бири билан ўзаро учрашмаган кўринади. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да келтирилган номаларда Навоийнинг Самарқанддаги вақтида Жомийга мактуб юборгани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқлигидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Навоий Жомий билан тахминан 28 ёшларида, Ҳусайн Бойқаро 1469 йил баҳорида тахтни эгаллаганидан кейин учрашган.

9. Навоийнинг Жомийга қачон расман мурид тушгани ҳақида Е. Э. Бертельснинг, бу воқеа 1476/77 йили содир бўлган, деган фикрдан бошқа қараш мавжуд эмас. Бироқ бу санани олим қайси манбага суяниб айтгани – номаълум. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да Навоий ўзининг Ҳусайн Бойқаро ва унинг мулозимлари таркибида Жомий ҳузурига бориб, қандайдир бир *“мухтасар рисола сабағига мумтоз бўлгани”*ни ёзади. Бизнингча, бу “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Хотима”сида саналган 15 асардан, қатто, Жомийнинг ўзи битган рисоалардан бири бўлиши керак. Аммо ҳозирча бу айнан қайси рисола эканини аниқлашнинг имкони бўлмади. Шоҳ ва унинг аъёнлари билан Жомий дарсига борганини инobatга олсак, расман пирга мурид тушиши ҳам мантиқан ана шу 1469 йилдан кейин содир бўлгани англашилади.

10. Жомийнинг сўфийлик ва пирлик сифатлари “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Муқаддима”си ва “Аввалги мақолат”ида бироз тилга олинган бўлса ҳам, унинг ботиний қиёфаси, асосан, сўнгги қисм, яъни “Хотима”да тасвирланади. Унда Жомийнинг маломатия йўналишида экани, буни шоирлик ва муллалик йўлида яширин тутиб юриши, ул зот ҳаётида баъзан ғаройиб нарсалар, фавқулодда воқеалар, хориқ ул-одот ҳодисалар, бошқача айтганда, кароматлар содир бўлиши айтилади ва фикр исботи учун беш воқеа келтирилади.

11. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” да Навоийнинг бошқа бирон-бир асарида кўзга ташланмаган ҳолатга ҳам дуч келамиз. Асарнинг “Аввалги мақолат”идаги 6-ҳикоят воқеалари “Хотима” қисмининг 3-ҳикоятида қайтарилади. Аслида, муаллиф айна ҳикоятни икки жойда тамоман бошқа-бошқа мақсадларда, яъни бирида ўзи гувоҳ бўлган воқеа сифатида, иккинчисид а эса Жомийнинг каромати тарзида келтирган. Бироқ кейинги ҳикоят “Хотима” қисмининг талабларига кўпроқ мос тушади. Чунки айнан шу қисмда Жомийга мункирлик қилган, яъни шак келтирган ва шундан ўзига адаб етган Сейидам Ироқий, шунингдек, бу авлиё зотни норози қилган ва жазосини олган Мажидиддин, Ноҳиқий кабилар ҳақида ҳам ҳикоятлар келтирилган. Шунга қарамасдан, Навоий айна воқеани икки марта сўзлашни олдиндан атайлаб мақсад қилмаган кўринади. Бизнингча, муаллиф “Аввалги мақолат”да ёзган ҳикоятини шунчаки унутган. Чунки ҳажман унчалик катта бўлмаган асарда бир ҳикоятни икки карра келтириш ҳар тарафлама пухта-пишиқ ёзадиган улуғ қалам соҳиби ижодий қатъиятларига унчалик мос тушавермайди.

12. Жомий ҳақидаги бошқа маноқиблар, масалан, “Рашаҳоту айн ил-ҳаёт”да тасвирланаётган объект бирламчилик қилади. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг улардан асосий фарқи шундаки, бу ерда объект (Жомий) фақат субъект (Навоий) нуқтаи назари, муносабати, баҳоси орқали ўқувчига тақдим этилади.

13. Собиқ шўро даврида Жомийнинг ҳаёти, илмий-адабий мероси, Жомий ва Навоий ўртасидаги устоз ва шогирдлик муносабатлари бирмунча тадқиқ этилган бўлса-да, унинг сўфийлиги, айниқса, бу икки улуғ зот ўртасидаги пир-муридлик ришталарини етарлича ўрганишга имкон берилмаган. Шунинг учун ҳам бугун Жомий ва Навоий ҳаётининг тасаввуфий жиҳатларини янада чуқурроқ ўрганишга эҳтиёж – катта. Бу жиҳатдан “Хамсат ул-мутаҳаййирин” энг ноёб манба ҳисобланади.

14. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да Навоий Жомий сиймосида тирик комил инсонни кўрди ва уни ана шундай мукамал зот сифатида тасвирлаб беришни ўзининг муқаддас бурчи сифатида амалга оширди.

3.2. САЙИД ҲАСАН АРДАШЕР ФАЗИЛАТЛАРИ ТАСВИРИ

“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” да асар қаҳрамонининг фазилатларини таърифлаш – Навоийнинг асосий мақсади эди. Ҳолотнинг бошида муаллиф Саййид Ҳасаннинг кичиклигидан ўқиш ва ёзишга таъби мойил бўлиб, кўп вақтини ўзини ўстиришга сарфлаганини ёзади. Шунинг учун у ҳар соҳада ўз замонасининг кўпчилик шоиру олимларидан ўтиб кетади. Шундай бўлса-да, юксак одоб, ҳалимлик, камтарлик ва уятчанлик Саййид Ҳасанга хос эди.

Навоий Саййид Ҳасан илмининг юқори даражада эканини исботлаш учун у ўрганган фанларни санаб ўтади: сарф ва наҳв (морфология ва синтаксис), луғат (лексика, лексикология), арабият (араб тили ва адабиёти), мантиқ, калом (Қуръон назарияси), фикҳ (ислом ҳуқуқи), ҳадис, тафсир (Қуръон маъноларини шарҳлаш илми), шеър, муаммо (бирор сўзни яшириб, уни келтириб чиқариш йўлига ишоралар берилган шеърий жанр), таърих (бирор воқеа-ҳодиса, туғилиш ё вафот этиш, асарнинг тугалланиши кабиларни абжод ҳисоби воситасида бирор сўз ёхуд сўзлар йиғиндисини орқали келтириб чиқаришга асосланган шеърий жанр), нужум (астрономия ва астрология), адвор (муסיқа назариясига оид илм) ва бошқалар. Шунча фанни чуқур ўзлаштирган Ҳасан Ардашер турли мажлисларда илм-фандан сўз кетса, масалани кўпчиликдан яхши билса ҳам, одамлар хижолат чекмасин, деб, индамай, камтарлик қилиб ўтиришни афзал биларкан. Баъзи давраларда мутлақо гапирмас ҳам экан. У шу фазилати ва феъли билан турфа тоифадаги одамлар орасида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган.

Муаллиф қаҳрамонининг бундай хушфеъллиги замона подшоҳи, яъни Бойсунғур мирзога ҳам манзур бўлиб, унга фарзандона муносабатда бўлар эди, дейди. Бу подшоҳга ўз ўғилларининг баъзи хатти-ҳаракатлари ёқмас экан ва уларга: *“Сенинг феъл-атворинг ҳам Ҳасанга ўхшаса, не бўларди!”* – дер экан.

Бойсунғур мирзо вафотидан кейин кетма-кет тахтга ўтирган унинг фарзандлари, яъни Алоуддавла мирзо, Султон Аҳмад мирзо ва Бобур мирзолар ҳам унга ғамхўрлик қилишади. Саййид Ҳасан зоҳирий илмлар билан шуғулланишни ёқтирарди, амалдорликни, мансабни хуш кўрмасди. Шунинг учун у саройдан ўзини четга

тортади. Бу ҳақда Навоий: *“Ўзларин май ичмакка ва лаван-двашлиқларға ва ошиқпешалиқларға солибдурлар”*³²⁴, – деб ёзади. Кўнгли очиклиги учун замоннинг темурийзодалари ул зот билан эркин суҳбат қураар ва буни ғанимат билишар эди.

Шунча фазилатларга эга бўлса ҳам, Саййид Ҳасаннинг кўп йиллик умри бефойда ўтиб кетади. Навоий Саййид Ҳасанни ҳар қанча мақтаса ҳам, ҳақиқатни очик айтиб кетишни мақсад қилади ва шундай ёзади: *“Бойсунғур мирзо замонидин Бобур мирзо замонинг охириғача бир қарнға яқин кўпрак авқотларин бетаайюн ўтқарибдурлар”*³²⁵. Яъни Навоийнинг фикрича, Саййид Ҳасан ўттиз йилча умрини тайинсиз ўтказган.

Навоийнинг Саййид Ҳасан Ардашер билан илк танишуви салтанат тахти Султон Иброҳим мирзога ўтган даврга, ҳижрий 860, милодий 1455/56 йилларга тўғри келади. 14 – 15 ёшли шоир бундай маслакдош топганидан жуда хурсанд бўлади. Бир кун кўрмаса, сабру тоқат қилолмай қолади. Ҳасан Ардашер ҳам Навоийнинг энг яқин одами, отаси ўрнидаги мураббийи, пири, устозига айланади.

Навоий ўзининг Саййид Ҳасан билан учрашувидан кейинги ҳолатини шундай тасвирлайди: *“Алар тариқ ва равиши бу фақирни андоқ шефта қилдиким, бир кун алар мулозаматиға етмасам эди, сабру тоқатим қолмас эрди ва алар ҳам келиб, аҳвол сўрарлар эрди: “Ташвише бўлмамиш бўлғайким, букун сендин хабар топа олмадуқ”*³²⁶. Демак, Ҳасан Ардашернинг ўзи ҳам Навоийга ўрганиб қолади. Унга раҳнамолик қилади, шоирни яна шеър ёзишга ундайди. Шу ўринда Навоий ўзининг баъзи шеърлари Хуросонда шуҳрат тутганини ва уларнинг айримларини Ҳасан Ардашер мажлисларда ўқиб юрганини фахр билан хотирлайди. Шу ўринда Навоий Саййид Ҳасаннинг туркий шоирлардан Мавлоно Лутфий ва Мавлоно Муқимийга мухлис бўлганини айтиб ўтади. Форсий шоирлардан эса Ҳофиз Шерозийнинг девони, Саъдий Шерозийнинг “Бўстон”ини хуш кўраар, Фаридиддин Аттор қаламига мансуб

324. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. –Тошкент: Фан, 1999. – Б. 91.

325. Ўша нашр. – Б. Ўша.

326. Ўша нашр. – Б. Ўша.

“Мантиқ ут-тайр”нинг кўп қисмини ёддан билар экан. “Кимёи саодат”³²⁷ асари ва Шайх Азиз Насафий³²⁸нинг рисолаларини ҳам доим таърифлаб, улардан кўп иқтибослар келтирар экан. Муаллиф бу мисоллар билан Саййид Ҳасаннинг адабий даражаси, адабиётга мухлислигини кўрсатиб беради. Аслида, Саййид Ҳасаннинг уйи адабиёт ихлосмандлари, шоиру олимлар, созандаю хонандалар маскани бўлган. Навоийнинг ёзишича, унинг хонадони ҳеч қачон шу тоифа одамлар жамоасидан холи бўлмаган.

Ёшлик пайтида, риндлик даврларида эса ринду дарвешлар кечаю кундуз Саййид Ҳасаннинг уйини макон қилишган. Улар учун барча шароитлар муҳайё бўлган, ҳатто, меҳмонлар кетар чоғида мезбон уларни қуруқ жўнатмас, ҳар бир суҳбатдошига ҳаддан ортиқ илтифот кўрсатиб: “*Уй сизнингдур, ҳар қачон илтифот қилсангиз, хизматға турубмиз*”, – дея меҳмоннавозликлар қилар экан. Каттаю кичикка ширин сўз айтиш, иззат-икром кўрсатиш унинг доимий одати бўлган.

Муаллифнинг таъкидлашича, риндликда ҳам узоти шарифда ҳеч кимда бўлмаган сифатлар мужассам эди. Навоий бу фазилатларни алоҳида, бирма-бир санашни маъқул топган:

Биринчиси – ўта сахийлик. Бу зот зиёфатларда дастурхонини тўкин-сочин қилиб безатса ўзига оз кўринар, аммо бошқалар муруввати унга кўп туюлиб, бирига ўн баробар қилиб қайтариш пайида бўлган.

Иккинчиси – ҳаддан зиёд шафқат. Барча риндларга ҳурмат билан қараб, улар хато қилса, жазоламай, кечириб, уларни тўғри йўлга бошлар экан. Хатоларини юзларига солиб, уларни хижолат қилишдан кўра, меҳрибонлик ва мулойимлик билан бу вазиятдан чиқиб кетишни афзал билган. Навоий шу ўринда назм келтириб, бундай ишни бошқа ҳеч ким қила олмаслигини, бу фақат авлиё шахсларнинггина қўлидан келишини айтади.

Учинчиси – лутфу тавозе. Ҳаммага юмшоқ ва ширинсўзлик билан муомалада бўлиш. Бу сифатни Навоий, Саййид Ҳасаннинг энг асосий фазилатларидан бири, деб таъкидлайди.

327. “Кимёи саодат” – Муҳаммад Ғаззолийнинг 1094 – 1107 йилларда диний-тасаввуфий мавзуда ёзган асари.

328. Шайх Азиз Насафий – тахминан 1240 – 1300 йилларда яшаган тасаввуф мутафаккири, шоир.

Тўртинчиси – сабр ва чидамлик. Бирор киши қаттиқ хафа қилса ҳам, бунинг билан ҳазм айлаб, кўнгилга яқин олмасликка интилишга уринган.

Бешинчиси – кўнгилнинг юмшоқлиги. Дардмандона сўз, шеър ва мусиқага ўта таъсирчанлик. У кишининг бундай ҳолати мажлис аҳлига кучли таъсир қиларди. Шунинг учун ҳам Навоий бу ўринда у ҳақда: *“Мажлиснинг тузи ва малоҳати”*,³²⁹ – деган сифат ишлатади.

Олтинчиси – дабдабани ёқтирмаслик. У зот олдида ипак билан бўзнинг фарқи йўқ эди. Фарқи бўлганда ҳам, бўзни ипакдан устун кўрарди. Дарвешона кийиниш ўзига хуш ёқар эди.

Риндликда ҳам Саййид Ҳасан бошқалардан тубдан ажралиб турган. *“Бу сифатларда Ҳақ субҳонаҳу ва таоло аларни комил халқ қилиб эрди ва риндлик ва тажарруъ айёмида сойир риндлардин кўпрак ичар эрдилар”*³³⁰, – деб ёзади Навоий. Баъзан икки карра, уч карра маст бўлиб, жамоат олдидан чиқиб, ухлаб олиб, яна даврага хушёр ҳолда қайтар экан. Тунда риндлар маст бўлиб, ухлаб қолса, уларга ётиш учун тўшак ташлаттириб, олдиларига бир кўза сув қўйдириб, мулозимларга уларга қарашни буюриб, кейин хотиржам хуфтон намозини ўқир ва ухлаш учун ўз хонасига кетар экан. Муаллифнинг фикрича, бу жамоат юмуши билан бандлик, намоз ўқишига халақит бермаган, яъни ибодатлари қасддан қазо бўлишига сабаб бўлмаган.

Баъзи риндлар даврада ҳаддан зиёд маст бўлиб қолса, уларни ишончли уйларга элттириб, устидан қулфлатиб, уларга масъулиятли бир вакилни қоровул қилиб қолдирарди. Бундан ташқари, тонггача сархуш ётган риндлардан ўзи хабар олиб юрарди. Шу ўринда Навоий бир байт келтиради:

*Риндлардин бир анингдек йўқ эрур огоҳ ринд,
Шоҳ эди ринд аҳлиға, балким эрди шоҳи ринд*³³¹.

Муаллиф бу билан унга риндларнинг шоҳи ва энг огоҳи сифатида таъриф беради.

Саййид Ҳасан риндлик даврларида ҳар намозда муножотлар

329. Ўша нашр. – Б. 94

330. Ўша нашр. – Б. Ўша.

331. Ўша нашр. – Б. 95.

қилиб, Яратгандан ўзига тавба ва тавфиқ тилайди. Бундан ташқари, улуғлар қабристонларига бориб, бу йўлдан қутулиш учун дуои фотиҳалар қилади. Навоийнинг ёзишича, бу дуолар натижасида Саййид Ҳасан: *“Қабул ва илтифот назарлари топар эрдилар”*³³². Ҳасан Ардашер ўз даврининг кўпгина шайх ва дарवेशлари, жумладан, Мавлоно Боязид Пуроний, Ҳазрат Баҳоуддин Умар, Ҳазрат Хожа Абу Наср Порсо, Хожа Муҳаммад Кусавий, Шайх Зиёратгоҳий ва бошқаларнинг суҳбатига мушарраф бўлиб, улардан ҳам илтифоту назарлар топган. Бундай инсонларнинг суҳбатига доим муштоқ бўлган. Навоий ундаги сўфийлик ҳақида: *“Фақру фано тариқи акмал важҳ била зоҳир эрди”*,³³³ – дейди. Юқорида саналган азиз инсонлар ҳам Саййид Ҳасаннинг суҳбатини исташган. Чунки Тангри йўлига кириш унинг олий истаги бўлган.

Замоннинг олимларию дин пешволари Саййид Ҳасаннинг доимий ҳамсуҳбатлари ҳисобланган. Бундан ташқари, чиғатой улусининг олий мартабали беклари, ёши ундан катта ёки тенгдош бўлишса ҳам, Саййид Ҳасанга ҳурмат кўрсатиб, таъзим қилишар экан.

Хусайн Бойқаро тахтга ўтиргач, замоннинг таниқли кишилари подшоҳ хизматиغا ўтади. Ҳукмдорга Ҳасан Ардашернинг суҳбати жуда хуш ёқади. Унга лавозим таклиф этилади. Дарवेशкўнгилли бу кишининг мансабга асло майли йўқ эди, албатта. Аммо шоҳнинг юзидан ўта олмайди. Шу сабаб маслаҳатчи этиб тайинланади. Подшоҳнинг яқин одами, ҳамдамига айланади. Бироқ ёши олтмишдан ўтгандан кейин давлат ишларидан чарчайди ва унда ҳақиқий мақсад, яъни туғма сўфийлик туйғуси ғолиблик қила бошлайди. Бунини Навоий шундай ёзади: *“Чун аларға фақри зотий ва фаноий жибиллий эрди ва ёшлари олтмишдан ўтиб эрди ва зотий муносабат майлига ғолиб бўлди ва аслий мақсуди шавқ туғён қила бошлаб, мулозамат тарийқидин истиғфор зоҳир қилдилар”*³³⁴. Шундан сўнг Саййид Ҳасан нафақага чиқиш учун подшоҳдан изн сўрайди. Аммо ҳукмдор аввалига кўнмайди. Шунда ҳам икки йил сабр билан ишлаб беради ва турфа инъому маошлардан воз кечади. Охири подшоҳ Ардашернинг Ҳақ йўли ва ибодатга машғул

332. Ўша нашр. – Б. Ўша.

333. Ўша асар, – Б. 96.

334. Ўша нашр. – Б. 97.

бўлишни чин кўнгилдан истаётганини тушуниб етиб, ноилож унга рухсат беради. Аммо ишдан бўшаш куни жуда ғаройиб ўтади. Шундай давлат хизматчисидан айрилайётган шоҳнинг кўнгли бузилади, Ҳасан Ардашернинг кўзлари ҳам намланади. Навоий қалами кучи билан бу воқеа шундай тасвирланади: *“Ул кунки, бу рухсат иши сурат боғлади – ғариб кун эрдиким, подшоҳ зор йиғлайдур эрди ва алар худ зорзор йиғлайдур эрдилар ва салтанат хуззориға ҳам бу ҳол эрди, невчунким, борча халқға алардин керак эрди”*³³⁵. Саййид Ҳасан халқ манфаатини ўйлайдиган давлат хизматчиси эди. Шунинг учун у мансабни тарк этаётганида, салтанат аҳли ҳам ғариб аҳволга тушади.

У навкарлик ва сипоҳийлик ишларидан қутулиб, Ҳиротда муқим яшашни бошлайди. Шу даврда тасаввуфда Ал-Ҳавофийнинг давомчиси Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Табодгонийга мурид тушиб, унинг хонақоҳларида арбаинлар чиқаради, яъни чилла ўтиради. Бунинг натижасида сўфийликда юқори мақомларга эришади. Муаллиф буни: *“Фақр фано сулукида куллий манозиллар қатъ қилдилар ва улўғ мартабалар ва бийик мақомларға қадам қўйдилар”*³³⁶, – деб таърифлайди. Бутун хонақоҳ аҳли, дарвешлар Саййид Ҳасан сўфийлик хислатларига ихлос билан қарашган.

Навоийнинг уйи дарвешлар яшаган хонақоҳга яқин эди. Шоир Саййид Ҳасан билан ота-ўғилдек муносабатда бўлгани учун ўз ҳовлисидан унга алоҳида уй солдириб беради. У риёзатлардан чарчаган вақти шу уйга келиб, бир-икки кун туриб, кейин яна хонақоҳга қайтиб кетар экан. Демак, Навоий ўз уйида ҳар-ҳар замонда ҳамдамининг суҳбатини олиш имкониятига эга бўлган. Саййид Ҳасан биринчи бор чилла ўтирган пайтда Навоий ҳол-аҳвол сўраш мақсадида пиру муршид Муҳаммад Табодгоний ҳузурига боради. Пир эса соликка биринчи чилла ўтиришда қаттиқ дард юқса, бу васлдан, яъни Аллоҳ билан суҳбатдан нишона экани, Саййид Ҳасан ҳозир шу мақомдалигини айтади.

Навоий Саййид Ҳасан эшигига боради ва унинг ҳойҳойлаб йиғлаётганини кўриб, ҳеч нима дея олмай, ўзи ҳам қаттиқ таъсирланиб, йиғлаб қайтади. Сўфийлар орасида бундайини кам кўрганини таъкидлайдиган Навоий бу шахс ҳақида алоҳида

335. Ўша нашр. – Б. 98.

336. Ўша нашр. – Б. Ўша.

manoқиб-ҳолот ёзишни, бундай мартабадаги инсонни келгуси авлодларга ҳам танитиб кетишни мақсад қилади.

Ҳасан Ардашернинг Саййид Муҳаммад деган яккаю ягона ўғли бўлган. Ҳар томонлама отасига муносиб, суврати ва сийрати гўзал, илм-маърифатли, одоб-ахлоқда тенги йўқ бу йигитни Навоий ҳам ўзига “фарзанд” деб билган. Саййид Муҳаммад 14 ёшга етиб вафот этади. Ёлғиз фарзандидан айрилган Саййид Ҳасан шунда ҳам сабр-тоқат ва босиқлик билан: “*Ал-ҳукму лиллоҳ*”, яъни “Аллоҳнинг ҳукми”, Эгасига биздан керак экан, олди, раҳмат қилсин”, – мазмунида гапириб Навоийни ҳам қойил қолдиради.

Марҳумни чиқарадиган куни Саййид Ҳасан тўн кийиб, салла боғлаб, Навоий тайёрлаттирган қабрга суннатга амал қилиб, фарзандини ўзи қўяди. У таъзияга келиб, кўз ёш тўкаётган инсонлар, хусусан, Навоийга ҳам таскин бериб, шундай ғамни босиқлик билан қабул қилади. Саййид Ҳасаннинг бундай матонати, сабр-тоқатидан барча дарвешлар, замоннинг каттаю кичиклари лол қолишади. Навоий кучли иймон ва сабр унча-мунча одамда бўлмаслигини таъкидлаб: “*Бу навъ фано ва истиғроқ ва ҳавсала башар хайлидин номаълумдурким, кимда бўла олғай?*”³³⁷ – деб ёзади.

Навоий “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарига ўзи тасвирлаётган қахрамоннинг ҳикматли фикрларини ҳам китобга киритиб кетишни маъқул топади.

Биринчи ҳикматли фикр – мансаб мастлиги ҳақида. Саййид Ҳасан шундай дер экан: “*Мансаб мастлиги чоғир (шароб) мастлигига ўхшамайди. Шароб сархушлиги фақат ичилган куни таъсир кўрсатади. Мансаб мастлиги эса йиллар – мансабдан айрилмағунига қадар давом этади. Бу қандай бемаъни мастликки, инсонни йиллар давомида ўзлигидан айиради?!*”

Иккинчи ҳикмат – бир байт шарҳи билан боғлиқ. Мажлисларнинг бирида қуйидаги байт ўқилади:

*Лаъл санг асту деги сангин санг,
Лек андар миён тафовутҳост*³³⁸.

Яъни лаъл ҳам, тошқозон ҳам тошдан бўлган, бироқ улар

337. Ўша нашр. – Б. 100.

338. Ўша нашр. – Б. Ўша.

орасида фарқ бор, мазмунидаги байтни Саййид Ҳасан Ҷузига хос тарзда шарҳлайди: *“Тошқозонда таом пишади, ундан барча баҳраманд бўлади, бироқ лаълдан халққа турли зарар етади”*. Байтга бундай шарҳ беришнинг яна бир сабаби бор эди. Ҷша даврда Султон Абусаид одамларнинг жавоҳирларини тортиб олиб, халққа зулм қилаётган эди. Қизиқ томони, Навоийнинг ёзишича: *“Ва бу байтни ўқуғон мажлисда ҳам тошқозонда ош пишадур эрди”*³³⁹. Муаллиф Саййид Ҳасаннинг шарҳи вазиятга мос ва хос тарзда айтилганини исботлаш учун қўшимча икки детал(чизги) ни, халқнинг бойликлари таланаётгани ҳамда тошқозонда таом пишаётгани ҳақидаги фактларни келтириб ўтади. Аслида, бирор бир воқеани тасвирлашда макон ва замонни аниқ ифодалаш, ўқувчига бир вазиятни тасвирлашда турли ракурслардан туриб чизиб бериш – Навоийнинг Ҷузига хос услубларидан бири. Муаллиф бу услубидан бошқа асарларида ҳам унумли фойдаланган. Бу ҳам қалам соҳибининг бадий-публицистик маҳоратидан далолат беради.

Учинчи ҳикматли фикрни ҳам Навоий Саййид Ҳасандан мажлисларнинг бирида эшитганини ёзади. Йиғилишда қарилик машаққатлари борасида сўз кетади. Саййид Ҳасан: *“Қарилиғда ҳеч ниманинг завқи йигитликдагича эрмас, ғизодин ва шарбатдин, ҳатто, сувға дегунча”*³⁴⁰, – дейди. Қариликда ҳеч ниманинг завқи ёшликдагидек эмас, таому шарбатдан, ҳатто, сувдан ҳам аввалгидек завқ ололмайсан, мазмунидаги бу фикрга ёши улуг бир киши: *“Айтганларингизга қўшиламин, лекин чанқаган киши хоҳ қари, хоҳ ёш бўлсин, сув ичса, чанқоғи бирдек қониб, ичидаги оташи сўниб, завқ олади”*, – деб эътироз қилади.

Саййид Ҳасан эса: *“Тўғри, қари ҳам, ёш ҳам завқ олади. Бироқ фарқи – бор. Ёшликнинг табиий ғайрати, ҳарорати – мавжуд, қариликда бу ҳолат қолмайди. Чанқаган кишининг ташналик олови қанчалик баланд бўлса ҳам, сув уни ўчиради. Қариликда эса бу ҳарорат сўнади, шундай экан, сув ичса ҳам, ёшликдагидек завқ топа олмайди”*, – деб жавоб қайтаради. Йиғилишдаги ёшлик қони

339. Ҷша нашр. – Б. 101.

340. Ҷша нашр. – Б. Ҷша.

жўшиб турган навқирон йигитларга бу фикрлар жуда маъқул келиб, мазкур ҳикматли сўзларни таъриф этишади.

Саййид Ҳасан умрининг охирларида ҳажга боришни ният қилади. Аммо турли тўсиқлар бўлиб, бу унга насиб этмайди. Кейин Самарқандга бориб, ўша даврнинг кутби тариқати Хожа Носириддин Убайдуллоҳ, яъни Хожа Аҳрор Валий ҳузурига боради ва бир неча кун суҳбатда бўлиб, шараф топиб Ҳиротга қайтади.

Юқорида кўриб чиққан имиздек, Навоий Саййид Ҳасаннинг 6 та фазилатини асарнинг ўртароқ қисмида алоҳида санаб ўтади:

1. Ўта сахийлик.
2. Ҳаддан зиёд шафқат.
3. Лутфу тавозе.
4. Сабр ва чидамлилик.
5. Кўнгилнинг юмшоқлиги.
6. Дабдабани ёқтирмаслик.

Бошқа фазилатларини бу рўйхатга қўшиб санамаган бўлса ҳам, ҳололда қахрамоннинг барча инсоний жиҳатлари намоён бўлади. Шу сабабли асардаги Саййид Ҳасаннинг барча фазойилларини бир жойга жамлаб, уларни яхлит ҳолда кўрилса, қахрамоннинг ҳақиқий маънавий қиёфаси кўз олдимизда тўла гавдаланади:

1. Билимдонлиги.
2. Илмли бўла туриб, бундан мақтанмаслиги.
3. Хушфёъллиги билан подшоҳ назарига тушганлиги.
4. Шаҳзодалар иззат-ҳурматида бўлганлиги.
5. Навоийни мафтун этганлиги.
6. Бадиий адабиётга меҳри, форсий ва туркий шоирларни ўқиши.
7. Меҳмоннавозлиги.
8. Огоҳ ринд эканлиги.
9. Намозни қазо қилмаслиги.
10. Муножотларида тавба ва тавфиқ тилаши.
11. Зиёратгоҳлардан ҳам қабул ва илтифотлар топиши.
12. Олимлару дин пешволарининг ҳурматига сазовор бўлиши.
13. Давлат ва халққа чин дилдан хизмат қилиши.
14. Чилла ўтиришда катта мақомларга қадам қўйиши.
15. Фарзанди вафот этганида сабр қилиши.

16. Ҳаётий ҳикматлар сўзлаши.

17. Қутби тариқат Хожа Аҳрор Валий суҳбати ва ҳурматиға эришиши.

Бу таърифларни умумлаштирак, Саййид Ҳасан Ардашернинг жами 23 фазилати кўз олдимизда намоён бўлади. Асар бошдан-оёқ қаҳрамоннинг ана шу инсоний ва ирфоний фазилатлари эътирофига бағишланган.

3.3. ПАҲЛАВОН МУҲАММАДНИНГ КОМИЛЛИК ТИМСОЛИ СИФАТИДА ТАСВИРЛАНИШИ

Гарчи башарият тарихидаги энг комил инсон пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.) ҳисобланса ҳам, мукамалликнинг турли шакллари бошқа инсонларда ҳам кўриш мумкин. Навоий наздида Паҳлавон Муҳаммад ҳам комил инсонлардан бири эди. Бу “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” да яққол акс этиб туради.

Навоий асарнинг бошида Паҳлавон Муҳаммадни *“Шамсул-миллати ва-д-дин”*, яъни *“миллат ва диннинг Қуёши”* деб таърифлайди. Шунингдек: *“Паҳлавоннинг насабида саёдат шарафи – бор”*³⁴¹, – дейди.

Муҳаммаднинг тоғаси Паҳлавон Абусаид ўз даврининг энг кучли, ҳамманинг устидан ғалаба қозонган куштигир, яъни курашчи бўлган. Вафотидан кейин унинг ўрнини муносиб равишда Паҳлавон Муҳаммад эгаллайди. У бакувватлиги, кучи ва кураш санъатининг усуллари яхши билиши билан тенги йўқ ҳисобланган. Муаллифнинг таърифича, ўтган тўрт-беш юз йил, балки минг йилда ҳам унга ўхшагани бўлмаган. Шунинг учун ҳам у халқ орасида *“Паҳлавон Муҳаммад”*, *“Муҳаммад Куштигир”* сифатида шуҳрат қозонади. У кичик пайтида, шогирдлик даврларида ҳам курашда йиқитиш усуллари бошқаларга кўрсатиб берар экан. Ҳар томонлама истеъдодли бу шахс ҳақида Навоий шундай ёзади: *“Чун қобилияти баланд тушгандур ва мулоямати табъи фунунға муносиб ва баҳраманд воқеъ бўлғондур, кўп фазойил ва камолот ҳам касб қилғондурким, замон аҳли борчада Паҳлавонни мусаллам тутар эрдилар”*³⁴². Яъни кўп фазилатларга эгаллиги, ҳар соҳада мукамалликка эришгани учун замон аҳли унга тан берган.

Паҳлавон Муҳаммад, мусиқа назарияси ва амалиётини яхши билиш билан бирга, хуш овоз соҳиби ҳам эди. Бу йўналишда юқори даражаларга эришиб, дилкаш куйлар, қушиқлар яратган, ғазаллар ёзиб, уларни ўзи куйлаган. Навоийнинг далолат беришича, бу куй-

341. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 105.

342. Ўша нашр. – Б. 106.

қўшиқларни тинглаган хос ва оддий одамлар беихтиёр уларни ўрганиб олгиси келарди.

Ўз замонасининг моҳир ижодкорлари Муҳаммад Хоразмий, Мавлоно Нуъмон, Мавлоно Соҳиб Балхий, Шайх Сафо Самарқандий, Хожа Юсуф Андижоний кабилардек у ҳам “нақш”, “суфия”, “амал”, “қавл”, “жир чорзарб” жанрларида асарлар ёзади. Таъкидланишича, ҳатто: “Аларнинг кўпидан ҳам хушгўйроқ ва хушхон эрмиш, ишларининг шуҳрати кўпроқ воқеъ бўлур эрмиш”³⁴³. Навоий Паҳлавоннинг “сеғоҳ”, “сайди ғазол”, “мақомот”, “шаабот”, “қавл”, “ғазал”, “чорзарб”, “саёт”, “нақш” йўналишларида беҳад ижод қилганини айтиб, уларнинг айримларига мисоллар келтиради.

Шеър ва муаммо бобида замоннинг юз нафар шоиридан бирида ҳам бунчалик истеъдод йўқ экан. Ҳатто, бу қалам соҳиблари ўз шеърларига баҳо олиш учун уни Паҳлавонга жўнатиб, ислоҳларини қабул қилишган.

Муаммо жанри бўйича ҳам у ажойиб ихтирочи эди. Барча муаммо айтувчилар бир байт ёки бир рубоидан зўрға битта исм ҳосил қилсалар, Паҳлавон айрим шоирларнинг шеърлари муаммо жанрида ёзилмаган бўлса ҳам, ўзи улардан турли исмлар топар экан. Рубоий, қитъа, маснавий ёзиш бўйича ҳам яхши даражаларга эришган.

Навоий Паҳлавоннинг шеърӣ санъатлар, аруз, қофия бўйича ҳам билимдонлигини, Қуръонни махраж ва тажвид билан ўқишини ёзади. Ҳатто, қироат бобида ҳофизларга савол берса, жавоб тополмай қолишар экан. Шу сабаб улар бу борада билимдон ҳисобланган Паҳлавоннинг кўрсатмаларига амал қилишга мажбур бўлишган.

Паҳлавон илми нужум, астрологияни ҳам яхши билганидан ройижайи толеъ, бугунги тушунча билан айтганда, гороскоп туза оларди.

Унинг тиббиётга ҳам мойиллиги юқори бўлган. Замон табиблари Мавлоно Ало ул-Мулқ, Мавлоно Абдуссалом Шерозийлар билан у ҳаммиша ҳамсуҳбат бўлган. Улар баъзи муолажаларда Паҳлавоннинг тавсияларига амал қилиб, унинг фойдали маслаҳатларини

343. Ўша нашр. – Б. 106.

мақташган. Яқинлари ва дўстлари касал бўлиб қолса, унинг ўзи даволар экан.

Паҳлавон Муҳаммад фикҳ илми, яъни ислом ҳуқуқшунослигида ҳам кўпгина соҳа мутахассисларидан кўра билимдонроқ бўлган. У – фарз, суннат, вожиб ва бошқа яхши амаллар бўйича ҳам чуқур билимга эга эди.

Навоий яна унинг жуда кўп жанрлардаги шеърларни ёддан айта олиши, давраларда бу хусусияти билан ҳурмат-эътиборга сазовор бўлганини ёзади. Санаб ўтиилаётган фазилатларидан ҳам билиш мумкинки, Паҳлавон Муҳаммад ҳар томонлама истеъдодли инсон бўлган. У қайси соҳага кўл урса, ўша касбнинг энг зўр мутахассисига айланган. Бунини муаллиф шундай ифодалайди: *“Ҳақ субҳонаху ва таоло анга қобилият каромат қилиб эрди. Ҳар навъ ишга хотир мутаважжжих қилса эрди, ул навъ дахл қила олур эрдиким, ул фан аҳлининг моҳирлариға мустаҳсан тушгай ва бир навъ қабулиятни анинг зотида халқ қилиб эрдиким, ҳар навъ халойиқ била ихтилохот қилғоч, аларнинг кўнглига матбуъ ва табъиға маҳбуб эрди ва писандида атвори беғоят ва ҳамида ахлоқу шиори бениҳоят, мижозиди базлу сахо ғолиб ва табъида шафқату раҳо муфрит, улуғларға зотий ниёзмандлиқ ва хизмат ва кичикроқ нотавонларға расми меҳру шафқат ва сарпайвандлиқ ва мутавассут ул-ҳолларға иши мулоямат ва ҳўб забонлиқ ва фуқаро ва масокинға варзиши мувофақат ва нафърасонлиғ”*³⁴⁴. Яъни у билан суҳбат қурган инсонларнинг унга меҳри тушиб қоларди. Паҳлавон саховатпешалиги, меҳрибонлиги, ширинзабонлиги билан турли ёшдагиларнинг кўнглини олган. Шу сифатларнинг ўзи ҳам унинг комиллигини намоён этади.

Паҳлавон хонадониди, ўзи уйда бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, 24 соат давомида турли таомлар пишириб турилган. Бу зиёфатлардан мамлакатнинг мусофиру муқимлари, оддий фуқароларию аслзода шаҳзодалари ҳам баҳраманд бўлишган. Ҳатто, хизматчилар томонидан бу таомлардан подшоҳ учун саройга ҳам элтиб бериларди. Жўнатилмаган пайтларда эса саройдан вакиллар келиб, олиб ҳам кетишар экан. Шароб, турли мева ва ширинликлар ҳам доимий равишда дастурхонга тортилган.

344. Ўша нашр. – Б. 112.

Ўн кун, бир-икки ойга келган мусофир меҳмонларга ҳам ҳеч бир муаммосиз икки-уч марталаб таом бериларди. Уловларига ҳам алоҳида жой ажратилган бўлиб, уларни арпа, сомон билан боқишган.

Паҳлавон кетар чоғларида меҳмонларга йўл харажати ва либослар беришни ҳам одат қилган. Бу қадар мурувват ва карам эгасини Навоий: *“Борча содоту машойих ва уламою фуқаронинг маҳбуб ул-қулуби эрди”*³⁴⁵, – деб таърифлайди. Асар қаҳрамони, ҳақиқатан ҳам, *“маҳбуб ул-қулуб”*, яъни *“қалбларнинг севимлиси”*, ҳозирги тил билан айтганда, ҳар томонлама дилкаш инсон бўлган³⁴⁶. Оддий одамдан тортиб султонзодаларгача унинг суҳбатини олишга интилган. Муаллифнинг таърифича: *“Паҳлавоннинг суҳбати Наврўз ва байрамча бор эрди”*³⁴⁷. Шунинг учун ҳам, шахзодалар унинг хонадонига тез-тез ташриф буюришарди. Паҳлавон ҳам уларнинг ҳурматини жойига қўйиб, дастурхонга турли ноз-неъматлар тортиб, созандаю қўшиқчиларни чақиртириб, рақсу самоъ қилдириб, меҳмонларнинг кўнглини олиб жўнатган.

Бошқа маноқиб-ҳолотларда кузатганимиздек, муаллиф таъриф этилаётган асар қаҳрамонининг подшоҳ, яъни Ҳусайн Бойқаро билан муносабатлари доирасини ёритиш учун алоҳида ўрин ажратади. Бу асарда ҳам Навоий ҳукмдорнинг Паҳлавонга алоҳида меҳрини ёзиб, подшоҳ ҳақида: *“Ҳеч суҳбат тиламаслар эрдиларким, Паҳлавондин айру қилғайлар”*³⁴⁸, – дейди. Демак, Паҳлавон ҳукмдорнинг энг ишончли одамларидан бири ҳисобланган, шу сабаб шоҳнинг деярли барча мажлису йиғилишларида ҳозир бўлган. Навоий бунинг сабабини Паҳлавоннинг ёқимли ҳамсуҳбат эканида, деб кўрсатади. Шеър, муаммо санъати, мусиқа соҳасининг моҳир эгаси сифатида у доимо давранинг гули бўлган, турли йиғилишларга фойз киритган. Шу каби фазилатлари билан паҳлавон подшоҳнинг *“надими мажлис ва аниси анжуман ва хил-*

345. Ўша нашр. – Б. 113.

346. Шу ўринда бир мулоҳазамизни баён қилиб ўтмоқчимиз. Навоий умрининг охирида битган йирик асарини айнан “Маҳбуб ул-қулуб” деб номлайди. Бизнингча, бу номни тавлашда ҳам Паҳлавон Муҳаммадга берилган ана шу таърифдан келиб чиққан бўлиши керак.

347. Ўша нашр. – Б. Ўша.

348. Ўша нашр. – Б. Ўша.

вати ва ҳар розда маҳрами ва ҳар ҳолда ҳамзабону ҳамдами”³⁴⁹ га, яъни унинг яқини, сирдоши, дўстига айланади.

Паҳлавонни подшоҳдан гадогача, мусулмонун яҳудий, христиангача барча ёқтирган: “Такаллуфсиз ва муболағасиз подшоҳдин гадоғача ва аҳдлуллоҳдин яҳуд ва торсоғача Паҳлавонни севмас ва тиламас киши йўқ эрди”³⁵⁰. Келтирилган жумлалар – асардаги Паҳлавон Муҳаммадга берилган энг олий баҳо, назаримизда. Асар қаҳрамонининг комиллиги айнан шу нуқталарда яққол кўринади.

Ҳолотнинг давомида муаллиф бир ҳовуч тупроқдан ҳам суврат, ҳам сийрат жиҳатдан комил инсонларни бунёд қилгани учун Яратганга шукроналар айтади. Паҳлавоннинг барча эзгу фазилатларини, суврати ва сийратини таърифлаш учун қаламкашлар, дostonнависларнинг қалами ва нутқи ожизлик қилишини таъкидлайди.

Навоий Паҳлавон билан 40 йил давомида яхши-ёмон кунида бирга бўлгани, ҳақиқий сирдоши, дўсти эканини ёзади. Шу давр мобайнида ўзидек бир инжиқ одам билан дўст тутинган Паҳлавон орасида қилдек бирор нохуш нарса ўтмаганини, балки кундан-кун унга боғланиб, унингдек мулойим ва меҳрибон дўст топа олмаганини алоҳида қайд этади.

Шунча фазилатларга эга Паҳлавон Муҳаммадда ҳазилкашликка ҳам мойиллик бўлган. Муаллиф ўзи ва Паҳлавон орасида бўлиб ўтган воқеани завқ билан сўзлайди. Бу воқеа – ҳозир ҳам кўпчиликка маълум ва машҳур.

Ёш Алишер Машҳадда яшаб юрган пайтида уни мафосил касали, яъни бўғимларнинг зирқираб оғриши дарди безовта қилади. Шу вақтда Паҳлавон Муҳаммад ҳам у билан бирга, деярли ҳар куни бемор аҳволдан хабар олиб турар эди. Мавлоно Абдуссалом Шерозий деган табиб даволаниш давомида терининг устини артиб туриш муолажасини буюради. Бу вазифани табибликдан ҳам хабари бўлган Паҳлавон ўз зиммасига олади ва ҳар куни шу амални бажаради.

Шундай кунларнинг бирида, Навоий тузала бошлагач, саҳарда бир ғазал ёзади. Унинг матлаъи қуйидагича эди:

349. Ўша нашр. – Б. 113.

350. Ўша нашр. – Б. Ўша.

*Ҳар қаён боқсам, юзумга ул Қуёшдин нур эрур,
Ҳар сори қилсам назар, ул Ой манга манзур эрур*³⁵¹.

Етти байтдан иборат бу шеърни тугаллаганидан кейин Алишер уни ҳеч кимга кўрсатмай, чўнтагига солиб қўяди.

Ўша куни Паҳлавон Муҳаммад ёш шоирни кўргани яна келганида уни саволга тутади. Паҳлавон Алишернинг туркий тилда яхши шеърлар ёзаётганини таъкидлаб, туркий шоирлардан қайси бири яхшироқлигини сўрайди. Шунда шоир барчаси унга маъқул эканини айтади. Паҳлавон эса ортиқча такаллуфни йиғиштириб, қаламкашлар орасида фарқ борлигини, шу сабаб, ҳақиқатни айтишини талаб қилади. Шунда у Мавлоно Лутфий малик ул-каломлигини таъкидлайди. Паҳлавон эса нега Саййид Насимийни тилга олмагани сабабини сўраганда, Навоий шундай жавоб қайтаради: *“Хотирға келмади ва бар тақдир келмоқ, Саййид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур. Бу саволда сенинг ғаразинг мажоз тариқида айтур эл эрди*³⁵². Биринчидан, Насимий эсга тушмаганини, иккинчидан, у зоҳир аҳли қаламкашларидек ёзмаслигини, балқи ҳақиқий ишқни тўғридан-тўғри куйловчи шоир эканини, савол фақат ишқни мажозий йўлда ифодаловчи қаламкашлар ҳақида бўлганини айтади. Паҳлавон эса киноятомуз оҳангда эътироз қилиб: *“Раво бўлғайки, Саййид Насимий борида Лутфий назмини писанд қилғайсен ва ҳол улким, Саййид Насимийнинг назми зоҳир юзидин мажоз тариқиға шомилдур ва маъни юзидин ҳақиқат тариқиға*³⁵³. Паҳлавон: *“Саййид Насимий турганда, Лутфийни тилга оляпсан, ҳолбуки, Саййид Насимийнинг шеърлари ташқи тарафдан мажозий йўлда, аммо моҳият жиҳатидан ҳақиқат йўлида”,* – эканини айтиб, кутилмаганда Навоий эрталаб ёзиб чўнтагига солиб қўйган ғазални ёддан ўқий кетади. Аммо ғазалнинг охири, яъни мақтаъсидаги “Навоий” сўзи ўрнига “Насимий” таҳаллусини қўйиб айтади:

351. Ўша нашр. – Б. 115.

352. Ўша нашр. – Б. 116.

353. Ўша нашр. – Б. 116.

*Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўrsa ранж,
Йўқ ажаб, невчунким, хом этган киши ранжур эрур*³⁵⁴.

Навоийнинг боши қотиб қолади. Қўлини чўнтагига солса, шеърини битган қоғоз жойида турибди. Бундан бадтар ҳаяжонланиб, ҳайрати янада ортади.

Навоий Паҳлавондан бу шеърни қачон ёдлаганини сўраганда, у пинагини бузмай: “Ўн икки йил бўлди, Бобур мирзонинг саройида Насимийнинг бу шеъри севиб ўқиларди”, – деб жавоб беради.

Эртаси куни Паҳлавон яна Навоийнинг олдига келади. Шоир суҳбатни яна шу мавзуга буради. Паҳлавон Муҳаммад худди кечагидек ўз сўзида туриб олади ва фикрини исботлаш мақсадида учтўрт куштигирни чақиради. Улар ҳам шеърни ёддан равон ўқиб беришади. Навоий бу ҳолатни ўз тили билан: “*Таажжуб устига таажжуб воқеъ бўлди*”³⁵⁵, – деб тасвирлайди.

Аслида, бу қизиқарли воқеанинг нозик сири бор эди. Навоий ухлаб ётганида, Паҳлавоннинг кўзи унинг чўнтагидаги қоғозга тушади. Қоғозни билдирмай олиб ўқийди. Ундаги шеър янги ёзилганини сезади ва тез фурсатда бошданохир ёдлаб олади. Сўнг қоғозни яна сездирмай жойига қўйиб қўяди. Кейин курашчиларга ҳам ёдлатади. Бу устознинг шогирдига ажиб бир ҳазили эди.

Бу воқеани келтиришдан, бизнингча, Навоийнинг икки мақсади бўлган. Биринчидан, ўзи ва Паҳлавон орасидаги қизиқарли воқеани тасвирлаш ва асар қаҳрамонининг ҳазил-мутойибага мойиллигини билдириш. Иккинчидан, ораларида бўлиб ўтган шеърят ҳақидаги савол-жавоб орқали ўзининг ижодига Паҳлавоннинг муносабатини ёритиш. Яъни ўзи ҳам Насимийдек, ишқи ҳақиқийни мажоз йўли билан ифодалашини Паҳлавон тилидан ўқувчига етказяпти. Навоий ўз асарларида ўзини-ўзи тарғиб қилишнинг ана шундай нозик, камтарона йўлларида фойдаланади, сезгир ва хушёр ўқувчи илғаб олиши мумкин бўлган усулларни кўп қўллайди.

Хусайн Бойқаронинг инояти билан Паҳлавон Муҳаммаднинг хурмати баланд бўлган. Навоийнинг фикрича, Паҳлавон бундай муносабатга ҳақли эди. Давлат ҳисобидан 100 га яқин

354. Ўша нашр. – Б. Ўша.

355. Ўша нашр. – Б. 117.

куштигир, яъни курашчи ва бошқа хизматчилар Паҳлавоннинг Неъматободдаги бошпанасида хизмат қилишган. Улар орасида ёш паҳлавонлар, мерганлар ҳам бор. Шунингдек, созандаю хонандалар ҳам унинг қўл остида бўлишган. Улар учун барча созу асбоблар муҳайё эди.

Кунларнинг бирида Паҳлавоннинг хизматчиси Навоийнинг олдига устозининг тоби қочиб, беҳуш йиқилганини, унга табиб жўнатиш кераклигини айтиш учун келади. Навоий ҳам тезлик билан Мавлоно Абдулхай ва Мавлоно Нуриддин каби табибларни жўнатади. Аммо улар етиб боргунларича Паҳлавон Муҳаммад вафот этади. Бу воқеадан мамлакатнинг олиму уламози, шоиру шуароси, подшоҳу шаҳзодалари, фақиру фуқаролари қаттиқ изтиробга тушади, *“Вовайло, вомусибато!”* – деб мотам тутишади. Муаллифнинг ёзишича, бу йўқотишдан Хусайн Бойқаро ҳам кўз ёш тўқади: *“Бу ҳолдин Султон Соҳибқирон мизожиға ғариб андуҳ ва изтироб тушуб, ғоят ҳузн ва малолатдин талх-талх шўроба тўқуб, ҳой-ҳой йиғлади”*³⁵⁶.

Подшоҳ Паҳлавоннинг мақбарасини қурдириб қўйган эди. Унинг буйруғи билан Паҳлавон Муҳаммад ўша ерга дафн этилади. Таъзия маросимлари подшоҳона ўтказилиб, халққа катта ош берилади.

Паҳлавон Муҳаммад ҳижрий 899, милодий 1493 йили, яъни Абдурахмон Жомий ўлиmidан бир йил ўтиб вафот этади. Муаллифнинг ёзишича, Жомийнинг ҳам Паҳлавон Муҳаммадга бениҳоят меҳри бўлган. Шунин Навоий назмга солиб, *“баъди Махдуми ба як сол”* деб таърих туширади. Асарда форс-тожик тилида ёзилган беш байтдан иборат ушбу таърих тўлиқ келтирилади.

Навоийнинг таърифи билан айтганда, *“кўп фазойил ва камолот”*га эга Паҳлавон Муҳаммаднинг асарда келтирилган кетмакетлик бўйича сифатларини бирма-бир санаб чиқсак, қуйидаги манзара намоён бўлади:

1. Биринчи рақамли куштигир, яъни курашчи полвон.
2. Мусиқашунос.
3. Хушовоз хонанда.

356. Ўша нашр. – Б. 118.

4. Турли мусиқий жанрларда ижод қилган бастакор.
5. Шоир.
6. Муаммо жанри моҳир ечувчиси.
7. Қори, махраж ва тажвид билимдони.
8. Илми нужумдан бохабар астролог.
9. Табиб.
10. Фақиҳ, ислом ҳуқуқшуноси.
11. Меҳрибон ва ширинзабон.
12. Меҳмоннавоз.
13. Мурувват ва карам эгаси.
14. Подшоҳнинг сирдоши, ҳамдами.
15. Динидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар барчанинг *“маҳбуб ул-қулуб”*и.
16. Ҳазилкаш.
17. Кучли хотира эгаси.

Навоийнинг таърифлаши бўйича, Паҳлавон Муҳаммад шунча хислатга эга, ҳар томонлама ноёб истеъдод соҳиби бўлган. Аслида, ҳар жиҳатдан ривожланган инсонлар кўп ҳам бўлавермайди. Лекин бу инсонга шундай қобилият ато этилган эди. Шу сабабли, уни Навоий ўзи ҳаётда кўрган, таниган ва яқиндан билган комил инсон сифатида таърифлаган. Муаллиф бежиз: *“Паҳлавоннинг борча навъ ишларининг хушлуғи баёнида ва ҳар тавр сийрат ва сувратининг дилкашлиғининг шарҳида забонварлар тили қосир ва дostonгу-старлар нутқи ожиздур”*³⁵⁷, – демайди. Шунинг учун ҳам, Навоий бундай фавқулодда истеъдод эгасини, ўз замондошини тарихга муҳрлаб кетишга бел боғлаган ва бунинг уддасидан чиққан.

Демак, замон қаҳрамони масаласи XV аср ўзбек адабиёти учун ҳам муҳим масала бўлган.

357. Ўша нақр. – Б. 114.

Навоий маноқиб-ҳолотларининг бадий-публицистик хусусиятлари

4.1. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” тузилишининг ўзига хосликлари

Номидан ҳам билиниб турибдики, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” беш қисмдан иборат. Унинг “Бисмилло...”сидаёқ муаллиф асар – “Муқаддима”, уч мақолат ва “Хотима” қисмларидан ташкил топганини ёзади. Шунингдек, ўқувчиларга қизиқарли бўлишини инobatга олиб, бу беш қисмли асарга “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, яъни “Ҳайратланарли бешлик” деб ном берилганини ҳам Навоий айнан шу жойда алоҳида қайд этади ва ҳар бир бобда нималар ҳақида ҳикоя қилмоқчи эканини олдиндан бирма-бир айтиб ўтади. “Муқаддима”да Жомийнинг насабию туғилиши ва Навоий унинг хизматига қачон мушарраф бўлгани ҳақида тўхталилади. “Аввалги мақолат”да Жомий ва Навоий орасида ўтган фурсатлар ва ажойиб сўзлар, устознинг шогирдга бўлган ўзига хос илиқ муносабати ва илтифоти ҳикоя қилинади. “Иккинчи мақолат”да икки ижодкорнинг бир-бирига битган мактублари келтирилади. “Учинчи мақолат”да Жомийнинг китоблари, рисоалари санаб ўтилади, улардан кўпчилигининг ёзилиши, тартиб берилишига Навоий сабабчи бўлгани ва бу гап ўша китобларнинг баъзиларида айтилгани билдирилади. “Хотима”да Жомий ҳузурида Навоий таълим ва фойдаланиш юзасидан ўқиган китоб ва рисоалар, ҳазрат ҳаётлари охирининг тарихи ва ўша ҳолатлар кайфияти ҳикоя қилинади.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”да муаллиф асар қаҳрамони ҳақида умумий маълумот беришни эмас, балки ўзи ва пири ўртасидаги муносабатлар доирасини ёритишни асосий мақсад қилади. Демак, объектни ҳар тарафлама эмас, балки ўзи яхши билган жиҳатдангина таърифламоқчи. Бу Навоийнинг ўзи келтирган асар режасидан ҳам билиниб турибди.

Энди асарнинг ҳар бир қисмида нималар ҳақида сўз боргани,

уларда қандай воқеалар қай тартибда тилга олингани ҳақида бирма-бир тўхталсак.

“Бисмилло...” қисми асарнинг Навоий тузган бешта асосий боб таркибига кирмайди. Ана шу “Муқаддима” гача бўлган қисмни биз шартли равишда “Бисмилло...” деб атадик. “Бисмилло...” – асарнинг кириш қисми. У, аввало, ҳамддан бошланади:

*Ул олими алломға юз ҳамду сано, –
Ким Одам ила тузди чу бу дайри фано.
Илмиға милк сурмоди бир ҳарф яно,
Жуз нукта “субҳонака ло илма лано”³⁵⁸.*

Одатдагидек, кейин наът келади:

*Юз наът ангаким, хулқи карим ўлди фани,
Яъники карам кони расули мадани(ў),
Мундоқ деди илм аҳлини айларга ғани,
“Ман акрома олимани фақад акрамани”³⁵⁹.*

Юқоридаги ҳадисни келтириш орқали Навоий илмнинг, умуман, олимнинг қадри жуда юксак эканини алоҳида таъкидлашни мақсад қилади. Чунки “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”нинг ўзи ҳам – буюк бир олимнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида. Бундан ташқари, биз бу асар воситасида нафақат Жомий, балки Навоийдек алломанинг ҳам бевосита ҳаётий қарашлари, кузатишлари, орзу-истакларидан бохабар бўламиз.

Ҳамд ва наътдан кейин Навоий ўзини камтарлик билан таърифлаб ўтиб, Жомийни кўкларга кўтариб мақтайди. Жумладан, уни Аллоҳ сирларининг кашф этувчиси, яширин ишоралар ва алоҳида сирлар олими, тариқат элининг пешвоси ва имоми, Ҳақ ва диннинг нури каби таърифлар билан мадҳ этади. Мақтовларнинг давоми сифатида бир рубоий ҳам келтиради:

358. Таржимаси: “Аллоҳга мақтовларки, бизда илм йўқ”.

359. Таржимаси: “Кимки олимни ҳурмат қилса, мени ҳурмат қилган бўлади”.

*Ким гунбази гардандайи олий бунёд,
То даврида таъжилға бўлғай муътод,
Одамки, бўлуб халифа ёйди авлод,
Авлодида бир уйла халаф бермас ёд³⁶⁰.*

Рубоийда Навоий Жомийни, Одам авлодида бу каби мукаррам зот бўлмаган, деб улуғлайди. Ундан кейинги насрий матнда муаллиф фикрларини давом эттириб, ана шундай пайғамбар янглиғ камол эгаси мендек бир хокисорга буюк илтифотлар, ажойиб меҳрибончиликлар, тенгқурларим орасида алоҳида эътиборлар қилардилар, деб ёзади. Шунингдек, устоз вафотидан сўнг ўзининг бениҳоя ғамда қолгани ва бу изтироблар ҳаддан ошганидан кейин кўнгилнинг таскини учун ўзи ва устози орасида ўтган воқеаларни ёзишни маъқул топганини айтади. Кимки бу асардаги гапларга ишонмаса, мурод, яъни пирнинг муридга бўлган илтифотларига бовар қилмаса, соддароқ ифодалаянда, кимга улар ўртасидаги юксак муносабатлар ишончсиз туюлса, Жомийнинг куллиётларига мурожаат қилиши лозимлигини айтади. Бу билан муаллиф Жомийнинг ҳам Навоийга бўлган меҳр-муҳаббати унинг асарларида бевосита акс этганини таъкидлайди. Ўзининг ва устозининг ёзганлари бир воқеликнинг содиқ гувоҳи бўлишини қайд этади. Шундан сўнг беш қисмли бу асарига айнан нима учун “Хамсат ул-мутаҳаййирин” номи берилгани ва бу беш таркибий бўлақда нималар ҳақида сўз юритишини ёзади. Биз буни юқорироқда батафсил кўриб ўтдик.

Умунан, асарнинг “Бисмилло...” қисми – ҳамд, наът, Жомий мадҳи, асарнинг мақсади ва режасидан иборат. Бу кириш қисм “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг тузилишини белгилаб, муаллифнинг асарни ёзишдан мақсади, усули ва режасини намоён этиб, ўқувчига йўлбошловчилик қилади.

“Муқаддима” – Навоийнинг ўзи ваъда берганидек, Жомийнинг тавваллудлари, насабларини аён қилишдан бошланади. Муаллиф устозининг “Рашҳ ул-бол”³⁶¹ қасидасидаги “*Ба соли ҳаштсаду ҳафтдаҳ зи ҳижрати набавий*” мисрасига таяниб, бу зот ҳижрий

360. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 7.

361. “Рашҳ ул-бол” – юрак томчилари.

817, яъни милодий 1414 йили таваллуд топганини айтади. “Муқаддима”да “Рашҳ ул-бол”дан тўрт байт келтирилади ва улар орқали қасиданинг ҳижрий 893, милодий 1487/88 йиллари ёзилгани маълум бўлади. Навоий ана шу қасида ёзилишидан беш йил ўтиб, ҳижрий 898, милодий 1492 йили Жомийнинг боқий дунёга риҳлат қилганини қайд этади. Гарчи асарда Жомийнинг 82 ёшда оламдан ўтганини айтилса-да, бироқ милодий ҳисоб бўйича Жомий 78 йил яшаган.

Навоий Жомийнинг олий насаблари имом ул-мухтаҳидин, яъни янги мазҳаб тузувчилар пешвоси Муҳаммад бинни Ҳасан бинни Абдуллоҳ бинни Товус бинни Хурмуз Шайбонийга бориб боғланишини айтади. Хурмуз Шайбон қабиласининг подшоҳи бўлиб, Бағдодда ҳукмронлик қилган. Навоийнинг айтишича, у халифа Умар (рози Аллоҳу алайҳа-л-унҳу) қўлида исломни қабул қилишга мушарраф бўлган. Жомийнинг отаси ва бобоси зуҳду тақво, қозилик ва муфтилик билан машғул бўлиб, Жом вилоятида яшашган. Жомий ҳам шу ерда туғилган. Навоий сўзининг исботи сифатида Жомийнинг ўзидан қитъа келтиради:

*Мавлидам Жому рашҳаи қаламам
Журъаи жоми шайх ул-исломист.
Ложарам дар жаридаи ашъор
Ба ду маъни тахаллусам Жомист*³⁶².

Таржимаси: *Туғилган жойим Жом ва қаламим томчиси Шайх ул-ислом жомидин бир қатрадур. Бинобарин, шеърлар дафтариди, Ҳар икки маънода тахаллусим Жомий бўлди.*

Бу ерда Жомий “шайх ул-ислом” деб Жомдан етишиб чиққан яна бир буюк зот – Аҳмади Жомга ишора қиляпти ва қаламининг томчиси унинг жомидан бир қатра эканини, яъни бу ҳамюрти шеърияти ва руҳиятининг ўзига таъсирини айтяпти. Шунинг учун ҳам тахаллуси икки маънода Жомий бўлганини ажойиб ифода билан ўқувчига етказяпти.

Навоий – улуғ шоир. У “Хамса”дек буюк бадиият намунасини жуда қисқа фурсатда яратди. Бироқ “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да

362. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 10.

Навойни бутунлай бошқа ижодкор сифатида кўрамиз. Бу ерда у, бугунги тил билан айтганда, моҳир публицист сифатида намоён бўлади. Достонларда сўзни сўзга улаб кетаверган Навоий – бу ерда максимал даражада эҳтиёткор. У ҳар бир сўзини исбот-далил билан ёзишга ҳаракат қилади.

Масалан, биз юқорида кўриб ўтган, Жомийнинг таваллуд йили ҳақидаги маълумотга эътибор қилсак, муаллиф устозининг ўзи ёзган асарлардаги фактларгагина таянади. Ҳатто, унинг Жомда туғилганини ҳам ўзидан қитъа келтириш билан далиллайди. Аслида, устози ҳақида билганларини шунчаки ёзиб кетаверса ҳам, биз унга, шубҳасиз, ишонган бўлардик. Бироқ Навоий ўқувчига имкон қадар аниқ-тиниқ маълумот беришга, ҳар бир фикрини далиллашга интилади. Бундан ташқари, Жомий назмидан парча келтириш асарнинг қизиқарлиги, бадиийлигини янада оширади.

Навоий Жомийнинг таваллуд йили, насаби ва ватани ҳақида маълумотдан кейин, табиийки, устозининг болалик йилларига тўхталади. Болалигидаёқ унинг ўтқир идрок ва истеъдод эгаси бўлгани – аён. Бир куни машҳур тасаввуф шайхларидан Фахриддин Луристоний уникида меҳмонда бўлади. Абдурахмон ўшанда тўрт-беш ёшларда, энди мактабга борадиган пайтлар экан. Шунда меҳмон болани ёнига ўтқазиб, унинг зеҳнини синаш учун ҳавода “Умар” ёки “Али” каби машҳур отларни ёзса, бола уларни диққат билан кузатиб, ўқиб берар экан. Фахриддин Луристоний эса бу фавқулодда истеъдод эгасига ҳам табассум, ҳам ҳайрат билан боқар экан.

Навоий шу ўринда бу воқеа “Нафаҳот ул-унс...”³⁶³ да ҳам ҳикоя қилингани ҳамда устозининг болалигидаги бундай ажойиб ҳодисалар жуда кўп бўлганини айтади. Агар улар ҳақида ёзилса, сўз узайиб кетади, деб муаллиф ўзини чеклайди. Бу ерда эса энди Навоийнинг фактларни ўта саралаб ёзишига гувоҳ бўламиз.

Жомий болалик даврларидан йигитлик йилларининг бошигача Жомда муқим яшайди. Кейин шаҳарда унга илм йўлида фойда етказадиган одам кам топилгани учун Ҳиротга кўчиб келади. Навоий буни:

363. “Нафаҳот ул-унс...” – Жомийнинг сўфий арбоблар, тасаввуфий шоирлар ҳақидаги тазкираси.

деб, пайғамбаримиз Муҳаммад(с. а. в.)нинг Маккадан Мадинага қилган ҳижратларига ўхшатади. Жомий Ҳиротда Зайниддин Абубакр Таёбодий³⁶⁶, Саъдиддин Тафтазоний³⁶⁷, баъзиларнинг айтишича, Амир Хусрав Дехлавий³⁶⁸ ҳам ўқиган Ироқ дарвозасидаги “Низомия” мадрасасида таҳсил олади. Тез орада талаба тенгдошларидан ўзиб, илм-фаннинг у ўрганмаган соҳаси қолмайди. Жомий илмга чуқур берилган вақтларида ҳам назмдан узоқлашмаган, шеър ёзишдан тўхтамаган. Навоий Ҳаққа етиш Жомийнинг табиатида бўлгани учун, Яратганнинг жамолини мажоз ёрдамида яққол кўриб, унда беихтиёрликлар бўлгани ва шу сабаб шеър орқали ана шу кўнгилдаги ўтга таскин беришини алоҳида таъкидлаб айтади. Жомий ҳеч қачон шеър ёзишдан бўшамай, девон тузишга муваффақ бўлганини ҳам муаллиф фахр билан тилга олади.

“Муқаддима”нинг давомида асар қаҳрамони илмининг қайси поғоналарга етгани, қандай улуғ зотларнинг суҳбатига мушарраф бўлгани, ботиний олами ва ўта камтарлиги хусусида сўз боради. Бундан ташқари, муаллиф устози қайси йилларда Ҳиротнинг қаерида яшагани ва ўзи Жомий билан илк бор учрашган вақтни айтиб ўтиб, асарнинг “Муқаддима”сига яқун ясайди. Биз монографиянинг “Жомийнинг устоз ва пир сиймоси сифатида гавдалантирилиши” деб аталган 3.1-фаслида “Муқаддима”нинг сўнгида баён этилган воқеаларга батафсил тўхталганимиз туфайли бу ерда уни яна қайтадан таҳлилга тортиб ўтирмадик.

364. Ясриб – Мадинанинг қадимги номи.

365. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамса ул-мутахаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 11.

366. Зайниддин Абубакр Таёбодий – вафоти 1388/89 – даврнинг машҳур шарият пешволаридан.

367. Саъдиддин Тафтазоний(1322 – 1389) – машҳур филолог олим. Бадиият илмига оид рисолага шарҳ сифатида ёзилган “Мухтасар ал-маоний” асарининг муаллифи.

368. Амир Хусрав Дехлавий (1253 – 1325) – Ҳиндистонда яшаб ижод қилган форсигўй ўзбек шоири, Низомий Ганжавийдан кейин “Хамса” яратиб, хамсачилик анъанасини бошлаб берган калам соҳиби.

Хуллас, Навоий, асарнинг *“Бисмилло...”*сида берган ваъдасига биноан, *“Муқаддима”*да Жомийнинг туғилиши, насаби, болалик ва йигитлик даври, ўқиган жойи, устозлари, пирлари, зоҳирий ҳамда ботиний илмларда эришган даражаси ва ниҳоят ўзи билан учрашган даврларини изчил кетма-кетлик билан ҳикоя қилиб ўтади. Муаллиф асар қаҳрамони ҳаётининг ўзаро учрашгунларигача бўлган даврини моҳирлик билан чизиб беради. Навоий бу қисмда ўзи гувоҳ бўлмаган, бироқ эшитган-билган воқеаларини ёзади. Шунинг учун ҳам бу бобда Навоий ўзини максимал даражада чеклайди. Жомий ҳаётининг бу қирраларини қисқа, лўнда ва аниқ қилиб айтиб, тезроқ мақсадга ўтишга, яъни ўзи кўрган-билган, гувоҳ бўлган воқеаларни сўзлашга чоғланади.

“Аввалги мақолат” муаллифнинг айна шу мақсадларини баён қилишга тўлиқ хизмат қилади. Навоий бу бобда устози ва ўзи ўртасидаги муносабатлар доирасини кенг ёритади. Шунинг учун боб бошланишида: “Ул ҳазрат била бу фақир орасида ўтган иттифоқий умур ва ғаробатлик сўзларким, андин аларнинг бу фақирға илтифот ва хусусиятлари зоҳир бўлур”, – деб, яна бир бор ўқувчини мақолатнинг мақсади билан таништиради. Аслида, *“Аввалги мақолат”*да нималар ҳақида сўз бориши *“Бисмилло...”*да ёзиб ўтилган эди.

“Аввалги мақолат” – 17 та алоҳида ҳикоятдан иборат. Ундаги воқеалар ҳар хил мавзуларда. Аммо уларнинг ҳаммаси бир бутун ҳолда икки ижодкор муносабатларининг турли қирраларини акс эттиради. Бу мақолатда келтирилган ҳикоятларга батафсил тўхталган эдик. Бироқ, мавзу эҳтиёжидан келиб чиқиб, ҳикоятларнинг кетма-кетлиги, жойлашиш ўрни ва қисқача мазмунини бу фаслда ҳам айтиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

1-ҳикоят – Жомий ҳам, Навоий ҳам *“Илоҳийнома”*га қарашли *“Муножот”* рисоласини бир-биридан беҳабар ҳолда бир ўтиришда ўқиб чиққани ва бу ғаройиб тасодиф, яъни таворуд ҳодисасига гувоҳ бўлган кишиларнинг таажжуби ҳақида.

2-ҳикоятда Навоийнинг бир даврада Жомий қаламига мансуб қариллик ҳақидаги қасидани кўкларга кўтариб мақтагани, сўз усталарининг бирортасида бундай қасида йўқлигини айтгани,

аммо суҳбатдошлар бу фикрга унчалик ҳам қўшилмагани ҳикоя қилинади. Бу баҳсда Навоий ғолиб эди. Чунки бу қараш Жомий томонидан ҳам маъқуллангач, суҳбатдошлар ўз фикрларидан қайтишади.

3-ҳикоятда бир ўжар боғбон ва Жомий ўртасидаги ажойиб воқеа қаламга олинади. “Фаноия” боғини барпо этишда Жомий боғбонга ниҳолларни экиш учун жой кўрсатади. Бироқ боғбон бу жойлар режадан ташқарилиги, Мир Шайхим³⁶⁹ келиб, эътироз қилиши мумкинлигини айтади. Жомий эса бу боғ Навоийга тегишли экани, у эса бу фикрга қарши бўлмаслигини ишонч билан таъкидлайди. Бу ерда устознинг шогирдга ҳадди сиғиши фахр билан қаламга олинган.

4-ҳикоят – адабий масалалар ҳақида. Бир даврада Мутаҳҳар Удий деган хушовоз хонанда Хожа Ҳасан Деҳлавий шеърини ашула қилиб куйлайди. Бироқ даврадагилар ғазалдаги “*дурр шуд*” сўзини “*хун шуд*” деб ўқишни, “*дурр шуд*”нинг маъноси йўқлигини айтишади. Навоий аввалига ҳеч нарса демайди. Аммо кейин суҳбатдошлар нега уларнинг фикрини қўллаб-қувватламаётганини сўрашганида, у хонанданинг тарафини олади. Шунда баҳс авжига чиқади. Улар ким ҳақлигини аниқлаш учун масалани бир қоғозга ёзиб, Жомийга жўнатишади. Шунда устоз: “*Сухан “дурр” асту тааллуқ ба гуши шаҳ дорад*”, яъни “*Сўз дурдиру шоҳ қулоғига тааллуқи бор*”, – деб жавоб битиб, шогирдининг ҳақлигини исботлайди. Бу воқеа Ҳиротда тилдан ўтиб, машҳур бўлади.

5-ҳикоят. Бир куни Саййид Ғиёс деган киши бир неча сарв дарахтини аравага юклаб, “Жаҳоноро” боғига олиб кетаётган бўлади. Шунда Жомий ундан ёғочларнинг нечталиги сўрайди, у эса улар 104 та эканини айтади. Навоий бу ерда топқирлик қилиб, уларнинг сони “*қад*” сўзи билан муносиб эканини айтади. “*Қад*” сўзи абжад ҳисобида айнан 104 сонини билдиради. Бу ўринда сарв дарахтининг тик ўсиши, шунинг учун шеърятда ёрнинг қад-қомати сарвга ўхшатилиши, кўчатларнинг сони ҳам бунга мослигига ишора қилади. Жомий шогирдининг бу топқирлигига тахсинлар айтади.

369. Мир Шайхим – Амир Шайхим Сухайлий хиротлик машҳур шойрлардан. Навоийнинг яқин дўсти. У ҳақда “Мажолис ун-нафоис”да маълумот берилади.

6-ҳикоят Жомийга ҳурматсизлик қилган безори Маҳмуд Ҳабиб ҳақида. Навоий устозини хафа қилган бу девонасифат кишини жазолашни истайди. Бироқ Жомий: *“Ўзи жазосини топади”*, – деб, унга индамасликни афзал билади. Бир неча кун ўтмай, Маҳмуд Ҳабибни ўзига ўхшаган бир девона уриб ўлдиради. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Хотима” қисмидаги 3-ҳикоятда ҳам қайта баён этилган бу воқеа бизда яна бир ҳайрат уйғотганини батафсил ёзиб ўтган эдик.

7-ҳикоятда Хусайн Бойқаронинг ўғли Аҳмад Хусайн оламдан ўтганида Навоий форсий тилда бир байт марсия ёзиб, уни устозига секингина ўқиб бергани ва бу байтдан таъсирланиб, Жомий ҳам шу мазмундаги байт битгани ҳикоя қилинади. Султон бу байтнинг қораламасини олиб, таъзимлар билан уларни кузатиб кўяди.

8-ҳикоят. Жомий Навоийникига меҳмонга келганида шогирд устозининг дам олиши учун қулай бир чодир қурдириб беради. Бироқ ўша кеча қаттиқ шамол туриб, чодир ағанайди. Ҳамсуҳбатлардан бири: *“Ҳайф, бу яхши чодир эди. Энди пора-пора бўлди. Буни тиккан тикувчилар энди нима дер экан?”* – дейди. Жомий эса ҳазиллашиб: *“Нима дерди, кошки, бу шумқадам муллалар бизникига келмасайди, дейди-да!”*, – деб жавоб қайтаради.

9-ҳикоятда Навоийнинг давлат ишларидан безор бўлиб, мансабни тарк этмоқчи бўлган пайтларида Жомий бунинг сабабини сўрагани ва ўзаро савол-жавобдан бу хатти-ҳаракат устозига номақбул эмаслигини билиб, кўнгли хотиржам бўлгани ҳикоя қилинади.

10-ҳикоятда Соғарий³⁷⁰ деган шоир билан Жомий кўп ҳазиллашиб туриши ҳикоя қилинади. Соғарий ўз шеърини одамлар олдида бағоят дабдаба билан ўқийди. Ҳатто, Навоий унинг шеър ўқишини Жомийга мақтайди. Бироқ Жомий Соғарий шунчаки ўйин кўрсатаётгани, аслида шеърлари маъносиз эканини таъкидлаб, худди шу мазмундаги бир ҳазил қитъа айтади.

11-ҳикоят ҳам – Соғарий билан боғлиқ. У Навоий қаламига мансуб бир маснавийга татаббуъ ёзиб, муаллифга ўқиб беради. Аммо Навоий татаббуъда грамматик хато борлигини таъкидлайди. Соғарий эса Жомий ҳам худди шундай эътироз билдирганини айтади. Навоий шу ўринда устози билан ўзи ўртасида яна бир

370. Соғарий – Ҳирот шоирларидан бири. Навоий у ҳақида “Мажолис ун-нафоис”да маълумот беради.

таворуд содир бўлганини ёзади. Бундан ташқари, у: *“Соғарий бир маснавий байтида шунча хато қилса, улуғ ишларга қандай қўл ураркин?”* – деб шоирни танқид қилиб ҳам ўтади.

12-ҳикоят – Навоий хизматида бўлган Хожа Дехдор³⁷¹нинг ажойиб феъл-атвори ҳақида. Улуғ шоир баъзан Хожа Дехдор орқали Жомийга пул, совға-салом, турли ноз-неъмат, таомжўнатиб турган. Бироқ Хожа Дехдор айрим пайтлар омонатга жиндак хиёнат қилар, *“оёқ ҳақи”* деб таомлардан уриб қолар ё олиб борган овқатдан ўзи паққос тушириб кетар экан. Бу ҳикоятда ана шу шахснинг кирди-корлари очилган, Жомий томонидан ҳазиломуз тарзда ёзилган бир рубоий ва тўртта қитъа ҳам келтирилган.

13-ҳикоятда баён этилишича, Навоий Жомийнинг бир девонини замоннинг хушнавис котибларидан бири – Мавлоно Абдусамадга бериб ундан нусха кўчиришни буюради. Иш битгач, китобни муаллифнинг ўзига бериб, хатоларини кўриб чиқишни сўрайди. Эртаси кун котибнинг чексиз хатолар қилгани, ҳатто, баъзи байтларни тушириб қолдиргани маълум бўлади. Шунда, Навоийнинг илтимосига кўра, Жомий ўз қўллари билан барча нуқсонларни тузатиб чиқиб, девоннинг охирига: *“Бир хушнавис котиб менинг сўзларимни нечоғли бузган бўлса, мен унинг чиройли хатига шунчалик қусур етказдим”*, – мазмунида бўлган қуйидаги қитъани ёзиб қўяди:

*Хушнависе чу орази хубон
Суханамро ба хатти хуб орошт.
Лек ҳар чо дар ўзи саҳви қалам
Гоҳ чизе фузуду гоҳе кост.
Кардам ислоҳи он бо хати хеш,
Гарчи н-омад чунончи дил мехост.
Ҳар чи у карда буд бо суханам
Ба хати у қусур кардам рост³⁷².*

Таржимаси: Бир хати чиройли (котиб) гўзаллар юзидек қилиб, Сўзларимни безаб чиқди.

371. Хожа Дехдор – исми Ғиёсиддин Муҳаммад. Навоий ва Жомийнинг яқин мусохибларидан, шоир.

372. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 25.

*Лекин у ҳар жойда қалами хатоси билан,
Гоҳ бир нарса орттирди, гоҳо эса тушириб қолдирди.
Мен ўз хатим билан уни тузатиб чиқдим.
Гарчи ноқулай эса-да, кўнгил тилагандек бўлди.
У менинг сўзларимни не чоғлик бузган бўлса,
Мен унинг хатига шундай қусур етказдим.*

14-ҳикоят – шогирдлик одоби ва Яратганнинг бир инояти ҳақида. Бир куни Жомий Навоийникига келганда, эътибори ҳовлидаги товусларга тушиб, гап табиатнинг ана шундай жонивори хусусида кетади. Шунда Жомий халқ орасида товусларнинг ўзаро қовушмаслиги, эркагининг кўзидан бир қатра сув оқиб, шундан тухум пайдо бўлиши ҳақида гап борлиги, бу ҳақиқатдан йироқ эмаслиги, буни Ҳиндистонда бўлган буюк шоир Хусрав Дехлавий ҳам баъзи рисоаларида ёзганини айтади. Навоий бу гаплар ғирт ёлғон эканини биларди. Аммо ҳурмат юзасидан устозига ҳеч нарса демайди. Жомий шогирдининг нега жавоб бермагани сабабини сўрагандан кейин ноиложликдан: *“Ҳиндистон товуслари шундай бўлса керак”,* – деб қутулиб қўя қолади. Шу пайт, каромат юз бергандек, товуслар қўшилиб, масала ўз ечимини топади. Жомий эса қулиб: *“Мундоқ иттифоқий иш оз воқеъ бўлмиш бўлғай, шубҳа рафъ бўлуб, муддао исботи зоҳир бўлди”*³⁷³, – дейди.

15-ҳикоят ҳам – устоз-шогирд ўртасидаги ўта нозик муносабат хусусида. Жомийнинг Сафииддин Муҳаммад деган ўғли вафот этганда Навоий кўнгил сўраш учун бир гуруҳ ҳамроҳлари билан устози ҳузурига боради. Бироқ у ўғлидан айрилган отага тасалли берадиган бир сўз ҳам айта олмайди. Шериклари ҳам ўзларини Навоийга тобе тутиб туришади. Кўнгил сўраш вақти ўтиб, шоир хижолатга туша бошлайди, ниҳоят: *“Бақои ҳаёти шумо бодо”*³⁷⁴, – сўзларини абжадда ҳисоблаб, устига рақамларини ҳам тушириб ёзиб устозига беради. Жомий эса бу таърихни шеърга солиш кераклигини айтади. Шу ўринда асарда Жомий ёзган шеър ҳам келтирилган.

16-ҳикоятда баён этилишича, бир куни устоз-шогирд суҳбатида

373. Ўша нашр. – Б. 26.

374. “Бақои ҳаёти шумо бодо” – “Умрингиз боқий бўлсин”. Абжад ҳисобида 880 чикади. Демак, Жомийнинг ўғли хижрий 880, милодий 1475 йили оламдан ўтган.

Анварийнинг қасидаси ҳақида сўз кетади. Жомий бу қасида бир адабий мўъжиза эканини айтади. Шу ўринда Навоий мулоҳаза қилиб кўриш учун қасидадан бир байт ўқийди. Жомий эса аллақачон бу қасидага ёзиб қўйилган жавобни Навоийга тутқзади. Бундан хайратга тушган Навоий Жомийнинг жавоби ҳақиқий мўъжиза эканини ҳаяжон билан ёзади.

17-ҳикоят устоз-шоғирд муносабатларининг яна бир муҳим жиҳатини ёритишга хизмат қилади. Навоий “Нафаҳот ул-унс...”ни мутолаа қилаётганида важд билан боғлиқ мураккаб бир тасаввуфий масалага дуч келади. Аввал бу масала юзасидан Мавлоно Муҳаммад Табодгонийга мурожаат қилади. Табодгонийдан тегишли жавоб олгач, Навоий бу масалани устози Жомий олдида ҳам ўртага ташлайди. Жомийдан ҳам бир хил жавобни эшитганида унинг хурсандчилиги бирга ўн, балки юз ҳисса ошади.

“Аввалги мақолат”даги ҳар бир ҳикоятда Жомий ва Навоий муносабатларининг яна бир қирраси очилади. Бу бобдаги 1-, 2-, 4-, 5-, 7-, 13-, 15-, 16-, 17-ҳикоятларда адабиёт, ижод, бадий дид масалалари ва бу борадаги икки қалам соҳибининг, одатда, бир-бирларидан беҳабар ҳолда ўзаро ҳамоҳанг фикрларни ифода этишлари акс эттирилади.

3-, 6-, 9-, 14-ҳикоятларда эса Жомий ва Навоийнинг турли ҳаётий масалаларда ўзаро фикрлашиб, маслаҳатлашиб туриши ёритилади. Бунда кўпроқ Жомий сиймоси Навоийнинг энг яқин сирдоши, дўсти, маслаҳатгўйи сифатида намоён бўлади.

8-, 10-, 11-, 12-ҳикоятларда эса Навоий кўкларга кўтарган Жомий ҳам сизу биз каби оддий бир инсон экани, жумладан, унинг ҳазил-мутойибага мойил бўлгани ҳам кўрсатилади. Навоий, айниқса, Жомийнинг Мавлоно Соғарий ва Хожа Деҳдор билан мутойиба қилиши, ҳатто, улар ҳақида ҳазиломиз шеърлар ёзганини яхши хотиралар билан тилга олади.

Хулоса қилиб айтганда, икки буюк ижодкор муносабатларининг нозик жиҳатларини ўзида акс эттирган “Аввалги мақолат” “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг энг қизиқ ва энг ҳаётий бобларидан бири ҳисобланади. Шубҳасиз, турли-туман реал, ҳаётий воқеаларга бой бўлган бу мақолат навоийшунослар учун ҳам, жомийшунослар учун ҳам ноёб бир манба бўлиб хизмат қилади.

“Иккинчи мақолат”ни Навоий: “Ул Ҳазрат била бу фақир орасида ўтган руқъалар бобидаким, ул руқъалар ҳоло аларнинг куллиётида мазкурдур ва муншаотлар орасида мастурким, бу фақир жавоб битибмен ё акси”³⁷⁵, – деб бошлайди. Шундан билса бўладики, икки ижодкор орасида битилган мактублар фақат “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” да эмас, балки Жомий куллиётида ҳам бор. Юқорида келтирилган факт билан Навоий яна бир карра ўзининг жуда пишиқ олимлигини исботлайди.

“Иккинчи мақолат”ни, тўлиқ хатларга бағишланган боб, десак бўлади. Унда ҳар бир мактубнинг қаерда ёзилиб кимга жўнатилгани, битилиш сабаби, воқеалари тафсилотлари батафсил келтирилади. Шуларни ҳисобга олиб, бу бобдаги мактублар билан боғлиқ воқеаларни биз яна, шартли равишда, “ҳикоят” деб олдик. Шу маънода, “Иккинчи мақолат” да жами 13 та ҳикоят берилган. Уларнинг қисқача мазмуни билан бирма-бир танишиш фойдадан холи эмас.

1-ҳикоятда Навоий Марвдан туриб жўнатган мактубда келтирилган рубойи ва унга Жомийнинг жавоби берилади. Шунингдек, бу ерда Жомийнинг яна бир мактуби, унга Навоийнинг жавоби ва унга яна устоз жавоб тарзида битган икки байтдан бохабар бўламиз.

2-ҳикоятда баён этилишича, подшоҳ Марвдалигида Ироқдан Устод Ҳасан Ноийнинг вафот этгани ҳақидаги хабар етиб келади. Шунда Навоий Ҳазрат Мавлавий³⁷⁶ “Маснавийи маънавий”ининг биринчи байтини тазмин қилиб, Жомийга бу жудолик ҳақида хат ёзиб юборади. Жомий ҳам худди шу байтни тазмин қилиб, жавоб битади. Бу байт қуйидагича:

*Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад,
Аз чудоиҳо шикоят мекунад.*

Таржимаси: “Тингла найдин, чун ҳикоят айлагай,

375. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 29.

376. Мавлавий – Жалолиддин Румий (1207–1273). Тазмин қилинган байт Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарида олинган.

*Айрилиқлардин шикоят айлагай*³⁷⁷.

3-ҳикоятда ҳам ўша юриш пайтида Навоий ёзган хат ва бунга Жомийнинг жавоби баён этилади.

4-ҳикоятни батафсилроқ кўриб ўтишга тўғри келади. Бир куни Жомийнинг ҳузурида Хусрав Деҳлавийнинг “Дарёи аброр”³⁷⁸ қасидаси ҳақида сўз кетиб, Навоий уни роса мақтайди. Бироқ Жомий мажлис тугагунича ҳеч нима демагани учун устозининг олдида Хусрав Деҳлавийни бунчалик таърифлаганига хижолат чекади.

Ўша вақтларда подшоҳ, яъни Ҳусайн Бойқаро Марвга жўнайтиди. Бир неча кундан сўнг Навоийнинг ҳам подшоҳ кетидан сафарга чиқишига тўғри келади. У Жомийнинг ҳузурига ижозат сўраш учун борганида, устоз унга “Дарёи аброр” жавобида битилган “Лужжат ул-асрор”³⁷⁹ қасидасини тутқзади. Тўққиз работлик масофага йўлга чиққан Навоий от устида қасидани ўқиб чиқади ва хаёлига “Тухфат ул-афкор”³⁸⁰ қасидасининг матлаъи келади. Шу матлаъни қоғозга тушириб, Жомийга маъқул бўлса, асарни тугатишини ёзиб, бир бек орқали жўнатади. Устозидан ҳам, албатта, тугатиш зарурлиги ҳақидаги мақтовлар билан ёзилган жавоб келади. Марвга етгунча шоир “Тухфат ул-афкор”ни ёзиб тугатади. Уни устозига бағишлайди.

Ҳикоятда учала асарнинг ҳам матлаълари берилади. Шунингдек, муаллиф “Тухфат ул-афкор”нинг иккинчи кўшмисрасини ҳам атайлаб келтиради. Байтдаги *“Яъми жумъа шаҳри ражаб”* сўзларидан асарнинг ражаб ойининг жума кунларидан бирида, абжад ҳисобида эса шу ифодадан асарнинг ёзилган йили ҳижрий 880, милодий 1475 йили битилганини билиб оламиз. Ҳикоятда Навоийнинг ўзи бу ажойиб сирдан ўқувчини воқиф этади.

5-ҳикоят ҳам – “Тухфат ул-афкор” билан боғлиқ. Асар битгач, Навоий уни Марвдан Жомийга жўнатади. Устози қасидани ўқиб, унга тасаннолар айтиб, мактуб йўллайди ва қасида билан табрик-лаш маъносида бир бўрк билан сочиқ юборади.

377. Мавлоно Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Форсийдан Ўзбекистон Республикаси халқ шоири Жамол Камол таржимаси. 1-китоб. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001. – Б. 25.

378. “Дарёи аброр” – “Пок кишилар дарёси”.

379. “Лужжат ул-асрор” – “Сирлар дарёсининг чуқур жойи”.

380. “Тухфат ул-афкор” – “Фикрлар тухфаси”.

“Тухфат ул-афкор” шуҳрат тутгач, Ҳусайн Бойқарога ҳам етиб боради. Шунинг учун Навоий подшоҳнинг муборак отларига бағишлаб, қасидага яна бир татаббуъ қилишни истади ва унинг матлаъсини, худди ўтган сафардагидек, Марвдан Жомийга жўнатиб, бу гал ҳам у кишидан ижозат олади. Жомий бу сафар ҳам шогирдини қўллаб-қувватлаб, шеърлар билан безалган жавоб мактуби жўнатади.

6-ҳикоятда Навоий давлат хизматида бўлган пайтларида бу масъулиятдан халос бўлиш истагини билдириб, устозига мурожаат қилгани, Жомий эса ҳар сафар унга насиҳатлар айлаб, ишлаб туриш кераклигини уқтириб келганини ёзади. Бир куни Мурғоб атрофида хизмат машаққатларидан азоб чекканида устозидан яна нажот сўраб, бир рубоий жўнатади. Жомий ҳам насиҳатомиз сўзлар битилган бир рубоий билан жавоб йўллайди.

7-ҳикоятдан билиб оламизки, Жомий Макка сафарига жўнаганида Бағдоддан хат йўллайди. Мактубнинг бошида бир ғазал ҳам келтирилади. Навоий унга татаббуъ қилиб ғазал ёзади ва ёнига яна бир рубоий битиб, устозига жўнатади. Маккадан қайтишда Жомий ҳам Ҳалабдан бу хатга жавоб битиб, бир рубоий ҳам ёзиб, шогирдига йўллайди.

8-ҳикоят мазмунига қараганда, Жомий ҳаж зиёратидан қайтиб келганида Ҳусайн Бойқаро Балхда эди. Мантиқан, Навоий ҳам ўша ерда бўлган. Шу сабаб шогирд устозининг саломатлигини билиб келиш учун бир кишини Ҳиротга жўнатади. Қўлига табриклаш маъносидаги хат ҳам тутқазиб, унга бир рубоий ҳам илова қилади. Устоздан ҳам мактуб жавобида рубоий келади.

9-ҳикоятдан билиб оламизки, Кичик Мирзо³⁸¹ Навоийнинг Жомий номига атаб ёзган “Тухфат ул-афкор” қасидасидан куйидаги байтни Самарқандга, Хожа Носириддин Убайдуллоҳга³⁸² юборади:

Як назар фармо, ки мустасно шавам з-абнои ҷинс,

Саг чу шуд манзури Начмиддин³⁸³ сагоиро сарвар аст.

381. Кичик Мирзо – Миронпoх Мирзо(1489 – 1507)нинг ўгли. Онаси – Ҳусайн Бойқаронинг опаси Окобегим.

382. Хожа Носируддин Убайдуллоҳ – Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (1404–1498/99). Накшбандия тарикатининг XV асрдаги энг йирик раҳнамоси.

383. Бу ерда шайх Нажмиддин Кубро(1145–1226)нинг итга назар қилганида, ит ўзга ribs қолгани ва унинг атрофида 50–60 тача ит доим унга ҳамроҳ бўлиб юрганига ишора қилинапти. Бу воқеа Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат...”асарида батафсил

Мазмуни: “Бир назар ташла, тенгқурларимдан фарқли бўлай, Нажмиддиннинг назари тушган ит, ҳамма итларга бошлиқ бўлди”.

Кўпчилик Кичик Мирзонинг бу ишини мақтаб, дуо қилади. Баъзилар байтнинг мазмунини таърифлашади. Бироқ Мир Сарбараҳна³⁸⁴ бу байтга эътироз қилиб: “Сен камтарлик қилиб, ўзингни итга нисбат бериб, “абнойи жинс”ни, яъни бошқаларни ҳам итга ўхшатибсан”, – дейди. Навоий эса “абнойи жинс” деганда кўча-кўйдаги бошқа итларни назарда тутганини айтади. Бу жавобдан Мир Сарбараҳна таъсирланиб, кўз ёши билан шоирни дуолар қилади. Бу воқеа оғиздан-оғизга ўтиб, Жомийгача етиб боради. Устоз эса бу байт яхши ёзилгани, аммо муаллифнинг Мир Сарбараҳнага берган жавоби ундан ҳам устун эканини айтади. Одамлардан бу таърифни эшитган шогирднинг шодлигига шодлик кўшилади.

10-ҳикоятдан маълум бўлишича, Навоий Астробод йўлидаги Тахти Сулаймон деган даҳана, яъни чегаранинг кириш жойидан устозига бир рубой ёзиб юборади. Жавобига устоздан ҳам рубой келади. Чечакту атрофида Навоий устозидан яна хат олади. Асарда ёзишича, бу вақтларда Жомий бир хасталаниб, кейин тузалади. Устознинг тузалгани ҳақидаги хабар келганидан кейин Навоий яна хат ёзиб, унга жўнатади.

11-ҳикоят муҳим бир драматик ҳолатни ойдинлаштиради. Хусайн Бойқаро Қундуз вилоятига лашкар тортганида Жомий Навоийга, имкон борида, подшоҳни бу ниятдан қайтаришни уқтиради. Бироқ бу иш амалга ошмай, Тахти Хотун деган жойдан йўлга чиқишга қарор қилинади. Шунда Навоий бу ҳақдаги хабарни устозига шеър билан ёзиб жўнатади. Жомийдан ҳам жавоб келади. Шибирғондан устоз яна мактуб йўллайди. Шогирд ана шундай хатлар билан уни йўқлаб туришини устозидан сўраб, хат жўнатади.

12-ҳикоят ҳам устоз-шогирд ёзишмалари ҳақида. Навоий Анд-хунд вилоятида эканида устозидан мактуб келади. У ҳам хурсандчилик билан устозининг хатига жавоб йўллайди.

13-ҳикоятдан аниқлашадики, Хусайн Бойқаро Навои линч иш билан Мурғобдан Машҳадга юбориб, Ҳиротга кетилишни буюради. Шу сабаб устоз-шогирд кўришолмай ёритилган.

384. Мир Сарбараҳна – асли туркистонлик бўлган Ҳирот шо

Шунда Жомий афсуслар билан хат жўнатади. Ўз ўрнида Навоий ҳам унга жавоб йўллайди.

“Иккинчи мақолат”даги ҳикоятлар мазмунига кўра, шартли равишда, учга бўлинади:

1. Марв билан бевосита боғлиқ 1-, 2-, 3-, 4-, 5-ҳикоятлар. Шунинг учун ҳам муаллиф бу ҳикоятларни кетма-кетликда ёзади.

2. Жомийнинг ҳаж сафари пайтида ўзаро ёзишмалар акс этган 7-, 8-ҳикоятлар.

3. Устоз ва шогирднинг турли жойлардан бир-бирига ёзган мактубларига бағишланган 6-, 10-, 11-, 12-, 13-ҳикоятлар.

Юқоридаги рўйхатга кирмай қолган мақолатдаги 9-ҳикоят алоҳида диққат талаб қилади. У, назаримизда, “Иккинчи мақолат” талабларига унчалик мос тушмайди. Ҳикоятда Навоийнинг “Тухфат ул-афкор” қасидаси ҳақида гап кетгани учун бу ҳикоят, қайсидир маънода, мақолатдаги 4-, 5-ҳикоятлар билан боғланади. Бироқ ҳикоятда Жомий ва Навоийнинг ўзаро ёзишмаси йўқ. Ундаги ягона хат билан боғлиқ воқеа бу – Кичик Мирзонинг Хожа Носириддин Убайдуллоҳга жўнатган мактуби. Фикримизча, 9-ҳикоят “Аввалги мақолат” таркибида келаганида мақсадга мувофиқроқ бўлар эди. Чунки икки буюк ижодкор муносабатлари, улар орасида бўлиб ўтган турли воқеалар айнан шу мақолатда акс эттирилган. Бу мулоҳазани Навоийнинг асарда амал қилган ўта жиддий қатъиятлари, асар композициясидаги пухта-пишиқликдан келиб чиқиб билдирыпмиз.

Умуман, “Иккинчи мақолат”даги ёзишмалардан Жомий ва Навоий муносабатларининг яна бир қирраси намоён бўлади. Ўзаро ҳурмат, соғинч билан ёзилган бу хатларда устоз ва шогирднинг қалбан бир-бирига нақадар боғланиб қолганини яққол кўрамыз. Бундан ташқари, бу мактублар шунчаки ёзишмалар эмас, балки шеърини сатрлар билан тўлиб-тошган ҳақиқий бадиий санъат асарлари сифатида ҳам қайта-қайта ўқиладеради.

“Учинчи мақолат” айнан нимага бағишланишини муаллиф “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Бисмилло...”сидаёқ маълум қилган эди. Чунки худди шу ерда Навоий ҳар бир бобда нималар ҳақида сўз юритишини алоҳида-алоҳида баён этиб ўтган. Масалан: “Учинчи мақолат – кутуб ва расоил бобидаким, аларнинг мусанна-

фотидур ва бу фақир аларнинг таълифиға боису таснифиға сабаб бўлбмен ва бу маъни ҳамул кутубнинг кўпроғида зоҳирдур³⁸⁵, – деб ёзади. Бундан ташқари, биринчи ва иккинчи мақолатларнинг бошланишида муаллиф яна бир карра шу бобга қўйилган вазифаларни эслатиб ўтади. Бироқ, негадир, у “Учинчи мақолат”ни тўғридан-тўғри бошлайди.

Умуман олганда, бу мақолат Жомийнинг китоб ва рисоалари таҳлилига бағишланган. Аслида, уни, тўлалигича, адабиётшунослик ва фан тарихи соҳасига дахлдор, деса бўлади. Бироқ Навоийнинг бу таҳлили шунчаки таништирувдангина иборат эмас, балки унда бир буюк қаламкаш ижодига унга замондош ва ҳамнафас иккинчи бир улуғ ижодкорнинг нуқтаи назари ҳам акс этган.

Мақолатда дастлаб муаллиф Жомий асарларини бирма-бир санайди:

1. “Шавоҳид ун-нубувват”³⁸⁶. 2. “Нафаҳот ул-унс”³⁸⁷. 3. “Нақд ун-нусус”³⁸⁸. 4. Нақшбандия хожалари йўлида ёзилган рисола. 5. “Ашиъат ул-ламаъот”³⁸⁹. 6. “Фусус”³⁹⁰ шарҳида битилган рисола. 7. Мавлоно Румий “Маснавий”ининг икки байтига ёзилган рисола. 8. “Лавомеъ”³⁹¹. 9. “Лавоеҳ”³⁹². 10. Ибн Фориз қаламига мансуб

385. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 9.

386. “Шавоҳид ун-нубувват” (“Пайгамбарлик шохидлари”) асарида пайгамбарлар ҳаётига оид маълумотлар ва ривоятлар келтирилади.

387. “Нафаҳот ул-унс...” (“Дустлик ислари”) – Жомийнинг тасаввуф шайхлари ҳақидаги тазкираси.

388. “Нақд ун-нусус” (“Хужжатлар сараси”) – 1458/59 йили ёзилган бу асарида Жомий тасаввуфга оид Ибн ал-Арабий номи билан машҳур бўлган Муҳиддин Арабий(1165 – 1240)нинг фалсафий рисоаларини шарҳлайди.

389. “Ашиъат ул-ламаъот” (“Порлоқ шугъалар”) – буюк суфий шоири Фаҳриддин Ирокий Ҳамадоний (1217–1289) қаламига мансуб “Ламъаот” асарига фалсафий ва адабий шарҳлар.

390. “Фусус” – Жомийнинг бу асари “Нақш фусус” деб ҳам юритилади, Ибн ал-Арабий фалсафасининг моҳиятини белгилаб берувчи 1229 йили Дамашқда ёзилган “Фусус ул-хикам” (“Ҳикматларнинг нақшн қимматбахо тоши”) номли асарига битилган шарҳлардан иборат.

391. “Лавомеъ” (“Ялтироқликлар”) – “Лавомеъ фи шарҳ ал-Ҳамрия”. 1470/71 йили яратилган Жомийнинг бу асари араб тасаввуф шоири Ибн ал-Фориз номи билан танилган Шарафуддин Умар ибн Али ал-Мисрий ас-Съдий(1181 – 1234/35) ёзган машҳур “Май қасидаси”га шарҳлардан иборат.

392. “Лавоеҳ” (“Равшанликлар”) – тасаввуф қондалари шарҳига бағишланган асар.

“Тоия”³⁹³ асарининг баъзи байтлари шарҳланган рисола. 11. Рубойлар шарҳи³⁹⁴. 12. Хусрав Деҳлавий байтига ёзилган рисола. 13. Ибн Заррин ул-Уқайлий ҳадисига шарҳ битилган рисола. 14. Ҳазрати Хожа Муҳаммад Порсо сўзларидан жамлаган рисола³⁹⁵. 15. “Арбаъин ҳадис”³⁹⁶ таржимаси. 16. Сўфий, нотиқ ва ҳақимлар таълимоти таҳқиқига бағишланган рисола. 17. Вужуд ҳақида рисола³⁹⁷. 18. “Маносики ҳаж” рисоласи³⁹⁸. 19. “Ҳафт авранг”³⁹⁹: 1) “Силсилат ул-захҳаб”⁴⁰⁰; 2) “Саломон ва Абсол”; 3) “Тухфат ул-аҳрор”⁴⁰¹; 4) “Субҳат ул-аброр”⁴⁰²; 5) “Юсуф ва Зулайхо”; 6) “Лайли ва Мажнун”; 7) “Ҳирадномаи Искандарий”.

20. “Баҳористон” китоби. 21. Муаммо фанида ёзилган рисоалар: 1) “Ҳулият ул-хулал”⁴⁰³; 2) “Мутавассит”⁴⁰⁴; 3) “Сағир”⁴⁰⁵; 4) “Манзуми асғар”⁴⁰⁶. 22. Аруз бобида рисола⁴⁰⁷. 23. Қофия ҳақида рисола. 24.

393. “Тоия” рисоласи Ибн ал-Форизнинг қофия ё радифи “т” ҳарфи билан тугалланадиган байтларига шарҳлардан иборат.

394. Жомий бу асарда ўзининг фалсафий карашларини талкин қилувчи рубойларини йиғиб, уларнинг ҳар биридаги тимсолларнинг тасаввуфий моҳиятини очиб беради.

395. Бу асарда тасаввуф назариятчиларидан “*Хожа Порсо*” лақаби билан машҳур бўлган Шамсиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Махмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий (вафоти 1414 йил) ҳикматли сўзлари жамланган.

396. 1481/82 йили яратилган бу асарда Жомий Муҳаммад (с. а. в.)нинг 40 та ҳадиси маъно-моҳиятини рубой шаклида баён этган.

397. Бу рисолада Жомий “вужуд” тасаввуфий атамасини шарҳлаб берган.

398. Ҳаж қондалари.

399. “Ҳафт авранг” (“Етти тахт ёки Катта айиқ юлдузлар туркуми”) – Жомий аввалига Низомий ва Хусрав Деҳлавийлар изидан бориб, “Хамса” яратишга киришади. Кейинчалик беш дoston каторига яна икки дostonни киритади. Натижада, аслида, “Хамса”ларга жавоб тарзида ёзилган етти китобдан иборат дostonларига “Ҳафт авранг” деб ном беради.

400. “Силсилат ул-захҳаб” (“Олтин занжир”) дostonи 1472 йили газнавийлар шоири Санойининг “Ҳадиқат ул-хақойиқ” (“Ҳақиқатлар боғи”) асари муқобаласида яратилган.

401. “Тухфат ул-аҳрор” (“Ҳимматлилар туҳфаси”) дostonи номида Жомийнинг тариқат бобидаги пири Хожа Аҳрорга ишора бор. Асар фалсафий, ижтимоий ва ахлоқий (дидактик) масалаларга бағишланган 20 мақоладан иборат.

402. “Субҳат ул-аброр” (“Покиза зотлар тасбеҳи”) – дostonда тасаввуф йўлидаги мақоматлар тавсифи берилади.

403. “Ҳулият ул-хулал” – “Безакли либослар”.

404. “Мутавассит” – “Ўртача”.

405. “Сағир” – “Кичик”.

406. “Манзуми асғар” – “Жаҳожки назм”.

407. Ушбу асар Д. Юсупова таржимасида ўзбек тилида нашр этилди. Қаранг:

Муסיқа илмига бағишланган рисола. 25. “Муншаот” (“Мактублар”) тўплами. 26. Девонлари: 1) “Фотиҳат уш-шабоб”⁴⁰⁸; 2) “Воситат ул-икд”⁴⁰⁹; 3) “Хотимат ул-ҳаёт”⁴¹⁰.

Шундай қилиб, Навоий биринчи ўринда Жомийнинг диний-тасаввуфий йўналишдаги илмий ва илмий-бадий асарларини санайди. Булар 18 тани ташкил этади. Иккинчи – 7 дostonдан иборат “Ҳафт авранг”. Учинчи – пандона, илмий-адабий ва муסיқий асарлари. Улар 9 тани ташкил этади. Тўртинчи – девонлари (3 та). Шу тариқа жами 37 асар тилга олинади.

Навоий Жомий асарларини бирма-бир санаб бўлгач, ёзилишига ўзи сабабчи бўлган асарлар ҳақида батафсил тўхталади.

Хожа Абдуллоҳ Ансорий сўфий шайхларни беш табақага бўлиб, уларнинг ҳар йигирматасини бир табақа қилиб, “Табақоти машойихи суфия” (“Сўфий шайхлар табақалари”) деган китоб ёзади. Унда жами юз киши тилга олинади. Кейин Шайх Фаридиддин Аттор “Тазкират ул-авлиё”, Шайх Абу Абдурахмон Суллабий эса “Табақоти Суллабий” деган тазкиралар ёзишади. Бироқ Навоий улардан кейинги тўрт-беш юз йил ичидаги авлиё зотлар ҳақида батафсил бир китоб йўқлигидан афсус чекиб, бундай улуғ ишни фақат Жомий амалга ошириши мумкинлигини тушунади. Қайта-қайта ўйлаб, минг хижолат билан ўз таклифини устозига айтади. Қизиғи, Жомий ҳам аллақачон шу фикрда бўлиб, фақат ишни турли сабаблар туфайли пайсалга солиб юрган бўлади. Навоийнинг турткиси билан қисқа муддатда “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс” (“Дил муқаддасликларидан эсган дўстлик бўйлари”) деб номланган тазкирасини ёзиб тугатади. Жомий асарнинг ҳар бир битган қисмини Навоийга беради ва улар биргаликда маттни кўриб чиқишади. Шуларни ҳикоя қила туриб, Навоий “Нафаҳот ул-унс...”нинг феҳристида ёзилган асарнинг яратилиш тарихи, бунга Навоий сабабчи бўлгани ҳақида Жомий ўзи битган сўзларни келтириб ўтади.

Кейинроқ Навоийнинг таклифи билан Жомий “Шавоҳид ун-нубувват ли тақвияти яқини аҳл ил-футувват” (“Пайғамбарлик

Абдурахмон Жомий. Рисолаи аруз. – Тошкент: Гамадун, 2014.

408. “Фотиҳат уш-шабоб” – “Ёшлиқнинг бошланиши”.

409. “Воситат ул-икд” – “Ўрта ёшлиқнинг инжулари”.

410. “Хотимат ул-ҳаёт” – “Ҳаёт хотимаси”.

шоҳидлари, эътиқод аҳлининг художўйлиги”) асарини ёзади. Қизиғи, бу мавзуда ҳам бир китоб таълиф этиш аввалдан Жомийнинг режасида бўлган. Бироқ Навоийнинг таклифи билангина Жомий бу улуғ ишга киришган.

Навоийнинг Жомий ижодига бу қадар улкан таъсирини, бизнингча, бу мисоллардан кейин ҳеч ким рад этолмаса керак. Энг муҳими, устоз ва шогирд жамият учун қандай китоб зарурлигини бир-бирига алоқасиз равишда англашган ва улар шу бўшлиқни биргаликда тўлдиришга интилишган.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин” да муаллиф воқеаларни ҳикоя қилар экан, ўз анъанасига кўра, “Шавоҳид ун-нубувват”нинг феҳристидан парча келтиради. Мақолатдаги кейинги иқтибос Жомийнинг “Баҳористон” асаридан олинган. Унда Навоийга таъриф берилиб, унинг исмига битилган муаммо келтирилади. Бу кўчирмада устознинг шогирдига берган куйидаги таърифи, айниқса, диққатга молик: “...*Ва агарчи вайро ба ҳасаби қуввати табиат, вусъати қобилият ҳар ду навъ шеър – туркӣ ва форсӣ муяссар аст, аммо майли табъи вай ба туркӣ аз форсӣ бештар аст ва ғазалиётти вай ба он забон аз даҳ ҳазор зиёда хоҳад буд ва маснавиётте, ки дар муқобалаи “Хамса”и Низомӣ вуқуъ ёфта – ба си ҳазор наздик ва ҳамоно ки ба он забон пеш аз вай касе шеър нагуфтааст ва гавҳари назм насуфта...*”⁴¹¹. Таржимаси: “*Агарчи унга табиий қуввати ва қобилияти кенглиги жиҳатидан икки хил шеър – туркий ва форсий муяссар бўлса ҳам, аммо туркий сари мойиллиги ортиқроқ ва унинг ғазаллари у тилда ўн мингдан зиёд бўлиши керак. Низомий “Хамса”сига жавобан ёзган маснавийлари ўттиз мингга яқин*”⁴¹². *Айтиш керакки, у тилда ундан аввал ҳеч ким шеър айтмаган*”⁴¹³ ва назм гавҳарини тешмаган...”.

Жомий асарларидаги парчаларни иқтибос қилиб ўтгандан кейин Навоий ўзи ёзган “Мажолис ун-нафоис” асарининг учинчи мажлисида Жомийга берилган таърифни келтириб ўтади. Сўнг муаллиф устози “Арбаъин ҳадис”ни ёзиб, шу қораламани унга

411. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 53.

412. Жомий бу ерда байтлар микдорини назарда тутмоқда. Навоий “Хамса”си – 25.615 байт.

413. Жомий бу ерда “*Бу қадар юксак даражада шеър ёзмаган*” демокчи бўлган.

бериб тургани, бундан илҳомланиб, шоир кўнглида уни ўзбекчага таржима қилиш орзуси туғилганини айтади. Шундай қилиб, Навоий устозидан рухсат теккан куниеъ асарни ўгиради.

Маълумки, “Арбаъин” сўзи “Қирқлик” деган маънони англатади. Жомий Муҳаммад пайғамбар(с. а. в.)нинг 40 та ҳадисини танлаб, ҳар бирининг маъно-мазмуни асосида форсийда рубоийлар битади. Нега айнан 40 та? Бу зимдан тасаввуфдаги чилла (40 кун) ўтириш анъанаси билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Навоий қаламига мансуб “Арбаъин”нинг ўтган асрда кўчирилган қўлёзма нусхаларида аввал ҳар бир ҳадиснинг араб тилидаги асл шакли, кейин унинг Жомий қаламига мансуб шеърӣ талқини, сўнг эса Навоийнинг Жомий матнидан қилган туркий таржимаси берилган.

Навоий сўфийликни ўрганаётган пайтларида Шайх Фахриддин Ироқийнинг “Ламаъот” (“Шуълалар”) асарини обдон ўзлаштиришни ният қилади. Унинг таклифи билан Жомий шу асардан сабоқ беришга киришади. Бир неча дарсдан кейин изоҳга эҳтиёж сезилади ва устоз Шайх Ёр Али ва бошқа олимлар асарларига мурожаат қилади. Бироқ ёзилган кўпгина шарҳлар уларнинг эҳтиёжларини қондирмайди. Шунда Навоийнинг таклифи билан Жомий “Ламаъот” шарҳига бағишланган “Ашиъат ул-ламаъот” (“Шуълаларнинг порлаши”) асарини ёзади. Навоий бу асарни ўқувчиларга таърифлар экан, бундай шарҳ битиш замоннинг камдан-кам одамига насиб этиши, аниқроғи, ҳеч бирига насиб этмаганини алоҳида фахр билан таъкидлаб ўтади.

Кунларнинг бирида Навоийнинг хаёлини муаммо фани банд қилади. У устозига бу соҳада Шарафиддин Али Яздийнинг⁴¹⁴ буюк хизматлари борлигини, бироқ кейинги пайтларда бу фанда турли янги қоида ва истилоҳлар пайдо бўлганини таъкидлаб, ундан муаммо қоидалари ҳақида батафсил бир китоб ёзиб беришни сўрайди. Жомий эса: “*Сен бунинг ташвишини тортма*”, – деб, икки-уч кун ичида шеърӣ бир рисола битади.

“Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” да айтилишича, устоз асарнинг қисқа бўлишига ҳаракат қилгани учун рисола анча мураккаб ва

414. Шарафиддин Али Яздий (вафоти – 1454 йил) – XV асрнинг машҳур тарихчиси, Соҳибкирон Амир Темур юришлари ҳақидаги йирик “Зафарнома” асарининг муаллифи. Унинг “Хулалӣ мутарраз” (“Наҳшлар тикилган шойӣ”) асари муаммо фани қоидаларини баён этишга бағишланган.

сиқиқ чиқади. Бу фан билан янги шуғулланаётган одам асарни тушунишга анча қийналади. Шу сабаб Навоий асарни бундан ҳам осонроқ ёзиш мумкинлигини айтиб, устозининг рухсати билан “Муфрадот”ни яратади. Жомий ўз фарзандини бу асарни ўқишга ундайди ва у шу рисола орқали муаммо фанини ўзлаштиради.

Навоий бунди, устозига ўз асари ёққаннинг ифодаси, деб билади ва воқеани фахр билан ўқувчиларга етказди.

Булардан кейин муаллиф устозининг дostonчиликка қўшган ҳиссаси, маснавийнавислик маҳоратига алоҳида тўхталади. Дастлаб “Ҳафт авранг” китобидан “Субҳат ул-аҳрор” дostonи Жомийнинг ихтироси экани, унинг баҳрида аввал ҳеч ким маснавий айтмагани, бу таркиб ва усул билан шеърӣ китоб яратилмаганини ёзади ва асардан парча келтиради. Сўнг ўзининг “Ҳайрат ул-аброр” дostonида устози васфида ёзган сўзларидан, Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” дostonидаги Навоий таърифида айтилган сўзлардан, яна ўзининг “Фарҳод ва Ширин” дostonида Низомий, Мир Хусрав ва Жомий мадҳида битганларидан, Жомийнинг “Лайли ва Мажнун” дostonида Навоий ҳақида ёзганларидан ҳамда ўзининг шу номдаги дostonида устози таърифида битганларидан, Жомий “Хирадномаи Искандарий” да Навоий ҳақида ҳамда Навоий “Садди Искандарий” да Жомий ҳақида ёзганларидан парчалар келтиради.

Мақолатдаги кейинги воқеа тафсилотида девонлар хусусида сўз кетади. Навоий Жомийга девонларга алоҳида-алоҳида ном қўйиш таклифини айтади. Шу таклиф билан Жомий ўз девонларининг ҳар бирига алоҳида-алоҳида ном беради. Шу билан бирга, Жомий феҳриста “ҳамд” ва “наът”дан сўнг бу улуғ ишга Навоий сабабчи бўлганини алоҳида қайд этади. “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” да бу парча келтирилган.

Ўз навбатида, Жомий ҳам Навоийга унинг туркий шеърлари кўпайиб кетгани, уларни саралаш кераклиги, шунингдек, девонларни номлаш зарурлигини айтади. Шу ўринда улуғ ўзбек шоири девонларига “Ғаройиб ус-сиғар” (“Болалик ғаройиботлари”), “Наводир уш-шабоб” (“Ёшлик нодирликлари”), “Бадоеъ ул-васат” (“Ўрта яшарлик гўзалликлари”), “Фавойид ул-кибар” (“Қариллик фойдалари”) каби номлар берганини айтиб кетади. Бироқ

уларнинг ҳаммасини бирлаштириб, тўпلامга “Хазойин ул-маоний” (“Маънолар хазинаси”) деган умумий ном берганини қайд этмайди. Чунки “Хазойин ул-маоний”нинг охирги таҳрир ишлари 1498 йилга тўғри келади⁴¹⁵. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” эса 1494 йили ёзилган.

Кейинги ҳикоятда Навоийнинг мусиқа илмига ишқи тушгани, шу сабаб унга устози мусиқа ва адвор⁴¹⁶ ҳақида махсус рисола ёзиб бергани ҳақида сўз боради. Шу ўринда Навоий Марвда устозининг номига атаб, Хусрав Деҳлавийнинг “Дарёи аброр” қасидасига татаббуъ қилгани, 20 дан ортиқ байтни муаммо йўлида ёзиб жўнатганини ёдга олади. Шу шеърнинг матлағини, бундан ташқари, ўзининг бир ғазалига матлаъ бўлиб келган қуйидаги икки сатрни келтиради:

*Очмағай эрдинг жамоли олам оро, кошки,
Солмағай эрдинг бори оламға ғавго, кошки*⁴¹⁷.

Буни Жомий эшитиб, ҳаяжонга тушиб, шу баҳр, қофия ва радиф билан форсийда ғазал ёзади. Асар Хусайн Бойқарога ҳам маъқул тушади ва у Навойдан унга мусаддас боғлашни сўрайди. Ҳукмдорнинг бу илтимоси бажарилади. Шундай қилиб, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “Учинчи мақолат”и шу мусаддас матнини бериш билан якун топади.

Биз “Аввалги” ҳамда “Иккинчи” мақолатлардаги воқеаларни, шартли равишда, “ҳикоят” деб олган эдик. Бироқ “Учинчи мақолат”нинг қисмларида воқеавийлик – камроқ. Шу туфайли улардаги қисмларни “масалалар” деб юритсак, хато бўлмаса керак. Шундай қилиб, “Учинчи мақолат” 12 масалага бўлинади:

1. Жомий асарларининг рўйхати.
2. “Нафаҳот ул-унс...”нинг яратилиши.
3. “Шавоҳид ун-нубувват...”нинг ёзилиши.
4. “Баҳористон”да Навоий таърифи.
5. “Мажолис ун-нафоис”да Жомий таърифи.

415. Қаранг: Ўзбек адабиёти тарихи. 4 жилдлик. Ж. 2. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 86.

416. Адвор – мусиқа назарияси.

417. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 71.

6. “Арбаъин”нинг яратилиши.
7. “Ашиъат ул-ламаъот”нинг дунёга келиши.
8. Муаммо фани бўйича рисола ва “Муфрадот”.
9. “Хафт авранг” ва “Хамса” да Жомий ва Навоийга бағишланган байтлар.
10. Жомий ва Навоий девонларининг номланиши.
11. Жомийнинг мусиқа ва адвор ҳақидаги рисоласи.
12. “Кошки” радибли ғазалнинг ёзилиши билан боғлиқ воқеалар.

Юқоридаги масалаларнинг айримларини муаллиф бир-бирига чамбарчас боғлиқ ҳолда ҳикоя қилса, баъзиларини мазмунан алоҳида шаклда қаламга олади. Бироқ буларнинг ҳаммаси ўзаро бир-бирини тўлдириб “Учинчи мақолат” олдига қўйилган асосий талабни бажаради, умумий қилиб айтганда, икки ижодкор ўртасидаги ўта кучли адабий таъсирни ёритади.

Хуллас, “Учинчи мақолат” Жомий ва Навоий ўртасидаги муносабатларнинг яна бир муҳим қиррасини очиб беради. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг, айниқса, бу боби жомийшунослар учун ҳам, навоийшунослар учун ҳам ўта муҳим манба бўлиб хизмат қилаверади.

“Хотима” ҳам – “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Уни, шартли равишда, қуйидагича қисмга бўлсақ, назаримизда, хато қилмаган бўламиз:

1. Навоий Жомий ҳузурида ўқиган ва таълим олган китоб ва рисоалар рўйхати.

2. Жомийнинг кароматлари билан боғлиқ 5 ҳикоят.

3. Жомий вафотининг тафсилотлари.

4. Навоийнинг Жомийга атаб ёзган марсияси.

Дастлаб юқорида Навоий Жомий ҳузурида ўқиган ва таълим олган китоб ва рисоалар рўйхати берилади:

1. Жомийнинг “Қофия” рисоласи.

2. Яна Жомий “Муаммо”сининг “Хулият ул-хулал”дан кейинроқ битилган иккинчи рисоласи⁴¹⁸.

3. Жомийнинг “Аруз” рисоласи.

4. Жомийнинг “Лавоёҳ” рисоласи.

418. “Учинчи мақолат”да келтирилган Жомий асарлари рўйхатига кўра, тилга олинаётган бу рисола “Мутавассит” бўлиши керак.

5. Жомийнинг “Лавомеъ” рисоласи.
6. Жомийнинг “Шарҳи рубоиёт”и.
7. Жомийнинг “Ашиъа” рисоласи.
8. Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс...”асари.
9. Жомийнинг “Шавоҳид ун-нубувват” асари.
10. Хожа Муҳаммад Порсонинг “Қудсия” рисоласи.
11. Ироқийнинг “Ламаъот” асари⁴¹⁹.
12. Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг отаси тавсияси билан ёзган асари⁴²⁰.

13. Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг “Илоҳийнома”си.

14. “Хамса” билан “Ҳафт авранг”нинг кўпгина қисми қиёслаш йўли билан ўқилганда Навоий қулоқ тутиб турган ёки аксинча бўлгани тафсилоти.

15. Шунингдек, баъзи рисоаларни Навоий дарс олиш юзасидан Жомий олдида ўқимаган бўлса ҳам, тушунмаган жойларини устозидан сўраб, аниқлаштириб олгани тафсилоти.

Эътибор берсангиз, келтирилган бу рўйхатда Жомийнинг 9 та, “Ҳафт авранг”ни ҳам қўшсак, жами 10 та асари санаб ўтилади. Бундан Навоий ўрганган китоб ва рисоаларнинг аксарияти бевосита Жомийнинг ўзи ёзган асарлар экани маълум бўлади.

Асарлар рўйхатидан кейин Навоий Жомийнинг кароматлари билан боғлиқ 5 та ҳикоят келтиради. Биз бу ҳикоятларни батафсил кўриб ўтган эдик. Шунинг учун қуйида ҳикоятлар нималар ҳақида эканини қисқача эслатиб ўтамиз, холос:

1-ҳикоят – Сейидам Ироқий деган кишининг Жомийни тан олмаслиги ва унинг девонини ёқиб, оқибатда баданига яра тошиб, қазо қилгани ҳақида.

2-ҳикоятда вазирлардан бири Мажидиддин Муҳаммад подшоҳнинг ғазабига учраганида Жомий ўртага тушгани, аммо у ишончли оқламай Ватанни ташлаб қочишга мажбур бўлгани, шу тариқа сарсон-саргардонликда ўлиб кетгани ҳикоя қилинади.

3-ҳикоят – Жомийни Маҳмуд Ҳабиб деган девона ҳақорат қилгани, Навоий унга жазо бермоқчи бўлганида, Жомий: “*Сен ҳеч нима*

419. Жомий бу асарга шарҳ ёзганини юқорида кўриб ўтдик.

420. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг Суйима Ганиева нашрга тайёрлаган табдил матнида бу асар Хожа Аҳрорнинг “Волидия” рисоласи экани айtilган. Қаранг: Алишер Навоий. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”. – Тошкент: ТошДШИ, 2004. – Б. 69.

дема, ўзи жазосини топади”, – дегани ва тез кунда девонани ўзига ўхшаган бир киши уриб ўлдиргани тўғрисида.

4-ҳикоят – Жомийга мункир бўлган талаба Ноҳиқийга Жомий девонидан фол очилганида тегишли вазиятга жуда мос жавоб чиққани хусусида.

5-ҳикоятда Хожа Дехдорнинг тушида Жомий унга: “Қуръон ўқи!” – дегани, буни эшитган Навоий унга Каломуллоҳни тўлиқ ёдлашни тавсия қилгани, шу воқеадан 30 йилдан кўпроқ вақт ўтиб, бунгача қори бўлиб улгурган Хожа Дехдор ўлим тўшагида ётган Жомийнинг ҳузурда Қуръон тиловат қилгани ҳикоя қилинади.

Бу ҳикоятларни тугатгач, Навоий Жомий вафотининг тафсилотларини ҳикоя қилишга тушади. Аввало, муаллиф бу нохуш воқеа “жумъа кун муҳаррам ойининг ўн еттисиди тарих секкиз юз тўқсон секкизда”⁴²¹ содир бўлганини айтиб ўтади. Бу кун милодий ҳисоб бўйича 1492 йилнинг 8 ноябрига тўғри келади.

Кунларнинг бирида Жомий хасталаниб ётиб қолади. Навоий ундан тез-тез хабар олиб туради. Пайшанба кун кечқурун безовталаниб, ухлай олмаган Навоий устозининг олдига боради. Баъзи азизлар ва дўстлар унинг ёнида йиғилишган эди. Ҳиротнинг машҳур табибларидан Хожа Абдулазиз ҳам шу ерда ҳозир эди. Бомдод намозидан кейин Жомийнинг аҳволи биров ўзгаради. Буни пайқаган табиб ҳазратнинг бошини шарқ томондан шимол томонга қилиб, юзларини қиблага қаратиб қўяди⁴²². Жомийнинг азиз фарзанди Зиёуддин Юсуф отасининг оёқлари томонда, кўзлари қаршисида ўтирар, ота эса ҳар замонда кўзини очганида ўғлига бир нима демоқчидек илинж билан қарарди. Кейин Навоий гап нимада эканини фаросат билан англаб қолиб, Зиёуддин Юсуфни отасининг қаршисидан четга ўтишга ундайди. Жомий нақшбандия тарикати қондаси бўйича хуфия зикр тушмоқчи экан. То жума

421. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Ҳамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 76.

422. Ислоом одобига кўра, бизнинг минтакаларда бошни шарқ томонга қўйиб ётиш маъқул эмас. Чунки бунда оёқни гарб, яъни қибла тарафга қараб қўйишга тўғри келади. Аммо тўшагда миҳланиб қолган, туриб, таҳорат олиб, намоз ўқишга қурби келмай қолган беморлар, аксинча, бошини – шарққа, оёгини – гарбга қаратиб ётқизилади. Чунки у шу ётганича, гўёки юзини Каъбатуллоҳга қаратган ҳолда намозини ўқийверади. Жон бериш ҳолатида эса боши – шимол томонга, оёғи – жануб тарафга қаратиб ётқизибли, юзи қиблага буриб қўйилади. Муслмонлар қабрга ҳам шундай ҳолда ётқизилади. Бу ерда шунга ишора қилиняпти.

намозигача яширин зикр қилишга машғул бўлади. Кейин, юқорида айтиб ўтилганидек, Хожа Дехдор келиб қолиб, Қуръон туширади. Халойиқ жума намозини ўқиб тугатмасиданоқ, Жомий бу фоний оламдан боқий дунёга рихлат қилади. Навоий буни ички бир инсоний дард билан: *“олам жонсиз бадандек холи қолди”*,⁴²³ – деб ифодалайди. Шу ўринда бир байт келтиради:

*Қўкка мотамзадалар навҳаси гар ёвушти,
Мен мотамзадаға, лек қатиф иш тушти*⁴²⁴.

Бу мудҳиш хабар бутун Ҳирот шаҳрига ёйилгач, узоқ-яқиндан одамлар ёпирилиб кела бошлайди. Замона султони Ҳусайн Бойқаро ҳам ҳой-ҳой йиғлаб, бир муддат Зиёуддин Юсуфнинг бошидан кучиб, аччиқ кўз ёшлар тўкади. Навоийни соҳиби аза билиб, ундан кўнгил сўраб, юпатувчи сўзлар айтади. Аммо Султон Ҳусайн тоби йўқлиги учун дафн маросимида қатнаша олмайди. Бироқ Султон Аҳмад Мирзо⁴²⁵, Музаффар Ҳусайн Мирзо⁴²⁶ бошлиқ подшоҳзодалар бир-бирларига навбат бермай, тобутни елкаларида кўтариб, Мусаллога⁴²⁷ етказишади. Намозгоҳда Хожа Азизуллоҳ имомчилигида жаноза ўқилиб, жасад яна уйга олиб келинади. Шу қадар кўп одам йиғиладики, Навоий буни: *“Неча юз минг одам бир жисм бўлгандек гўё”*, – деб тасвирлайди. Шу сабаб подшоҳзодалар одамлар орасидан йўл очиб, кўриқчилик қилиб, тобутни дафн этиладиган мазор бошига келтиришади. Жомий пири Саъдуддин Кошғарий ёнига дафн қилинади.

Таъзияга атрофдаги вилоятлардан ҳам жуда кўп одам келади. Ҳусайн Бойқаронинг хотини Бикабегим ҳам ташриф буюриб, Навоий ва Зиёуддин Юсуфга таъзия билдириб, кўнгил сўрайди. Навоий, чиндан ҳам, худди бир фарзандянглиғ соҳиби аза бўлгани учун унга таъзия билдириш одатига амал қилишади. Ҳатто, Султон Бадиуззамон Мирзо Мозандарондан одам юбориб, соҳиби аза, яъни Навоийга либослар жўнатади. Шу ўринда Навоий Жомий билан

423. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутахаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 77.

424. Ўша нашр. – Б. Ўша.

425. Султон Аҳмад Мирзо – Ҳусайн Бойқаронинг нуфузли амирларидан.

426. Музаффар Ҳусайн Мирзо – Ҳусайн Бойқаронинг ўгли.

427. Мусалло – Ҳирот шаҳридаги энг катта масжид.

шаҳзоданинг бир-бирларига ихлослари бағоят баланд бўлганини эслатиб ўтишни унутмайди.

“Бир йилгача олам аҳлига, умуман ва Хуросону Ҳирот аҳлига хусусан мотам эрди”⁴²⁸, – деб ёзади Навоий. Жомий ҳазратнинг йил ошини Хусайн Бойқаро шоҳона тарзда ўтказиб беради. Сўнг ҳазратнинг қабри устига мақбара қурдириб, имом, қори ва ходимлар тайинлайди.

Кўп шоирлар Жомийнинг вафотига таърихлар битишади. Навоий ҳам йил оши тортиладиган пайт подшоҳга ўзи ёзган таърих ва марсияни кўрсатади. Хукмдорнинг топшириғига биноан Хусайн Воиз Кошифий⁴²⁹ уларни минбарда туриб ўқийди:

*Гавҳари кони ҳақиқат, дурри баҳри маърифат,
К-ў ба ҳақ восил шуду дар дил набудаши мосивоҳ,
Кошифи сирри илоҳӣ буд бешак, з-он сабаб
Гашт таърихи вафоташ: “Кошифи сирри Илоҳ”⁴³⁰.*

Мазмуни: *Ҳақиқат конининг гавҳари, маърифат дарёсининг дурри Ҳаққа етишди ва дилида бошқа нарса йўқ эди. Илоҳий сирнинг кашф этувчиси эди, шу сабабдан шаксиз, Вафоти таърихи “Кошифи асрори Илоҳ” бўлди.*

“Хамсат ул-мутаҳаййирин” да таърихдан кейин Жомийга атаб Навоий форсийда ёзган марсияси келтирилади. У таркиббанд шаклида ёзилган. Яъни банд охиридаги байт юқоридаги қўшми-сралар билан ўзаро қофиялашмайди. Марсия 7 банддан иборат ва унинг ҳар бир банди 10 байтдан ташкил топган. У жами 140 мисрадан иборат.

Мазкур марсияга Садриддин Айний шундай баҳо беради: *“Бу асар тожик адабиётидаги марсияларнинг энг жонсўзларидан бири саналади. Шоир бу марсияни шундай самимий бир ҳаяжон билан ёзганки, бунинг ёзилишидан 450 йилдан кўпроқ вақт ўтгани ҳолда хали ҳам ўқувчини титратади ва бу асарни ёзаётган вақтда шо-*

428. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 79.

429. Хусайн Воиз Кошифий – Ҳиротда яшаган машҳур олим, шоир ва буюк нотик. “Мажолис ун-нафоис” да у алоҳида ҳурмат билан тилга олинган.

430. “Кошифи сирри Илоҳ” – Аллох сирларини кашф этган зот. Абжад ҳисобида бу сўзлардан 898, милодий 1492, яъни Жомий вафот этган йил келиб чиқади.

ирда пайдо бўлган ҳаяжон, ўқиган чоғда ўқувчида ҳам юз беради. Бу марсияда Жомийнинг буюклиги, фазилати, хилмаҳил фанларда моҳирлиги ва унинг вафоти оммада, айниқса, тараққийпарвар зиёлиларда юз берган қайғу бутун борлиғи билан акс этган. Шунинг ила баробар бу асарда тасвирлар табиий ва ҳар ким тушунарли содда бўлиб, бунда Шарқнинг ақл қабул қилмайдиган муболағаларидан асар йўқ⁴³¹.

Шундай қилиб, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” ана шу марсия билан яқун топади.

Ушбу фаслда амалга оширилган кузатиш ва таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

1. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарининг композицияси – жуда ўзига хос. Асар – асосан, “Муқаддима”, уч мақолат ва “Хотима” дан, яъни жами беш қисмдан иборат. Бироқ унинг “Бисмилло...” деб бошланувчи кириш қисми ҳам бор. Унда Навоий ҳамд ва наът, Жомий таърифидан кейин асарнинг ҳар бир қисмида айнан нималар ҳақида тўхталишини ўзи батафсил ҳикоя қилади.

2. Асарнинг ҳар бир таркибий қисми таҳлилидан келиб чиқилса, қуйидагича манзара намоён бўлади:

“Бисмилло...” – ҳамд, наът, Жомий мадҳи, асарнинг мақсади ва режаси.

“Муқаддима” – Жомийнинг туғилиши, насаби, болалик ва йигитлик даври, устозлари ва пири, зоҳирий ва ботиний илмда эришган даражаси, Навоийнинг Жомий билан илк бор учрашгани.

“Аввалги мақолат” – икки ижодкор ўртасидаги нозик устоз-шогирдлик ва пир-муридлик муносабатларини акс эттирувчи 17 та ҳикоят.

“Иккинчи мақолат” – Жомий ва Навоий ўртасидаги турли ёзишмалар ва улар билан боғлиқ воқеаларни қамраб олган 13 та ҳикоят.

“Учинчи мақолат” – Жомий асарлари рўйхати (жами 37 та китоб ва рисола саналган), шунингдек, икки буюк ижодкорнинг бири-бирига адабий таъсир этиши натижасида дунёга келган асарлар. Жами 12 масала.

“Хотима” – Навоий Жомий ҳузурида ўқиган ва таълим олган

431. Қаранг: Айний С. Танланган илмий асарлар. – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 101.

китоб ва рисоалар рўйхати, Жомийнинг кароматлари билан боғлиқ 5 ҳикоят, Жомий вафотининг тафсилотлари, Навоийнинг Жомийга атаб ёзган марсияси.

3. Навоий асарнинг *"Бисмилло..."*сида Жомийнинг туғилиши, насаби, болалик ва йигитлик даври, ўқиган жойи, устозлари, пирлари, зоҳирий ҳамда ботиний илмларда эришган даражаси ва ниҳоят ўзи билан учрашган даврларини изчил тасвирлашга ваъда беради. *"Муқаддима"*да шуларни кетма-кетлик билан ҳикоя қилиб ўтади. Муаллиф асар қаҳрамони ҳаётининг ўзаро учрашгунларигача бўлган даврини моҳирлик билан чизиб беради. Бу қисмда ўзи гувоҳ бўлмаган, бироқ эшитган-билган воқеаларини ёзади.

4. *"Аввалги мақолат"*да Навоий устози ва ўзи ўртасидаги муносабатлар доирасини кенг ёритади.

5. *"Иккинчи мақолат"*ни, тўлиқ хатларга бағишланган боб, дейиш мумкин. Унда ҳар бир мактубнинг айнан қаерда ва қай сабабдан ёзилгани, кимга жўнатилгани ҳамда воқеалар тафсилоти баён этилади. Бу бобдаги ҳикоятлар мазмунига кўра, шартли равишда, учга – Марв билан бевосита боғлиқ, Жомийнинг Ҳаж сафари пайтида ўзаро ёзишмалар акс этган ҳамда устоз ва шогирднинг турли жойлардан бир-бирига ёзган мактубларига бағишланган ҳикоятларга бўлинади.

6. *"Учинчи мақолат"* Жомийнинг китоб ва рисоалари таҳлилига бағишланган. Аслида, уни тўлалигича, адабиётшунослик ва фан тарихи соҳасига дахлдор, деса бўлади. Бироқ Навоийнинг бу таҳлили шунчаки таништирувдангина иборат эмас, балки унда бир буюк қаламкаш ижодига унга замондош ва ҳамнафас иккинчи бир улуғ ижодкорнинг нуқтаи назари ҳам акс этган. Бобда Жомий асарлари (жами 37 та), шунингдек, икки буюк ижодкорнинг бир-бирига адабий таъсир этиши натижасида дунёга келган асарлар саналади.

7. *"Хотима"* ҳам *"Хамсат ул-мутаҳаййирин"*нинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Уни, шартли равишда, тўрт, яъни Навоий Жомий ҳузурида ўқиган ва таълим олган китоб ва рисоалар рўйхати, Жомийнинг кароматлари билан боғлиқ 5

ҳикоят, Жомий вафотининг тафсилотлари ҳамда Навоийнинг Жомийга атаб ёзган марсияси қисмларига бўлинади.

8. Асарнинг номи ҳам – унинг тузилиши билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Аммо асар номи фақат тузилишга алоқадор тарздагина танлангани йўқ. Асар номининг бевосита Жомий ҳам кирган “*хамсайи мутаҳаййира*”га (“буюк бешлик”ка) алоқадорлиги монографиянинг 2.2-фаслида кўрсатиб берилди.

4.2. ҲОЛОТЛАР КОМПОЗИЦИЯСИ

“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асари анъанавий тарзда “Бисмилло”дан бошланиб, дастлаб таронайи рубоий келтирилади:

*Лутф айлабон, эй насими қудс осор,
Бир қатла фано гулшанига айла гузор.
Аҳбобғаким, топтилар ул ерда қарор,
Мендин Ер ўнуб арзи ниёз эт зинҳор*⁴³².

Ўзидан олдин ўтиб кетганларни йўқлаш мазмунидаги шеърдан кейин муаллиф асар кимга бағишланганини очиқ айтади: “Солиқи фоний ва гавҳари коний, орифи маоний Саййид Ҳасан Ардашер (раҳматуллоҳи) сияр ва ҳолотида”⁴³³.

Асар қаҳрамонининг таржимайи ҳолини очиб бериш учун Навоий дастлаб Саййид Ҳасаннинг отаси ҳақида сўз юритади. Унинг отаси Ардашер Бойсунғур Мирзонинг⁴³⁴ мулозими бўлиб, қушчилик лавозимида, яъни ов қушларига қаровчи шахс бўлиб ишлаган. Бу йўналишда яхши хизмат қилгани учун қушбегилик мансабига эришибди. Шу ўринда байт келтирилади:

*Кўп хунарлиқ кимса шаҳларға этар дамсозлиқ,
Қуш тилин билган Сулаймонға этар ҳамрозлиқ*⁴³⁵.

Яъни хунари кўп киши, подшоҳларнинг ҳамдамига, қуш тилини тушунувчи Сулаймон пайғамбарнинг сирдошига айланади, деган мазмундаги байт билан Навоий Ардашерни, Саййид Ҳасаннинг падари бузургворини мадҳ этиб кетади. Саййид Ҳасан ҳам отаси каби Бойсунғур Мирзо хизматида бўлади. Кичиклигидан ўқиш ва ёзишга қизиқиб, оз вақтда кўп нарсани ўрганади. Бу фазилатини ҳам муаллиф байт билан бойитиб ифодалашни маъқул топади:

432. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 89.

433. Ўша нашр. – Б. Ўша.

434. Бойсунғур Мирзо (1397 – 1434) – темурийлардан, Шохрух Мирзонинг ўғли.

435. Ўша нашр. – Б. Ўша.

*Чун табъи мулойим бўлур ўргангали мойил,
Оз вақтда кўп навъ қилур касби фазойил*⁴³⁶.

Шундан кейин муаллиф Саййид Ҳасаннинг фазилатларини санай кетади, қайси фанларни ўзлаштиргани, билимдон бўлса ҳам, мажлисларда бунин билдирмай камтарлик қилиши, феъл-атвори билан барчага, хусусан, подшоҳга ҳам маъқул бўлганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Бу таърифларни ҳам муаллиф байт билан мустаҳкамлайди:

*Пок гавҳарки, бўлди пок шиор,
Шоҳлар боши устида ери бор*⁴³⁷.

Яъни ҳақиқий, тоза, пок гавҳар бўлса, у тош подшоҳларнинг боши, яъни тожидан ўз ўрнини топади, мазмунидаги байт орқали Навоий Саййид Ҳасанни шундай тоза гавҳарга ўхшатапти. Шундай поклиги учун ҳам у подшоҳ назарига тушган.

Аммо Саййид Ҳасанга ғамхўр бўлган Бойсунғур Мирзо 1434 йили вафот этади. Навоийнинг ёзишича, унинг отаси Ардашер ҳам оламдан ўтади. Бу воқеанинг тасвирида муаллиф бир фард келтиради:

*Кетарға келур мунча шоҳу гадо,
Агар худ ўғулдур ва гар худ ато*⁴³⁸.

Бунча шоҳу гадоларнинг бари ўғил бўлса ҳам, ота бўлса ҳам, барибир, бу дунёдан кетиш учун келади, деган мазмундаги байт бу оламнинг ўткинчилигини яна бир бор эслатади. Подшоҳ ва Саййид Ҳасан отасининг вафотини кетма-кет айтган муаллиф, бу фардни келтириш билан ўзаро боғлиқликни янада кучайтирган.

Бойсунғур Мирзодан кейинги подшоҳлар ҳам Саййид Ҳасанга иззат-хурмат кўрсатишади. Шу даврларда у риндликка берилади. Темурийзодалар унинг суҳбатини ғанимат билишган. Шу ўринда муаллиф яна назм келтиради:

436. Ўша нашр. – Б. Ўша.

437. Ўша нашр. – Б. 90.

438. Ўша нашр. – Б. Ўша.

*Фонийвашеки, ҳам сўзидур пок, ҳам ўзи,
Хуш давлат ул кишигаки тушгай анинг кўзи*⁴³⁹.

Ўзи ўткинчи бир инсон бўлса-да, ҳам сўзи, ҳам ўзи шундай покки, бирор кишига назари тушса, у одам бахтиёр бўлади, деган мазмундаги байт билан муаллиф Саййид Ҳасанни таъриф у тавсиф эътипти.

Асарнинг давомида муаллиф Саййид Ҳасан 30 йилча вақтини тайинсиз ўтказганини айтади ва ўзи у билан учрашган йилни кўрсатиб, ҳижрий 860 эканлигини ёзади. Бу учрашувдан кейин улар бир-бирларига қаттиқ ўрганиб қолишади. Саййид Ҳасан Навоийга тариқат бўйича раҳнамолик қилиб, шеър ёзишга ҳам ундаган. Бунини муаллиф шундай ифодалайди: *“Ва бу фақирни фақр тариқига далолат ва иршод қилурлар эрди ва назм айтурға тарғиб кўргузуурлар эрди”*⁴⁴⁰. Саййид Ҳасанга Навоийнинг кўпгина шеърлари маъқул бўлиб, уларни турли бадий кечалар, йиғилишларда ўқиб юради. Муаллиф бу шеърлардан парчаларни алоҳида фахр билан келтириб ўтади. Жумладан, икки матлаъ:

*Фурқатингдин заъфарон узра тўкармен лолалар,
Лолалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар*⁴⁴¹.

Яна бири:

*Ул паривашким бўлубмен зору саргардон анга,
Ишқдин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга*⁴⁴².

Мана бу байтни ҳам кўп ўқир экан:

*Лабинг кўргач, илигим тишларам ҳар дам таҳайюрдин
Ажаб ҳолатки, тутмай болни бармоқ ялайдурмен*⁴⁴³.

439. Ўша нашр. – Б. 91.

440. Ўша нашр. – Б. Ўша.

441. Ўша нашр. – Б. 91.

442. Ўша нашр. – Б. Ўша.

443. Ўша нашр. – Б. 92.

Навоий маснавийдан мана бу байтни ҳам келтиради:

*Ҳар нечаки пухта бўлса тадбир,
Берур анга ғўшмол тақдир⁴⁴⁴.*

Саййид Ҳасан туркий тилда ижод қилувчи шоирлардан Лутфий шеъриятидан ҳам намуналар ўқиб, мактаб юрар экан. Асарда муаллиф шулардан учта матлаъни келтиради:

*1. Нозуклик ичра белича йўқ тори гисуйи,
Ўз ҳаддини билиб белидин ўлтурар қуйи.*

*2. Улки ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,
Кўзгудек қилди мени ўзини пайдо қилғали.*

*3. Лайлат ул-меърожнинг шарҳи сочи тобиндадур,
Қоба қавсайн иттиҳоди қоши меҳробиндадур⁴⁴⁵.*

Мавлоно Муқимийнинг бир таржеъси ҳам унга ёқар экан:

*Сенсан асли вужуди ҳар мавжуд,
Сендан ўзга вужудга не вужуд⁴⁴⁶.*

Навоий Саййид Ҳасан Ардашернинг форсий шоирлардан Ҳофиз Шерозийнинг девони, Саъдий Шерозийнинг “Бўстон”и, Фаридиддин Аттор қаламига мансуб “Мантиқ ут-тайр”нинг кўп қисмини ёддан билиши, “Кимёи саодат” асари ва Шайх Азиз Насафийнинг рисолаларини ҳам доим мактаб, улардан иқтибослар келтириб юришини айтади. Аммо муаллиф асарда улардан парча келтириб ўтиришни лозим топмаган.

Саййид Ҳасаннинг бадий адабиётга мухлислигини, туркий ва форсий шеърятдан яхшигина бохабар киши эканини кўрсатиб берган муаллиф, энди унинг риндлик фаолиятига эътиборни қаратади. Навоийнинг таърифича, риндларнинг шоҳи бўлган бу

444. Ўша нашр. – Б. Ўша.

445. Ўша нашр. – Б. 92.

446. Ўша нашр. – Б. Ўша.

инсоннинг уйи ҳеч қачон меҳмонлардан холи бўлмаган. Созандаю хонандалар, ринду дарвешлар, замоннинг барча тоифаси унинг доимий меҳмонига айланишган. Бу ҳолатни муаллиф яна шеърий байт билан ифодалашни маъқул топади:

*Хуш улким, анга лутф бирла Худо,
Улуснинг қабулини қилди ато⁴⁴⁷.*

Риндлар унинг уйини макон қилишган ва Саййид Ҳасандан доимий иззат-икром кўришган. Улар учун ҳамма шароит муҳайё қилинган. Навоий асар қаҳрамонининг риндлик сифатларини ҳикоя қилишда давом этар экан, орада 6 та фазилатини алоҳида санаб ўтади. Булар – ўта сахийлик, ҳаддан зиёд шафқат, лутфу тавозеъ, сабр ва чидамлилиқ, кўнгилнинг юмшоқлиги, дабдабани ёқтирмаслик. Унинг ўта сахийлиги борасида муаллиф Саййид Ҳасанга бировнинг муруввати доим кўп, ўзиники эса кам туюлиши ҳамда бирга ўн баробар қилиб қайтариш пайида бўлишини ёзиб, буни шеър билан ҳам мустақамлайди:

*Ўзидин элга дарё – қатраосо,
Вале элдин ўзига қатра – дарё⁴⁴⁸.*

Унинг ҳаддан зиёд шафқатлилиги борасида ҳам шеър келтирилади:

*Бу иш эрур валоят аҳли иши,
Қила олмас бу ишни ўзга киши⁴⁴⁹.*

Навоий ўзи санаган шу олти фазилатнинг иккитасига шеърий таъриф қўшишни маъқул топган. Энг муҳими, бу шеърлар қайсидир асардан олинмаган, балки шу ҳолат учун махсус ёзилган.

Муаллиф қаҳрамоннинг риндлиги ҳақидаги фикрларини давом эттириб, унинг барча риндлардан бохабар бўлиб юриши, уларга отадек меҳрибонлик ва ғамхўрлик қилиши ва бошқа сифатларини

447. Ўша нашр. – Б. 93.

448. Ўша нашр. – Б. 94.

449. Ўша нашр. – Б. Уша.

таърифлаб, яна шеър келтиради:

*Риндлардин бир анингдек йўқ эрур огоҳ ринд,
Шоҳ эди ринд аҳлиға, балким эрди шоҳи ринд*⁴⁵⁰.

Шундан сўнг Навоий Саййид Ҳасаннинг ҳар намозда тавба ва тавфиқ тилаши, улуғлар мазорига бориб, зиёратлар қилиб, назарлар топиши ҳамда замон шайх ва дарвешларининг суҳбатига мушарраф бўлгани, олимлару дин пешволарию бекларнинг ҳурмат-иззатида юришини ёзади.

Саййид Ҳасан Ҳусайн Бойқаро назарига тушади. Унга подшоҳ томонидан мансаб таклиф этилади. Гарчи дарвешқалб кишига лавозимлар маъқул тушмаса ҳам, кўнишга мажбур бўлади. Чунки Навоий ёзганидек: *“Подшоҳ аларни подшоҳона риоятлар ва дарвешона юмшоқ ва чучук сўзлар била сайд қилиб эрдилар: “йўқ”, – дея олмадилар*⁴⁵¹. У мусташор, яъни маслаҳатчи лавозимида фаолият юритади, аммо ёши олтмишдан ўтгандан сўнг дунёвий ишлардан кечиб, тўлиқ сўфийлик тариқига ўтишни ният қилади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлса, умрининг қолган қисмида фақат оламнинг ҳақиқий эгаси хизматида бўлишни истайди. Навоий вазиятни тасвирлар экан, қуйидаги байтларни келтиради:

*Дунёки қатиғ дурур гаронборлиғи,
Қаттиғроқ анинг улусининг ёрлиғи,*

*Кўпрак нимаким, бўлса гирифторлиғи,
Кўпрак келур эл оллиға душворлиғи*⁴⁵².

Асарнинг бошидан муаллиф Саййид Ҳасаннинг ҳаёти, фаолияти, фазилатлари ҳақида маълум маънода сокин руҳда ҳикоя қилиб келаётган бўлса, ҳолотнинг шу қисмига етганда Навоий ҳиссиёти жўшиб кетганини ва лирик чекиниш қилганини ҳис этасиз: *“Вой, дунё шуғлининг ибтилосидин! Ва юз минг вой, дунё аҳлининг зулму жафосидин, балки малолат ва изосидин! Оҳ, замон жавру бедодидин! Наузу биллоҳ, абнойи замон қасду ифсодидин! Қалам жардаи*

450. Ўша нашр. – Б. 95.

451. Ўша нашр. – Б. 96.

452. Ўша нашр. – Б. 97.

хушхиромининг инонин бу равишдин уюрмак керак, йўқ эрса, инони ихтиёрни иликдин олиб, сўз узар ва мақсудум бозорин бузар”⁴⁵³.

Асарда бундай юксак пафосга чиқиш бежиз эмасди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Биринчидан, тасвирлаб берилаётган вазиятнинг ўзи мураккаб. Чунки подшоҳнинг ҳамдамига айланган, ишончини оқлаган одамнинг кутилмаганда мансабни тарк этиши силлиқ қабул қилинмаслиги аниқ. Иккинчидан эса, Саййид Ҳасаннинг мансаблардан кечиб, Аллоҳ йўлига кириши учун қатъий интилиши муаллифни янада тўлқинлантирган. Аслида, Навоий учун иккинчи ваз муҳимроқ. Учунчидан эса, шу баҳонада Навоий ўз дардини ҳам айтиб олган. Чунки шоирнинг ўзи ҳам давлат хизматида эди, ўзи истаганидек фақат Ҳаққа хизмат йўлида эмас эди. Шунинг учун муаллиф Саййид Ҳасан баҳонасида ўз дардини тўкиб солади.

Навоий бу лирик чекинишдан кейин Саййид Ҳасан ва Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатни ҳикоя қилишда давом этади. Саййид Ҳасан 60 ёшдан кейин яна икки йилча давлат учун ишлаб беради, аммо, барибир, ўз фикридан қайтмайди. Подшоҳнинг илтимосидан кейин ҳам вазият ўзгармагач, уни тушуниб ноилож рухсат беради. Чунки у Навоийнинг таърифи билан айтганда, “подшоҳи ҳақиқий қуллуғининг мубталоси”⁴⁵⁴ бўлган эди. Муаллиф бу фикрини байт билан ҳам тўлдиради:

*Ёр қўйида юзида мубтало бўлгон нетар,
Гулшан ичра гулни, балким жаннат ичра хорни*⁴⁵⁵?

Бўшаш куни подшоҳ ҳам, Саййид Ҳасаннинг ўзи ҳам йиғлаб хайрлашади. У халққа керакли одам эди, шу сабаб, мажлисдаги бошқалар ҳам шу кайфиятда бўлишган.

Муаллиф асар давомида Саййид Ҳасаннинг лавозимлардан қутулиб, шаҳарда муқим яшагани, Муҳаммад Табодгонийга мурид тушиб, чиллалар ўтиргани, мақомларга эришгани ва хонақоҳ аҳли орасида ҳурматга сазовор бўлганини ёзади. Шунингдек, Навоий ўз ҳовлисида унга уй қурдириб берганини айтиб ўтади. Яна Саййид

453. Ўша нашр. – Б. Ўша.

454. Ўша нашр. – Б. 98.

455. Ўша нашр. – Б. Ўша.

Ҳасан чилла ўтирганида унинг пири Муҳаммад Табодгоний олдига бориб ҳол-аҳвол сўрагани ва сўфийнинг йиғлаётган ҳолатини кўриб, ўзи ҳам таъсирланиб қайтганини ҳикоя қилади. Бу ўринда байт ҳам келтиради:

*Уйла ошиққи, ҳижрондин кўруб дарду малол,
Шодлиғдин йиғлағай, топқонда даврони висол*⁴⁵⁶.

Шундан сўнг муаллиф Саййид Ҳасан билан боғлиқ яна бир воқеани ёзади. Ёлғиз фарзанд Саййид Муҳаммад 14 ёшда бевақт оламдан ўтганида Саййид Ҳасан ота сифатида барча суннатларни ўзи амалга ошириб, бу фожеани сабр-матонат билан қарши олади. Бундан барча ҳайратга тушади.

Асарнинг хулосавий қисмида муаллиф Саййид Ҳасаннинг уч мавзудаги ҳикматли сўзларини келтиради:

1. Мансаб мастлигининг май мастлигидан бадтар экани.

2. Лаъл қимматбаҳо тош бўлса ҳам, тош қозоннинг халққа кўпроқ фойда келтириши.

3. Қариликда ёшликдаги завқнинг йўқлиги.

Навоий Саййид Ҳасаннинг турли сабаблар туфайли ҳажга боролмагани, лекин Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий суҳбатига Самарқандга келиб мушарраф бўлганини ёзади.

Шундан сўнг муаллиф Саййид Ҳасаннинг ҳижрий 894 йили 73 ёшида вафот этганини, ўша пайтда ўзи Ҳиротда бўлмаганини, подшоҳ топшириғи билан бошқа жойга кетганини айтади. Маълум бўлишича, шоир бу вақтда Астрободда бўлган. 892 ҳижрий, яъни 1487 йилнинг қишида Хусайн Бойқаро уни Асторободга ҳоким қилиб жўнатган эди⁴⁵⁷. Пойтахтга қайтганидан сўнг таъзия эгаси сифатида барча маросим қоидаларини бажариб, шаҳарнинг ши-молий қисмида, “Жўйи нав” ариғи оқиб ўтадиган бағоят катта ва хушҳаво жойда у учун ҳазира, хилхона қурдиради. Саййид Ҳасаннинг тириклигида у билан яқин бўлган азизларнинг турли ерда тарқаб ётган қабрлари ҳам шу ерга кўчиртирилади. Халқ орасида бу ер “Азизлар ҳазираси” деб ном олади.

456. Ўша нашр. – Б. 99.

457. Қаранг: Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. Ж. 2. – Тошкент: Фан, 1977. – Б.

Асар охирида муаллиф “Жаннати покаш макон бод” сўзларидан келиб чиқувчи таърихни келтиради⁴⁵⁸.

Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарини ўзи беш қисмга бўлиб ёзган. Аммо “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” нисбатан кичикроқ ҳажмдаги асар бўлгани учун уни парчаларга бўлиб ўтирмаган. Шундай бўлса-да, асар композициясини аниқлаштириб олиш учун ҳолотни, шартли равишда, қуйидагича қисмларга ажратиш мумкин:

1. Асарнинг бошида Саййид Ҳасаннинг отаси ҳақида маълумот берилади. Ҳасаннинг ўқимишли, билимдонлиги, қайси фанларни ўзлаштиргани, Бойсунғур Мирзо назарига тушгани, темурийзодалар иззатида бўлгани, риндликка берилиб, 30 йилча вақтини тайинсиз сарфлагани ҳақида ёзилади.

2. Ҳижрий 860, 1455/56 – йилларда Навоий у билан танишгани, шоирнинг шеърларидан намуналар ўқиб юриши, туркий ва форсий қаламкашлар ижодидан чуқур бохабарлиги.

3. Унинг риндлиги ва риндликда Навоий алоҳида санаб ўтган 6 та фазилатга эгалиги.

4. Ҳусайн Бойқаро хизматига кириши, кейинчалик давлат ишларидан чекиниши.

5. Муҳаммад Табодгонийга мурид тушиб, чиллалар ўтириб, мақомларга эришиши. Фарзанди вафот этганида ҳайратланарли сабр кўрсатиши.

6. Саййид Ҳасаннинг ўғитлари. Жами 3 та.

7. Ҳажга боролмаганлиги, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий суҳбатига мушарраф бўлиши, вафоти ва Навоийнинг унга атаб ёзган таърихи.

Асардаги шеърий сатрларни ҳам келтирилиш ўрни, мақсад ва вазифаси, шу ҳолот учун ёзилгани ёки асарга шунчаки илова қилинганига қараб, қуйидагича таснифлаш мумкин:

1. Ўтганларни хотирлаш юзасидан асарнинг кириш қисми учун ёзилган таронайи рубоий.

2. Саййид Ҳасаннинг отаси Ардашернинг кўп хунарга эга бўл-

458. Ушбу таърих тадқиқотимизнинг “Навоий ижодида Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад тасвири” деб номланган 1.3-фаслида батафсил муҳокама қилингани учун бу ерда тўлиқ келтириб ўтилмади.

ганини таърифлаш учун келтирилган байт.

3. Асар қаҳрамонининг ўқиш-ўрганишга таъби мойиллиги ҳақида байт.

4. Унинг пок гавҳардек эканлиги ва шу билан Бойсунғур Мирзо назарига тушгани тўғрисида байт.

5. Дунёнинг ўткинчилиги, Ардашер ва подшоҳнинг ўлими муносабати билан келтирилган фард.

6. Ўзи ва сузи поклиги, темурийзодалар иззатида бўлгани тўғрисида байт.

7. Саййид Ҳасан давраларда ёқтириб айтиб юрадиган, Навоийнинг ғазалларидан икки матлаъ, бир байт ҳамда маснавийдан икки мисра.

8. Лутфидан икки матлаъ ва Мавлоно Муқимийдан бир таржеъ.

9. Улуспарварлиги, меҳмоннавозлиги ҳақида байт.

10. Чексиз мурувват эгаси эканлигини таърифловчи байт.

11. Ҳаддан зиёд шафқатлилиги тўғрисида байт.

12. Огоҳ ринд эканлигини мадҳ этувчи байт.

13. Дунё ҳақида икки байт.

14. Ҳақиқий ёрга ошиқлик тўғрисида байт.

15. Чилла ўтиришда ёрга, яъни Аллоҳ васлига эришганда ҳосил бўлувчи йиғи ҳақида байт.

16. Вафоти муносабати билан ёзилган таърих.

“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”нинг бошланиши худди “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарига ўхшайди. Анъанавий тарзда “Бисмилло”дан кейин бир таронайи рубоий келтирилади:

*Эй чарх, не даврларки даст эттинг,
Даврингда муҳаббат аҳлини маст эттинг,
Ҳар кимники, оламда забардаст эттинг,
Охир ажал илгида ани наст эттинг.⁴⁵⁹*

Муҳаббат аҳлини маст қилиб, барибир, охирида ажалга гирифтор қилган дунёнинг ўткинчилиги ҳақидаги бу шеърдан кейин муаллиф асарнинг асосий қаҳрамонини таърифлай кетади. Тариқ фаносида ягона, жаҳон паҳлавонларининг паҳлавони,

459. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 105.

сурат ва маънида беназир, миллат ва диннинг қуёши Муҳаммад Куштигир сийрат ва суратини тасвирлаб беришни мақсад қилади.

Паҳлавоннинг тоғаси Абусаид ўз даврининг энг кучли куштигирларидан бири бўлгани, ўлимидан сўнг унинг ўрнини ҳақли равишда Паҳлавон Муҳаммад эгаллаганини ёзади. Муҳаммад кичик ёшдан курашчилар орасида тенгсиз бўлган. Унинг “*Муҳаммад Куштигир*” деб ном қозониши ҳам шундан эди.

Асар давомида муаллиф ҳар томонлама истеъдодли бўлган бу шахснинг турли соҳаларда эришган даражаларини бирма-бир санаб, таъриф беради. Паҳлавоннинг мусиқа назарияси ва амалиётини яхши билганлиги, куй-қўшиқлар, ғазаллар ёзгани, ўзи куйлагани ва бу борада яхши ютуқларни қўлга киритганлини Навоий алоҳида қайд этади. У ўз замондошлари Муҳаммад Хоразмий, Мавлоно Нуъмон, Мавлоно Соҳиб Балхий, Шайх Сафо Самарқандий, Хожа Юсуф Андижоний каби “нақш”, “сўфия”, “амал”, “қавл”, “жир чорзарб” жанрларида асарлар ёзади. Шулардан бири Мавлоно Тўтий⁴⁶⁰ шеърига басталанган “чаҳоргоҳ”. Матлаъси куйидагича:

*Соқие, де рафта ҳасту аҳволи фардо нопадид,
Хешро имруз хуш дорему фардоро ки дид?*⁴⁶¹

(Таржимаси: “Эй соқий, кечаги кун кетадию эртанинг аҳволи – номаълум; ўзимизни бугун хурсанд қилайлик, эртани эса ким кўрибди?”).

Мир Бузург Термизийга бағишланган бу асар жуда ҳам ёқимлилиги учун шуҳрат қозонган. Нафақат Хуросон, балки Самарқанд ва Хуросонда ҳам бу қўшиқни билмайдиган хонанда йўқ экан.

Яна бир “Сегоҳ” Мавлоно Хусравнинг шеърига басталанган. Матлаъси:

*Эй зи тоби оразат шамъе ба ҳар қошонай,
В-эй асири пурхами зулфат дили девонай*⁴⁶².

(Таржимаси: “Чеҳранг тобланишидан ҳар бир жонга шамъ

460. Мавлоно Тўтий – туршизлик шоир. Вафоти ҳижрий 816, милодий 1461/62-йиллар.

461. Ўша асар. – Б. 106.

462. Ўша нашр. – Б. Ўша.

пайдо бўлади, Девоналарнинг дили жингалак буралиб кетган сочларининг асиридир”).

Ғазал Абулқосим Бобурга бағишланган.

Мавлоно Котибийнинг ғазалига ҳам “Сегоҳ” ёзилган. Матлаъси:

*Гаҳики, тиғи ту дар қатли аҳли дид барояд,
Ба як мушоҳада мақсуди сар шаҳид барояд⁴⁶³.*

(Таржимаси: “Тоҳо тиғинг ошиқлар қатли учун кўтарилганда Бир кўриш билан юз шаҳиднинг мақсади ҳосил бўлади”).

Паҳлавоннинг бу асарни яратишдан асосий мақсади мана бу байтни айтиш, яъни Абусаид Мирзони қаламга олиш бўлган. Матлаъ:

*Маноли Котибӣ аз шомӣ ғам ки субҳи саодат,
Ба юмни давлати Султон Абусаид барояд⁴⁶⁴.*

(Таржимаси: “Котибий ғам тунингдан нолима, Абусаид давлати баракатидан саодат тонги отиб қолади”).

Яна Машҳаддалик пайтида Ҳусайн Бойқаро номига атаб “сайди ғазол” йўналишида асар яратади:

*Ончо ки бар дарғаҳат рӯи ниёз овардаем,
Рӯи дил дар каъбаи иқбол боз овардаем⁴⁶⁵.*

(Таржимаси: “Даргоҳингга ёлвориб юзланганимда, Кўнгил юзини иқбол Каъбасига йўналтирган бўламан”).

Қўшиқнинг бозгўйи, яъни нақоратида мамдух, яъни мадҳ этилувчи шоҳнинг бешинчи аждодини ҳам тилга олади:

*Султон Ҳусайн хусрави ғозӣ ки мисли ў,
Ҳаргиз набуда дар садафи рӯзгор дур.*

*Шоҳ аст шаҳриёр падар бар падар ки ҳаст,
Мансур Бойқарои Умаршайхи бин Темур⁴⁶⁶.*

463. Ўша нашр. – Б. 107.

464. Ўша нашр. – Б. 107.

465. Ўша нашр. – Б. Ўша.

466. Ўша нашр. – Б. Ўша.

(Таржимаси: “Султон Ҳусайн ғолиб подшоҳдир, Унингдек ҳаёт садафида ҳеч ким, ҳеч қачон бўлмаган; У шоҳдир, отаси – Мансур Бойқаро Умаршайх бин Темур ҳам буюк шоҳ бўлган”).

Навоий яна Паҳлавоннинг “мақомот”, “шаабот”, “қавл”, “ғазал”, “чорзарб”, “саёт”, “нақш” йўналишларида жуда кўплаб асарлар ёзганини, улар халқ орасида машҳурлигини, ҳаммасини бирма-бир санаса, гап чўзилиб кетишини айтади.

Паҳлавон муаллифнинг таърифлашича, шеър ва муаммо борасида ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан тенги йўқ бўлган. Назм аҳли бирор нарса қораласа, албатта, Паҳлавонга етказиб унинг тузатмаларини қабул қилар экан. Шу ўринда Навоий фикрининг исботи сифатида Паҳлавон ижодидан яна намуна келтиради:

Гуфтамаш: “Дар олами ишқи ту қорам бо ғам аст?”

Гуфт хандон зери лаб: “Ғам нест, кори олам аст”⁴⁶⁷.

(Таржимаси: “Унга айтдимки, сенинг ишқинг оламида ишим ғамдан иборат бўлди. У кулги аралаш мийиғида: “Ғам эмас”, оламнинг ишқидир”, – деди”).

Паҳлавон Муҳаммад ўз асарларида “Куштигир” тахаллусини қўллаган. Мисол сифатида қуйидаги байт келтирилади:

Аз хаёли печтоби кокули мушкини ў,

Дуди дил бар фарқи Куштигир ҳамчун нарчам аст⁴⁶⁸.

(Таржимаси: “Унинг жингалак – буралган кокили хаёлидан кўнгил дуди Куштигирнинг боши устида худди қора байроқдир”).

Муаллиф Паҳлавоннинг муаммо жанри бўйича ҳам у ажойиб мухтареъ, яъни ихтирочи эканлигини қайд этади. Муаммо айтувчилар бир байт ёки бир рубоидан зўрға битта исм ҳосил қилсалар, Паҳлавон айрим шоирларнинг шеърлари муаммо жанрида ёзилмаган бўлса ҳам, ўзи улардан турли исмлар топади. Навоий исбот сифатида мисоллар келтиради. Жумладан, Паҳлавон Ҳофиз Шерозий девонидаги биринчи ғазалнинг матлаъсидан “Али” исмини чиқаради:

467. Ўша нашр. – Б. 108.

468. Ўша нашр. – Б. Ўша.

*Ало ё айюҳ ас-соқий адир қаъсан ва навилҳо,
Ки ишқ осон намуд аввал, вале афтод мушқилҳо*⁴⁶⁹.

(Таржимаси: “Эй соқий, косани айлантир ва ич, дастлаб ишқ осон кўринган эди, бироқ мушқил тушди”).

Ҳофиз Шерозийнинг яна бир ғазали матлаъсидан “Амин” сўзини ҳосил қилади:

*Ҳолиё маслаҳати хеш дар он мебинам,
Ки кашам рахт ба майхонаву хуш биншинам*⁴⁷⁰.

(Таржимаси: “Ҳозирда ўзим учун шуни маслаҳат кўрдимки, Майхонага кўчайин ва у ерда шод ўтирайин”).

Шу шоирнинг куйидаги байтидан эса “Тақий” сўзини келтириб чиқарган:

*Ганчи зар гар навбад ганчи қаноат боқист,
Он ки он дод ба шоҳон ба гадоён он дод*⁴⁷¹.

(Таржимаси: “Гарчи олтин хазинаси бўлмаса ҳам, Қаноат хазинаси боқийдир, уни шоҳларга, бунисини гадойларга берди”).

Паҳлавон Муҳаммад яхшигина рубоийнавис ҳам бўлган. Куйидаги рубоийни у Навоийга ёзиб юборган:

*Гар чон ажалам зи тани ношод барад,
Ҳошо, ки маро меҳри ту аз ёд барад.
Ҳоҳам ки шавам хок маро бод барад,
Бошад, ки ба сӯи Астробод барад*⁴⁷².

(Таржимаси: “Агарчи ношод тандан жонни олса ҳам, Асло меҳрингни менинг ёдимдан ола олмайди. Хоҳлайманки, тупроқ бўлсаму, уни шамол олиб кетса, шундай бўлсаки, уни Астробод томонга элтса”).

469. Ўша нашр. – Б. Ўша.

470. Ўша нашр. – Б. Ўша.

471. Ўша нашр. – Б. Ўша.

472. Ўша нашр. – Б. 109.

Навоий ҳам ўз ўрнида бу рубойга жавоб ёзиб юборди:

*Аз оҳуи роми худ фаромӯш макун,
В-аз сайди ки роми худ фаромӯш макун.
Ҳарчанд, ки бошад фаромӯшкорӣ,
Аз сари ғуломи худ фаромӯш макун⁴⁷³.*

(Таржимаси: “Ром бўлган оҳуйингни унутма. Сайд қилинган ромингни унутма; унутмоқлик не чоғлиқ бўлмасин, Ўз қулингни унутма”).

Паҳлавон Муҳаммад “Султоний” ариғи ёнида бир лангар, яъни йўловчилар қўниб ўтадиган бир гўша бунёд қилган эди. Кунларнинг бирида Ҳусайн Бойқаро овдан қайтишда ўша манзилда тўхтаб, меҳмон бўлибди. Бироқ ўша пайтда Паҳлавон бошқа жойда бўлган экан. Подшоҳга меҳмоннавозлик қила олмаганидан хижолат чекиб, узр сифатида бир қитъа ёзибди:

*Такъяи моро бигузашт аз чархи барин,
По ба рӯ афканда соя сояи парвардигор,
Гарчи гардун атласи худ кард пойандози шоҳ,
Кош, ман мебудамӣ то қони худ кардӣ нисор⁴⁷⁴.*

(Таржимаси: “Парвардигорнинг сояси такъям(уйим)га ўз соясини солиб, Унинг шарафини баланд осмондан ҳам юксалтириб юборди. Агарчи осмон ўз атласини шоҳга пояндоз қилган эса-да, Кошки, ўзим бор бўлсайдим, жонимни нисор қилардим”).

Навоийнинг ёзишича, Паҳлавоннинг шундай яхши маснавийлари борки, замоннинг машҳур шоирларида ҳам бундай назм намуналари йўқ. Шу маснавийлардан бири Паҳлавон Муҳаммаднинг шогирди Паҳлавон Пирий ҳақида. Паҳлавон бу йигитни ўз тарбиясига олиб, унга куштигирлик сир-синоатларини ўргатади, тарбиялайди, уни ўз ўғлидек кўради. Паҳлавон қариган чоғида бу йигит ўз ўрнини эгаллаб, фарзандлик бурчини адо этади, Ҳусайн Бойқаронинг ҳам яқинига айланади, деган ниятда эди. Бироқ Пирий устозига хиёнат қилиб, кетиб қолади. Бундан

473. Ўша нашр. – Б. Ўша.

474. Ўша нашр. – Б. Ўша.

нозик кўнгилли Паҳлавон қаттиқ ранжийди, аммо ҳеч кимга буни билдирмайди. Бироқ унга сирдош бўлган Навоий буни сезади ва шундай ёзади: “Аммо ҳеч навъ сирри ва рози йўқ эрдиким, бу фақирдин яшурун бўлғай. Андоқки, бу фақирнинг ҳам андин”⁴⁷⁵. Ораларида ҳеч қандай сир йўқлигини таъкидлаган муаллиф, Паҳлавоннинг қарилик, умрнинг бевафолиги ва шогирдининг бевафолиги ҳақида ёзган маснавийидан парчани илова қилади:

*Чу бар чарх равшан шавад ҳоли ман,
Ба сад дида гиряд бар аҳволи ман.*

*Маро бор будӣ гули навшукуфт,
Дареғо, ки боди хазонаш бирӯфт.*

*Ҳама умр тухми беҳи коштам,
Чу вақти баромад набардоштам.*

*Зи он талх шуд зиндагонӣ маро,
Ки пири фиканд аз ҷавонӣ маро.*

*Кунун ман на он шери занҷириям,
Бадар бурда ҳам зи ғам пириям.*

*Ба хурди падар тифл аз он парварад,
Ки то дар бузургӣ ғам нахӯрад.*

*Зи он дар жавонӣ бор оядаш,
Ки дар аҳди пирӣ ба кор оядаш.*

*Маро пирӣ он навъ охир фиканд,
Ки ҳечам ҷавонӣ нашуд судманд*⁴⁷⁶.

(Таржимаси: “Агар ҳолим фалакка маълум бўлса, Юз-кўз билан аҳволимга йиғлар эди. Менда янги очилган гул бор эди, водариғ, уни хазон шамоли олиб кетди. Умр бўйи яхшилик уруғини экдим, Униб чиққанда эса йиғиб оломадим. Шунинг учун ҳаёт менга аччиқ

475. Ўша нашр. – Б. 110.

476. Ўша нашр. – Б. 110.

бўлди. Кексалик мени ёшлик палласидан итқитиб ташлади. Энди мен ул занжирбанд шер эмасман. Кексалик ғами мени бутунлай олиб кетди. Ота болани шунинг учун тарбия қиладики, токи у катта бўлганида ғамхўрлик қилсин. Ундан йигитлигида фойда бўлсин, Кексалик пайтларида, ишга ярасин. Мени кексалик шундай синдирдики, Йигитлик асло фойда келтирмади”].

Маснавий подшоҳ ҳақиға дуо билан тугатилади. Муаллиф ҳол аҳлиға Паҳлавоннинг қалбида қанча дарди ҳол борлиғи шу маснавийдан маълум бўлганини ёзади. Шундан сўнг Навоий Паҳлавоннинг турли соҳалардаги билимдонлиғини санай кетади. Шеърый санъатлар, аруз, қофия, қироат, илми нужум, яъни астрология, тиббиёт, ислом ҳуқуқи борасидаги билимларини қайд этади. Унинг фикрича, Паҳлавон қайси соҳаға қўл урса, ўша касбнинг етук мутахассисига айланарди.

У улуғу кичикка доим хурматда, ҳамиша инсонларға яхшилик қилиш пайида бўлган. Уйида куну тун турфа таомлар пиширилган. Бу овқатлардан, ҳатто, саройға ҳам жўнатиладди. Узоқ-яқиндан келганлар унинг уйида ойлаб меҳмон бўлиб, кетаётганларида совға-саломлар олиб жўнашган. Муруватда тенгсиз бўлган Паҳлавон барчанинг севимли инсони эди. Шаҳзодаларни ҳам меҳмон қилиб, хуш кайфиятда кузатишни одат қилган бу зот подшоҳнинг мажлисларида доимий иштирокчи бўлган.

Муаллиф Паҳлавоннинг сийрати ва суратини таърифлашда қалам аҳлининг ҳам тили қусурли ва ожиз эканини таъкидлаб, унинг 40 йиллик дўст, сирдош бўлганини фахр билан тилға олади. Шундан сўнг ғазал билан боғлиқ қизиқарли воқеани ҳикоя қилиб беради. Ғазалнинг матлаъси:

*Ҳар қаён боқсам, юзумға ул Куёшдин нур эрур,
Ҳар сори қилсам назар, ул Ой манга манзур эрур⁴⁷⁷.*

Ғазалнинг мақтаъси:

*Гар Навоий сиймбарлар васлин истаб кўрса ранж,
Йуқ ажаб, невчунким, хом этган киши ранжур эрур⁴⁷⁸.*

477. Ўша нашр. – Б. 115.

478. Ўша нашр. – Б. Ўша.

Бу воқеага монографиямизнинг “Паҳлавон Муҳаммаднинг комиллик тимсоли сифатида тасвирланиши” деган 3.3-фаслида батафсил тўхталганимиз туфайли бу ўринда такрорлашни маъқул топмадик.

Муаллиф шу воқеадан сўнг “Мажолис ун-нафоис”га киритилган рубойларни ҳам келтиради⁴⁷⁹:

*Дар силсилаи фақир ба иршоди туем,
Дар шому саҳар ҳамеша бо ёди туем,
Дар доираи фано ба авроди туем,
Яъне ки, яtimi Неъматободи туем*⁴⁸⁰.

(Таржимаси: “Фақирлик йўлида сенинг иршод (тўғри йўллар кўрсатиш)инг биланмиз. Кеча-кундуз ҳамеша сенинг ёдинг биланмиз. Фано доирасида сенинг номингни такрорлаш биланмиз. Яъни сенинг Неъматободинг етимларимиз”).

Навойнинг бу рубойсига Паҳлавон шундай жавоб қайтаради:

*Эй Мир, ту пиру мо ба иршоди туем,
Доим ба дуогўйю бо ёди туем,
Ин шаҳр ба ту хуш асту мо бо ту хушем,
Мурдему хароби Астрободи туем*⁴⁸¹.

(Таржимаси: “Эй Мир, сен пирсан, биз сенинг иршодинг биланмиз. Доим сенинг дуогўйингиз ва ёдинг биланмиз. Бу шаҳар сенга яхши, ёқимлидир ва биз сен билан хурсандмиз. Биз ўлдик, Астрободинг харобимиз”).

Шулардан сўнг муаллиф Паҳлавоннинг Неъматободдаги уйида юзга яқин қуштигир ва бошқа хизматчилар, созандаю хонандалар бўлганини, улар давлат томонидан таъминланишини ёзади.

Шу фактлар Паҳлавон ҳақидаги сўнгги маълумотлар бўлиб, муаллиф асарнинг давомида Паҳлавон Муҳаммаднинг ўлими тафсилотларини ҳикоя қилишга ўтади. Паҳлавоннинг

479. Қаранг: Бу рубойларга тадқиқотимизнинг “Навой ижодида Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад тасвири” деган 1.3-фаслида батафсил тўхталганмиз.

480. Ўша нашр. – Б. 117.

481. Ўша нашр. – Б. 118.

хизматидагилар Навоий олдиға югуриб келиб, бошлиқларининг тоби қочганини айтишади. Шоир табибларни жўнатади, бироқ улар етиб боришгунича Паҳлавон вафот этади. Бу мусибатдан Ҳусайн Бойқаро ҳам ҳой-ҳой йиғлайди, мамлакатдаги барча табақага мансуб одамлар изтироблар чекиб мотам тутишади.

Паҳлавоннинг давлат ва халқ орасидаги мартабаси баланд бўлган. Шу сабаб ҳам Ҳусайн Бойқаро Паҳлавонга атаб олдиндан мақбара қурдириб қўйган. Паҳлавон ўша ерга дафн этилади. Таъзия давлат даражасида ўтказилиб, ош берилади.

Жомий вафотидан бир йўл ўтиб рихлат қилган Паҳлавон Муҳаммад хотирасига Навоий таърих битади:

*Муҳаммад паҳлавони ҳафт кишвар,
Ки дар даҳраш навбад ақрону амсол.
Сару сарҳалқаи аҳли тариқат,
Ки рафт аз қайди гети фориғ ул-бол.
Зи баъди қутби олам орифи Ҷом,
Ки ў маҳдуми даврон буд аз иқбол.
Пас аз соли сӯи ҷаннат хиромид,
Аз ин дерина дайри мухталиф ҳол.
Агар пурсад касе таърихи фавташ,
Бизуям: “Баъди Маҳдуми ба як сол”⁴⁸².*

(Таржимаси: “Муҳаммад (Паҳлавон) – етти ўлка паҳлавони. Дунёда унинг тенги, ўхшаши йўқ. Тариқат аҳлининг боши ва сарҳалқаси Дунё кишанларидан қанот ёзиб кетди. Олам таянчи, Жом маърифатчиси иқбол юзасидан даврнинг ҳурматли зоти кетидан Бир йилдан кейин ранг-баранг кўринишдаги бу кўҳна дунёдан жаннат томон хиром қилди. Агар кимда-ким вафоти таъриhini сўраса: “Маҳдумдан кейин бир йил ўтгач”, – деб айтинг”).

Асар марҳумнинг ҳақиға дуолар билан тугатилади ва қуйидаги шеър келтирилади:

*То ҳашр уза анинг марқади пурнур ўлсун,
Ҳақ раҳматидин равон мағфур ўлсун,*

482. Ўша нашр. – Б. 119.

“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асари ҳам, худди “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” каби, қисмларга бўлинмаган. Бироқ биз асарнинг тузилиши, композициясини аниқлаштириш учун, шартли равишда, уни қисмларга бўлиб кўриб чиқамиз:

1. Паҳлавон Муҳаммаднинг насаби, келиб чиқиши ва тенги йўқ курашчи эканлиги.

2. Мусиқа назарияси ва амалиёти билимдони. Бастакор ва хонанда.

3. Шеършунос шоир. Асарларида “*Куштигир*” тахаллусини қўллаши.

4. Муаммо жанри билимдони.

5. Қитъа ва маснавийнавис.

6. Аруз, қироат, илми нужум билимдони, астролог, табиб ва фақиҳ.

7. Мурувват ва саховат эгаси.

8. Подшоҳ, шахзодалар ва барчанинг “маҳбуб ул-қулуб”и.

9. Навоий билан 40 йиллик муносабатлари борлиги, ораларида сир йўқлиги.

10. Машҳадда бўлиб ўтган, байт билан боғлиқ ҳазиломуз воқеа ҳикояси.

11. Навоий билан рубоийлар тарзидаги ёзишмаси.

12. Давлат ҳисобидан куштигирлар, хонандаю созандалар ва бошқа хизматчилар ажратилганлиги.

13. Паҳлавоннинг ўлими, эл мотами ва дафн этилиши.

14. Навоий ёзган таърих ва хулосавий шеър.

Паҳлавон Муҳаммад серқирра ижодкор бўлгани сабабли “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”даги шеърий парчалар – “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарига қараганда анча кўп. Бу шеърий матнларнинг аксарияти – Паҳлавон қаламига мансуб. Улардан Паҳлавоннинг форсий тилда ижод қилгани маълум бўлади.

Шеърий сатрларнинг композицион ўрнини кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидаги манзара пайдо бўлади:

483. Ўша нашр. – Б. 120.

1. Асарнинг кириш қисми учун дунёнинг бевафолиги ҳақидаги таронайи рубойи.

2. Мавлоно Тўтий шеърига басталанган “чаҳоргоҳ”. Матлаъ.

3. “Сеғоҳ”. Мавлоно Хусравнинг шеърига басталанган. Матлаъ.

4. Мавлоно Котибийнинг ғазалига “сеғоҳ”. Матлаъ.

5. Абусаид Мирзо қаламга олинган матлаъ.

6. Ҳусайн Бойқаро номига атаб “сайди ғазол” йўналишидаги асардан байт.

7. Ҳусайн Бойқарога бағишланган асарнинг бозғўйи, нақорати. 2 байт.

8. “Гуфтамаш” деб бошланувчи ғазал матлаъси.

9. “Куштигир” тахаллусини қўллашнинг исботлаш учун келтирилган байт.

10. Ҳофиз Шерозийнинг асарларидан чиқарилган муаммолар. “Али”, “Амин”, “Тақий” сўзлари топилган 3 байт.

11. Паҳлавоннинг Навоийга юборган рубойиси.

12. Навоийнинг юқорида қайд этилган рубойига жавоб тариқасида битган рубойиси.

13. Ҳусайн Бойқарога узрхоҳлик маъносида ёзилган қитъа.

14. Паҳлавоннинг ҳасби ҳол йўналишида ёзган маснавийси. 8 байт.

15. Паҳлавоннинг ҳазили. Навоий ғазалининг матлаъси ва мақтаъси.

16. Навоийнинг Паҳлавонга ёзиб жўнатган рубойиси.

17. Шу рубойига Паҳлавоннинг жавоби. Рубойи.

18. Навоийнинг Паҳлавон вафотига бағишлаган таърихи. 5 байт.

19. Хулоса ўрнидаги Навоийнинг туркий тилда ёзган 2 байти.

4.3. МАНОҚИБ-ҲОЛОТЛАРДА ИФОДА, ТАСВИР, ЗУЛЛИСОНАЙНЛИК ВА КЎПТИЛЛИЛИК

Бадий ифоданинг назм ва наср шакли бир-биридан кескин фарқ қилишини ҳаммамиз яхши биламиз. Назмда юксак бир поғонага чиққан ижодкор насрда қойилмақом нарса ёза олмаслиги эҳтимолдан холи эмас. Худди шундай, машҳур насрнавис ҳам тўрт жумлани шеърӣ йўл билан қоғозга тушира олмаслиги мумкин. Аслида, назмда ҳам, насрда ҳам бир даражада ижод қилиш ҳар кимга насиб этавермайди. Навоӣ буюклигининг яна бир жиҳати шу эдики, бу қалам соҳибига иккала шаклда ҳам тенгсиз асарлар яратиш қобилияти ато этилган эди.

Биз Навоӣни кўпроқ шоир сифатида биламиз. У яратган буюк шеърӣят ўзбек адабиёти ривожига туб бурилиш ясади. Бироқ Навоӣнинг насрий асарлари ҳам ўрни ва аҳамияти жиҳатидан улардан ҳеч ҳам қолишмайди. Айниқса, унинг илмий асарлари Навоӣнинг қанчалик кучли олим эканини исботлайди. Лекин бизни тадқиқотимиз мавзуси нуқтаи назаридан Навоӣнинг бадий-публицистик маҳорати кўпроқ қизиқтиради.

Зуллисонайнлик ва кўптиллик маноқиб-ҳолотларнинг ўзига хослигини намоён этади. Навоӣнинг бу мавзудаги фикрлари “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида намоён бўлган. У, аввало, араб тили ҳақида сўз юритиб, “Қуръони карим” ва ҳадислар мазкур забонда экани, шу сабаб ҳам унинг мўъжизали лисон эканини таъкидлайди. Кейин эса туркий, форсий ва ҳиндий тиллар муҳокамасига ўтади. Навоӣнинг таъкидлашича, туркийларнинг аксарияти форсийни тушунади, яхши сўзлай олади, ҳатто, шоирлари шу забонда шеърлар ёзади: “... Туркнинг улўғдин кичигига дегинча ва навкардин бегига дегинча сорт тилидан баҳраманддурлар, андоққим ўз хирад аҳволига кўра айтурлар, балки фасоҳат ва балоғат била ҳам такаллум қилурлар. Ҳатто, турк шуаросиким, форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар”⁴⁸⁴. Аммо форсийлар туркийда сўзлай олмасликлари, бу тилни тушунмасликлари, мабодо, бирортаси ўрганса ҳам, ҳозирги тил билан айтганда, акцент билан гапиришини куюниб

484. Алишер Навоӣ. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 16. Муҳокамат ул-луғатайн. – Тошкент: Фан, 2000. – Б. 12.

ёзади: “Аммо сорт улусининг арзолидин ашрофиғача ва омийсидин донишмандиғача ҳеч қайси турк била такаллум қила олмаслар ва такаллум қилғоннинг маънисин ҳам билмаслар. Агар юздин, балки мингдин бири бу тилни ўрганиб, сўзки айтса ҳам, ҳар киши эшитса билур ва унинг сорт эканин фаҳм қилур ва мутакаллим ўз тили била ўз расволиғиға ўзи иқрор қилғондектур”⁴⁸⁵. Шундан англашиладики, зуллисонайн шоирларнинг деярли ҳаммаси туркий қаламкашлардан чиққан. Улар анъанага мувофиқ форсий тилда, шунингдек, ўз она тилларида ижод қилишган. Ўша даврда ўзи форсий эл вакили бўла туриб, туркийда қалам сурган бирор ижодкор ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Шунинг учун зуллисонайнлик ҳам бир томонлама бўлган, деган хулосага келиш мумкин.

Араб тили эса, асосан, диний вазифани бажарган. Шунингдек, Шарқ Уйғониши давридан бери (IX – XII асрлар) илмий асарларни шу тилда ёзиш анъанаси шакллангани боис, форсий ва туркий тилда ёзилган бадий илмий асарларга ҳам арабий ном бериш урфга кирган.

Маноқиб-ҳолотларда Навоийни тамоман бошқа ижодкор сифатида кўрамиз. Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Баҳром ва Дилором каби тўқима тимсолларни ҳадди аълосига етказиб яратган шоир ўзи билан ҳамнафас яшаган инсонлар сиймосини акс эттиришда бутунлай бошқа йўлдан боради. Устоз ва пирларини таърифлашда турли жимжимадор, муболағага бой сўзлар, ифодалардан максимал даражада қочади. Ҳаётда ўзи кўрган, билган воқеаларни ўта аниқ қилиб ифодалайди. Энг муҳими, ҳеч ерда китобхонни чалғитмайди.

Бу жиҳатдан аввал “Хамсат ул-мутаҳаййирин” таҳлилига киришсак. Устози ҳақида бадий таъриф фақат асарнинг “Бисмилло...”сидагина келади. Бундан ташқари, асардан матни жой олган Жомий ва Навоий ўртасидаги ёзишмалар, турли асарлардан олинган парчаларда ҳам бадийликка йўғрилган таърифу тавсифлар бор. Бироқ асарнинг асосий қисмида Навоий юқорида биз айтган тамойил бўйича иш кўради.

Ҳақиқатан ҳам, Навоийнинг насрий тили – ўзига хос. Айниқса, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” ва шу типдаги “Ҳолоти Саййид

485. Ўша нашр. – Б. 12.

Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларидаги тил муаллифнинг бошқа ижод маҳсулларидагидан кескин ажралиб туради. Бу уч асарда улуғ қалам соҳибининг реал инсон сиймосини яратиш маҳорати намоён бўлади. Шунинг учун ҳам адабиётшуносларимиз ва тилшуносларимиз ҳали бу тилни ўрганиш йўлида талай ишлар қилишларига тўғри келади.

XV аср тили – бугунги тил эмас, албатта. Навоийнинг тили, айниқса, унинг насрий асарлари тили – бугунги ўқувчи учун жуда мураккаб. Ҳатто, луғатлар ҳам айрим ўринларда ёрдам бера олмай қолади. Шунинг учун ҳам, назаримизда, Навоийнинг барча насрий асарларига табдил матн тайёрланиши керак. Бу Навоий ижодининг янада оммабоп бўлишини таъминлайди.

Шоир қаламига мансуб 6 дostonнинг бугунги ўзбек тилидаги насрий баёнига эгамиз. “Маҳбуб ул-қулуб”, “Муножот” каби насрий асарларининг табдиллари бор. Ана шундай фойдали ишларнинг бири сифатида 2004 йили таниқли навоийшунос Суйима Ғаниева тадқиқотимиз объектларидан бири ҳисобланган “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асарининг табдил матнини изоҳ ва таржималари билан нашр эттиргани диққатга сазовор⁴⁸⁶. Биз ҳам қиёсан ўрганиш нуқтаи назаридан бу табдил матндан унумли фойдаландик.

Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин” да ўзига хос ифода усуллари қўллайди. Энг муҳими, у ҳар бир воқеани майда чизгиси(детали)гача аниқ қилиб ёзади. У “*ўқувчининг ўзи тушуниб олар*” деган йўлдан юрмайди. Чунки Навоий бу асарни шунчаки кўнгил хоҳиши учун эмас, Жомийдек улуғ бир инсон сиймосининг ўзи билган, кўрган жиҳатларини тарихга муҳрлаш учун яратди. Келажак олдидаги ана шу масъулият Навоийни воқеа-ҳодисаларни борлигича, ортиқча муболағаларсиз ёзишга ундар эди. Айнан шунинг учун ҳам XXI асрга келиб, Навоийнинг қайдлари орқали Жомий сиймоси ҳақида тасаввурга эга бўла оламиз.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин” – Навоийнинг бошқа асарлари билан солиштирилганда, ҳажм жиҳатидан нисбатан кичик асар. Чунки муаллиф, кўп бор таъкидлаганимиздек, айнан Жомий сиймосининг фақат ўзи кўрган, билган жиҳатларинигина ёритиш йўлини танлаган. Шунинг учун ҳам Навоий мақсаддан четдаги, иккиламчи

486. Қаранг: Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Нашрга тайёрловчи С. Ғаниева. – Тошкент: ТошДШИ, 2004.

воқеаларни ҳикоя қилишдан қатъий тийилади. Бунга асарнинг бир неча жойида гувоҳ бўламиз. Масалан, у Жомийнинг болаликдаги ўткир зеҳни ҳақида ҳикоя қила туриб: *“Туфулиятлари айёмидағи бу навъ осору аломат кўп манқулдур. Сабт этарға машғул бўлунса, сўз узалур”*⁴⁸⁷, – деб, ўзини-ўзи чеклайди. Аммо мақсадига бевосита хизмат қиладиган масалаларни: *“Ул жумладин дағи бир нечақим, айн ил-яқин бўлубтур битимағи муносиб кўрунди”*⁴⁸⁸, – деб бирма-бир ҳикоя қилади. Эътиборли жиҳати – баъзи воқеаларни келтириб ўтганидан кейин: *“Бу сўз тақриридин фақирға неча ғараздур”*⁴⁸⁹, – деб, ҳикояни ёзишдан кўзда тутган бир нечта мақсадини кетма-кет ифодалайди.

Ана шу мисоллар Навоийнинг ўз устози ҳақида нақадар аниқ-тиниқ, пишиқ-пухта, ортиқча нарсалардан холи, айна пайтда камқўсти йўқ асар яратиш ниятида бўлганини исботлайди.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”да муаллиф Жомий сиймосини яратишда ўзига хос йўлдан боради. Асарда, умумий баёндан ташқари, кичик-кичик воқеалар келтирилади. Биз бу воқеаларни, шартли равишда, *“ҳикоят”* деб номладик. (Бу ҳақда тадқиқотимизнинг *“Хамсат ул-мутаҳаййирин”* тузилишининг ўзига хосликлари” деб аталган 4.1-фаслида батафсил тўхталган эдик). Хуллас, ана шу ҳикоятлар бош қаҳрамон шахсиятининг турли қирраларини акс эттириб, секин-аста ўқувчи кўз ўнгида Жомий қиёфасини муфассал тарзда гавдалантириб боради.

Шуниалоҳида қайд этиш керакки, *“Хамсатул-мутаҳаййирин”*нинг фақат *“Аввалги мақолат”*, *“Иккинчи мақолат”*, шунингдек, *“Хотима”* қисмларидагина ҳикоятлар келтирилади. *“Аввалги мақолат”*да икки ижодкор ўртасидаги нозик муносабатларни акс эттирувчи 17 та, *“Иккинчи мақолат”*да Жомий ва Навоий ўртасидаги турли ёзишмалар ва улар билан боғлиқ воқеаларни қамраб олган 13 та ҳамда *“Хотима”*да Жомийнинг кароматлари билан боғлиқ 5 та ҳикоят берилган. Бироқ асарнинг *“Аввалги мақолат”*идаги ҳикоятлар сони ва салмоғи жиҳатидан алоҳида ажралиб туради. Биринчидан, *“Аввалги мақолат”*ни, асарнинг

487. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 10 – 11.

488. Ўша нашр. – Б. 73.

489. Ўша нашр. – Б. 22.

энг муҳим боби, десак, бизнингча, хато бўлмаса керак. Чунки бу қисм асар муаллифи қўйган бош мақсадга тўлиқ жавоб беради. Яъни бу боб тўлиқ Навоий ва Жомий ўртасидаги муносабатларга бағишланган. Иккинчидан эса, “Аввалги мақолат” тамоман ана шу 17 ҳикоят асосига қурилган.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин”даги ҳикоятлар – ҳажман қисқа-қисқа. Уларнинг аксарияти анъанавий тарзда “Бир кун...”, “Бир кечаси...”, “Бир қатла...”, “Бир сабоҳ...” ёки тўғридан-тўғри “Алар...” деб бошланади. Бу лисоний ифода, ўз навбатида кетма-кет ҳикоя қилинаётган воқеаларни муайянлаштириб, ҳикоятларни бир-биридан ажратиб туради. Бундан ташқари, умумий баён кетаётган пайтда муаллифнинг ўзи: “Ул ҳазратнинг фавтлари воқеаси шарҳиға шуруъ қилали”⁴⁹⁰, – каби жумла билан бошқа масала баёнига ўтаётганини билдириб боради. Биламизки, араб ёзувида ҳозиргига ўхшаган сатр боши, нуқта, вергул, нуқтали вергул, ундов, сўроқ каби тиниш белгилари ишлатилмаган. Шунинг учун айни усуллар матннинг тушунарли бўлишини таъминлаган. Шу сабаб ҳам Навоий вақти-вақти билан ўқувчига ана шундай “йўл кўрсатиб туриш”ни унутмайди. Бундай услубий ўзига хослик – айниқса, бир неча аср кейинги ўқувчиларнинг асар мазмунини қийналмай тушуниши учун жуда муҳим.

Муаллиф воқеаларни ёритишда кўчирма гаплардан кенг фойдаланади. Бу, айниқса, ҳикоятларда жуда қўл келган. Мисол учун, “Аввалги мақолат”нинг 9-ҳикоятига назар ташлаймиз:

“Ҳам ушбу тарихда эрдиким, фақир сипоҳлиқдин мутанаффир бўлуб, маносибни тарк қилиб, мулозиматни ўқсутуб эрдим. Алар ташбеҳ ва насиҳат юзидин сўрдиларким:

– Бу навъ амре масмуъ бўлди, бу жиҳат на эрди эркин?

Фақир дедимким:

– Инсон жинси суҳбат ва ихтилотидин малул бўлур эрдим, бу ишга ул боис бўлди.

Алар дедиларким:

– Инсон кимни хаёл қилиб эрдинг, бизга дағи кўргуз?

Кўрқуб эрдимким, манъ қилғайлар. Бу жавобдин билдимким,

490. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 76.

муборак хотирларига бу иш хейли нохуш келмаган эрмиш. Хотирим жамъ бўлди"⁴⁹¹.

Демак, Навоий азбаройи одамларнинг суҳбат ва бир-бирлари билан муносабатлари жонига текканидан мансаблардан воз кечган ва буни устози ҳам тўғри қабул қилган. Носирнинг маҳорати шундаки, буни у устози билан ўзи ўртасида кечган ихчам савол-жавоб, яъни диалог орқали ифодалаб ўтади.

"Хамсат ул-мутаҳаййирин"ни мутолаа қилиб, Навоийнинг устозига бўлган чексиз ҳурматини ҳар бир сатрда сезиб турасиз. Муаллиф Жомий ҳақида учинчи шахсда сўз юритаётганида ҳам ҳар доим уни "сиз"лаб тилга олади ва аксарият ҳолларда устозининг номини қайта-қайта такрорламаслик учун *"алар"*, яъни *"улар"* олмошини ишлатади. Асарда *"алар"* сўзи турли қўшимчалари билан бирга келганини қўшиб ҳисоблаганда, жами 242 марта қўлланган. "Хамсат ул-мутаҳаййирин" фақат Жомийга бағишланган асар бўлгани учун *"алар..."* сўзи деярли барча ўринларда Жомийнигина англаган. Бундан ташқари, Навоий Жомийни 44 жойда *"ул ҳазрат"*, 17 марта *"махдум"* деб тилга олади. Жомийнинг ўғлини эса *"махдумзода"* деб эъзозлайди. *"Махдум"* сўзи *"хизмат қилувчи одам"* деган маънони билдириб, пир ва устозларга, баъзан уларнинг ўғилларига нисбатан ҳам қўлланади⁴⁹².

"Хамсат ул-мутаҳаййирин"да Навоий томонидан *"Жомий"* тахаллуси фақатгина бир марта, яъни *"Бисмилло..."* да – устознинг тўлиқ номи келтирилган ўриндагина берилган. Аммо *"Жомий"* сўзи яна 6 марта турли мактублар ва асарлардан келтирилган парчаларда учрайди. Асарда Навоий ўзини эса *"фақир"* деб юритади.

"Хамсат ул-мутаҳаййирин"да яна бир талай ўзига хос сўзлар бор. Масалан, Навоий ўз уйини *"бандахона"* дейди. Агар воқеа Жомийнинг ҳузурда рўй бераётган бўлса, *"ул ҳазрат мажлисла-рида"* дейилади.

Жомийдек улуғ шоирнинг олдида доим шогирдлар, шоирлар, унинг хизматидаги турли тоифа кишилар бўлган. Навоий уларни

491. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 20 – 21.

492. Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. Ж. 5. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2003. – Б. 526.

“асҳоб”, яъни “суҳбатдошлар” деб атайди. Бундай ифодаларни, шартли равишда ёки рамзий маънода, “асарнинг калит сўзлари” деб ҳисоблаш мумкин. Асардаги ана шу “калит сўзлар”ни билган ўқувчи учун унинг матнини тушуниш янада осонлашади.

Жомийнинг вафоти билан боғлиқ воқеаларни ўқиётганимизда “Хамсат ул-мутаҳаййирин”даги бадий жиҳатдан бағоят юксак, ўта таъсирли жумлаларга дуч келамиз. Устозининг ўлими Навоий учун катта фожиа эди. Шунинг учун унга бу мудҳиш ҳодисани қоғозга тушириш осон эмас эди. Шу сабабдан ҳам Навоий асарнинг “Хотима”сида: *“Не ўзга бедод қилмоқдин фойдае, балки не ўзни ўлтурмоқдин натижае. Бу фақирға воқеъ бўлғон суубат шарҳи чун мумкин эрмас ва шуруъ анга таҳайюр ва таазурдин ўзга фойда бермас, шуруъ мақсудға қилмоқ авлодур”*⁴⁹³, – деб ёзади. Жомийдек энг яқин кишисини йўқотган Навоий учун ҳаётнинг ҳам мазмуни қолмагандек бўлади, буни у: *“Олам жонсиз бадандек холи қолди”*⁴⁹⁴, – деган ўта таъсирчан жумла билан ифодалайди.

“Хамсат ул-мутаҳаййирин” тилига дахлдор яна бир ўзига хослик – зуллисонайнлик. Албатта, асар, аввало, туркий тилда ёзилган. Бироқ унда келтирилган мактублар, шеърий байтларнинг кўпчилиги – айнан форсийда. Навоий устозининг ҳурмати учун унинг хатлари ва уларга илова қилинган шеърий байтларга форсий тилда жавоб қайтаради. Шунинг учун ҳам, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг *“Иккинчи мақолат”*идаги барча хат ва шеърий ёзишмалар форсий тилда. Жомий туркийда ижод қилмаган, буни Навоий асарнинг *“Учинчи мақолат”*ида: *“...Туркча алфоз била назмға илтифот қилмас эрдилар”*⁴⁹⁵, – деб алоҳида таъкидлаб ўтади.

Навоийнинг бир қисм форсий асарлари яратилишига Жомий сабабчи бўлган. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да акс этган икки ижодкорнинг бир-бирига ўзаро адабий таъсири ана шундай хулоса чиқаришга имкон беради. Навоий, ҳатто, Жомийга бағишланган 140 мисрадан иборат марсиясини ҳам устози руҳини инobatга олган ҳолда айнан форсий тилда ёзди.

493. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 77 – 78.

494. Ўша нашр. – Б. 77.

495. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 71.

“Хамсат ул-мутаҳайирин” Жомийга бағишлангани учун ҳам ундаги форсий мисраларнинг сони – туркийдагисига қараганда анча кўп. Асарда келтирилган жами 660 мисранинг 526 таси, яъни 79,7 фоизи – форсий, 134 таси, яъни 20,3 фоизи эса – туркий. Демак, форсий тилдаги шеърлар – ҳажман туркий тилдаги сатрлардан 4 баробар кўп. Бу табиий эди. Чунки Жомий форсий шоир эди, Навоийнинг у билан мулоқотлари ҳам аксаран шу тилда амалга ошган.

Буни қуйида келтирилган жадвал асосида чуқур таҳлил қилиш мумкин:

Тили	Қисмлар	Шоирлар						Жами мисралар		
		Навоий	Навоий	Жомий	Дехлавий	Соғарий	Анварий	Жами	Жами	Жами
		форсий	форсий	Форсий	форсий	форсий	туркий	форсий		
1.	“Бисмил-ло...”	12						12	0	12
2.	“Муқад-дима”	6		12				6	12	18
3.	“Аввал-ги мақолат”	2	2	43	3	2	2	2	52	54
4.	“Иккин-чи мақолат”		74	92	2			0	168	168
5.	“Учинчи мақолат”	112	8	140				112	148	260
6.	“Хоти-ма”	2	144	2				2	146	148
	Ж А М И							134	526	660

Навойй ҳам “Хамсат ул-мутаҳаййирин” да зуллисонайнликнинг ўша даврда амалда бўлган шу анъанасига қатъий амал қилиб, келтирилган форсий парчаларни туркийга таржима қилиб ўтирмайди.

Аммо муаллиф асарда бошқа бир қатъиятни маҳкам тутати. Қайси тилда айтилганидан қатъи назар, Жомий Навоййга билдирган фикр-мулоҳазаларнинг бари туркийда келтирилади. Демак, асардаги зуллисонайнликнинг нозик хусусиятини аниқлаб олиш керак. Бу шундан иборатки, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” икки тилда эмас, бир тилда, яъни туркийда ёзилган. Бироқ ундаги форсий бадий иқтибослар айнан келтирилган. Шу тариқа фактнинг ишончлилиги таъминланган. Бу ўша давр учун қабул қилинадиган усул бўлган. Навоййнинг замондоши Ғиёсиддин Хондамир “Мақорим ул-ахлоқ” асарида “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг тили ҳақида шундай ёзади: *“...Фалак девонининг котиби ушбу асардаги наср тилининг равонлиги ва унда келтирилган шеърларнинг гузаллигидан ажабланиш бармоғини ҳайрат тиши билан тишлабди”*⁴⁹⁶.

Ўзбек мумтоз адабиётига форсий адабиёт, қолаверса, форсий тилнинг ҳам қай даражада таъсири бўлганини ҳаммамиз яхши биламиз. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” яратилган XV аср Хуросон адабий муҳитида ҳам форсий тил етакчилик қилган. Умуман, у даврда илғор китобхонларнинг деярли ҳаммаси форсийни тушунган. Шунинг учун ҳам “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да форсий тилда битилган мактублар, турли асарлардан келтирилган парчаларнинг таржимаси берилмаган. Чунки асар, аввало, ўша давр китобхони учун мўлжалланган.

Бундан ташқари, асарда турли арабий иборалар ҳам учрайди. Бу ибораларнинг аксарияти бирон-бир мартабали инсонни улуғлаш учун қўлланади. Берилган таърифлар диний аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам улар – араб тилида. Бу ўзига хос анъана ҳисобланади. Қуйида биз “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да ишлатилган ана шу арабий ифодаларнинг рўйхатини туздик⁴⁹⁷:

496. Ғиёсиддин Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. – Тошкент: Академнашр, 2017. – Б. 111.

497. Матн ва таржималар китоб нашрида қандай берилган бўлса шундай қолдирилди. *Қаранг*: Алишер Навойй. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 7 – 85. Шунингдек, изоҳ ва таржималар: – Б. 185 – 221.

1. "(Саллаллоҳу алайҳи ва ало олиҳи ва асҳобиҳи ва атбоиҳи ва саллама ва баъду)"⁴⁹⁸. Таржимаси: "Аллоҳ унинг, (яъни Муҳаммад пайғамбар (с. а. в.)нинг) оиласини ва саҳобаларини, унинг издошларини дуо қилсин ва олқишласин ва сўнгра".

2. "Алишер ал-мутахаллис Бин-Навойй (ғаффара зунубаху, саттара убаху)"⁴⁹⁹. Таржимаси: "(Аллоҳ) гуноҳларини кечирсин ва айбларини беркитсин".

3. "Мавлоно Абдураҳмон ул-Жомий (қуддиса Аллоҳу сирраҳу ва наввара Аллоҳу марқадаҳу)"⁵⁰⁰. Таржимаси: "Аллоҳ сирини муқаддас сақласин ва қабрини ёруғ қилсин".

4. "Амир ул-муъминин Умар (рази Аллоҳу алайҳа л-унҳу)"⁵⁰¹. Таржимаси: "Аллоҳ ундан рози бўлсин".

5. "Машойих ва авлиёуллоҳ (қуддиса Аллоҳу асрорҳум)"⁵⁰². Таржимаси: Аллоҳ уларнинг сирларини муқаддас сақласин.

6. "Шайх Абулҳасан Дурроҷ (қуддиса сирруҳу)"⁵⁰³. Таржимаси: "Сирларини муқаддас сақласин".

7. "Имом Юсуф бин Абулҳусайн Розий (қуддисиллоҳу сирруҳу лазиз)"⁵⁰⁴. Таржимаси: "Аллоҳ сирини муқаддас ва азиз сақласин".

8. "Ҳожа Абдуллоҳ Ансорий (қуддисиллоҳи сирруҳу)"⁵⁰⁵. Таржимаси: "Аллоҳ сирини муқаддас сақласин".

9. "Мавлоно Муҳаммад Табодгоний (қуддиса сирруҳу)"⁵⁰⁶. Таржимаси: "Сирларини муқаддас сақласин".

10. "Наузу биллаҳ мин шурури нафсино ва мин сиёсати аъмалино"⁵⁰⁷. Таржимаси: "Аллоҳни нафсимиз ёвузлигидан ва ишларимиз ғирромлигидан сақлашга чақирамиз".

11. "Ҳожа Носируддин Убайдуллоҳ (қуддиса сирруҳу)"⁵⁰⁸. Таржимаси: "Сирларини муқаддас сақласин".

498. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 7.

499. Ўша нашр. – Б. Ўша.

500. Ўша нашр. – Б. Ўша.

501. Ўша нашр. – Б. 10.

502. Ўша нашр. – Б. 12.

503. Ўша нашр. – Б. 28.

504. Ўша нашр. – Б. Ўша.

505. Ўша нашр. – Б. Ўша.

506. Ўша нашр. – Б. Ўша.

507. Ўша нашр. – Б. 29.

508. Ўша нашр. – Б. 40.

12. “Шайх Фаридиддин Аттор (қуддиса сирруху)”⁵⁰⁹. Таржимаси: “Сирларини муқаддас сақласин”.

13. “Шайх Абу Абдураҳмон Сулламий (қуддиса сирруху)”⁵¹⁰. Таржимаси: “Сирларини муқаддас сақласин”.

14. “Абдураҳмон Жомий (мадда зиллаҳу)”⁵¹¹. Таржимаси: “Аллоҳ соясини узайтирсин”.

15. “Иншааллоҳ ало наимуллоҳи”⁵¹². Таржимаси: “Худо хоҳласа, унга Аллоҳ марҳамати бўлғай”.

16. “Али Яздий (раҳматуллоҳи)”⁵¹³. Таржимаси: “Аллоҳ раҳмат қилсин”.

17. “Имом Али Мусо ар-Ризо (алайҳи т-таҳиятиҳи ва л-сано)”⁵¹⁴. Таржимаси: “Аллоҳнинг мақтови унга бўлсин”.

18. “Хожа Муҳаммад Порсо (қуддиса сирруху)”⁵¹⁵. Таржимаси: “Сирларини муқаддас сақласин”.

19. “Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ (тоба суроҳу)”⁵¹⁶. Таржимаси: “Қабри ёруғ бўлсин”.

20. “Абулғози Султон Ҳусайн Баҳодирхон (халлада лиллаҳи мулкаҳу ва салтанатаҳу)”⁵¹⁷. Таржимаси: “Аллоҳ мулки ва салтанатини боқий қилсин”.

21. “Ҳазрати Султон соҳибқирон (халлада мулкаҳу ва таввала умраҳу)”⁵¹⁸. Таржимаси: “Аллоҳ мулкани боқий ва умрини узун қилсин”.

22. “Султон Бадиуззамон Мирзо (аббад ал-лоҳу таоло зилол шафатиҳи ало нафориқи л-муҳиббин ила явмиддин)”⁵¹⁹. Таржимаси: “Аллоҳ таоло шафқат соясини дўстлар айрилиғи устида то қиёмат абадий қилсин”.

Алишер Навоийнинг лотин ёзувида чоп этилган 10 жилдли “Тўла асарлар тўплами” солиштириш учун кўриб чиққанимизда

509. Ўша нашр. – Б. 49.

510. Ўша нашр. – Б. Ўша.

511. Ўша нашр. – Б. 54.

512. Ўша нашр. – Б. 56.

513. Ўша нашр. – Б. 56.

514. Ўша нашр. – Б. 68.

515. Ўша нашр. – Б. 72.

516. Ўша нашр. – Б. 73.

517. Ўша нашр. – Б. 75.

518. Ўша нашр. – Б. 78.

519. Ўша нашр. – Б. 79.

янги нашрда арабий ифодалар янада кўпроқ эканлигига гувоҳ бўлдик⁵²⁰. Бу эса асарнинг ҳақиқий маъно-мазмунни билан тўлиқроқ танишиш имконини беради.

Эски нашрга кирмай қолган айрим арабий ифодалар:

1. *"Jalla sha'nuhu va azuma sultonahu"*⁵²¹.

2. *"Vallohu taolo yaqul ul-haqqa va yandis sabila va huva subhonahu hasbunallohu va ne'mal vakil"*⁵²². Таржимаси: "Аллоҳ таоло Ҳақни айтади ва тўғри йўлга ҳидоят қилади. Бу пок Аллоҳ бизга кифоя ва энг яхши вакилдир".

Юқоридаги арабий иборалар орасида *"қуддиса сирруху"* (*"Сирини муқаддас қилсин"*) ва шу бирикманинг бошқачароқ шаклдаги маънодошлари алоҳида ўрин тутаяди. Чунки, авваламбор, бу ибора Абдурахмон Жомийга нисбатан ишлатилган. Иккинчидан, бирикма ва унинг маънодошлари асарнинг хийла кўп ўринларида қўлланган.

"Қуддиса сирруху" – ирфоний маънога эга. Бу ибора тасаввуф вакиллари, хусусан, шайх ва авлиёлар номига қўшиб ифодаланаяди. Юқоридаги рўйхатнинг 5-рақам остида келган қаторида Навоий шу каби шахслар ҳақида умумий қилиб: *"Машойих ва авлиёуллоҳ (қуддиса Аллоҳу асрорухум)"*, – деб ёзгани фикримизга исбот бўлади. Шу рўйхат асосида муаллиф Жомийдан ташқари, Шайх Абулҳасан Дуррож, Имом Юсуф бин Абулхусайн Розий, Хожа Абдуллоҳ Ансорий, Мавлоно Муҳаммад Табодгоний, Хожа Носириддин Убайдуллоҳ, Шайх Фаридиддин Аттор, Шайх Абу Абдурахмон Суллабий, Хожа Муҳаммад Порсоларга нисбатан *"қуддиса сирруху"* ва унинг маънодошларини қўллаганини билиб оламиз. Ҳар бир шахс номи ёнида келтирилган дуо тарзидаги бу иборалар, тилга олинаётган кишининг асар ёзилаётган пайтда тириклиги ёки оламдан ўтгани, унинг мавқеи, диний-тасаввуфий даражасини билдиради. Шунинг учун ҳам Навоий асарларида қўлланган ана шундай арабий ибора ва бирикмаларнинг маъносини билиш ва уни тўғри тушуниш – ниҳоятда муҳим.

"Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати" да бу каби

520. Қаранг: Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. 10 jildlik. 5-jild. Xamsat ul-mutahayyirin. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2013.

521. Ўша нашр. – Б. 735.

522. Ўша нашр. – Б. 785.

арабий тушунчалар “Арабий бирикма ва ибораларнинг изоҳи ҳамда талқини” тарзида берилган⁵²³. Аммо “Хамсат ул-мутаҳаййирин” да бундай ибораларнинг ҳаммаси диний – дуо маъносига эга.

Мазкур луғатда “қуддиса сирруху” ибораси қуйидагича таржима қилинган: “Қуддиса сиррух(у) – муқаддас қилинсин унинг сири:

*“Қуддиса сиррух” не маонийдур ул,
Руҳи қуддус файзи нишонидур ул.*

“Ҳайрат ул-аброр” (“Хамса”)⁵²⁴.

Юқорида тилга олинган луғатда бу дуонинг маънодоши (синоними) ҳам берилган ва у қуйидагича шарҳланган: “Қаддасаллоҳу сирраҳу – муқаддас қилсин Аллоҳ унинг сирини: ...Шайх Абдуллои муборак қаддасаллоҳу сирраҳунинг тавбасининг бидоятти... “Маҳбуб ул-қулуб”⁵²⁵.

“Муқаддас” сўзини ҳозирги тушунчамизда “азиз”, “илоҳий”, “муътабар” маъноларида англаймиз. “Сир” – нима унда? Ёки нега унинг сири муқаддас қилиниши керак? Бу қисқа изоҳдан айни саволларга жавоб топиш – амри маҳол.

Шунинг учун “Ҳайрат ул-аброр” даги ана шу байт келган парчани кўриб ўтишга тўғри келади. Унда Шайх Низомий Ганжавий таърифланади. Унинг изоҳида: “Дуо: “Унинг сирлари пок бўлсин!”⁵²⁶ – деб берилган. Биринчидан, бунинг дуо экани тўғри қайд этилган, иккинчидан, “муқадас қилсин” деб эмас, “пок қилсин” деб тўғри таржима қилинган. Фақат бир масала очилмай қолган: сир – нима, нега уни пок қилиш керак? Масалага аниқлик киритиш учун рус тилидаги тасаввуфга оид нашрларга мурожаат қилдик. Уларнинг айримларида “қуддиса сирруху” нинг: “Аллоҳ унинг кўнгли ойнаси-ни пок қилсин”⁵²⁷, – деган мазмундаги таржимага дуч келдик. Ана

523. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик. Ж. 4. – Тошкент: Фан, 1985. – Б. 248 – 267.

524. Ўша нашр. – Б. 266.

525. Ўша нашр. – Б. 265.

526. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 7. Ҳайрат ул-аброр. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 352.

527. “Наш досточтимый шейх Халид Сайфулла, қуддиса сирруху (да очистит Аллах “зеркало” его сердца (сирр))” (Шейх Хасан Хильми ибн Мухаммад ад - Дагестани ан - Накиббанди аш - Шазили аль - Кадири. Талхис аль-ма’ариф фи

шу таржима – тўғри. Чунки тасаввуфий тасаввурга кўра, сўфий кўнгли ойнасини олий даражада пок тутса, унда Аллоҳ акс этади. Бу дуода айнан ана шу тасаввуфий маъно кўзда тутилади. Демак, англашиладики, “*сирр*” деганда “*кўнгили ойнаси*” кўзда тутилаётган экан.

Насиба Бозорова инсон латойифи ситта (нафс, қалб, рух, сир, хафий, ахфо) орқали ҳузур ва завқ-шавққа мушарраф бўлиб, кашфу каромат соҳибига айланиши, сайри сулукда ҳам ҳол ва мақом шу даражаларга кўра белгиланишини айтиб: “*Нафсни тазкия этиш билан қалб руҳга йўналади, руҳ тасфия этилгач, сирга улашилади, сўнг хафий ва ахфо мартабалари орқали кўнгилга файзи раҳмоний этиб, инсон илоҳий сир-асрордан воқиф бўла бошлайди. Умуман, риёзат, зикру машаққат билан бу даражага кўтарилган инсон том маъноси ила комил инсон, ҳикмат ва маърифатда касби камол этган етук шахс ҳисобланади*”⁵²⁸, – деб ёзади.

Демак, номлари ёнига “қуддиси сирруҳу” ибораси ишлатилган кишилар, Навоий наздида, қайсидир маънода комилликка етган шахслар. Хусусан, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” бағишланган Абдурахмон Жомий ҳам Навоий назарида, шубҳасиз, комил инсон. “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” ҳам, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” ҳам – “Хамсат ул-мутаҳаййирин”га нисбатан ҳажман кичикроқ асар. Шунинг учун ҳам бу икки адабий ёдгорликдаги ифода ва тасвир усуллари “Хамсат ул-мутаҳаййирин”дан бир-мунча фарқ қилади. Навоий ҳолотларда ихчамликка интилган. Ҳолотлар муаллиф томонидан махсус қисмларга ажратилмагани, лекин асарлар, шартли равишда, турли масалаларга бўлинганини тадқиқотимизнинг “Ҳолотлар композицияси” деган 4.2-фаслида батафсил кўриб чиқдик.

“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”да алоҳида ҳикоятлар келтирилмаган. Лекин асар таркибида иккита ўта нозик ва тарғиб Мухаммад ‘Ариф. Краткое изложение сокровенных знаний для наставления Мухаммада ‘Арифа. / Ислам. Общероссийский духовно-просветительский журнал. Москва – С. 36).

528. Бозорова Н. Алишер Навоий ғазалларида “сир” талкинлари. //“Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 49.

таъсирчан воқеа бор. Биринчиси, Саййид Ҳасаннинг мансабни тарк этиши, подшоҳдан изн сўрашдаги мураккаб вазият бўлса, иккинчиси ёлғиз фарзанди Саййид Муҳаммаднинг ўлими билан боғлиқ тасвир.

Саййид Ҳасан олтмиш ёшдан кейин дунёвий ишлардан, мансаблардан воз кечиб, тўлиқ Ҳақ йўлида хизмат қилишга киришиш учун подшоҳдан рухсат сўрагани, аммо Ҳусайн Бойқаро бунга икки йилча кўнмаганини яхши биламиз. Халққа ва ҳокимиятга манзур бўлган давлат хизматчисидан воз кечиш подшоҳ учун ҳам ёқимли иш эмас эди. Аммо вазият уни чорасиз қолдирди. Навоий ана шу нозик ҳолатни ўқувчига маҳорат билан етказишга ҳаракат қилади. Муаллиф Ҳақ йўлига интилган Саййид Ҳасаннинг ҳам, содиқ бир хизматчисидан айрилаётган ҳукмдорнинг ҳам ҳолатини борлигича тасвирлашга интилади. Асарни ўқиётган ўқувчи иккала шахснинг ҳам вазиятини тўғри тушуниши керак. Муаллифнинг асл мақсади, аслида – шу. Навоийнинг тарихий фактни тўғри етказиш маҳорати айнан шу ерда кўринади: *“Чун подшоҳ улча имкони бор, илтимосда муболаға қилдилар. Кўрдиларки, аларнинг гирифтормлиғи андоқ ерда эрмаски, ўзлуклари била ё бировнинг эҳтимоми била халослик мумкин бўлғай. Кўрдиларки, ортуқроғ муболаға воқеъ бўлса, зулм бўлғудекдур, раҳм қилдилар ва чорасиз рухсат воқеъ бўлди”*⁵²⁹. Подшоҳ Саййид Ҳасандан ишда қолишни илтимос қилади, аммо кўрадики, ўзининг ёки бошқа кишининг талаби билан бирон нарса ўзгарадиган эмас. Ортиқча қайсарлик қилса, унга зулм бўлишини билиб, раҳм қилади ва чорасиз рухсат беради. Эътибор берилса, юқоридаги парчада *“кўрдиларки”* сўзи қадит сўз бўлиб хизмат қиляпти. Бундан олдинги абзацда ҳам *“подшоҳи исломпаноҳ чун кўрдиларким”*⁵³⁰ деган бирикма келади. Навоий реал шахс – замондош ҳукмдор ҳақида сўз юритяпти. Шунинг учун ҳам вазиятни тасвирлашда дипломатик йўл тутаяди. *“Кўрдиларки”* сўзи эса нозик ҳолатни тасвирлашда энг муҳим калимага айланади.

Асарда келтирилган иккинчи муҳим воқеа, яъни ягона фарзанд бўлмиш Муҳаммаднинг ўлими ва унинг қабрга қўйилиши билан боғлиқ. Бу мусибатни ҳам Саййид Ҳасан Худога ношукрлик

529. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 98.

530. Ҳша нашр. – Б. 97.

бўлмаслиги учун ҳаддан зиёд сабр ва оғирлик билан қабул қилади. Суннатга мувофиқ тарзда ўғлини ўзи қабрга қўйган вақтда ҳам вазминликни йўқотмайди. Бундан атрофдагилар қаттиқ таажжубга тушади. Навоий буни шундай ифодалайди: *“Наъш билан боргон дарвешлар ва акобиру ашрофни ҳайрат лол қилиб, таажжуб беҳол қилди. Бу навъ фано ва истиғроқ ва ҳавсала башар хайлидин номаълумдирким, кимда бўла олғай”*⁵³¹.

Ҳолотда Саййид Ҳасаннинг 6 та фазилати алоҳида саналади. Шу хислатларни ажратилган ҳолда кўрсатиб бериш учун Навоий 5 марта кетма-кет *“яна бири”*⁵³² деган сўзни қўллайди. Замоनावий матнларда биз бундай ўринларда рақамлардан фойдаланамиз. Лекин XV асрда бундай қоидалар ҳали шаклланиб улгурмаган эди. Аммо фазилатларни алоҳида ажратиб кўрсатишга эҳтиёж юқори бўлгани учун ҳам муаллиф ана шу сўзни ўз ўрнида ишлатади.

Навоий *“Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”* да Жомийни *“сиз”* лаб ёзгани каби ҳолотда ҳам Саййид Ҳасаннинг орқасидан ҳар доим *“сиз”* лаб ёзади. Масалан: *“...ўз ҳолларида эрдилар”*⁵³³, *“...топар эрдилар”*⁵³⁴, *“...тилар эрдилар”*⁵³⁵, *“...тортар эрдилар”*⁵³⁶, *“...мушарраф бўлдилар”*⁵³⁷. Бу ҳам муаллифнинг нозик фаросатини, улуғларга бўлган ўзига хос ҳурматини, шунингдек, қалам тебратиш маданиятини кўрсатади. Хусайн Бойқаро ҳақида сўз юритилганда ҳам Навоий доим *“сиз”* лаб ёзади. Бу ифодада ўзбекона юксак ҳурмат кўрсатиш маданияти акс этган. Ҳолбуки, аксар туркий тилларда кишини феълнинг учинчи шаклида кўпликда ифодалаш мутлақо йўқ.

Асарда диалог, кўчирма гапдан ҳам фойдаланилган. *“Бир улуг киши сўрдиким: “Барчани мусаллам тутдук, аммо сувнинг завқи нечук йигитликдагича бўлмағай? Ҳар киши сувсиз бўлса, хоҳ қари, хоҳ йигит сув ичгач, оташи давъ бўлуб, завқе топар”. Алар дедиларким: “Рост, завқ топар, аммо таффовут бор...”*⁵³⁸.

“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” да насрий форсий матнлар йўқ.

531. Ўша нашр. – Б. 100.

532. Ўша нашр. – Б. 94.

533. Ўша нашр. – Б. 95.

534. Ўша нашр. – Б. 95.

535. Ўша нашр. – Б. 96.

536. Ўша нашр. – Б. 96.

537. Ўша нашр. – Б. 96.

538. Ўша нашр. – Б. 101.

Фақат икки ўриндагина форсий мисралар келтирилган. Биринчиси, тош қозон ҳақидаги байт бўлса, иккинчиси, Ардашернинг вафоти муносабати билан туширилган таърих. Иккиси жами 6 мисра. Ҳолотдаги туркий мисраларнинг сони 46 та. Демак, асардаги шеъринг матнларнинг 11,5 фоизигина форсий тилда экан. Навоийнинг маноқиб-ҳолотлари ичида форсий тилдан энг кам фойдаланилгани шу асар бўлиб чиқяпти. Бунинг сабаби аниқ: Саййид Ҳасан Ардашер туркий эл вакили эди.

“Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” даги каби ушбу ҳолотда ҳам арабий ифодалар мавжуд. Бу ўринда ҳам арабий ифодалар, асосан, шахслар номлари тилга олинганда ишлатилган:

1. “Саййид Ҳасани Ардашер (*раҳматуллоҳи*)”⁵³⁹. Таржимаси: “Аллоҳ раҳмат қилсин”.

2. “Ҳожа Ҳофиз Шерозий (*қуддиса сирриҳу*)”⁵⁴⁰. Таржимаси: “Сирларини муқаддас сақласин”.

3. “Саъдий Шерозий (*раҳматуллоҳи оли*)”⁵⁴¹. Таржимаси: “Унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин”.

4. “Шайх Фаридуддин Аттор (*қуддиса сирриҳу*)”⁵⁴². Таржимаси: “Сирларини муқаддас сақласин”.

5. “Шайх Азиз Насафий (*қуддиса сирриҳу*)”⁵⁴³. Таржимаси: “Сирларини муқаддас сақласин”.

6. “Ҳазрат Баҳоуддин Умар (*қуддиса сирриҳу*)”⁵⁴⁴. Таржимаси: “Сирларини муқаддас сақласин”.

7. “Ҳожа Абу Наср Порсо (*раҳматуллоҳу таоло*)”⁵⁴⁵. Таржимаси: “Аллоҳ раҳмат қилсин”.

8. “Ҳожа Муҳаммад Кусавий (*қуддиса сирриҳу*)”⁵⁴⁶. Таржимаси: “Сирларини муқаддас сақласин”.

9. “Шайх Зиёратгоҳий (*алайҳа раҳма*)”⁵⁴⁷. Таржимаси: “Унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин”.

539. Ўша нашр. – Б. 89.

540. Ўша нашр. – Б. 92.

541. Ўша нашр. – Б. Ўша.

542. Ўша нашр. – Б. Ўша.

543. Ўша нашр. – Б. 93.

544. Ўша нашр. – Б. 95.

545. Ўша нашр. – Б. Ўша.

546. Ўша нашр. – Б. 96.

547. Ўша нашр. – Б. Ўша.

10. “Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Табодгоний (*қаддасаллоху руҳоҳ ул-азиз*)”⁵⁴⁸. Таржимаси: “Унинг азиз руҳини Аллоҳ муқаддас айласин”.

11. “Ал-Хавофий (*раҳимаҳум уллоҳу таоло*)”⁵⁴⁹. Таржимаси: “Аллоҳу таоло раҳмат қилсин”.

Оламдан ўтганларнинг исми тилга олинганда ишлатиладиган бу диний иборалардан ташқари, яна бир ўринда арабий ифода келтирилади. Саййид Ҳасан ёлғиз фарзанди вафот этганида: “*Ал-ҳукму лиллоҳ*” эгасига биздин кераклик экандур – элтти, умид улдурким, раҳмат қилғай”⁵⁵⁰, – дейди. “*Ал-ҳукму лиллоҳ*”, яъни “*Аллоҳнинг ҳукми билан*” деб таржима қилинувчи бу ифода “*Аллоҳнинг иродаси*”, “*Аллоҳнинг хоҳиши*” сифатида ҳозир ҳам ишлатилади.

Ҳажм жиҳатидан деярли тенг бўлган ҳолатлар – бошқа кўп жиҳатлари билан ҳам ўзаро ўхшаш. Навоий иккала асарда ҳам умумий қолипдан фойдаланган. Ҳолатларда тамоман бошқа-бошқа шахслар тасвирланган бўлса ҳам, ўқувчи уларлардаги ифода ва тасвир услубининг ҳамоҳанглигини, албатта, сезади. Шаклдаги бу ўхшашлик ҳолатларнинг биринчи абзациданоқ билинади. “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”нинг бошида Навоий Саййид Ҳасаннинг “*сияр ва ҳолоти*”⁵⁵¹, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”да Паҳлавон Муҳаммаднинг “*сийрат ва сурати*”⁵⁵² ҳақида ҳикоя қилишини айтиб ўтади. Бу ўринда муаллиф асар кимга бағишланганини билдириб, уларнинг исмини тўлиқ келтиради.

“Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асари нисбатан кейинроқ ёзилгани учун ҳам “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” Навоийнинг бу типдаги асар ёзишига қолип бўлиб хизмат қилган. Аммо иккинчи ҳолатда ҳам ўзига хосликлар кўриниб туради. Биринчидан, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”да шеърӣ матнларнинг ҳажми – анчагина кенг. Чунки Паҳлавон Муҳаммад ҳам шоир, ҳам хонанда, ҳам қўшиқнавис эди. Шу сабаб ҳам муаллиф бу ўринда шеърӣятга кенгроқ ўрин ажратган. Иккинчидан, форсий матнлар ҳам – биринчи ҳолатдагидан кўра анча кўп. Паҳлавон форсий тилда ижод қилган.

548. Ўша нашр. – Б. 98.

549. Ўша нашр. – Б. Ўша.

550. Ўша нашр. – Б. 100.

551. Ўша асар. – Б. 89.

552. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. Т. 15. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. – Тошкент: Фан, 1999. – Б. 105.

Асарнинг бадий жиҳатдан энг муҳим қисми бу – етти байтли ғазал билан боғлиқ ҳикоят келтирилган саҳифалар. “*Ҳар қаён боқсам*” деб бошланувчи ғазалнинг мақтаъсидаги “*Гар Навоий*” сўзлари ўрнига “*Гар Насимий*” деб, шоирни ғалати аҳволга солган Паҳлавоннинг ажойиб ҳазилкаш инсон эканини биламиз. Навоий бу воқеани шунчаки келтирмайди, балки бу билан Паҳлавоннинг қувлигидан ташқари, адабий билим даражаси юқорилигини кўрсатмоқчи бўлади. Бундан ташқари, у Навоийга шунчалик яқинки, унга бемалол ҳазил қилишга ҳадди сиғади.

Муаллиф ҳикояни тасвирлашда диалог усулидан фойдаланади. Масалан: “*Зарурат юзидин сўрдимки:*

– *Бу шеърни қачон ёд қилиб эдинг?*

Деди:

– *Ўн икки йил бўлғайки, Бобур мирзонинг мажлисида бу шеър ўтар эрди, менга бағоят хуш келди, битиб, ёд туттум*⁵⁵³.

Икки шахс орасидаги суҳбатни диалог усулида ифодалаш – анча қулай ва ўқувчига ҳам буни тушуниш – осон. Аммо бир жиҳат ҳаммамизни қизиқтиради. Навоий Паҳлавон билан қайси тилда суҳбат қилган? Паҳлавоннинг Навоий туркий шеърини ёдлашидан тахмин қилишимиз мумкинки, у туркийни яхши билган. Гарчи, диалогдаги савол-жавоблар туркийда келтирилган бўлса ҳам, икки шахс қайси тилда суҳбат қургани бизга маълум эмас. Навоий Жомий билан форсий тилда гаплашган. Лекин “*Хамсат ул-мутаҳаййирин*” даги устоз-шоғирд суҳбатлари туркийда келтирилади. Шунинг учун ҳам бу ҳолатда Навоий Паҳлавоннинг сўзларини туркийга ўгириб келтиряптими ёки борича ёзаяптими, буни аниқлаш жуда мушкул. Аммо яна бир муҳим жиҳат ажаблантиради. Навоий Жомийни, ҳатто, Саййид Ҳасанни орқасидан ҳам “*сиз*” лаб гапиради. Буни юқорида алоҳида эътироф этгандик. Бироқ, негадир, бу ҳолатда Паҳлавонни “*сиз*” ламайди. Юқоридаги диалогдан ҳам сезиш мумкинки, унинг ўзига ҳам “*сен*” лаб мурожаат қиляпти. Нега муаллиф ўз қатъиятига қарши борди? Бу – Навоий, икки устозидан кўра, Паҳлавонни камроқ ҳурмат қилганидан десак, адашамиз, албатта. Балки, Навоий ифоданинг қисқароқ шаклидан фойдаланишга қарор қилгандир?

553. Ўша нашр. – Б. 117.

Эҳтимол, азбаройи яқинликлари учун бу икки шахс ўзаро “сен”лаб гаплашгандир? Орадан беш асрдан кўпроқ вақт ўтганидан кейин буни аниқлаш мушкул.

Навоий Паҳлавон Муҳаммад ўзлаштирган илмларини бирма-бир санаб, шарҳлаб беришда “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”даги услубни қўллайди. Яъни кетма-кет “яна...”⁵⁵⁴ сўзидан фойдаланиб, унинг фазилатларини алоҳида-алоҳида қилиб, ажратиб беради.

Ҳолотда иккита воқеий ҳикоя келтирилади. Биринчиси, юқорида кўриб чиққан миз ғазал билан боғлиқ қизиқарли ҳолат бўлса, иккинчиси, Паҳлавон ўлимнинг қисқа тафсилоти. Дўстининг тоби қочганини эшитган Навоий зудлик билан табибларни жўнатади, аммо улар қисқа муддатда Паҳлавоннинг жон берганини айтиб қайтиб келишади.

Паҳлавон Навоийнинг кўп йиллик энг яқин қадрдонларидан бири эди. Шунинг учун муаллиф ҳолотда икки марта Паҳлавоннинг 40 йиллик дўсти, ҳамдами, сирдоши эканини алоҳида таъкидлайди.

Бу ҳолотда туркий шеърлар – бор-йўғи 12 мисра. Уларнинг бари Навоий қаламига мансуб. Форсий мисралар эса – 70 та. Демак, асарда келтирилган форсий мисралар 85,36 фоизни, туркийлари эса 14,63 фоизни ташкил қилади.

Арабий ифодалар бу асарда ҳам, асосан, киши номларига қўшиб келтирилган ўринларда учрайди:

1. “Мавлоно Тўтий (*алайҳа раҳма*)”⁵⁵⁵. Таржимаси: “Унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин”.

2. “Мавлоно Абдуссалом Шерозий (*раҳимахуллоҳ*)”⁵⁵⁶. Таржимаси: “Аллоҳ раҳмат қилсин”.

3. “Мавлоно Нуриддин Абдураҳмон ил-Жомий (*қаддасаллоҳу руҳуҳу*)”⁵⁵⁷. Таржимаси: “Сирларини муқаддас сақласин”.

Ўзига хос яна арабий ифодалар асарнинг бош қаҳрамони Паҳлавон Муҳаммадни таърифлаш учун қўлланади. Жумладан, *“шамс ул-миллати вад-дин”*⁵⁵⁸, *“маҳбуб ул-қулуб”*⁵⁵⁹, яъни *“миллат*

554. Ўша нашр. – Б. 111.

555. Ўша нашр. – Б. 106.

556. Ўша нашр. – Б. 115.

557. Ўша нашр. – Б. 119.

558. Ўша нашр. – Б. 105.

559. Ўша нашр. – Б. 113.

ва диннинг Қуёши”, “қалбларнинг суюқлиси” каби иборалар билан Паҳлавонни улуғлайди. Ҳазрат Жомий тилга олинган жойда эса устозини “Шайх ул-исломий қаҳф ул-аномий”⁵⁶⁰ рутбасида таърифлайди. Бу эса ислом шайхи, инсонлар таянчи, паноҳи деган маъноларни англатади. Ҳолотда келтирилган изоҳга кўра, “қаҳф ул-аномий” деганда, Қуръони каримнинг “Қаҳф” сурасида биродарлар узоқ муддат ухлаб қолган ғор, сиғинадиган жой назарда тутилган⁵⁶¹.

Юқоридаги таҳлиллардан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Алишер Навоий нафақат тенги йўқ шоир, балки буюк наср-навис ҳам эди. Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин каби тўқима тимсолларни ҳадди аълосига етказиб яратган шоир ўзи билан ҳамнафас яшаган замондошлар сиймосини акс эттиришда бутунлай бошқа йўлдан боради. Маноқиб-ҳолотларда у реал инсонлар тимсолини борлигича тасвирлайди. Ҳар қандай муболаға, бўрттирувчи бадий ифодалардан максимал даражада қочади.

2. Навоий устозларининг фақат ўзи билган, кўрган, гувоҳ бўлган жиҳатларинигина ёритади. Шунинг учун ҳам бу ўринда объектни тасвирлашда субъектнинг, яъни асар муаллифининг нигоҳи, нуқтаи назари етакчилик қилади.

3. Маноқиб-ҳолотларда зулличонайлик ва кўптиллилик бор. Бироқ, аввало, бу асарлар туркий тилда ёзилган. Фақат улардаги турли форсий иқтибослар, яъни мактублар матнлари, шеърий мисралар шундайлигича, таржимасиз келтирилади. Чунки асарлар, биринчи навбатда, ўша давр китобхони учун ёзилган. У замонда саводдилар форсийни ҳам билишган. Аммо маноқиб-ҳолотлардаги диалогларда қаҳрамонлар сўзлари туркий тилда янграйди. Бу мисоллар асарларнинг туркий тилда ёзилганини тасдиқлайди.

6. Диний аҳамиятга эга бўлган арабий ифодалар ҳам маноқиб-ҳолотларда таржимасиз келтирилади. Улар туркий тилдаги матнга шундайлигича боғланади. Бу ифодалар, асосан, диний-та-саввуфий мартабага эга бўлган шахслар номи тилга олинганида қўлланади. Бу ҳам ўша давр адабий анъаналарининг ўзига хос жиҳатларидан бири. Туркий тилда ёзилган мазкур асарда форсий

560. Ўша нашр. – Б. 119.

561. Қаранг: Ўша нашр. – Б. 227.

ва арабий ифодаларнинг қўлланиши маноқиб-ҳолотларнинг лисоний имкониятларини янада кенгайтириб, унга ўзига хос бир жозиба бахш этади.

7. Муаллиф Жомий сиймосини яратишда асардаги умумий баёндан ташқари, воқеаларни кичик-кичик ҳикоятлар тарзида баён этиш усулидан фойдаланади. Бу эса бош қаҳрамон шахсиятининг турли қирраларини акс эттириб, секин-аста ўқувчи кўз ўнгига Жомий қиёфасини муфассал гавдалантириб боради. “*Аввалги мақолат*”да икки ижодкор ўртасидаги нозик муносабатларни акс эттирувчи 17 та, “*Иккинчи мақолат*”да Жомий ва Навоий ўртасидаги турли ёзишмалар ва улар билан боғлиқ воқеаларни қамраб олган 13 та ҳамда “*Хотима*”да Жомийнинг кароматлари билан боғлиқ 5 та ҳикоят, жами бўлиб асарда 35 та ҳикоят келтирилган.

8. Жомий форсий адабиёт вакили бўлгани учун ҳам “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да келтирилган жами 660 шеъринг мисранинг 526 таси, яъни 79,7 фоизи – форсий, 134 таси, яъни 20,3 фоизи эса – туркий. Демак, форсий тилдаги шеърлар – ҳажман туркий тилдаги сатрлардан 4 баробар кўп. Аммо бу асар ёзилган асосий тил масаласини ҳал этмайди. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг охирида Навоийнинг Жомий хотирасига бағишлаб форсий тилда ёзган жами 140 мисрадан иборат марсияси келтирилади. Бу марсия Жомийнинг йил ошида Хусайн Бойқаронинг топшириғига биноан Хусайн Воиз Кошифий томонидан минбарда ўқиб эшиттирилади. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” Жомий вафотидан икки йил кейин, яъни 1494 йили ёзилганини инobatга олсак, бу марсия “Хамсат ул-мутаҳаййирин”га шунчаки илова қилингани маълум бўлади. Бу эса асар бир пайтнинг ўзида икки тилда ёзилмаганини исботлайди.

9. Навоий “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”да подшоҳ ва Ардашер ўртасидаги баҳсли ва ўта нозик масалани юксак маҳорат билан қоғозга туширади. Гарчи ичдан Ҳасан Ардашернинг тутган йўлини маъқул кўрса ҳам, нейтрал позицияда туриб воқеликни тасвирлашга интилади. Вазиятнинг ўта мураккаблигини ўқувчига англатиш, иккала тарафнинг ҳам ўз ҳақиқати борлигини кўрсатиш мақсадида “*кўрдиларки*” сўзидан усталик билан кетма-кет фойдаланади.

10. “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”да насрий форсий матнлар учрамайди. Форсий тилдаги 6 та сатр келтирилади, туркий мисраларнинг сони эса – 46 та. Асардаги шеърий матнларнинг 11,5 фоизигина форсий тилда экани маълум бўлади. Навоийнинг маноқиб-ҳолотлари ичида форсий тилдан энг кам фойдаланилгани – шу асар.

11. Ҳажман деярли тенг бўлган ҳолотлар – кўп жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаш. Муаллиф иккала асарда ҳам умумий қолипдан фойдалангани, уларда тамоман бошқа-бошқа шахслар тасвирланган бўлса ҳам, ифода ва тасвир услубининг ҳамоҳанглиги сезилиб туради.

12. Маноқиб-ҳолотларда Навоий воқеаларни тасвирлашда диалогдан жуда унумли фойдаланади. Айниқса, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асаридаги диалогларда суҳбатдошнинг кутилмаган ва жиддий саволлари Навоийни анча ўйлантириб қўйганини кўришимиз мумкин. Ўзаро савол-жавоб орқали ўртага муаммо ташлаш ва унга ечим топиш жараёнлари ҳар қандай китобхонни қизиқтириб қўйиши – аниқ. Айнан шунинг учун ҳам муаллиф бу қизғин жараённи диалог орқали ифодалашни мақсад қилган.

13. “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад”да туркий 12, форсий 70 та шеърий сатр келтирилади. Асардаги форсий мисралар 85,36 фоизни, туркийлари эса 14,63 фоизни ташкил қилади.

ХУЛОСА

1. XV асрнинг иккинчи ярмида Хуросонда улкан ижтимоий-маданий тараққиёт юз берди. Темурий Хусайн Бойқаро даврида илм-фан, санъат ва маданият намояндаларининг фаолияти ривож топди. Минглаб қалам эгалари етишиб чиқиб, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий раҳнамолигида Ҳирот адабий муҳити шаклланди. Навоий барча илм ва ижод эгаларига ҳам маънавий, ҳам моддий ҳомийлик қилди. У ўзи билан ҳамнафас яшаётган замондошларининг ижод ва фаолиятларига муносабатини турли асарларида қайд этди. Замондошлар портретини яратишда тазкира ва маноқиб-ҳолотлар жанридан фойдаланди.

2. Инсоният ҳамиша идеалликка интилган, комил инсон ҳақида орзу қилган. Енгилмас қаҳрамонлар ҳақидаги афсонаю ривоятлар, дostonлар, аслида, шунинг натижасида вужудга келди. Кейинчалик, комил инсонни бадий адабиётдаги қаҳрамонлар тимсолида эмас, балки ён атрофидаги реал инсонлар қиёфасида кўриш истаги пайдо бўлди. Ҳаётда мавжуд бўлган ибратли инсонлар ҳақида ёзилган асарлар, гарчи асосан улар бадий публицистик асарлар сирасига кирса ҳам, ўша даврда том маънодаги журналистика ва публицистика тушунчалари шаклланмагани учун бадий адабиёт бағрида яшаб келди. Жумладан, Навоийнинг маноқиб-ҳолотлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

3. Том маънодаги журналистика пайдо бўлишидан олдинги давр илмда “пражурналистика” деб аталади. Бу вақтда бадий публицистика вазифасини ёзма адабиёт бажарган. Бадий адабиёт марказида тўқима образ туради, бадий публицистикада эса реал инсонлар ҳаёти ва фаолияти тимсолий (образли) тарзда ифодаланади. Публицистика унсурлари нафақат наср, балки шеърий асарларда ҳам учрайди.

4. Навоий ўзининг устозлари ва дўстлари – Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад ҳақида бошқа шеърий асарларида ҳар қанча ёзган бўлса ҳам, улар ҳақида бир бутун асар яратишда насрдан фойдаланди. Чунки реал инсоний муносабатлар,

воқеа-ҳодисаларни ёритишда насрий йўл қулайроқ ҳисобланади.

5. Маноқиб-ҳолотларда диний-тасаввуфий жиҳатдан комил шахс мадҳ этилади. Бироқ Навоийнинг бу жанрдаги асарлари анъанавий маноқиблардан бироз фарқ қилади. Анъанавий маноқибларда ҳам, агиографик асарларнинг Европадаги намуналарида ҳам мадҳ этилаётган диний ёки мистик (тасаввуфий) жиҳатдан комил деб ҳисобланган асар қаҳрамонининг ибратли ҳаёт йўли, кароматлари, фалсафий хулосалари батафсил ҳикоя қилинади. Бироқ уларда муаллифнинг нуқтаи назари, асар қаҳрамонига бевосита муносабати деярли акс этмайди. Шунинг учун ҳам, ҳатто, кўпгина агиографик асарларнинг муаллифлари – номаълум. Уларда муаллифнинг фикр-мулоҳазаси эмас, мадҳ этилаётган қаҳрамоннинг ҳаёти ва фаолияти бирламчи аҳамият касб этган. Бундан ташқари, агиографик асарларнинг аксарияти қўлдан-қўлга кўчирилиб, йўл-йўлакай таҳрир қилиниб, матннинг шакл ва мазмуни ўзгариб бораверган. Шу сабаб бундай асарларда таъриф этилаётган тарихий шахсни идеаллаштириш учун муболағага катта эрк берилган, реал воқеалар турли тўқима ривоятлар билан аралшиб, кўшилиб-қоришиб кетган. Навоий маноқиб-ҳолотлари эса – тамоман бунинг акси. Биринчидан, буларда муаллиф қаҳрамоннинг бутун ҳаётини тўлиқ эмас, балки ўзи кўрган-билган жиҳатларини ёритишни асосий мақсад қилади. Иккинчидан, фақат ўзи ишонган, гувоҳ бўлган воқеаларнигина баён этади. Учинчидан, асарда қаҳрамоннинг эмас, балки муаллифнинг унга бўлган муносабати, фикр-мулоҳазалари бирламчилик қилади. Навоий мамдуҳни, яъни объектни ҳар тарафлама эмас, балки, асосан, ўзи яхши билган жиҳатдан, бошқача айтганда, субъект нуқтаи назаридан туриб тасвирлайди. Шунинг учун ҳам, Навоий анъанавий маноқиб-ҳолотлар негизида янги бир жанр яратган, деб ҳисоблаш мумкин.

6. Алишер Навоийнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарлари бир-бирдан қанчалик фарқли хусусиятлари билан ажралиб турмасин, барибир, учаласи – бир типдаги ва бир жанрдаги асар. Бу уч асарни бугунги кундаги жанрлар билан муқояса қиладиган бўлсак, улар адабий эссе хусусиятлари билан уйғунлашган портрет очерк

намунаси. Навоийнинг бу уч асари том маънодаги бадий наср эмас. Реал тарихий шахслар ва воқеаларни ифода этгани, шунингдек, тимсолийлик(образлилик)ни сақлаб қолгани билан, барибир, бугунги тушунчалар асосида, уларни бадий публицистикага мансуб асарлар, дея оламиз. Шу ўринда Навоийнинг тенги йўқ шоир ёки ёзувчигина эмас, балки ўта маҳоратли публицист эканига ҳам гувоҳ бўламиз.

7. Навоий асарларида замондошлар орасидан энг қўп таъриф тавсиф, эътироф шоирнинг пири ва устози Абдурахмон Жомийга бағишланган. Унинг асарларидаги Жомийга муносабатни, шартли равишда, қуйидагича тасниф этиш мумкин: а) Жомий юксак даражада таъриф тавсиф этилган асарлар (“Бадойеъ ул-бидоя” дебوحаси, “Хазойин ул-маоний” девонларидан жой олган шеърий асарлар, “Ситтаи зарурия” дебوحаси ва ундаги қасидалар, “Хамса”-достонларидаги махсус боблар, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Мезон ул-авзон”, “Мажолис ун-нафоис”); б) Жомий ижоди билан бевосита боғлиқ ҳолда яратилган асарлар (“Девони Фоний” даги Жомийга татаббуъ қилиб ва унинг таврида битилган ғазаллар, ҳадислар мазмунини Жомий форсийга солган мисраларни туркийга таржима қилиш асосида юзага келган “Арбаъин”, Жомийга тақлидан мактублар асосида тартиб берилган “Муншаот”, Жомий “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс” тазкирасининг айрим қўшимчалар билан тўлдирилган эркин таржимаси бўлмиш “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват”); в) Жомий ҳаёти ва фаолиятини ёритишга бағишланган махсус асар (“Хамсат ул-мутаҳаййирин”).

8. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” бошдан-охир Жомий таъриф тавсифига бағишлангани, бу улуғ зот вафотидан кейин унинг хотирасини абадийлаштириш учун махсус ёзилгани учун ҳам, қайсидир маънода, икки буюк ижодкор муносабатларининг ўзига хос хотимаси ҳам ҳисобланади. Бироқ бу асарни ўрганишда ҳам, умуман, Навоий ва Жомий мавзусини ёритишда ҳам ана шу асарларнинг барчасини комплекс ҳолда назарда тутиш керак. Аммо Навоийнинг Жомий билан боғлиқ ҳар бир асарида муаллиф мақсади ва позицияси нуқтаи назаридан муайян фарқ бор. “Хамса”, биринчидан, амалда “Хамсат ул-мутаҳаййирин”

моҳиятига етишга кўмак беради, лекин, иккинчидан, бу буюк эпопеяда Жомий таърифларида келган боблар ҳам устоз-шогирд ва пир-мурид муносабатларини тўла ёритиб беролмайди, яъни “Хамсат ул-мутаҳаййирин”га бўлган эҳтиёжни тўла қондира олмайди, учинчидан, “Хамса”да Жомий сиймоси – адабий тимсол, шунинг учун дostonларда у ўта бадиий бўёқларда тасвирланади, тўртинчидан, Жомий сиймосини яратишда муаллифнинг “Хамса”ни ёзаётгандаги ўз олдига қўйган мақсади билан “Хамсат ул-мутаҳаййирин”ни битишда ўз олдига қўйган мақсади кўп жиҳатдан тафовут қилади. “Мажолис ун-нафоис”да Жомий шоир тарзида, “Насойим ул-муҳаббат...”да эса авлиё сифатида таърифу тасниф этилади. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да эса муаллиф Жомийни ҳар тарафлама тасвирлаб бериш учун имкон қидиради – шоир ва авлиё, устоз ва пир сиймоси бир бутун ҳолда гавдалантирилади.

9. Жомий ҳақидаги асарнинг “Хамсат ул-мутаҳаййирин” деб номланишида ҳам рамзий маъно бор. Бизнинг аниқлашимизча, бу – Зайниддин Восифий “Бадоеъ ул-вақоеъ” асарида ҳикоя қилган, халқ орасида машҳур бўлган “Хамсайи мутаҳаййира” воқеаси билан бевосита боғлиқ. Аммо Навоий “Хамсайи мутаҳаййира” ҳикояти ўз даври ўқувчиси учун маълум бўлгани учун ҳам асарнинг номи ва воқеа ўртасидаги боғлиқлик ҳақида ҳеч нарса демаган. “Хамсайи мутаҳаййира” воқеаси асарнинг номланишинигина эмас, унинг шунга мутаносиб равишда таркибий жиҳатдан беш қисмдан иборат бўлишини ҳам белгилаб берган.

10. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” Жомий ва Навоий ўртасидаги устоз-шогирдлик муносабатларини ёритиш учун энг мўътабар илмий-тарихий манба ҳисобланади. Асарда бу муносабатларнинг турли томонлари акс этган бўлса ҳам, аввало, улар ўртасидаги ҳақиқий устоз-шогирдлик ришталари кўрсатилади. Муаллиф эринмасдан устози ҳузурида таълим олиш ва фойдаланиш юзасидан ўқиган китоблари рўйхатини ҳам келтириб ўтади. Ёзилишича, Жомий “Хамса” билан “Ҳафт авранг”ни қиёслаш йўли билан овоз чиқариб ўқиганида Навоий тинглаган, шунингдек, баъзи рисолалар Жомий олдига ўқилмаган бўлса ҳам, улардаги айрим мураккаб жойларни устоздан сўраб турган. Жомий ва

Навоий ўртасида ўта кучли адабий таъсир бўлгани “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг деярли ҳар бир саҳифасида акс этиб туради. Навоий Жомийнинг турткиси билан кўплаб асарлар яратган бўлса, ўз ўрнида устоз ҳам шогирдининг даъвати билан йирик-йирик асарларга қўл уради. Устоз ва шогирднинг бир-бирига ҳурмат-эҳтироми, меҳр-муҳаббати эса чексиз эди. Икки буюк қалам соҳиби адабий дид ва савия жиҳатидан бир хил даражада туради. “Хамсат ул-мутаҳаййирин”даги ҳикоятлар шуни исботлайди. Жомий Навоийга икки маънода раҳнамо – ҳам илм ва адабиётда устоз, ҳам тариқатда пир эди. Лекин бу тушунча кўп ҳолларда бирбирига уйғунлашиб кетади. Жомий Навоийга адабий масалалардан эмас, балки, асосан, тасаввуфий илмдан таълим беради, ўзбек шоири Жомий ҳузурида ўқиган асарларнинг аксарияти тасаввуфий масалаларга бағишланган эди. Булар, Жомийнинг устозлик ва пирлик сифатлари ўзаро уйғунлашиб кетган, дейишга тўла асос бўлади.

11. Жомий нақшбандия тариқатининг йирик вакили эди. У зимдан бу тариқатга руҳан мос бўлган маломатия оқимига, унинг одоб меъёрларига ҳам амал қилар эди. Маломатийларнинг ботиний олами зоҳирда акс этмаслиги, яъни улар ташқи тарафдан оддий одамлардан фарқланмаслиги, шунингдек, уларнинг сўфийлигини ҳеч ким сезмаслиги керак. Улар ўта камтарлик билан ўзларига маломат ёғдиришни истаган. Бирор кишидан маломат кўришса, яъни кимдир уларни камситса, уларга нисбатан менсимаслик қилса, буни улар ўзлари учун фахр деб билишган. Жомий ҳам камтарликнинг олий намунасини кўрсатиб, ўзига маломат ёғдиришни хуш кўрган. Буни Навоий “Хамсат ул-мутаҳаййирин”да алоҳида таъкидлаб ўтади.

12. “Хамсат ул-мутаҳаййирин” – Навоийнинг Жомийга бўлган ҳақиқий муридлик муҳаббати билан йўғрилган асар. Муаллиф бу улуғ зот сиймосида тирик комил инсонни кўрди ва уни тасвирлаб берди. Навоий Жомийнинг сўфийлик ва пирлик сифатларини “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг “*Муқаддима*”си ва “*Аввалги мақолат*”ида бироз тилга олган бўлса ҳам, Жомийнинг ботиний қиёфасини, асосан, асарнинг сўнгги боби, яъни “*Хотима*” қисмида тасвирлайди. Бу бобда Навоий Жомийнинг маломатия йўналишида

экани, бунн шоирлик ва муллаглик йўлида яширин тутиб юришини, ул зот ҳаётида баъзан ғаройиб нарсалар, фавкулудда воқеалар, хориқ ул-одот ҳодисалар содир бўлишини айтади. Шунингдек, муаллиф сўзининг исботи сифатида бешта воқеани келтиради. Навоий устози ва пирини *“кошифи сирри Илоҳ”*, яъни *“Илоҳ сирларини кашф этувчи”* деб таърифлайди. Бу таърифни унча-мунча кишига нисбатан қўллаб бўлмайди. Жомийнинг бу илоҳий даражасини ҳар ким ҳам сезавермаган. Навоий эса бевосита гувоҳ сифатида устозининг пирлик хусусиятларини замондошлари ва келажак авлодга билдириб кетишни ўзининг бурчи деб билди, шу юксак масъулиятни бўйнига олиб, айна вазифани ҳалоллик, адолат ва маҳорат билан адо этди.

13. Мустабид тузум даврида Жомийнинг ҳаёти, илмий-адабий мероси хусусида талайгина тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, унинг сўфийлиги, айниқса, Навоийга муршидлиги масаласини етарлича ўрганишга имкон берилмаган. Шунинг учун ҳам бугунги кун Жомий ва Навоий ҳаётининг тасаввуфий жиҳатларини янада изчил, ҳар тарафлама ва чуқур ўрганишни талаб этади. Жомий ва Навоийнинг тасаввуфий арбоблиги, улар ўртасидаги муршид ва муридлик масалаларини ўрганишда шу икки буюк ижодкор қолдирган бебаҳо мерос энг асосий манба бўлиб хизмат қилади. Бу жиҳатдан, шубҳасиз, *“Ҳамсат ул-мутаҳаййирин”* ана шу нозик масалани ҳал этишда энг ноёб манба ҳисобланади.

14. Икки ҳолат қаҳрамонлари, яъни Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммадга Навоийнинг бошқа асарларида ҳам мурожаатлар бор. Жумладан, *“Ҳазойин ул-маоний”* даги *“Ғаройиб ус-ғиғар”* девонига кирган ҳасби ҳол, *“Наводир уш-шабоб”* даги марсия, *“Фавойид ул-кибар”* даги *“Соқийнома”* нинг XXVI банди, *“Девони Фоний”* даги таърих Саййид Ҳасан Ардашерга бағишланган, шунингдек, бу шахс таърифи учун *“Мажолис ун-нафоис”*, *“Насойим ул-муҳаббат мин шамоим ул-футувват”* тазкираларида алоҳида ўринлар ажратилган. Бундан ташқари, Ардашер *“Ҳамса”* нинг *“Ҳайрат ул-аброр”* ида тилга олинган. Паҳлавон Муҳаммадга эса *“Мажолис ун-нафоис”* да ўрин ажратилган, *“Девони Фоний”* га у ҳақдаги таърих киритилган ҳамда *“Фавойид ул-кибар”* даги *“Соқийнома”* нинг XXVII банди унга бағишланган. Аммо Навоий

Ўз асарларида бу шахсларга ҳар қанча ўрин ажратмасин, улар қаҳрамонларнинг бир бутун, яхлит портретини яратиш имконини бермас эди. Шунинг учун у ҳолот жанрига мурожаат қилган.

15. Саййид Ҳасан Ардашер – Навоий наздидаги энг серфазилат инсон. Муаллиф ҳолотда унинг 6 сифатини алоҳида санайди. Аммо асарга сингдирилган яна 17 фазилатини қўшиб санасак, ҳолотда жами 23 та ирфоний ва инсоний хислат улуғланганига гувоҳ бўламиз.

Паҳлавон Муҳаммад – Навоийнинг таърифича “*кўп фазойил ва камолот*” эгаси. Ҳолотда бу фавқулодда истеъдод соҳибининг эгаллаган илму ҳунарлари, жами 17 хислати эътироф этилади. Муаллифнинг таъкидлашича, бу шахснинг суврат ва сийратини тасвирлашда замондош қаламкашларнинг нутқи ожиз.

16. Ҳолотлар ҳажман кичикроқ бўлганлиги учун “Хамсат ул-мутаҳаййирин”дан фарқли равишда, уни муаллиф қисмларга ажратиб ўтирмаган. Аммо асар композициясини аниқлаштириб олиш учун ҳолотларни, шартли равишда, қисмларга бўлиш мумкин. “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” – 7 асосий, асарда шеърий сатрлар келтирилиши бўйича 16, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” – 14, асосий назмий парчалар бўйича 19 қисмдан иборат.

17. Навоий буюклигининг ўзига хос жиҳати шундаки, бу қалам соҳибига назмда ҳам, насрда ҳам тенгсиз асарлар яратиш қобилияти ато этилган эди. Аммо маноқиб-ҳолотларда Навоийни тамоман бошқа ижодкор сифатида кўрамиз. Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Баҳром ва Дилором каби тўқима тимсолларни ҳадди аълосига етказиб яратган шоир ўзи билан ҳамнафас яшаган инсонлар сиймосини акс эттиришда бутунлай ўзгача йўлдан боради. Устоз ва пирларини таърифлашда турли жимжимадор, муболағага бой сўзлар, ифодалардан максимал даражада қочади. Ҳаётда ўзи кўрган, билган воқеаларни ўта аниқ қилиб, реал тарзда ифодалайди. Энг муҳими, ҳеч ерда китобхонни чалғитмайди. Ҳаётий ҳақиқатни борлигича акс эттиради.

18. Навоийнинг насрий тили – ўзига хос. Айниқса, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” ва шу типдаги “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарларидаги тил муаллифнинг бошқа ижод маҳсулларидагидан кескин ажралиб туради. Бу уч

асарда улуғ қалам соҳибининг реал инсон сиймосини яратиш маҳорати намоён бўлади. Шунинг учун ҳам адабиётшунослигимиз ва тилшунослигимизда ҳали бу тилни ўрганиш йўлида талай ишлар қилишга тўғри келади. “Маҳбуб ул-қулуб” ва “Хамсат ул-мутаҳаййирин”нинг табдил матни мавжуд. Назаримизда, Навоийнинг барча насрий асарлари, жумладан, маноқиб-ҳолотларининг ҳам табдил матни тайёрланиши керак. Бу Навоий асарларининг янада оммабоп бўлишини таъминлайди.

19. Навоий маноқиб-ҳолотларда ўзига хос ифода усулларини қўллайди. Энг муҳими, муаллиф ҳар бир воқеани майда-майда чизги(детал)ларигача аниқ қилиб ёзади. У, ўқувчининг ўзи тушуниб олар, деган йўлдан юрмайди. Чунки муаллиф бу асарларини шунчаки кўнгил хоҳиши учун эмас, улуғ бир инсонлар сиймосини тарихга муҳрлаш учун яратди. Аллоҳ таоло, устозлар руҳи ва келажак олдидаги ана шу юксак масъулият Навоийни ҳар бир воқеа-ҳодисани борлигича, ҳаққоний, ортиқча муболағаларсиз, яъни сидқ билан ёзишга ундар эди. Айнан шунинг учун бугун ҳам Навоийнинг мазкур қайдлари орқали устозлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўла оламиз.

20. Маноқиб-ҳолотларда зуллисонайнлик, ҳатто, кўптиллилик бор. Бироқ, аввало, асар туркий тилда ёзилган. Фақат уларда турли форсий иқтибослар, яъни мактублар матнлари, шеърий мисралар шундайлигича, яъни таржимасиз келтирилади. Асарларда диний аҳамиятга эга бўлган арабий ифодалар ҳам таржимасиз берилади. Улар туркий тилдаги матнга шундайлигича боғланади. Аксарияти дуо маъносида келадиган бу арабий ифодалар, асосан, диний-тасаввуфий мартабага эга бўлган шахслар номи тилга олинганида қўлланади. Бу ҳам ўша давр адабий анъаналарининг ўзига хос жиҳатларидан бири эди. Туркий тилда ёзилган мазкур асарда форсий ва арабий ифодаларнинг қўлланиши маноқиб-ҳолотларнинг ифодавий, тасвирий ва баёний имкониятларини янада кенгайтириб, унга ўзига хос бир лисоний жозиба бахш этади.

21. Навоийнинг маноқиб-ҳолотлари XV аср Ҳирот муҳитида исломий-тасаввуфий юксак талаблар асосида тарбияланган, шу олий фазилатларни ўзида шакллантирган, комил инсон ғоясини ўз ҳаёти ва фаолияти билан эришиш мумкин бўлган мақсад

зканини амалда исботлаган шахслар – Нуриддин Абдурахмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммадлар юзага келганини исботлаб беради. Энг муҳими, бу улуғ зотлар тимсолида Алишер Навоийнинг ўзи ҳам қандай комил инсон бўлганини тасаввур қила оламиз. Чунки муаллиф бу идеал шахсларда айнан қайси фазилатларни улуғлаётганига қараб унинг диди ва фаросати, мақсади ва талаби, ғояси ва мафкураси, фалсафаси ва дунёқарашини ёрқин ҳолда кўз олдимизга келтирамиз.

ФҶЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҶЙХАТИ:

I. Урганилган адабий манбалар

1. Алишер Навоӣ. IX том. Жизнеописание Саида Хасана Ардашера. – Тошкент: Фан, 1970. – 221 с.
2. Амир Низомиддин Алишери Навоӣ. Хамсат-ул-мутаҳаййирин. Тарҷумаи Муҳаммади Нахҷувонӣ. Таҳия, тасҳеҳ, таҳқиқ ва тавзеҳи Муҳриддин Низомӣ. – Душанбе: 2021. – 98 саҳ.
3. Восифий, Зайниддин. Бадоеъ ул-вақоъеъ. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – 214 б.
4. Джами Абдарраҳман. Васитат ал-икд и Хатимат ал-хайат. Критический текст и предисловие А. Афсаҳзада. Москва: Главная редакция восточной литературы, 1980. – 33 с.
5. Навоӣ, Алишер. Асарлар. 15 томлик. 14-том. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги Бадий адабиёт нашриёти, 1967. – 269 б.
6. Навоӣ, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1987. – 723 б.
7. Навоӣ, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. – Тошкент: Фан, 1988. – 616 б.
8. Навоӣ, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 4-том. – Тошкент: Фан, 1989. – 560 б.
9. Навоӣ, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. – Тошкент: Фан, 1990. – 544 б.
10. Навоӣ, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. – Тошкент: Фан, 1990. – 565 б.
11. Навоӣ, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 7-том. – Тошкент: Фан, 1991. – 390 б.
12. Навоӣ, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991. – 541 б.
13. Навоӣ, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 9-том. – Тошкент: Фан, 1992. – 355 б.
14. Навоӣ, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 10-том. – Тошкент: Фан, 1992. – 447 б.
15. Навоӣ, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 11-том. – Тошкент: Фан, 1993. – 640 б.

16. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 12-том. – Тошкент: Фан, 1996. – 326 б.
17. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 13-том. – Тошкент: Фан, 1997. – 282 б.
18. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-том. – Тошкент: Фан, 1998. – 302 б.
19. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 15-том. – Тошкент: Фан, 1999. – 236 б.
20. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. – Тошкент: Фан, 2000. – 334 б.
21. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 17-том. – Тошкент: Фан, 2001. – 520 б.
22. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 18-том. – Тошкент: Фан, 2002. – 552 б.
23. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 19-том. – Тошкент: Фан, 2002. – 600 б.
24. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 20-том. – Тошкент: Фан, 2003. – 568 б.
25. Navoiy, Alisher. To'la asarlar to'plami. 10 jildlik 1-jild. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2013. – 804 b.
26. Navoiy, Alisher. To'la asarlar to'plami. 10 jildlik 2-jild. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2013. – 768 b.
27. Navoiy, Alisher. To'la asarlar to'plami. 10 jildlik 3-jild. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi ". 2013. – 764 b.
28. Navoiy, Alisher. To'la asarlar to'plami. 10 jildlik 4-jild. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi ". 2013. – 840 b.
29. Navoiy, Alisher. To'la asarlar to'plami. 10 jildlik 5-jild. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi ". 2013. – 860 b.
30. Navoiy, Alisher. To'la asarlar to'plami. 10 jildlik 6-jild. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi ". 2013. – 812 b.
31. Navoiy, Alisher. To'la asarlar to'plami. 10 jildlik 7-jild. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi ". 2013. – 696 b.
32. Navoiy, Alisher. To'la asarlar to'plami. 10 jildlik 8-jild. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi ". 2013. – 704 b.
33. Navoiy, Alisher. To'la asarlar to'plami. 10 jildlik 9-jild. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi ". 2013. – 768 b.

34. Navoiy, Alisher. To'la asarlar to'plami. 10 jildlik. 10-jild. – Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi ". 2013. – 684 b.

35. Навоий, Алишер. Хамсат ул-мутаҳаййирин. – Душанбе: Адиб, 1989. – 95 саҳ.

36. Навоий, Алишер. Хамсат ул-мутаҳаййирин. С. Ғаниева табдил матни. – Тошкент: ТошДШИ, 2004. – 80 б.

37. Навоий, Алишер. Хамсат ул-мутаҳаййирийн. Танқидий матн. – Тошкент: ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи, 2015. – 85 б. – 106 б. араб ёзувида.

38. Ойбек. Навоий. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 456 б.

39. Сафий, Фахруддин Али. Рашаҳоту айн ил-ҳаёт. – Тошкент: Ибн Сино, 2004. – 536 б.

40. Тарозий, Шайх Аҳмад ибн Худойдод. Фунунул-балоға. – Тошкент: Ҳазина, 1996. – 212 б.

41. Хожа Убайдуллоҳ Аҳроп. Табаррук рисоалар. – Тошкент: Адолат, 2004. – 385 б.

42. Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 370 б.

43. Ҳусайн Бойқаро. Рисола. – Тошкент: Шарқ, 1991. – 24 б.

II. Китоб, диссертация ва авторефератлар

44. Айний С. Танланган илмий асарлар. – Тошкент: Фан, 1978. – 336 б.
45. Афсаҳзод А. Лирика Абд ар-Раҳмана Джами. Проблемы текста и поэтики. – Москва: Наука, 1988. – 326 с.
46. Аҳмедов Б. А. Жития мусулманских святых, как исторический источник \\ «Источниковедческие изыскания». – Тбилиси: 1988. – С. 207 – 214.
47. Аҳмедов Б. Хондамир. – Тошкент: Фан, 1965. – 53.
48. Бертельс Е. Э. Навои и Джами. – Москва: Наука, 1965. – 498 с.
49. Бозорова Н. Алишер Навоий ғазалларида “сир” талқинлари. / “Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 49 – 52.
50. Болдырев А. Н. Алишер Навои в рассказах современников / Алишер Навои. Сборник статей. – Москва: Академии наук СССР, 1946. – 149 с.
51. Бухорий, Ҳожи Абдулғафур Раззоқ. Тариқатга йўлланма. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003. – 103 б.
52. Воҳидов Р. Шарқнинг буюк алломаси. – Тошкент: Фан, 1989. – 72 б.
53. Воҳидов Р., Маҳмудов М. Иймон – қалб гавҳари. – Тошкент: Маънавият, 1999. – 199 б.
54. Журналистика. Назарияси, тарихи ва тараққиёти. А. Нурматов, Б. Дўстқораев, Ф. Мўминов, Ҳ. Саидов, Н. Тошпўлатова, С. Махсумова. I жилд. – Тошкент: O'zbekiston, 2019. – 582 б.
55. Журналистика. Медиалингвистика ва таҳрир. Д. Тешабаева. Г. Бакиева, М. Исроил, Л. Тошмуҳамедова, М. Нуритдинова. III жилд. – Тошкент: O'zbekiston, 2019. – 549 б.
56. Журналистика. Босма оммавий ахборот воситаларида жанрлар ва маҳорат масалалари. Ҳ. Саидов, Н. Тошпўлатова, А. Нурматов, Б. Дўстқораев, С. Ашуров, Н. Тухлиева, Д. Дултаева, Д. Умарова, Ё. Эркабоева. V жилд. – Тошкент: O'zbekiston, 2019. – 510 б.
57. Журналистика. Ф. Мўминов, Н. Тошпўлатова. X жилд. – Тошкент: O'zbekiston, 2019. – 293 б.

58. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 212 б.
59. Исҳоқов Ё. Икки жаҳон халқига ҳайрат. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2001. 9 февраль.
60. Каримова С.О. Формирование публицистических жанров // Международный журнал экспериментального образования. – 2015. – № 11-2. – С. 270-273.
61. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009. – 448 б.
62. Мелибоев А., Нестеренко Ф.П., Эрназаров К. Т., Маматова Я. М., Коробкин Д. В. Труд журналиста: профессионализм, творчество, мастерство. Учебное пособие. – Ташкент: Zar qalam, 2002. – 219 с.
63. Муллахўжаева К. “Хамса” муқаддимотларида Жомий сиймоси. // Жомий ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 72 – 80.
64. Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 206.
65. Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан, 1968. – 353 б.
66. Олим С. Ишқ ошиқ ва маъшуқ. – Тошкент: Фан, 1992. – 79 б.
67. Олим С. Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – 216 б.
68. Очилов Э. Жомий – Навоий идеалидаги комил инсон. // Жомий ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 98 – 106.
69. Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 236 б.
70. Сирождинов Ш. Алишер Навоий ақидалари. – Тошкент: Navoiy universiteti NMU, 2018. – 40 б.
71. Султонов И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. – 376 б.
72. Tashmuhamedova L. Adabiyot tarixi va nazariyasi. O'quv qo'llanma. 1-qism. – Toshkent: Shifoat nur fayz, 2020. – 160 b.
73. Тоутант М. Навоий ва Жомий. // Жаҳон адабиёти, 2016. № 2. – Б. 170 – 182.
74. Тоғаев О. Публицистика жанрлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 179.

75. Турсунов Ю. “Муншаот” асарининг матний тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. – 145 б. араб ёзувида – 117 б.
76. Усманов И. Взгляд на сатиру Убайда Зокони. – Душанбе: Маориф, 1991. – 72 б.
77. Холмўминов Ж. Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг тасаввуфий-ирфоний қарашлари. Фал. ф. н. дисс. автореферати. – Тошкент. 2003. – 28 б.
78. Холмўминов Ж. Жомий ва ваҳдат ул-вужуд таълимоти. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 235 б.
79. Холмўминов Ж., Ҳазратқулов Ж. Форсий адабиётнинг жаҳон адабиётигаги ўрни. – Тошкент: Янги нашр, 2012. – 238 б.
80. Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. – Тошкент: Tafakkur, 2011. – 287 б.
81. Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адаблари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1989. – 108 б.
82. Шомухаммедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. – Тошкент: Давлат бадий адабиёт, 1963. – 197 б.
83. Эрназаров Т. Э., Акбаров А. И. История печати Туркестана. Ташкент: Укитувчи, 1976. – 288 с.
84. Эргашев Қ. Навоийнинг мемуар-биографик асарларининг жанрий-услубий хусусиятларига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти, 2009. № 4. – Б. 22 – 25.
85. Эшмуродов С. Публицистика – тарихий манба. // Хуррият. – 2016. – 6 март.
86. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1977. – 460 б.
87. Қаюмов А. Назм ва тафаккур қуёши. – Тошкент: Фан, 1992. – 47 б.
88. Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2011. – 271 б.
89. Ғаниева С. Навоий насрининг жанр хусусиятлари. // Алишер Навоийнинг ижодий мероси ва унинг жаҳоншумул аҳамияти. Илмий-назарий анжуман маърузалари тезислари. – Тошкент: Фан, 2001. – Б. 19 – 20.
90. Ғаниева С. Яна “Ҳамсат ул-мутаҳаййирин” ҳақида. // Жомий ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005. – Б. 26 – 29.

91. Ғаффоров Н. Алишер Навоий “Хамса”сида сўфийлар тимсоли. Фил. ф. н. дисс. – Тошкент, 1999. – 25 б.

92. Ҳазратқулов М. Тасаввуф. – Душанбе: Маориф, 1988. – 125 с.

93. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 240 б.

94. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – 215 б.

95. Ҳайитов Ш. Алишер Навоий насрида комил инсон образи. Филология фанлари бўйича фан докторлиги диссертацияси (DSc) – Фарғона: 2020. – 288 б.

96. Ҳайитов Ш. Маноқиб жанри ва Навоий “Ҳолот”лари. // “Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари тўплами. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 112 – 114.

97. Ҳамдамов Ю. Замон ва мезон. – Тошкент: Ўзбекистон, 1991. – 119 б.

98. Ҳамдамов Ю. Тараққиёт мезони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 216 б.

99. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 223 б.

100. Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. – Тошкент: Маънавият, 1998. – 159 б.

101. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – 200 б.

102. Ҳаққулов И. Руҳ ва маъно сарбони. // Жомий ва Навоий: форс-тожик ва ўзбек илмий-адабий алоқалари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Tafakkur, 2020. – Б. 34.

103. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2009. – 206 б.

III. Луғат ва энциклопедиялар

104. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. 1-том. – Тошкент: Фан, 1983. – 656 б.

105. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. 2-том. – Тошкент: Фан, 1983. – 642 б.

106. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. 3-том. – Тошкент: Фан, 1984. – 624 б.

107. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. 4-том. – Тошкент: Фан, 1985. – 636 б.

108. Адабиёт энциклопедияси. Болтабоев Ҳамидулла. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2015. – 664 б.

109. Алишер Навоий: қомусий луғат. Иккинчи жилд. – Тошкент: Sharq, 2016. – 480 б.

110. “Маънавият” асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – 760 б.

111. Навоий асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: Фан, 1993. – 374 б.

112. Тасаввуф атамалари. – Тошкент: Моваронуннаҳр, 2015. – 359 б.

113. Tasavvuf ve irfan terimleri sözlüğü. – Istanbul: Ensar neşriyat, 2007. – 536 s.

114. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005. – 656 б.

115. Ғиёс ул-луғот. 1-жилд. – Душанбе: Адиб, 1987. – 480 б.

116. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – 299 б.

IV. Интернет нашрлари

117. <https://www.cambridge.org>
118. <https://www.enu.kz>
119. <http://www.eskieserler.net/kitapdetayi.php?id=623>
120. <https://www.hgu.tj>
121. <http://www.hi-edu.ru/e-books/xbook714/01/part-003.htm#i165>
122. www.indiana.edu
123. <https://www.istanbul.edu.tr>
124. <https://literature.az>
125. http://www.nazaykin.ru/lekcii/copywriting/pr_smi_re/hud_genre.htm
126. <https://www.natlib.uz>
127. <https://studfile.net/preview/7103761/page:17>
128. https://studref.com/319538/zhurnalistika/hudozhestve_Vnno_publitsisticheskie_zhanry
129. <https://www.uchicago.edu>
130. <https://www.universityofcalifornia.edu>
131. www.wikipedia.org
132. <http://ziyonet.uz>

МУНДАРИЖА

КИРИШ	4
--------------------	---

I. НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ТАСВИРИ

1.1. Замондошлар тимсолини яратишга асос бўлган омиллар.....	10
1.2. Навоий асарларида Абдурахмон Жомий таърифи.....	25
1.3. Навоий ижодида Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад тасвири.....	59

II. НАВОИЙ МАНОҚИБ-ҲОЛОТЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

2.1. Адабий наср ва бадий публицистика синтези	77
2.2. Маноқиб-ҳолотларнинг яратилиш тарихи, омиллари, муаллиф ижодидаги ўрни.....	93
2.3. Маноқиб-ҳолотларнинг жанрий хусусиятлари	110
2.4. Маноқиб-ҳолотларда тарихий шахслар таърифи	125

III. ТАРИХИЙ ШАХС ПОРТРЕТИ ТАСВИРИДА КОМИЛ ИНСОН ТАЛҚИНИ

3.1. Жомийнинг устоз ва пир сиймоси сифатида гавдалантирилиши.....	134
3.2. Саййид Ҳасан Ардашер фазилатлари тасвири	165
3.3. Паҳлавон Муҳаммаднинг комиллик тимсоли сифатида тасвирланиши	175

IV. НАВОИЙ МАНОҚИБ-ҲОЛОТЛАРИНИНГ БАДИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

4.1. "Ҳамсат ул-мутаҳаййирин" тузилишининг ўзига хосликлари.....	184
4.2. Ҳолотлар композицияси.....	216
4.3. Маноқиб-ҳолотларда ифода, тасвир, зуллисонанлик ва кўптиллик.....	237
ҲУЛОСА	260
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ	269

ФАРРУХБЕК ОЛИМ

**АЛИШЕР НАВОИЙ МАНОҚИБ-ҲОЛОТЛАРИДА
БАДИИЙ-ПУБЛИЦИСТИК МАҲОРАТ**

Муҳаррир: *Ҳ. Закирова*
Мусахҳиҳ: *С. Алимбоева*
Техник муҳаррир: *А. Юлдашев*
Саҳифаловчи: *Т. Шоназаров*

Нашриёт лицензияси AI № 247, 02.10.2013 й.
Босишга 28.06.2022 да рухсат этилди. Бичими 84×108¹/₃₂.
«Cambria» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли б.т. 16,09. Нашр табоқ 15,8. Адади 200 нуска.
54-рақамли буюртма.

«ELNUR-PRINT» МЧЖ да чоп этилди.
Тошкент ш., Алишер Навоий кўчаси, 30-уй.



ISBN 978-9943-8417-6-5

